

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



А. Мухтаров, Т. Султонов

# МИЛЛИЙ ҒОЯ

ТОШКЕНТ

1-53


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А. Мухтаров, Т. Султонов

# МИЛЛИЙ ҒОЯ

*Ўқув-услубий қўлланма*



Тошкент - 2016

**Мухтаров Азамат, Султонов Турсунбой. Миллий ғоя. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2016. – 322 б.**

Ушбу ўқув-услубий қўлланмада мамлакат олий ўқув юртлирида Утиладиган миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар фанига доир мавзулар, ғоя ва мафкура масалалари муҳасаммашган. Унда миллий ғоя фанининг предмети, мақсади ва вазифалари, қонун ва категориялари, методлари, принциплари, тушунчалари, тарихий илдилари, шаклланиш босқичлари, миллий ғоя, ижтимоий тараққиёт ва мафкуравий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги, миллий мафкуранинг бош ғояси: озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ва унинг асосий ғоя (устунлари) ва тамойиллари, ғоявий таҳдидларнинг йўналишлари, мафкуравий таъжовуз ва ахборот хавфсизлиги, шахс, жамият, давлатларга бунёдкор ва вайронкор ғояларнинг ижобий ва салбий таъсирлари ёритилган.

Ўқув-услубий қўлланма мутахассислар, профессор-ўқувувчилар, олий ўқув юртлири талабалари ҳамда кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган. У айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, қўлланма юзасидан билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни муаллифлар миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

**Маъсул муҳаррир: К. Куронбоев – с.ф.д., профессор.**

**Такризчилар: И. Саифназаров - фалсафа фанлари доктори, профессор.  
А. Бобоев - фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

**Мухтаров Азамат, Султонов Турсунбай. Национальная идеология. Учебно-методическое пособие. – Т.: ТГЭУ, 2016, 322 стр.**

В этом учебно-методическом пособии воплощены проводимые в высших учебных заведениях национальная идеология: основные понятия и темы по тенденциям предмета, идеи и вопросы идеологии. В нем освещены предмет дисциплины национальная идеология, цель и задачи, законы и категории, методы, принципы, понятия, исторические корни, степени формирования, национальная идеология, взаимосвязь социального развития и идеологических процессов, в том числе главная идея национальной идеологии это свободная и цветущая Родина, строить свободную и благополучную жизнь и ее основные идеи и тенденции, направления идеологических угроз, идеологическая агрессия и безопасность информации, личности, общество, влияние положительных и отрицательных созидательных и разрушенных государствам.

Учебно-методическое пособие предназначено специалистам, профессорам, преподавателям, студентам высших учебных заведений и широкому кругу читателей. Оно возможно имеет некоторые недостатки. Имея ввиду этих нарушений авторы с удовольствием примут все мнения по учебному пособию.

**Ответственный редактор: К. Куронбоев, д.п.н., профессор.**

**Рецензенты: И. Саифназаров – доктор философских наук, профессор  
А. Бобоев – кандидат философских наук, доцент.**

**Muxtarov Azamat, Sultanov Tursunboy. National Idea. Study methodological complex. – Т.: TSUE, 2016- 322 p.**

In represented below methodological complex concerning the subject of national idea, which is taught in country's higher education institutions, its basic concepts and principles, identifying issues of idea and ideology are jointed. The subject of the science of national idea, its aim and objectives, its laws and categories, methods, principles, concepts, historical roots, its formation stages, national idea, correlation of social development and ideological processes, creating free and prosperous Nation, independent and wealthy life as the primary idea of national ideology have been considered and its fundamental principles, issues of ideological threat directions, ideological aggressions and information security, creative and destructive ideas positive and negative affects upon individual, society, country are highlighted as well.

The designed methodological complex is oriented for wide range of specialists, professors, teachers, higher education students, and all level of bookworms. As some kind of shortcomings might be observed in the manual, opinions in case of emerging some additional considerations will be warmly and gratefully accepted by the authors.

**Executive editor: Q. Qurbonov – Ph. D., Professor.**

**Reviewers: I. Saifnazarov – Ph. D., Professor.  
A. Boboyev – Ph. D., Associate professor.**

*Маъмур ўқув-услубий қўлланма Тошкент давлат иқтисодий университетини Илмий Кенгашиши қарорига (2015 йил 29 августдаги 1-сонли йилги бажномасига) биноан нашрга таъсия этилди.*

**© - Тошкент давлат иқтисодий университети, 2016.**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	9
<b>1-боб. “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ</b> .....	13
1.1. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг мақсад ва вазифалари.....	13
1.2. Ғоя – инсоният тараққиётининг ҳаракатлантирувчи омили.....	27
1.3. Мафкура тушунчасининг мазмуни. Мафкуранинг элементлари.....	35
1.4. Президент Ислом Каримов асарлари – миллий ғоя ва мафкуранинг илмий-услубий асоси.....	42
1.5. Миллий мафкуранинг бош ғояси ҳамда уни амалга оширишнинг асосий тушунча ва тамойиллари.....	48
1.6. Жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларида ғояларнинг дифференциациялашуви ва мафкурaviй таъсир.....	59
<b>2-боб. “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ, ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ</b> .....	64
2.1. Инсоният тарихида ғоя ва мафкуралар намоён бўлишининг асосий босқичлари.....	64
2.2. Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ғоялар тарихи ва фалсафаси.....	75
2.3. Шарқ ва Марказий Осиёда ғояларнинг намоён бўлиши.....	78
2.4. Ғарб мамлакатларида ғоявий қарашларнинг такомил босқичлари.....	87
2.5. XX аср охири – XXI аср бошидаги мафкурaviй жараёнлар.....	105
2.6. Мустақиллик – миллий ғоя фанининг бош мавзуси. Маънавий жасорат – миллат ғояси ва руҳининг ифодаси.....	111
<b>3-боб. МИЛЛИЙ ҒОЯ, ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАФКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ</b> .....	117
3.1. Ижтимоий тараққиёт ва тарихий жараёнларнинг миллий ғоялар шаклланиши ҳамда амал қилишига таъсири.....	117
3.2. Миллий ғоя моҳиятида халқ манфаатининг ифодаланиши.....	123
3.3. Миллий ғоя ва мафкурали ривожлантириш омилилари.....	130
3.4. Миллий ғояда менталитетнинг намоён бўлиши.....	139
<b>4-боб. ҒОЯВИЙ ТАХДИДЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b> .....	145
4.1. Президент Ислом Каримов мафкурaviй тахдидлар, уларнинг мазмун – моҳияти ва асосий йўналишлари ҳақида.....	145
4.2. Вайронкор ғояларнинг реакция моҳияти ва уларга қарши курашнинг тарихий зарурати.....	151
4.3. Мафкурадаги мутлақ жамоавий ва мутлақ индивидуал ёндашувларнинг салбий оқибатлари.....	157
4.4. Жаҳон молиявий инкнрозининг мафкурaviй жараёнларга таъсири.....	159
<b>5-боб. МАФКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ</b> .....	164
5.1. Мафкурaviй тажовуз ва унга қарши миллий хавфсизликни таъминлаш зарурати.....	164

5.2. Мафқуравий таҳдиднинг ошқора ва ёпик характери. ....	174
5.3. Ахборот хавфсизлигининг локал ва глобал аҳамияти. ....	186
<b>6-боб. МАФҚУРАВИЙ ФАОЛИЯТ – МИЛЛИЙ ҒОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ. ....</b>	<b>190</b>
6.1. “Мафқуравий муносабатлар” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари. ....	190
6.2. “Мафқуравий фаолият” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари. ....	194
6.3. Бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафқуравий фаолият тамойиллари. ....	201
6.4. Мафқуравий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий технологиялари... ..	203
<b>7-боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАФҚУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ. ....</b>	<b>207</b>
7.1. Ҳозирги даврда дунёнинг мафқуравий манзараси. ....	207
7.2. Президент Ислом Қаримов “Мафқуравий майдон” тушунчасининг шаклланиш ва намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида.....	217
7.3. “Мафқуравий полигон” тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.....	224
7.4. Мафқуравий иммунитетни шакллантириш омиллари.....	229
<b>8-боб. ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ. ....</b>	<b>234</b>
8.1. Жамият барқарорлигини таъминлашда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий омилларнинг муштараклиги. ....	234
8.2. Миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик тушунчалари ва уларнинг миллий ғоя билан муштараклиги. ....	242
8.3. Миллий ғоя, демократия, миллий давлатчилик ва демократик ривожланишнинг шарқона талқини. ....	254
8.4. Ижтимоий ҳамкорлик, Ватан равнақи ва юрт тинчлиги, миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғоялари. ....	262
<b>9-боб. ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ РОЛИ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ. ....</b>	<b>275</b>
9.1. Президент Ислом Қаримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг тафаккур янгиланишига таъсири. ....	275
9.2. Бозор муносабатларига ўтишнинг инсон тафаккурига таъсири. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. ....	286
9.3. “Мафқуравий тарбия” тушунчаси, унинг мазмуни ва намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда ташвиқот-тарғибот тамойиллари. ....	296
9.4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми. ....	307
<b>ХУЛОСА. ....</b>	<b>312</b>
<b>ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. ....</b>	<b>316</b>

# СОДЕРЖАНИЕ

<b>ВВЕДЕНИЕ</b> .....	9
<b>Глава 1. ПРЕДМЕТ, ЦЕЛЬ И ЗАДАЧИ ДИСЦИПЛИНЫ «НАЦИОНАЛЬНАЯ ИДЕЯ ОСНОВНҚЕ ПОНЯТИЯ И ТЕНДЕНЦИИ»</b> .....	13
1.1. Цель и задачи дисциплины: “Национальная идея основные понятия и тенденции” .....	13
1.2. Идея – движущий фактор развития человечества .....	27
1.3. Содержание понятия идеология. Элементы идеологии .....	35
1.4. Произведения Президента Ислама Каримова как научная основа национальной идеи и идеологии .....	42
1.5. Главная сущность национальной идеологии и основные идеи его воплощения. Основные понятия и тенденции .....	48
1.6. Дифференциация идей в социальном-политических тенденциях общества и идеологическое влияние .....	59
<b>Глава 2. ИСТОРИЧЕСКИЕ КОРНИ, ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДИСЦИПЛИНЫ “НАЦИОНАЛЬНАЯ ИДЕЯ: ОСНОВНЫЕ ПОНЯТИЯ И ТЕНДЕНЦИИ”</b> .....	64
2.1. Основные этапы появления идеи и идеологии в истории человечества .....	64
2.2. История идеи и философии в книге Президента Ислама Каримова “Высокая духовность – непобедимая сила” .....	75
2.3. Появление идеи на Востоке и Центральной Азии .....	78
2.4. Этапы развития идейных взглядов в Западных странах .....	87
2.5. Идеологические процессы конца XX и в начале XXI века .....	105
2.6. Независимость – главная тема дисциплины национальная идея. Идеологический подвиг выражение национальной идеи и духа .....	111
<b>Глава 3. ВЗАИМОСВЯЗЬ ПРОЦЕССОВ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ, СОЦИОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ</b> .....	117
3.1. Влияние социологического развития и исторических процессов на формирование и действие национальных идеологии .....	117
3.2. Выражение народных интересов в сущности национальной идеологии .....	123
3.3. Факторы развития национальной идеи и идеологии .....	130
3.4. Появление менталитета в национальной идеологии .....	139
<b>Глава 4. НАПРАВЛЕНИЯ ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ УГРОЗ</b> .....	145
4.1. Президент Ислам Каримов об идеологических угрозах, их сущности и основные направления .....	145
4.2. Реакционная сущность разорённых идей и историческая необходимость борьбы за ними .....	151
4.3. Отрицательные результаты абсолютно общественных и абсолютно индивидуальных подходов в идеологии .....	157
4.4. Влияние мировых финансовых упадков в идеологические процессы .....	159
<b>Глава 5. ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ АГРЕССИЯ И БЕЗОПАСНОСТЬ ИНФОРМАЦИИ</b> .....	164
5.1. Идеологическая агрессия и необходимость снабжения национальной безопасности против нее .....	164

5.2. Открытый и закрытый характер идеологических угроз . . . . .	174
5.3. Локальное и глобальное значение безопасности информации.....	186
<b>Глава 6. ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ – ВОПЛОЩЕНИЕ ИДЕИ.....</b>	<b>190</b>
6.1. Понятие «Идеологические отношения», его сущность и особенности его появления.....	190
6.2. Понятие «Идеологическая деятельность», ее сущность и особенности ее появления.....	194
6.3. Тенденции идеологической деятельности направленные воплощению созидательных идей . . . . .	201
6.4. Современные технологии воплощения идеологической деятельности.....	203
<b>Глава 7. ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ.....</b>	<b>207</b>
7.1. Идеологический вид мира в настоящее время . . . . .	207
7.2. Президент И.Каримов о формировании понятия и появления особенностей «Идеологической арены» . . . . .	217
7.3. Понятие «Идеологический полигон» и особенности его появления.....	224
7.4. Факторы формирования идеологического иммунитета.....	229
<b>Глава 8. СОЦИАЛЬНО-ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОСТИ ОБЩЕСТВА.....</b>	<b>234</b>
8.1. Общность экономико-политических и социально-идеологических факторов в обеспечении устойчивости общества.....	234
8.2. Понятия мирные международные соглашения, национальная и религиозная толерантность, а также их взаимосвязь с национальной идеологией.....	242
8.3. Восточная трактовка национальной идеологии, демократии, национальной государственности и демократического развития.....	254
8.4. Восточная трактовка национальной идеологии, демократии, национальной государственности и демократического развития.....	262
<b>Глава 9. РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ В ИЗМЕНЕНИИ МЫШЛЕНИЯ И МОРАЛЬНОМ ОБНОВЛЕНИИ ИНСТИТУЦИОННАЯ СИСТЕМА РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ.....</b>	<b>275</b>
9.1. Влияние книги Президента Ислама Каримова «Узбекистан на пороге достижения независимости» на обновлении мышления.....	275
9.2. Влияние на мышление человека в перехода на рыночные отношений.....	286
9.3. Понятия «Идеологическое воспитание», его сущности и особенности его появления, а также тенденции его аннотации и проаганды.....	296
9.4. Национальная программа подготовки кадров является составной частью национально-независимой идеологии.....	307
<b>ЗАКЛЮЧЕНИЕ.....</b>	<b>312</b>
<b>СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....</b>	<b>316</b>

## CONTENTS

<b>INTRODUCTION</b> .....	9
<b>Theme 1. THE SUBJECT, THE AIM AND OBJECT OF THE “NATIONAL IDEA: BASIC CONCEPTS AND PRINCIPLES”</b> .....	13
1.1. “National Idea: basic concepts and principles”. The aim and objectives of the subject .....	13
1.2. The Idea – driving factor of mankind development .....	27
1.3. Significance of the notion ideology. Elements of Ideology .....	35
1.4. The works of the President of the Republic of Uzbekistan – scientific methodical bases of national idea and an ideology .....	42
1.5. The principle idea of national ideology and main concepts and principles of its fulfillment.....	48
1.6. Ideas differentiation and ideological affect in the process of society socio-political processes .....	59
<b>Theme 2. THE HISTORICAL SOURCES AND FORMATION STAGES OF THE SUBJECT “NATIONAL IDEA: BASIC CONCEPTS AND PRINCIPLES</b> .....	64
2.1. The main stages of ideologies manifestation in the history of mankind.....	64
2.2. History and philosophy of ideas in the President Islam Karimov’s book “High spirituality is an invincible force” .....	75
2.3. Manifestation of ideas in the East and Central Asia .....	78
2.4. Advanced stages of ideological views in western countries. ....	87
2.5. Ideological processes in the end of XX – beginning of XXI centuries.....	105
2.6. Independence – is the primary topic of the subject National Idea. National bravery – is the expression of national idea and spirit .....	111
<b>Theme 3. NATIONAL IDEA, SOCIAL DEVELOPMENT AND IDEOLOGICAL PROCESSES CORRELATION</b> .....	117
3.1. The influence of social development and historical processes on the formation and functioning of national ideas .....	117
3.2. Performance of nation’s benefits in essence of national idea .....	123
3.3. Factors of national idea and ideology development.....	130
3.4. Mentality performance in national idea. ....	139
<b>Theme 4. DIRECTIONS OF IDEOLOGICAL THREATS</b> .....	145
4.1. The President Islam Karimov’s opinions about ideological threats, their notion and essence, and their main directions .....	145
4.2. Reaction essence of destructive ideas and the historical necessity of the struggle against them. ....	151
4.3. Absolute society and absolute individual approaches’ negative consequences of ideology .....	157
4.4. The world financial processes influence on the ideological processes.....	159

<b>Theme 5. IDEOLOGICAL AGGRESSIONS AND INFORMATION SECURITY</b> .....	164
5.1. Ideological aggressions and the need to ensure national security against it.....	164
5.2. Both obvious and covert nature of aggression.....	174
5.3. The local and global significance of information security.....	186
<b>Theme 6. IDEOLOGICAL ACTIVITY AS THE MEANS OF NATIONAL IDEA IMPLEMENTING</b> .....	190
6.1. The concept of “Ideological relationship”, its essence and features of performance.....	190
6.2. The principles of creative ideas realization ideological activity.....	194
6.3. Modern technologies of ideological activity implementation.....	201
<b>Theme 7. IDEOLOGICAL IMMUNITY FORMATION IN THE PROCESS OF GLOBALIZATION</b> .....	207
7.1. Ideological scene of the modern world . . . . .	207
7.2. The President Islam Karimov’s opinions on the formation and performance of the notion “Ideological field” . . . . .	217
7.3. The notion “Ideological firing field” it’s performance characteristics.....	224
7.4. The factors of ideological immunity formation.....	229
<b>Theme 8. SOCIO-IDEOLOGICAL BASES OF THE SOCIETY STABILITY INSURANCE</b> .....	234
8.1. Economic and political, socio-cultural factors coherence in society stability insurance. . . . .	234
8.2. The ideas of interethnic harmony, national and religious tolerance, and their coherence with national idea . . . . .	242
8.3. The Oriental interpretation of Eastern National idea, democracy, national state and democracy development . . . . .	254
8.4. Basic concepts of social cooperation, country’s welfare and nations peacefulness, national sovereignty ideology . . . . .	262
<b>Theme 9. THE ROLE OF THE NATIONAL IDEA IN IDEOLOGICAL CHANGES AND SPIRITUAL TRANSFORMATIONS. THE INSTITUTIONAL SYSTEM OF NATIONAL IDEA DEVELOPMENT</b> .....	275
9.1. The President Islam Karimov’s book “Uzbekistan on the threshold of independence” influence on ideology transformation. . . . .	275
9.2. Influence of transference into market economy on human ideology. National idea and cultural life. . . . .	286
9.3. The notion of “Ideological education”, its essence and performance characteristics and the principles of its propaganda . . . . .	296
9.4. National training program as the part of the idea of national sovereignty.....	307
<b>CONCLUSION</b> . . . . .	312
<b>BIBLIOGRAPHY</b> . . . . .	316

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳалари қатори маънавий-мафкуравий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Асосий қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга ошириш, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда барча тарихий ўзгариш ва янгиланишлар фуқароларимиз калби, онги ва шуурига улкан таъсир кўрсатмоқда. “Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз эзгу ниятларига эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда”<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда бутун дунёда тан олинган “Ўзбек модели” деб ном олган, жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлимизни танлаб олдик<sup>2</sup>. Ўзбекистон Президентини Ислом Қаримов томонидан илгари сурилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” ҳаёт синовларига бардош бериб, ўзининг бунёдкорлик кучини кўрсатмоқда. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси бўлиб, бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу ниятлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини ифода этади.

Табииyki, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча кишиларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак **тушунчаларни** ўз ичига олади. Барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона йўли ва гарови тинчлик ва осойишталик ҳисобланади. Ватан равнақи эса аввало, унинг фарзандлари, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Ватан равнақи ва фаровонлик ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бу миллий ғоямизнинг негизини ташкил этади.

Ҳозирги мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам инсон манфаатларига қаратилган, халқимизга, ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат. “Миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бегрикенглик каби **тамойилларнинг** маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий ишларни диққат марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”<sup>3</sup> муҳим вазифа қўйилганлигини унутмаслик керак.

<sup>1</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014. 81-82-бетлар.

<sup>2</sup> Қаримов И.А. Мамлакатимиз демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 4-бет.

<sup>3</sup> Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 75-бет.

Бугунги кундаги глобаллашув юксак технологияларга асосланган, янги ахборотлашув даври бўлиб, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларига айланиб боришини ангалатиш билан бирга, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг тезлик билан тарқалишини ҳам англалади. Ҳар қандай ютуқларга глобаллашув туғайли эришмоқдамиз. Лекин ана шу тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсад – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Тифиз ахборот асри маънавий таҳдидлар билан тўла. “Маънавий таҳдид аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим”<sup>4</sup>.

Бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уриш, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлайди. Бу борада Юртбошимиз бугунги замонда мафкура полигонлари, ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга деб кўп бор уктириб келган.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислоом Каримов “Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар”<sup>5</sup>, деган фикрининг ҳаққонийлигини исботлайди. Бу ғоя ва ҳақиқатни ёшлар қалби ва онгига сингдириш, мафкуравий иммунитетини илмий билимлар билан бойитишимиз, бунинг учун мафкуравий профилактика ишларини бош ғоямиздан келиб чиққан ҳолда муттасил олиб боришни тақозо этади.

Миллий ғоя ва мафқуранинг назарий ва амалий масалалари Президентимиз Ислоом Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида: “Жамият мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” (1998), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998), “Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват” нутқида (2000 йил 16 апрель), “Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (2000 йил 8 июнь), “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи сўз бошида, “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008), “Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” (2010), “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” (2011), “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” (2015) каби асарларида ривожлантирилди ва концептуал ғоялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Президентимизнинг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши (2001 18 январь), “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” (2006 йил 25 август) ги қарорида миллий

<sup>4</sup> Ўша жойда, 13-14-бетлар.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлларимиз билан курашимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 84-бет.

ғоя ва мафкура қонуниятлари, тушунча ва категориялари, асосий тамойилларининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари илмий такомиллаштирилди, бойитиб борилди. Миллий ғоя ва мафкурага доир кўплаб дарслик, қўлланма, китоб ва рисолалар чоп этилди.

Миллий ғоя ва мафкура фанининг мақсади эзгу ғоялардан ва соғлом мафқурадан махрум бўлган бирор-бир миллат ва жамятнинг узоққа бора олмаслигини, ҳар қандай халқ ва давлат ўз тараққиётининг ғоявий-мафқуравий тамойилларини белгилаб олиши зарурлиги ижтимоий жараёнларнинг муқаррар қонуниятлари эканлигини ёшларнинг қалби ва онгига сингдиришдан иборат. Бу эса келажагимизни яққол тасаввур этиш, жамятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафқуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғоя ва мафқуравий қарашларни чуқурроқ ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди.

“Миллий ғоя ва мафқуравий таълимотни қандай зарурат шакллантирди?” ва “Ундан кўзланаётган мақсад-муддаолар нима?” каби саволларга Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг кўп йиллик изланишлари, асарларидаги фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топган. Аввало таъкидлаш лозимки, миллий истиклол ғояси фани тасодифан эмас, балки ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга яхлит назариядир. Шу маънода, у мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурати, қонуний ҳосиласи, халқимиз мақсад-муддаоларининг ифодасидир.

Миллий ғоя ва мафқура ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим тизими олдига ғоявий-мафқуравий тарбияни кучайтириш вазифасини қўяр экан, ушбу ўқув қўлланмани яратишда таълим тизимининг барча бўғинларида миллий ғоя ва мафқура ниқотишининг мавжуд дарслик, қўлланмари таҳлил қилиниб, олий таълимда уларнинг такрорланишига йўл қўйилмади.

Миллий ғоя ва мафқура фанини ўрганиш ва ўргатишда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- мустақиллик биз учун энг олий қадрият, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш;

- ёшларда ғоялар ўз маъно-моҳиятига кўра бунёдкор ёки вайронкор бўлиши, уларнинг халқлар ва давлатлар тараққиётига таъсири, ҳозирги замоннинг мафқуравий манзараси, бузғунчи ғояларнинг таъсиридан хушёр ва огоҳ бўлиш шартлари ҳамда мезонлари ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний тасаввурларни шакллантириш;

- ўқув машғулотларини олиб боришда ўқувчи ва талабаларнинг ёши, тафаккури, дунёқараши ва қизиқишларини ҳисобга олиш, таълим-тарбиянинг илғор, таъсирчан воситаларидан, замонавий ўқитиш технологияси имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- айрим тушунчаларни ҳаддан зиёд соддалаштириш, таълимнинг эскича услуб ва тамойилларини қўллаш натижасида фанининг кадрсизланишига йўл қўймаслик;

- таълим жараёнида тазйик ўтказмай, маърифий асосда иш тутиш, ёшларнинг мустакил ва эркин фикрлаш, баҳс-мунозара юритиш кўникмаларини ошириш.

Бундан ташқари, гоё ва мафкуранинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда ўқитувчи ва тингловчилар орасида ўзаро ҳамфикрлик ҳамда ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, мавзуларнинг тушунча ва тамойилларини шарҳлашда ҳаётий мисоллар, бугунги дунёда рўй бераётган воқеалар таҳлили ва матбуот материалларидан кенг фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

# 1-боб. “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

## 1.1. “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг мақсад ва вазифаси ҳамда тушунчалари

Миллий ғоянинг предмети – *Миллий ғоянинг шаклланиши, кенг жамоатчиликнинг ишончи ва эътиқодига айланиши, унинг маданий негизларини ижтимоий ҳаёт, меҳнат фаолиятида намоён бўлиш шарт-шароитлари, омиллари, қонуниятларининг илмий-назарий асосларини ўрганадиган фандир.*

**Миллий ғоя ва мафкура фани** – ғоя ва мафкуралар ривожининг умумий қонунлари ҳақидаги фан бўлиб, унинг предметини ғоя ва мафкураларнинг моҳияти, келиб чиқиши, ривожланиш принциплари ва қонуниятлари ҳақидаги билимлар ташкил этади.


**Фаннинг предмети** – шахс, жамият, давлат фаолияти билан боғлиқ бўлган моддий ва рухий, маънавий воқеликларни акс эттиришда ҳосил бўлган билимларнинг мажмуи ва ўрганиладиган масалалар ташкил қилади.

**Миллий ғоя** – мустақилликни қўлга киритиш, уни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўзига ҳос нуфузга эга бўлиши учун имкон яратадиган халқни, миллатни жипслаштириб турадиган мақсадлар, манфаатлар мажмуидир. Миллий ғоя фанининг предметини фақат “ғоя ва мафкура” тушунчаларидан иборат деб ўйламаслик керак. Бу фаннинг предметини ҳозирги замондаги мафкуравий жараёнлар, унинг маъно-мазмунидаги ўзига ҳос мезонлари, таъсир этиш қонуниятлари, маълум бир макон ва даврда намоён бўлиш хусусиятлари, уни кўп миллатли давлатимиз фуқароларининг онги ва қалбига сингдириш йўллари ҳамда услубларини аниқлаш ҳам ташкил этади.

Бу жараён, **биринчидан**, миллий ғоянинг фан талаблари асосида, билим ва тажриба тизими орқали кишиларнинг онги ва тафаккури, дунёқараши, мақсад ва интилишлари миллий-маънавий меросга муносабатнинг жамият ҳаётида намоён бўлиш хусусиятлари билан боғлиқ. **Иккинчидан**, Миллий ғоянинг шаклланиши кишилар (халқ, миллат, авлодлар) амалий фаолиятида ҳамда ўзаро муносабатларида ишонч ва эътиқодга айланишининг намоён бўлиши ягона тартиб меъёрларга осонликча тушавермайди.

“Миллий ғоя”нинг предметини қуйидаги 1.1.1-расм асосида ҳам изохлаш мумкин. 2-боб, 1-параграфи “Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт” деб номланиб, миллий ғояга қуйидагича изоҳ беради: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”<sup>6</sup> (1.1.1-расм).

<sup>6</sup> Қаримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71- бет



**1.1.1-расм**

Миллий ғоянинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий, ижтимоий-иқтисодий, снәсий, миллий-маданий ривожланиш хусусиятларини, қадриятларини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, халқнинг маданияти, миллий-маданий меросини, одамларнинг ижтимоий муносабатларини қарор

топтириш билан боғлиқ мақсадларини, жамият ҳаётида намоён бўлишини таҳлил этиш ҳам муҳимдир. Шунингдек, **фанининг объекти** – Ўзбекистон танлаган таракқиёт йўли ва ижтимоий ривожланишнинг миллий-маънавий негизлари, умумбашарий тамойиллар ташкил этади. Кишиларнинг мақсади, фаолияти, диққат-эътибори қаратилган объектив борлиқ, моддий ва рухий дунё, воқелик, мавжудод, воқеа, ҳодиса, жараён, шахс, нарса, буюм ва ҳоказолардир.

**“Миллий ғоя” фанининг ўқитилиш сабаблари:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси мухбири саволларига берган жавобларида мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлаётганлигини таъкидлаб ўтган эди. “Миллий ғоя” рисоласи мазмунини халққа, ёшлар тарбияси жараёнига олиб кириш бугунги куннинг долзарб масаласи қилиб қўйилди. Бу аввало 3 жиҳатни ўз ичига қамраб олди:

1) Миллий дастурнинг асосий мақсади баркамол шахсни шакллантириш. Аслида бу Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам устувор жиҳатидир.

2) Миллий дастур мақсад ва вазифаларининг амалга оширилиши ҳуқуқий давлат қуриш, тафаккур ва мунозара маданиятини ривожлантириш, шахс ички дунёсини бойитишдан иборатдир.

3) Миллий ғояни ижтимоий онг сифатида шакллантиришни давр такозо этади.

Шунингдек миллий ғоя ва мафкура фанининг вужудга келишидаги сабаблар:

1) Объектив сабаблар.

2) Субъектив сабаблар.

3) Ички сабаблар.

4) Ташқи сабаблар ҳам мавжуд.

Президентимиз Ислом Каримов “Жамият бахт-саодатга, буюк ва ёруғ келажакка бошлаб боровчи ягона куч - маънавиятдир” – деган эдилар. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишилар туфайли жамият янгиланиб, кучайиб, тараққий этиб боради. Ёшлар онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва Ватанимиз равнақиға хизмат қиладиган баркамол авлодни вояга етказиш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” (2008) асарига таъкидлаганидек, “Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтдан бошлаб шакллантиришимиз зарур”(115-бет).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси” кенгайтирилган мажлисининг 2000 йил 30 сентябрдаги “Миллий ғоя” фанини узлуксиз таълим тизимига жорий этиш ҳақида”ги қарорига кўра 2000-2001 ўқув йилининг 2-чорагидан эътиборан умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув

режасидаги 7-9-синфлар учун “Маънавий асослари” ўрнига “Миллий гоё ва маънавий асослари” ўқув фани жорий этилди. 2000 йил 9 октябрда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу масалани яна бир бор кўриб чиқиб, уни ҳаётга жорий қилиш учун зарурий ишларни белгилаб олдилар.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилинди.<sup>7</sup> Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”<sup>8</sup> қарори қабул қилинди. Бу қарор асосида иккита марказ юзга келди.

Қарорга биноан Республика Маънавий ва маърифат кенгаши хузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавий ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети хисобидан молиялаштирилган 1) Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Шунингдек, Республика “Маънавий ва маърифат” кенгашининг илмий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган 2) Республика маънавий тарғибот марказига айлантирилди.

**Фанни ўрганиш зарурати.** Инсоният тарихий тараққиётининг цивилизациялашган даври бирон-бир жамиятнинг эзгу гоёлар ва мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқлаб келмоқда. Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигини қўлга киритгач, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек халқи олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби мақсадларни қўйди. Ана шу мақсадни амалга ошириш, юртимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун бизга ёт ва бегона гоё тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни воёга етказиш, бу йўлда гоёвий, мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришни тақозо этди.

Мустақилликнинг илк йилидаёқ мустабид “коммунистик гоё”дан воз кечилди. Ўзбекистон халқи ўз миллий гоёси негизларига таянган ҳолда ривожланиш йўлини танлади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Мустақиллик туфайли мамлакатимиз халқи ўзига хос йўлни танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу халқимизнинг маънавий мероси, кадриятларини қайта тиклаш имконини берди.

2. “Мустабид” тоталитар тузум “коммунистик гоё”си ўзбек халқини маънавий мероси, урф-одатлари, кадриятлари, маънавийтидан бегоналаштириш

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши //Маърифат. 2001 йил 20 январь.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори //Халқ сўзи. 2006 йил 26 август.

сиёсатини олиб борди. Эндиликда ана шу асоратлардан халос бўлиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

3. Ҳар қандай давлат, жамият, халқ мақсадсиз яшай олмайди. У ривожланиш учун маънавий асосларни белгилаб олиши зарур. Бу мақсад халқнинг миллий-маънавий ғояларида акс этган бўлиб, миллий истиклол ғоясини ўрганиш заруриятга айланди.

4. Жамият тараққиётида турли хил ғоялар ҳукмронлик қилиб келган бўлиб, ғоявий мақсадлар туфайли ҳар хил салбий оқибатларни юзага келтирган. Ана шу ғоя билан ғоянинг, мақсад билан мақсаднинг, фикр билан фикрнинг фарқини билиш учун Миллий ғоя ва мафқурани ўрганиш лозим.

5. Шахс, инсон, ижтимоий гуруҳ, қатлам, халқ, миллат, давлат мақсади, орзу нитилиши, қарашлари бир-бири билан фарқ қилганидек, унинг қандай мақсад ва ғоя эканлигига қараб баҳо берилади.

6. Айрим ғоялар маълум бир миллат, халқнинг мақсад, нитилишларини ҳисобга олмасдан ўз ғояларини “сингдиришга” уринади, бундай ёт ёки ёвуз ғоялардан огоҳ бўлиш учун Миллий ғоя ва мафқурани ўрганмоқ керак.


7. Бугунги кунда дунёда мафқуравий кураш, инсон онги ва қалби учун кураш кетар экан, айрим ёт ғоялар ёшларни ўзига ром қилиб, ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётганликлари боисдан ҳам Миллий ғоя ва мафқурани ўрганиш заруриятга айланди. “Келажаги буюк давлат”ни барпо этиш Миллий ғоява мафқурани сингдириш орқали амалга оширилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов бу борада: “Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафқуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура олдиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафқурани шакллантиришни тақозо этмоқда” (Каримов И. А. Асарлар. Т 9.-220 бет) деган эди.

**Миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари.** Миллий ғоя билан “Миллий ғоя” фанининг мақсадлари бир-биридан муайян даражада фарқ қилади. Чунки уларнинг **биринчиси** тараққиётимизнинг ғоявий асослари ва мафқуравий таълимотини ўзида мужассам этган назарияни, иккинчиси эса шу назария ҳақидаги ўқув фанини билдиради.

Президентимиз Ислоҳ Каримов Миллий ғоя ва мафқурасининг мақсади ҳақида фикр юритиб, уни шундай таърифлаган: *“Халқни буюк келажак ва улугвор мақсадлар сари бирлаштириш, малакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва қомил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиклол*

## мафкурасининг бош мақсадидир”<sup>9</sup>.



1.1.2-расм

Шу билан бирга, Миллий ғоянинг ижтимоий вазифаси билан “Миллий ғоя” фанининг вазифаси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқлар ғоянинг инсон ва жамият ҳаётидаги функцияси билан фаннинг ижтимоий тафаккур ва таълим-тарбия тизимидаги функцияси ўртасидаги ўзига хосликдан келиб чиқади.

Юртбошимиз Миллий ғоянинг вазифаси ҳақида тўхталиб шундай деган эди: “Мен Миллий ғоя бугун тез суръатлар билан ўзгараётган дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва кадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик кадриятлар, бутунжаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиклантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан”<sup>10</sup> (Каримов И. А. Асарлар. Т.9, 222-223-бетлар).

Демак, миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари умуминсоний кадриятлар устуворлиги тамойилига тўла-тўқис мос келиши, демократик эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини сақлашга доир халқаро андозаларга ҳамоҳанглиги билан

<sup>9</sup>Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 7-бет.


<sup>10</sup> Уша жойда.

ҳам инсоният тарихидаги кўпгина миллий ғоялардан фарқ қилади. Миллий ғоя халқимизнинг янги жамият қуриш йўлидаги ҳаракат дастури дейиш мумкин.

Миллий ғоянинг асосий мақсади фуқароларни, кенг жамоатчиликни асосий ғоялар, мақсад ва йўналишлар билан Ўзбекистон тараққиёт йўлининг маъно ва мазмуни, миллий-маданий негизлари, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарбиялашга қаратилган. Шу билан бирга фуқаро ва жамоаларда ишонч уйғотиш, уларни адолатли, демократик фуқаролик жамияти қурилиши мақсадларини амалга оширишга уюштиришда маънавий-руҳий жиҳатдан тарбиялашга қаратилган. Ғоя билан ғоянинг, фикр билан фикрнинг, жаҳолатдан маърифатнинг фарқини англашга, маърифатга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фуқароларда миллий ғояга зид бўлган ёт ва бегона, зарали ғоялардан саклашга, унга нисбатан фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш, унга доимо тайёр бўла олиш иммунитетини шакллантиради. Миллий ғоя мамлакат олдида турган улуг, бунёдкорлик ишлари ундан кўзланган асосий мақсад инсонларнинг эркин ва фаровон ҳаётга эришиши, озод ва обод Ватан қуриш йўлида ҳар бир киши учун ҳаракат йўналиши бўлишига қаратилган.


Миллий ғоя ҳеч қачон кишиларнинг онги ва дуёқарашини, уларни яна аллақандай “қолипга”, “ягона андозага” солишга қаратилган эмас. У фикрлар, ғоялар хилма-хиллигига асосланади. Эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш, ўзгалар фикрини тинглаш ва айтишга имконият яратади. Демак, Миллий ғоя “ҳукмрон ғоя”га интилишдан мутлақо бегона бўлганлиги билан ҳам бошқа носоғлом ғоялардан фарқ қилади. Миллий ғоя воқеа-ҳодисаларни билш, таҳлил этиш, уларга баҳо беришга имконият яратиб, бир қатор илмий, тарбиявий ва амалий вазифаларни ҳам бажаради<sup>11</sup>. Демак, миллий ғоянинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:



1.1.3-расм

Ушбу умумий жиҳатлардан ташқари миллий ғоя ва мафқуранинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос мақсад ва вазифалари ҳам мавжуд.

<sup>11</sup>Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиклол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. – Т.: Академия, 2005. 12-15-бетлар.



### 1.1.4-расм

Демак, миллий гоя ва мафқуранинг асосий тушунчалари куйидагилардан иборат (энг муҳимлари):

1. **Гоя** – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга қорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

2. **Миллий гоя** – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истикболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, таракқиётга хизмат қиладиган ижтимоий гоя шакли.


3. **Миллий истиклол гояси** – Ўзбекистон жамиятининг миллий истиклол гояси, ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган маънавий омилдир.

4. **Мафқура** (арабча – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари ифодаланаётган куч ва

кагламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истикболини ўзида ифода этадиган тушунча.

5. **Миллий мафкура** – миллатнинг этноижтимоий бирлиқ сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими. Миллий мафкура айнан “давлат” сўзининг маънодоши сифатид ишлатилади. “Миллий мафкура” тушунчаси ҳам Ўзбекистонда яшаб, унда фаолият кўрсатаётган барча миллат вакилларига тегишли<sup>12</sup>.

6. **Миллий истиклол мафкураси**<sup>13</sup> - истиклолга эришгандан кейин шаклланган ва тараққий этаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини, олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни химоя қилиб, қўллаб-қувватлайдиган қарашлар мажмуидир. Ёки бошқача айтганда, **миллий истиклол мафкураси** – жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири бўлиб, халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай, мустақил, эркин ва озод яшаш, ўзини-ўзи идора этишга қаратилган, унинг истикболини белгилайдиган орзу-умидлари, қарашлари, ғоялари мажмуи. Эришилган мустақиллик, озодлик, эркинликни яна ёт ва ёвуз кучлар қўлига бериб қўймай, уни инсон онги ва қалбига, эътиқодига айлантиришидир.



### 1.1.5-расм

**Тарих тажрибаси далолат берадики, дунёда 2 куч: 1) бунёдкорлик ва 2) бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғояларда гуманистик тенденциялар ўз ифодасини топган. Бунёдкорлик ғоя инсонни улғулайди, унинг руҳига қаноат бағишлайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг**

<sup>12</sup> Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Академия, 2007. – 185-бет.

<sup>13</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар ва атамалар (қисқача изохли тажрибавий лугат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 97, 99, 100, 113-бетлар.

пароканда юртни, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган.

*Бунёдкор ғоя деб, инсонни улуглайдиган, унинг куч-гайрати ва салоҳиятини ошириб, халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафарбар этадиган, ўзида меҳнат, тараққиёт, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғояга айтилади.*

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фарофон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизациясига эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбек том маънода бунёдкордир” деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмунини ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир.

**Озодлик ғояси** – мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

**Мустақиллик ғояси** – энг улуг ва эзгу ғоя. Ҳар бир халқ истиклол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиклардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

**Адолат ва ҳаққоният ғоялари** – инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушқунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган жамият юксакликка кўтарилади.

**Бузғунчилик ғоялар** эса халқлар бошига сўнгсиз қулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрлардаги салиб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган ғайринсоний ғоялар шулар жумласидандир.


Ёвуз ғоя ва мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли: **ақидапарсликдир**. Бундай мафкуралар муайян даврларда Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган. Бу ижтимоий иллат инсоният ХХI асрга қадам қўйган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда.

Ақидапарастлик қандай шаклда бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам жамият учун бирдек хатарлидир.

Ўрта асрларда Ғарбдаги ақидапарастлик мафкураси бўлган инквизиция черковнинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиб, хур фикр ривожига, жамият тараққиётига тўсик бўлди. Галилей ва Коперник каби юзлаб буюк ақл-заковат соҳиблари ва шундай ақидапарастлик таъқибига учраганлар, Жордано Бруно илмий қарашлари учун жаҳолат қурбони бўлган.

Демак, **вайронкор ғоя** деб, *турли таъсирчан воситалардан фойдаланиб, одамларни сохта ва пуч мақсадларга эргаштирувчи, уларнинг куч-қудратини бузғунчилик ва жиноятга йўналтирадиган, инсоният учун фақат қулфат келтирадиган ғояга айтилади.*

Шарқда эса Имом Бухорий, Ибн Сино сингари буюк алломалар ҳам турли тазйикларга дучор бўлганлар. Мансур Халлож, Насимий, Бобораҳим Машраб сингари хур фикрли зотлар эса қатл этилган.



**1.1.6-расм**


Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик хисси бор экан, жамиятда илгор ғоялар тўғилаверади. Бузғунчилик ғояларининг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, яъни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшамок ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

**Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга.** Муайян ғоялар одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элатлар ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга кадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян карашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси бўлади. Ғоялар ҳам ўз “умри”га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозиба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирига айланиши ҳам мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларини санаб ўтиш лозим бўлади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти – инсонни ва жамиятнинг мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидир.

Хулоса қилиб айтсак, **ғоя** деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган улуғвор фикрга айтилади.

**Ғояларнинг турлари.** Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак-оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари – илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ – муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.



1.1.7-расм

**Ижтимоий-сиёсий ғоялар** ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

**Илмий ғоялар** – фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиладиган илмий фикрлардир. **Илмий ғоялар** – илм-фан соҳасида бирон-бир сенсацион янгилликни илгари суриш орқали уни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги уринишлар.

Ғояларнинг “ҳаёти” уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашилиши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади.

Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси деб, “атом” тушунчасини киритган эдилар. Птоломей-Аристотелдан тортиб, ўрта аср Улуғбек астрономиясигача дунёнинг маркази Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор ғояларига асосланган эди.


Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлиниши, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А.Эйнштейн, Н.Бор, Ф.Резерфорд, М.С.Кюри ва бошқаларнинг номларини машхур қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантirdи. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади.

**Миллий ғояни ўрганишнинг асосий қонуниятлари.** *Миллий ғоя фани қонуниятлари* жамият ижтимоий-сиёсий жараёнлари, иқтисодий ва сиёсий маданият, ички ва халқаро тизимлар, унинг механизмлари, воситалари ҳамда амалиётни ўрганишда муайян қонуниятларга таянади ҳамда амал қилади.

**Миллий ғоя ва мафкура фани қонуниятлари** деб, жамият ҳаётида мавжуд бўлган ғоявий ва мафкуравий ҳодисалар, жараёнларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбатан барқарор бўлган, ривожланиш хусусияти ва йўналишларини белгилайдиган, аниқ бир натижаларни келтириб чиқаришга мойиллик туғдирадиган муносабатлар мажмуига айтилади.

Миллий ғоя қонуниятлари давлат ҳокимияти ва жамият сиёсий ҳаётида ўзига хос қонуниятларнинг ҳаракат қилиши учун шароит яратиш, уларнинг ҳар бири доирасида ва ўзаро алоқаларида уйғун ҳаракат қилиш жараёнини вужудга келтира билиш, ўз навбатида ундан кўзланган мақсад йўлида фойдалана олиш миллий истиқлолда муҳим ўрин тутати.



**1.1.8-расм**

Демак, *Миллий ғоянинг қонуниятлари 2 турга бўлинади.*

Булар: 1) умумий ва 2) ўзига хос қонуниятлар.

**1. Умумий қонуниятлар** турли халқлар, мамлакатлар, жамиятлар ҳаётида амал қиладиган умумий асосга эга бўлган ички зарурий боғланишлар бўлиб, у жамият ва мафкуралар (ғоялар)нинг бир-бирлари биланузвий боғлиқлиги қонунидир. Жамият мафкурасиз яшай олмайди. Демак, биринчидан, мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. **Иккинчидан**, қаердаки ғоявий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона ғоя асосида бўлган мафкуралар

таъсири учун шароит вужудга келади. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 84-85-бетлар). У жамият олдидаги мақсадлар, уни амалга ошириш воситаларидир. Демак, Миллий ғоянинг умумий қонунлари қуйидагилардан иборат:

1) Турли халқлар, турли жамиятлар мавжуд. Уларнинг мақсадлари ҳам, ривожланиш йўллари ҳам турли хил. Яъни ривожланишнинг, ижтимоий тараққиётнинг хилма-хиллиги қонун орқали намоён бўлади.

2) Дунёнинг мафқуравий манзараси турли хил мақсадлар, турли хил манфаатлар, қарашлар билан бирга ёвуз ғояларнинг ҳам яшовчанлиги, “дунёда мафқура соҳасида курашнинг” давом этиб келаётганлиги билан боғлиқ.

3) Глобаллашув жараёнининг миллий ғояга таъсир этиши ҳам ўзига хос умумий қонуниятдир. Бу жараён турли мамлакатлар, халқлар ҳаётида акс этмай қолмайди.

**2. Ўзига хос қонуниятлар** ўзбек халқининг ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи, маданияти, миллий-маданий мероси ва кадриятларини акс эттиради. Бу қонуният миллий ғоянинг мазмуни, мақсади ва хусусияти нуқтаи назаридан қараганда алоҳида устувор аҳамиятга эга. Чунки бу қонуниятни ҳисобга олиш ўзбек халқининг, миллатнинг келажаги билан ўзлигини сақлаб қолиш ҳамда ўз негизда ривожланишини, дунёда ўзига хос ўринга эга бўлишни эътироф этиш билан боғлиқ. Тарихий жиҳатдан ёндашганда, бу соҳада “турли ғоялар”, “мафқуралар” ана шу муҳим қонуниятларга зид бўлган ҳолатларни ҳам кузатишини кўрсатади. Ўзбек халқини тилидан, маданиятидан, тарихидан ажратиб қўйишга бўлган уринишлар бунга мисолдир. Чунки ёт ва бегона ғоялар халқнинг турмуш тарзи, миллий-маданий кадриятларидан ажратиб қўйиш орқали уни заифлаштиришга ва ўз иродасига бўйсундиришга ҳаракат қилган.

Демак, миллий ғоянинг қонуниятлари ҳар бир халқ учун миллий ўзига хослигини замон ютуқлари билан боғланишнинг нафақат кафолати, балки ривожланиш стратегияси ҳамдир.

Бундан ташқари, фаннинг назарий ва методологик асослари Ўзбекистон Конституцияси, давлат мустақиллиги бўйича Олий Кенгаш, Олий Мажлис қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва ҳужжатлари, Президент Ислоҳ Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, Миллий ғояга доир фармон ва кўрсатмалари, қарорлари ҳисобланади.

Миллий ғоя билан барча фанлар, хусусан, фалсафа, ижтимоий иқтисод, **ижтимоий-сиёсий фанлар узвий боғлиқ**. Бу фанларнинг қандай ғояга асосланиши, уларни ўқитиш асосида ёшлар онги ва ишончига, қалбига қандай ғоялар сингдирилиши ҳар қандай жамият учун муҳим аҳамиятлидир. Умумбашарий принципларга таяниш ва эътироф этиш қондаси фанларнинг ривож учун кенг имконият беради. **Иккинчидан**, ҳар бир фан йўналишлари (соҳалари) орқали миллий ғоя негизларини – тарих орқали, фалсафий жиҳатларини – фалсафа, иқтисодий асосларини – иқтисод, диний асосларини – диншунослик, адабиёт ва санъат билан боғлиқ томонларини ўрганиш орқали миллий ғоя кишиларнинг ишонч ва эътиқодига айланиб боради.

## Миллий ғоянинг метод ва методологияси

### *“Миллий ғоя”нинг методлари:*

Барча ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар учун умумий бўлган фалсафий методлар: бу фан учун ҳам асосий метод ҳисобланади. Булар:

1. Диалектик метод.
2. Қиёслаш ва таққослаш методи (эски метод).
3. Назарий метод (фикрлаш, абстрактлашдан конкретлик сари ўтиш).
4. Ахлоқий метод.
5. Изохлаш методи.
6. Сиёсий прогностлаш методи (ижтимоий тўқнашувлар олдини олиш).
7. Ахборотлаш методи ёки интеграциялаш методи ҳам дейилади, яъни умумлаштириш методи: фан ютуқларидан фойдаланиш.
8. Эксперимент методи.
9. Кузатиш методи.
10. Эмпирик-социологик методлар (сўров, анкета, математик модель).
11. Статистик умумлаштириш методи.
12. Умумманткий метод (анализ, синтез, абстрактлаш, умумийлик ва ҳ.к.).

### *“Миллий ғоя”нинг методологик асоси:*

1. Фалсафий таҳлил.
2. Назарий таҳлил.
3. Ижтимоий борлиқни ўрганади.

1.1.9-расм

### **Миллий ғоя ва мафқуранинг принциплари:**

1. Объективлик принципи (ишончли далиллар асосида).
2. Тарихийлик принципи (ғоя ва мафқуралар шаклланиши ва ривожланиши).
3. Мантиқийлик принципи (объект моҳияти, меъзони мантиқий қонуниятлар асосида).
4. Ижтимоий ёндашув принципи (жамиятда вужудга келадиган ижтимоий жараёнлар).
5. Миллий ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш принципи<sup>14</sup>.

### **1.2. Ғоя – инсоният таракқиётининг харакатлантирувчи омили**

Ғоя тушунчаси: Ғоя – инсон тафаккури маҳсули бўлиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун нарса ва ҳодисалар тўғрисида илгари сурилган изчил фикрлар шакли. Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга қўзғатадиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр. Инсон онгининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Ғоя – у ёки бу ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни ё қўллаб-қувватлайди, ҳимоя қилади ёки рад этиб унга қарши курашишга даъват қилади.

<sup>14</sup> Яхшилик Ж.Я. Миллий ғоя ва мафқура. – Т.: Фан, 2015. 23-24-бетлар.

**Ғоя – инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир.** Ғоя – объектив воқелик ҳодисаларининг инсон тафаккурида ақс этишидир. Ғоялар дунёни ўрганишга ва амалий ўзгарувига хизмат қилади.

**Идеология** (Idea – ғоя, тушунча, logos – таълимот) атамаси эса ғоялар тўғрисидаги таълимотни англатади ва икки хил маънода ишлатилади:

1) ғояларнинг моҳият-мазмуни, шаклланиши, аҳамияти тўғрисидаги билимларни ифодалайди ва илмий соҳа бўлиб ҳисобланади;

2) муайян ғояни амалга ошириш, мақсадга етиш усуллари, воситалари, омиллари тизимини англатади.

**Ғоя деб,** инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикрга айтилади.

Демак:

1. Ғоя инсон тафаккурининг маҳсули;

2. Ғоя олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи фикрdir.

3. Олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи яна шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-маънавий кучга айланади. Уларни муайян мақсадга йўналтиради, сафарбар этади, жипслаштиради, ҳамкорликка ундайди.

**Ғоя моҳиятан ижтимоий характерга эга.** Муайян ғоя одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.


**Эзгу ғоя –** инсон тафаккурида вужудга келадиган, муайян фикрларнинг ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни бунёдкор мақсад-муддао сари етаклайдиган улугвор фикрларdir.

Ғоя моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч эканлигига қараб: синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ гоёси, умуминсоний ғоялар ҳам ажратилади.

Инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам ғоялар муҳим ўрин тутлади. Шу маънода, **инсоният тарихи – ғоялар тарихидир.**

Хўш, ғоя нима, нега унга бу қадар катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкураси “миллий давлатчилик тизими” (кокутай) “фукаролик бурчи”, “япон руҳи”, “тадбиркорлик”, “умуммиллийлик”,

“фидойилик”, “ватанпарварлик”, “патернализм”, “жамоага садоқат”, “модернизация” каби ғоя ва тушунчаларга асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларда пойдевор бўлди.




**1.2.1-расм**

Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафқурага таянади. Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин.



**1.2.2-расм**

Ғояларнинг хилма-хил турлари мавжуд. Оламнинг вужудга келиш, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этгани каби масалаларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм, дуализм, плюрализм, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келган.



1.2.3-расм

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин: 1. Илмий ғоялар. 2. Фалсафий ғоялар. 3. Диний ғоялар. 4. Бадий ғоялар. 5. Ижтимоий-сиёсий ғоялар. 6. Миллий ғоялар. 7. Умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Ўз олдига қўйган мақсади, қандай жамият қурмоқчи экани, бунга қандай йўллар ва воситалар билан эришмоқчи бўлаётгани ҳақидаги ғоялар тизими ҳар бир миллат, халқ ва жамиятнинг миллий мафқураси асосини ташкил этади.



1.2.4-расм

**Гояда эҳтиёжлар ва манфаатлар мутаносиблиги.** Жамият ҳаётида муҳим максادلарга йўналтирилган фаолият шахс ҳаётидаги ҳаракат меъёрларидан кўлами, моҳияти, мазмуни билан фарқ қилади. Жамиятнинг таракқий этган босқичларида яшаётган кишиларда ривожланган манфаатлар бўлади. Айни пайтда манфаатлар жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир.

Эҳтиёжларнинг таркиб топиши ва ривожланиши ҳамма вақт инсоннинг камол топиши, биринчи навбатда, унинг қобилиятлари билан боғлангандир. Чунончи, ёшларнинг вояга етиши, улар организмнинг ривожини, тарбиясини янгидан-янги эҳтиёжларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

**Эҳтиёж** – инсон талаблари асосида пайдо бўладиган табиий хусусият; унинг жонли мавжудот сифатида онгли ҳаёт кечирилишининг муайян шарт-шароитларига тобелигини ифода этувчи тушунча.<sup>15</sup> Ҳар қандай эҳтиёж ўз асосига кўра, инсоннинг муҳит билан ўзаро алоқадорлиги туфайли юзага келади.

Инсон эҳтиёжлари нечоғли ранг-баранг бўлса, инсон ўзининг манфаат ва интилишларида шунчалик бой бўлади.

Табиийки, эҳтиёжларни турларга бўлиш нисбий ва шартлидир. Қолбуки, ҳаётда моддий эҳтиёжлардан бутунлай ажратиб олинган маънавий эҳтиёжларнинг ўзи йўқ, шунингдек, соф биологик, соф ижтимоий эҳтиёжлар ҳам мавжуд эмас, инсон, ҳаттоки, энг содда эҳтиёжлар билан ҳам ижтимоий моҳият касб этади. Соф биологик эҳтиёжга ўхшаган, масалан, авлодни давом эттиришга бўлган эҳтиёж ҳам социал-маънавий эҳтиёжсиз маънога эга бўлмайди, яъни муҳаббатсиз, кадр-кимматсиз юксак ахлоқсизлик, эстетик гидроксиз амал қилмайди<sup>16</sup>.

Киши эҳтиёжи маданий борлиқнинг манбаигина бўлиб қолмасдан, балки унинг ажралмас тизими, яратувчиси, компоненти ҳамдир. Инсон эҳтиёжининг иккинчи томони – ижтимоий-маиший эҳтиёжларга, диний, ахлоқий, эстетик, билиш, таълим-тарбия эҳтиёжларидан иборат маънавий эҳтиёжга бошқариш ва ҳуқуқий эҳтиёжларга бўлинади. Эҳтиёжлар таснифини ўрганишда уни шартли равишда туркумлаштириш мумкин.

Шу ўринда эҳтиёж манфаат билан қандай бирлик ва тафовутда деган ҳақли савол тўғилиши мумкин.

Одатда манфаатлар эҳтиёжлар билан бир қаторда кўриб чиқилади. Уларни умумлаштирадиган нарса шуки, эҳтиёж ҳам, манфаат ҳам амалий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлардир.

Эҳтиёж манфаатни туғдиради, бунинг устига бир эҳтиёжнинг ўзи бир неча манфаатни талаб қилиши ҳам мумкин.

Шунга кўра эҳтиёжларни шартли равишда қуйидагича таснифлаш, уни туркумларга ажратиш мумкин(1.2.5-расм).


<sup>15</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли дугати. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 672 б.

<sup>16</sup> Қаранг: Умаров Э., Абдуллаев М. Маънавият асослари. – Т.: Шарқ, 2005. 27-28-бетлар.



1.2.5-расм

Демак, эҳтиёжлар ва манфаатлар уйғунлигининг миллий хусусиятлари, шахсий манфаатлар, гуруҳий манфаатлар, қавм-қариндошлик, уруғ-аймоғчилик ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси асосида миллий манфаатлар такомиллаша боради (1.2.6-расм). Бу қонуниятли жараён. Ана шу жараён миллий истиқлол мафқурасининг бир қатор инсонпарварлик тамойиллари билан узвий алоқадорликда кўзга ташланиши боисдан миллий ғоя ва мафқуранинг манфаат ва эҳтиёж билан боғлиқ жиҳатларини мунтазам ўрганиб бориш заруриятини юзага келтиради.



1.2.6-расм

Умуман, мақсад, манфаат ва эҳтиёжлар жамиятда ғоявий-мафқуравий жараёнларга ёки бу шакл ва формаларга таъсир ўтказида. Мақсад қайси кўринишда бўлишидан қатъий назар, агар у бунёдкорлик мақсади бўладиган

бўлса, у манфаат йўлида миллатни, халқни байроқ сифатида уюштиради ва бирлаштиради.

Ғоя ва мафқуралар муқобиллигининг йўналишлари, ғояларнинг интеллектуал асосларини ривожлантириш муаммолари, ғоялар ривожланишида сиёсий ғтакчиларнинг роли масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Ғоя ва мафқуралар муқобиллиги (плюрализми)нинг йўналишлари.** **Мафқуравий плюрализм** (лот. Pluralis – хилма-хиллик, ранг-баранглик) – ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайди. Инсон ва жамият ҳаётида ғоялар ва мафқуралар хилма-хиллигининг намоён бўлиши ижтимоий-маънавий эҳтиёж ифодасидир.

Юнон файласуфи Аристотель иккита инсон айнан бир хилда фикрламайди, уларнинг олам ҳақидаги тушунчалари, фикрлари хилма-хилдир деганда ҳақ эди. Дарҳақиқат, дунёдаги халқлар, миллатлар, мамлакатлар ва давлатлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг диний эътиқоди, миллий маданияти, демакки менталитети, мақсадлари ва тараққиёт йўллари ҳам ранг-барангдир. Ана шу дунёдаги ҳар бир давлат, халқ ва миллат, жамиятнинг мақсад ва манфаатларининг ўзига хос ғояси ва мафқураси мавжуд.

Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгига пайдо бўлади. Аини пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлади, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади. Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафқураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли даврларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Алишер Навоий ва Махатма Ганди каби буюк мутафаккирлар фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.


Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фарофон қилишдек олижаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизациясига эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбек том маънода бунёдкордир”, деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмуни ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир.

Шарқда жамият ривожини ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоийнинг қарашлари ўзига хос ўрин тутди. Улар асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди. У ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи идеал жамоа ҳақидаги ғояларни олға сурди.

Миллий давлатчилик ғояси ва унинг халқлар тараққиётига ижобий таъсирини мустақил Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик, минтақавий тинчлик, миллатлараро тотувлик борасида олиб бораётган сиёсати барқарорлик ҳукм суришига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муайян тарихий даврларда баъзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилган. Загонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Халқ улардан қувват олган, маънавий озиқланган, улар орқали ўз кадрятларини сақлаган.

Инсоният тарихида ўз талаб-эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қондириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюқ давлатчилик ва тажовузкор миллатчилик, фашизм ва экстремизм каби мафкураларни юзага келтирган. Бундай ғоялар халқлар бошига кўп қулфат ва мусибатлар солган.



### 1.2.7-расм

Ўз тарихини асосан XIX асрдан бошлаган ана шундай мафкуралардан бири – синфий антогонизм ғояларини мутлақлаштирган ва ҳокимиятни қурол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига қурилган миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдирган бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама-қарши тарафларга ажратиб юборди. Синфий кураш чизиги нафақат ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орқали, ҳатто оилалар ва инсонлар руҳияти орқали ҳам ўтди. Оқибатда граждандар урушига назарий пойдевор қўйилди. Инсон табиатиға, унинг моҳияти ва руҳиятиға зид бўлган биродарқушлик ҳолати вужудға келди. Ўғил отаға, ука акаға, дўст ўз биродарига қўл кўтариши ёқлаб чиқилди, рағбатлантирилди. Булар мардлик ва синфий онглилик намунаси деб талқин этилди. Натижада миллий кадрятлар топталди, миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, бутун бошли халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди.

### 1.3. Мафкура тушунчасининг мазмуни.

#### Мафкуранинг элементлари

**Мафкура** (арабча – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими<sup>17</sup>. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

**Мафкура** – арабчадаги “муфаккир”, “муфаккира тун” сўзларидан олинган бўлиб, чуқур маъноли, теран мазмунилик фикр демакдир.

**Мафкура** – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, элат, миллат, халқ, жамият, давлат эҳтиёж ва манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Президент Ислом Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб боришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга кодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан” (Асарлар, Т.7. 89-бет).

“Ғоя” ва “мафкура” тушунчалари бир-бирига яқин бўлсада, уларни айнан бир хил тушунча деб қарамастик керак. Сабаби:

*Биринчидан*, мафкура ғояга нисбатан мазмунан кенгрок тушунчадир.

*Иккинчидан*, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолиш ёки ўзгартиришга қаратилганлик, яъни мақсадлар ботиний эмас, балки зохирий таркибда мавжуд бўлишини, мафкуранинг ўзагини ташкил этади.

*Учинчидан*, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик, йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадорлик кучини намоён қила олиши мумкин.

Мафкуранинг назарий манбаалари:

1. Мафкуранинг фалсафий илдизлари.
2. Мафкуранинг дунёвий илдизлари.
3. Мафкуранинг диний илдизлари ҳақида сўз юритиш мумкин.

Демак, мафкуранинг 1) **фалсафий илдизлари** ҳақида фикр юритганда, унинг барча илмларнинг отаси бўлган фалсафа фани хулосаларига асосланиши назарда тутилган. Бунга уйғониш даври ва ўрта асрларда миллий давлатчилигини тиклай бошлаган. Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин.

Мазкур мафкуралар Рим империяси парчалангандан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалар асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги итальян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминидан

<sup>17</sup> Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим бакалаврият босқичи учун дарслик. – Т.: Академия, 2005. 35-бет.

вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти ҳазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.



1.3.1-расм

Жамият ва цивилизациялар ривожига улкан таъсир кўрсатган назариялар, таълимотлар ва мафкуралар мавжуд. Зардушт, Сократ, Платон, Конфуций, Алишер Навоий, Махатма Ганди ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари тарихда ўчмас из қолдирган. Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти Шарқ маданиятининг гуркираб ривожланишига буюк ҳисса қўшди.

Кант, Гегель, Ницше каби мутаффақирлар номи билан шухрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Жумладан, ҳақиқий миллий хусусиятларга эга бўлган Гегель фалсафаси Австрия империясидан ажралиб, мустақиллик йўлини тутган Прусс монархиясининг давлат мафкураси даражасига кўтарилган.

Мафкуранинг 2) **дунёвий илдиэлари** маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Асрлар мобайнида инсоният босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ҳам қонун йўли билан кафолатланади. Бундай жамият мафкураси “Дунёвийлик – дахрийлик эмас” деган тушунча асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафқуранинг 3) **диний илдизлари** деганда у инсон онги ва рухияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларига бориб тақалиши тушинилади. Яъни, кўпгина мафқураларда худо томонидан юборилган китобларда “Забур”, “Таврот”, “Инжил”, “Куръон” каби илохий китобларда зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.


Хитой халқининг тараққиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лао Цзининг таълимотлари ҳам диний қарашларга асосланган эди. Бу таълимотлар асрлар мобайнида мамлакатнинг миллий мафқураси бўлиб келган.

Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотрудий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғазолий ва Ибн Сино, Имом Термизий ва Абу Наср Форобий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади.

### Диннинг илдизлари:

1. “Авесто” – зардуштийларнинг муқаддас китоби (милоддан аввалги XII-VIII асрлар орасида, 3-мингинчи йиллар охири, 2-мингинчи йиллар бошларида). Зардуштра – ўзини пайғамбар деб эълон қилган. 124 мингдан кўпроқ пайғамбар ўтган. ЮНЕСКО томонидан 2001 йилда “Авесто”нинг 2700 йиллиги Хива шаҳрида нишонланди. Эрамиздан аввалги VI асрда Хоразмда яшаган, Чорвадор оиласи Питама уруғидан. Беруний фикрича (XI аср): Бу муқаддас китоб 3 қисмдан иборат:

- 1) Яшта(синфий жамиятгача бўлган кўп худодлик даври).
- 2) Гита – ягона яхшилик худоси Ахура мазда ҳақида.
- 3) Кўп худодлик Яшта ва ягона худодлик Гита ўртасидаги кураш.



### 1.3.2-расм.

2. **Таврот** – (қадимги ибрий тилида “гора” – қонун) Иудизм дини (яхудийлик) нинг худованд Мусо пайғамбарига нозил қилинган илохий

муқаддас китоби. У Мусо пайғамбарнинг илоҳий қонунларини ўз ичига олган 5 китоб: 1) Муқаддас китоб (Библия)нинг “Ибтидо”; 2) “Чикиш”; 3) “Левит”; 4) “Чўлда”; ва 5) “Амрлар” деган китоблардан иборат. Библияни ҳам таврот деб ишлатиш ҳоллари бор. Пасха – Яҳудийларнинг Миср асоратидан қутилган кунини нишонлайдиган байрами бор.

3. **Инжил** – насроний (христианлик) динининг асосий бош китоби (I аср бошларида Аллоҳ таоло томонидан Ҳазрат Исо Алайҳиссаломнинг 30 ёшида нозил этилган).

4. **Қуръони Карим** – ислом динининг (VII аср) асосий илоҳий муқаддас китоби. Азимушшаън Қуръон Аллоҳнинг Каломи бўлиб, унинг ҳар бир каломи Аллоҳ тарафидан сўзма-сўз (23 йил давомида) нозил этилган ва Ҳазрати Жаброил алайҳиссалом орқали пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган.

Шунингдек, машриқзамин манбаларида, асосан: “Раббий”, “Рабб”, “Мавло”, “Ҳақ”, “Ҳақ таоло”, “Худованд”, “Худовандо”, “Худои бузург”, “Парвардигор”, “Тангри таоло”, “Раббил оламийн”, “Тангри субхонаҳу ва таоло”, “Аллоҳ таоло”, “Тангри аzza ва жалла”, “Мавло жалла жалолуху”, “Зулжалол” каби сифатлар билан тавсифланади.

5. **Забур** (санолар, яъни саломлар маъносида) – ҳазрат Давуд (Исроилнинг улуг подшоши) алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган, милоддан аввалги 1050-900 йиллар орасида китобат қилинган.

Худо оламини, бутун борлиқни, барча жонли-жонсиз мавжудотларнинг яратувчиси – парвардигори оламнинг умумий номи бўлиб турли халқларда қуйидаги номлар билан аталади:

- 1) Форсларда – “Худо”.
- 2) Туркийларда – “Тангри”;
- 3) Арабларда – “Аллоҳ”.
- 4) Исломдан аввалги Эронда – “Яздон”, “Эзид”, “Худайгон”.
- 5) Яҳудийларда – “Яхва”.
- 6) Славянларда – “Бог”, “Господ”.
- 7) Ҳиндларда – “Даюто”.
- 8) Инглизларда – “Говд” тарзида зикр этилган.

### 1.3.4-расм

**Ижтимоий тараққиёт – ғоя ва мафқуралар тарихи сифатида.** Инсоният тарихига халқлар ва давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишига етаклаган ёки уларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоялар таъсир ўтказиб келган. Чунки инсоният тарққиёти ёки таназзулига ғоя ва мафқура бевосита таъсир этади. Мафқуравий жараёнлар ижтимоий шароитлар билан бевосита алоқадорликда бўлади.

Миллий ғоя ва мафқура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамияттни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади.

Тарихда даврлар алмашинуви билан мафкуралар ҳам ўзгариб борган. Ғоявий заифлик ва мфкуравий беқарорлик эса миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказадн, унинг тараққиётини оркага суриб юборади. Масалан, Македониялик Александр ва араб босқини, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди.

Мафкура ва ғоялар тарихий тараққиётда етакчи мавкелардан бирини эгаллайди. Инсониятнинг кўп минг йиллик ўтмиши буни яққол тасдиқлайди. Ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мфкурага эҳтиёж тўғилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Чунки, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради”<sup>18</sup>.

**Аслида меннинг назаримда, одамнинг қалбида иккита куч –  
бунёдкорлик ва вайронкорлик хамиша ўзаро қурашади.  
Ислоҳ Каримов**




Жамият тарихини ўрганиш кўрсатадики, илк моддий ва маънавий маданият масканларининг кўпчилиги дастлаб Шарқда шаклланган ва бу инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилган. Хусусан,

<sup>18</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон. 2000. -490 бет.

қадимги Миср, Вавилон, Турон, Ҳиндистон ва Хитойда вужудга келган цивилизациялар тарихда муҳим ўрин тутлади.

Қадимги Шарқ замини халқлари дунёда биринчилардан бўлиб ерга ишлов бердилар, табиатан танлаб олиш йўли билан маданий ўсимликларнинг қўлаб навларини етиштирдилар. Улар мураккаб суғориш иншоотлари ва мосламаларини яратдилар, тарихга маълум бўлган биринчи сув тегирмонлари ва обжувозларни қурдилар, дастлабки уй ҳайвонларини қўлга ўргатдилар, ипак қурти боқиб, ундан табиий ипак олишни кашф этдилар. Ниҳоятда мураккаб меъморчилик санъатига асос солдилар, табиат кучлари қаршида қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, жисмонан бақувват ва руҳан енгилмас бўлишни жаҳонга намоён этдилар. Шу аснода хилма-хил ғояларни яратдилар, уларни амалга оширдилар.

Мафқуравий жарёнлар тарихий ижтимоий шарт-шароит билан узвий алоқадор бўлиб, даврлар алмашуви билан янгилик томон ўзгаради. Маълумки, миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ривожланиб келди. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна ва Бактрияда илк бор шаклланган, аجدодларимиз томонидан бундан 2700 йил олдин яратилган дастлабки ёзма манба – “Авесто” китобида ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилган.



1.3.5-расм

Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги азалий кураш акс эттирилган. Зардўштийликнинг эзгулик ва инсонпарварлик ҳақидаги қарашлари минтақамизга ислом дини кириб келгунга қадар асосий ғоялар эди. Шунингдек, туркий халқлар ўртасидаги Кўк тангрисига (осмон ва куёшга) сўғиниш (шаманизм) ва буддизм (буддавийлик) ҳам диний эътиқод сифатида зардўштийлик билан ёнма-ён яшаб келди.


Зардўштийлик минтақада илк бор шаклланган дастлабки давлат бирлашмалари: Хоразм, Сўғдиёна ва Бактрияда давлат дини даражасига кўтарилди ва расмий мафкура вазифасини ҳам бажарди. Кушон даврига келиб зардўштийлик билан бир қаторда, буддавийлик ҳам давлат дини вазифасини ўтай бошлади.

### Мафкура функциялари


1. Интеграциялаштирувчи (лот. ўзаро мослашиш, бирлашиш).
2. Йўналтирувчи (маълум бир мақсадга йўналтириш).
3. Таъсирчанлик (инсон онги ва қалбига таъсир ўтказиш).
4. Тарбиявий ва гоёвий бандлик (одамларнинг сийёсий фаоллигини профилактик йўл билан ошириб, мустақил тафаккурни шакллантириш).
5. Ташкиллаштирувчи (фаолиятни йўлга қўйиш).
6. Гносеологик (борлиқни билиш, идрок қилиш, англаш муаммоси).
7. Праксеологик (прагматик йўл билан иш. ҳаракат, амал, фаолият).
8. Прогностик (баҳорат қилиш усуллари, қондалари).
9. Баҳолаш (қадриятли).
10. Футурологик (кедажакни, Ер ва инсоният келажакни илмий билиш).
11. Ҳимоя қилувчи.
12. Сафарбар этиш (мақсад йўлида бирлаштириш, йўналтириш).
13. Амортизациялаш (ижтимоий кескинликларни юмшатиш).
14. Норматив (меъёрий қондалар).
15. Регулятив (бошқариш, тартибга солиш).
16. Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш.

1.3.6-расм

### Мафкура шакллари



1.3.7-расм



**1.3.8-рasm**

#### **1.4. Президент Ислом Каримов асарлари – миллий ғоя ва мафкуранинг илмий-услубий асоси**

Президентимиз Ислом Каримов 2000 йил 6 апрелда Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб, илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда ҳамда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи сўз бошида жамиятимиз барча соҳалари қатори маънавий мафкуравий ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. “Ўзининг ҳаётини, олдида кўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар...”

Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради<sup>19</sup>.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида ана шу пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун рухий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкурадир деб, мустақил тараққиёт йўлидаги аниқ марраларни белгилаб берди.

Келгусида миллий истиқлол мафкураси концепцияси устида ишлаш ва уни тайёрлаш жараёнидаги амалий масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини, миллий ғоя, миллий мафкура борасидаги пухта ўйламай босилган қадам мутлақо тесқари натижа бериши мумкинлиги хусусида огоҳлантириб ўтди.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” рисоласи 5 бобдан иборат. Мазкур рисола Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари, чиқишларидаги маънавий-маърифий мавзуда билдирган фикрлари асосида тузилган:

Сўз боши


<sup>19</sup> Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001. 221-бет.

1. Миллий ғоя ва мафқуралар тарихидан.
2. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш.
3. Ўзбекистон тараққиёти ва мафқуравий муаммолар.
4. Миллий истиклол мафқураси.<sup>20</sup>

5. Миллий истиклол мафқураси халқимиз қалби ва онгига сингдириш деб номланган.

Умуман, Президентимиз Ислом Каримов асарлари – миллий ғоя ва мафқуранинг илмий-услубий асосини ташкил қилади. Юртбошимизнинг миллий ғоя ва мафқурага бағишланган қуйидаги асарлари мавжуд.

1. “Жамият мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” (1998) асари. 1998 йили “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида энг муҳим қуйидаги масалалар ўз ифодасини топган.



#### 1.4.1-расм

**Миллий ғоя, миллий мафқура қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:**

1. Ўзлгимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамият мақсад ва вазифаларини камраб олиши шарт.

2. Халқимизни ягона миллий байроқ атрофида бирлаштириш, буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона мафқура бўлиши керак.

3. Мафқурамиз миллий қусурлардан, миллатчиликдан, менсимаслик, камситиш каби ҳолатдан холи бўлиши лозим.

4. Миллий ғоя ёш авлод дунёқарашини ватанпарварлик, инсонпарварлик, одамийлик фазилатларини шакллантириши зарур.

<sup>20</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 80-бет.

5. Ватан ўтмиши ва буюк келажagini узвий боғлаши, аждодларимиз яратган бой маънавий мероснинг муносиб ворислари бўлиши даркор.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури сиёсий мафкура билан бевосита боғлиқ бўлиб, миллий истиклол ғояси – мафкураси билан бирга бир мақсадга йўналтирилган. Иккаласи уйғун ривожлантирилаётганлиги туфайли:

а) ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилмоқда ва натижада мамлакатимиздаги ижодий муҳит бутунлай ўзгариб бормоқда;

б) инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши тезлашди;

в) мустақил фикрловчи эркин шахс шаклланмоқда;

г) жамият интеллектуал потенциали ошиб бормоқда.

д) Давлат функциялари ва аломатлари аста-секин тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтмоқда (“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси амалга ошмоқда).

**II. Президент Ислом Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (тарихчи олимлар билан 1998 йил 26 июндаги суҳбати) асариди куйидаги муҳим мафкуравий ғоялар илгарн сурилди:**

1. Мамлакатимиз коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги, тарихимиз, миллий давлатчилик тарихи бузиб кўрсатилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу нуқсон ва қарашларга мустақиллик йилларида аниқ бир фикрга келинмаганлиги, миллий давлатчилик тараққиёти, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган бирорта жиддий илмий тадқиқот яратилмаганлиги айтилди.

2. Давлатчилигимиз туб бурилш палласига кирган айна бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимизни, кимлигимизни билишимиз керак.

3. Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди. **Комил инсон деганда** биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз<sup>21</sup>.

4. Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қола оладиган ягона куч – маърифатдир. Миллатнинг маданий савияси, унинг тарихига бўлган муносабати билан белгиланади.

5. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Буни давлат сиёсатиға кўтариш зарур ва шундай бўлди ҳам.

6. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўлни кўрсатади.

7. Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Ҳар бир зиёли фидоий маърифатчи бўлиши керак.

8. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демақдир.

9. Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Уни йўлдан уриш мумкин эмас. Тарих қадимийдир. Хоразм давлати 2700 йиллик тарихға эға. Бундан 3 минг йил аввал “Авесто” бизнинг заминимизда яратилган.

<sup>21</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999. 132-154 бетлар.

10. Миллий бирлигимиз, маданиятимиз илдиэлари, томири ўтрок бўлган. “Ўзбек” деган ном Шайбонийхон давридан мерос эмас, балки қадимий миллат бўлиб шаклланган. Ўзбек том маънода бунёдкордир.

11. “Қуръони Карим”ни ёд билган Амир Темурдек инсон ёвуз бўлмаган. Қонхўр одамнинг “Куч - адолатда” дейиши мумкин эмас. Президентимиз И. А. Каримов Амир Темурнинг “Куч - адолатда” деган ғоясини ривожлантириб. “Куч – билим ва тафаккурда” ғоясини илгари сурди.

12. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват. Биз ўзбеклигимиздан фахрланамиз ва ғурурланамиз.

13. Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз.

14. Тарих – халқ маънавиятининг асосидир.

15. Биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворисмиз.

16. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Чунки мафқуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли тўғилган. Тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бири билан узвий боғлиқ, уни ўрганиш керак. Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз керак.

17. Фан – жамият тараккиётини олға силжитувчи куч ва воситадир.

18. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда ҳақиқат юзага чиқади.

19. Довбюрак, замонавий фикрлайдиган, халқаро анжуманларда баҳслаша оладиган олимлар (етишмайди) зарур. Тарихчи мутахассис кадрларни тайёрлашни яхшилаш, тарихга ихтисослашган мактаблар очиш лозим. Ёш истеъдодли олимларни академиклар сафига киритиш зарур. ЎзР ФАнинг Тарих, Шарқшунослик, Этнография институтлари фаолиятини такомиллаштириш зарур. Олий ўқув юртларида тарихчи мутахассис олимлар фаолиятини танқидий назоратдан ўтказиш лозим.


20. Ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовулардан асраши керак.

21. Ҳаққоний тарихни билмасдан, уни фалсафий таҳлил қилмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас. Биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

**III. И.А.Каримовнинг “Миллий мафқура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишда биз учун руҳий – маънавий куч-қувват манбаи” нутқининг аҳамияти.** И.А.Каримов бу нутқини Миллий истиқлол мафқураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан 2000 йил 6 апрелдаги учрашувда сўзлади. Мазкур нутқ жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири – миллий мафқура хусусида бўлди. Бугунги кунда нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки, онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш, ўзгариш жараёни кечмоқда. Пировард мақсадимиз бўлган овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафқурадир. Фикр бор жойда ҳақиқат юзага келади.

Миллий гоё, миллий мафкура маъно-моҳияти, биз учун жуда зарур ва кераклигини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

“Ғояга қарши гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, олишиш мумкин”. Озод бўлсанг озод бўл, эркин бўлсанг эркин бўл, мустақил бўлсанг мустақил бўл. Ўзбек миллати оккўнгил миллат. Миллий мафкура ўзликни англашга хизмат қилади. Ўзликни англаш ўз тарихини билишдир. Тарихни билиш насл-насабини англашдир. Миллий гоё бирлаштирувчи куч, қанот бўлиши керак (Каримов И. А. Асарлар, Т.8, 467-474-б.).



### 1.4.3-расм

**IV. Президент Ислом Каримовнинг 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблари “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” деб номланган бўлиб, мазкур асар Президентнинг 8-жилдидан жой олган.**

Ҳар қандай жамиятни, халқни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват берадиган пойдевор гоёлари мавжуд бўлиб келган. Президентимиз таъбирича, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаётий мазмуни, интилишларини ўзида мужассамлаштирадиган. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Мамлакатлар, давлатлар ўз манфаатларини миллий гоё, миллий мафкура орқали белгилаб олади.

Ҳозирги замонда энг катта ҳавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафқуравий курашдир.

Президент Ислом Каримовнинг “Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарида кўтарилган асосий ғоялар куйидагилардан иборат:

Миллий мафқуранинг бош ғояси – Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарларида асослаб берилган бўлиб, мамлакатимиз тараққиётининг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Улар “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида куйидагича таърифланган: “Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир.

**“Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарида кўтарилган асосий ғоя ва мафқура масаласи:**

1. Мамлакат, давлат манфаатлари миллий мафқура орқали ифодаланади.
2. Эндилқда ядро майдонларида эмас, мафқура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани хал қилади.
3. Қудратли давлатлар, айрим сиёсий марказлар инсон онгини забт этиб, ўзига қаратиш учун курашмоқда.
4. Мафқура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар мафқуравий бўшлиқ туфайли юз бермоқда.
5. Одамнинг қалбида иккита – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади.
6. Ёт мафқуравий таъсирга айрим ёшлар кириб кетмаслиги учун мафқуравий иммунитетни кучайтириш керак.
7. Мақсад ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат.
8. Сиёсий давлат қурилишини эркинлаштириш лозим.
9. Опиани мустаҳкамлаш орқали адолатли жамиятни шакллантириш.
10. Жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига қаратилиши керак.
11. Жамият юксак маънавий ва ахлоқий кадриятлар асосида ривожланади.
12. Миллий мафқуранинг ёшлар онгига содда, лўнда қилиб тушунтиришда турли воситалардан самарали фойдаланиш.
13. Мафқура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, балки у узлуксиз жараён бўлганлиги боисдан миллат манфаатларига жавоб бериши даркор.
14. Миллий мафқуранинг тепадан туриб яратиб бўлмайди, у принципал масаладир.
15. Миллий истиқлол мафқураси Ватан туйғуси, она тилига муҳаббат, миллий кадриятларга эътиборда бўлиши, онла, маҳалла, яъни миллий кадриятлар билан бирга умуминсоний кадриятларга, диний кадриятларга, маърифат тамойилларига монанд ривожланиш керак (Каримов И. А. Асарлар. Т.8. 489-508 бетлар).

#### 1.4.4-расм

Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган Мустақиллик, Озодлик, Ватан ободлиги, шахснинг эркинлиги ва фаровон ҳаёт тушунчалари, юксак кадриятларини ўзида мужассам этган.

## 1.5. Миллий мафқуранинг бош ғояси ҳамда уни амалга оширишнинг асосий тушунча ва тамойиллари

Миллий мафқуранинг бош ғоясида озодлик сўзининг устувор ва етакчи ўринда туриши мустақиллик барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Миллий мафқуранинг бош ғояси узвий равишда унинг маъно-моҳиятини тўлдирадиган, халқимиз, жамиятимиз ҳаётида ҳақиқий байроқ бўлишига хизмат қиладиган, жамиятимизнинг бугунги тақдири ва келажагига боғлиқ бўлган туб манфаатларимизни акс эттирадиган бир қанча ғояларни тақозо қилади”<sup>22</sup>.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдан иборат бўлган бош ғоя куйидаги муҳим жиҳатларни ўз ичига қамраб олади:

1. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғоясининг негизларини.

2. Миллий ғоя – эркин ва фаровон ҳаёт қуриш омили сифатида.

3. Жамият барқарорлиги – эркин фаровон ҳаёт қуриш омили.

4. Ўрта ижтимоий катламнинг шаклланиши ва фаровон ҳаёт қуриш билан алоқадорлиги.

5. Одамларнинг турмуш даражаси ва фаровон ҳаёт билан боғлиқлиги.

6. Эркинлик ва тараққиёт ғояларининг муштарақлиги.

7. Ёшлар – эркин ва фаровон ҳаёт бунёдкорлари.

Одамлар бир томондан шахсий эркинликка интилсалар, иккинчи томондан ижтимоий тенгликни талаб қилишга мойил бўлади.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Миллий мафқуранинг бош ғояси “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш – пировард мақсадимиз” 2000 йил 23 январда 2-чақирик Олий Мажлиснинг 1-сессиясидаги маърузасида асослаб берилган концептуал йўналишдир. 1.5.1 - Расмдаги ана шу миллий мафқуранинг бош ғоясида ифода этилган тушунча ва тамойиллар Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш остонасидан тортиб то шу бугунги кунгача мустақиллик йилларида рўёбга чиқарилган кенг кўламли ишларнинг натижаси билан боғламоқ керак.

**Миллий мафқуранинг асосий ғоялари** – халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқадиган ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни тўлдириб, фуқароларимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ синдиришга хизмат қиладиган бунёдкор ғоялардир. Ушбу ғояларнинг мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари Президент Ислом Каримов асарларида ўз ифодасини топган.

Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафқурасининг асосий тушунча ва ғоялари 7 та. Шундан 3 таси: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги тушунчалари бўлиб, қолган 4 таси тамойиллар ҳисобланади (яъни, қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик). “Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча

<sup>22</sup> Назаров Қ. ва бошқалар. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Академия, 2007. 212-бет

одамларимизнинг олижаноб ниятларини, Ватан равнаки, халк фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади”<sup>23</sup>.

**Миллий мафқуранинг бош ғояси – “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш”ни амалга ошириш йўллари**

1. **Озод, озодлик сўзи** – бу мустақиллик, демократик эркинлик дегани.
2. **Озод Ватан** – ўз тақдирини ўзи хал қилиш ҳуқуқи.
3. **Обод (ободлик)** – бу сўз давлатнинг қудратини билдиради. Ободлик кўнгилдан бошланади. Кўнгил обод бўлса, дунё обод бўлади. Ободлик – мўл-қўлчилик, файз-барака.
4. **Эркин (эркинлик)** – бу сўз бош ғоядаги инсон ҳаётининг моҳиятини англатади. Эркин бўлмаган одам тўлақонли инсон бўлолмайди. Шу боисдан ҳам жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш (либераллаштириш) билан боғлиқ.
5. **Фаровон (фаровонлик)** – бу моддий таъминланганлик, тўқчилик. Фаровонлик эркинлик сўзи билан боғлиқ тушунча. Инсон эркин бўлмоғи учун, аввало, у моддий таъминланган бўлиши лозим. Яъни, “Аввал иқтисод, сўнг сиёсат” деган нақлга мос.
6. **Эркин ва фаровон ҳаёт қуриш** (одамларнинг моддий ва маънавий даражаси билан боғлиқ) нинг 3 та манбаи, омил мавжуд:
  - 1) **Демократик қадриятлар.** Демократия – жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак.
  - 2) **Жамият барқарорлиги, барқарор тараққиёт шартлари:**
    - Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши;
    - Давлатчиликни шакллантириш ва муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш;
    - Демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш;
    - Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши;
    - Кучли ижтимоий сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллиги ошиши.
  - 3) **Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш** – фаровон ҳаёт қуришнинг 4 омил:

- а) мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни рағбатлантириш;
- б) қимматли қозғалар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодий тўрғун вужудга келтириш (яъни фонд биржалари фаолияти);
- в) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш;
- г) тадбиркорликни ривожлантириш (Каримов И. А. Асарлар. Т.6. –162-178-бетлар).

### 1.5.1-расм

**1. Юрт тинчлиги** барқарор тараққиёт гарови бўлгани учун уни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. “Юрт тинчлиги” ғояси Президент Ислам Каримов томонидан асослаб берилган бўлиб, у миллий истиклол мафқурасининг таянч тушунчаларидан бири, мамлакатимиздаги тинч-тотувлик ва жамиятимиз барқарор тараққиётининг муҳим шarti, фуқароларнинг эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омил,

<sup>23</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 72-бет.

хаётий эҳтиёжи кабиताмойиллар мажмуини ифодалайди. Инсоният тарихида кейинги 5 минг йилда тахминан 15 мингдан ортиқ қатта-кичик урушлар бўлган. Уларга сарфланган маблағлар олтинга айлантириш ва ундан камар яшаш мумкин бўлганида, эни 100 метр, қалинлиги 10 метр бўлган бундай камар Ер юзини 2 марта айланиб чиқишга етиши мумкин эди. Бу маблағлар инсоният соғлигини сақлаш, унинг фаровонлигини таъминлаш, юрт тинчлигини мустақкамлашга сарфланмагани аниқ.




1.5.2-расм.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ юрт тинчлигини сақлаш давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Биз барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида ўз олдимизга қандай режа ва дастурларни қўймайлик, барча олижаноб орзу-интилишларимизни амалга оширишнинг ягона шarti ва гарови – **бу тинчлик ва осойишталикдир**<sup>24</sup>. Шу боисдан ҳам ёшуқари, эркагуаёл – барчамиз яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз.

Инсоннинг муқаддас ҳуқуқларидан бири – **бу тинч яшаш ҳуқуқидир**. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шartiдир. Демократиянинг инсонпарварлиги биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

<sup>24</sup> Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 73-бет.



**1.5.3-расм**

2. Миллий ғоянинг асосий мазмунини ифода этувчи йўналишлардан бири **Ватан равнақи ва тараққиётидир**. Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, гурур ва ифтихори юксак бўлади.


“**Ватан равнақи**” ғояси тушунчаси Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган бўлиб, у барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайдиган, ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундайдиган бунёдкор мақсад ва тамойиллар мажмуини англатади.

**Ватан** - ота-боболаримизнинг хоки жо бўлган, вақти соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин. Ватан – бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгай бошлайди, аста-секин остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилади.

**Ватан равнақи** - аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизни ўз зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади<sup>25</sup>.


**Ватанпарварлик** тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташки муҳит ва давралар таъсирида шаклланган, камолга етиб келган ижтимоий-руҳий туйғудир. У ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида шаклланиб, кенгайиб ва такомиллашиб боради.

<sup>25</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008-73-бет.




**1.5.4-расм**

Ер сайёраси бутун аҳли жаҳон учун Ватан ҳисобланса, ҳар бир халқ учун тақдир ва тарихан ато этилган ҳудуд она-Ватандир. Лекин уни космополитизм (грекча дунё фуқароси)дан, “Жаҳон давлати” тузишни ва “жаҳон фуқаролиги”ни тарғиб қилувчи таълимот билан адаштирмаслик керак. Космополитизм жаҳон миқёсида ахборот айирбошлаш имкониятлари ошиб бораётган ҳозирги даврда “Ватан” тушунчаси нисбий характерга эга эканини рўқач қилади. Бугунги кунда айрим инсонларнинг Ватанга боғланиб қолиши шахс эркинликларининг чекланишига олиб келмоқда эмиш.



**1.5.5-расм**

**3. Халқ фаровонлиги** миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири. Президент Ислом каримов томонидан асосланиб берилган “Халқ фаровонлиги” тушунчаси ҳар бир инсон ва оила фаровонлиги билан боғлиқ бўлган, шахс манфаатларининг жамият манфаатлари билан уйғунлигини англатадиган, фуқароларнинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил асосида шаклланадиган бунёдкор ғоянинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. **Халқ фаровонлиги** – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсади – халқимизга муносиб турмуш шароити яратишдан иборат. Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидир. Бугунги кунда ҳар бир инсон ва оила бадавлат бўлса, жамият ва давлат ҳам кучли ҳамда қудратли бўлади, деган ҳақиқатга асосланган иқтисодий ислохотлар ўз мевасини бермоқда. Инсоният тарихи ҳар қандай жамият тараққиётининг энг асосий кўрсаткичи унда яшайдиган инсонларнинг эзгуликка, бунёдкорлик ғояларига муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлишини исботлаб келган<sup>26</sup>.



**1.5.6-расм**

Халқ фаровонлиги, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди. Одамларнинг ана шундай орзу-умидларини рўёбга чиқариши, халқимизга ҳар томонлама муносиб турмуш шароити яратиб беришдан иборат.<sup>27</sup>

<sup>26</sup> Назаров К. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011. 87-бет.


<sup>27</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 74-бет.

Ана шу юксак тушунчалар (юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халк фаровонлиги) билан бирга миллий гоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро багрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодларимизни ҳар томонлама мустакил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

**4. Комил инсон гоёси, тушунчаси** миллий ва умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб гоёнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Ўтмишдан ҳозирги кунимизга қадар җамиятнинг умумий ривож ва инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комил мезони – ҳар бир шахсни баркамол қилиш орқали җамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборат бўлган. Бу гоё нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган.

**Комил инсон** азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган. У ислом фалсафасидан озикланиб, янада кенгроқ маъно-мазмун, касб этган. Тасаввуф (сўфийлик) таълимотида инсон рухий камолотга эришишнинг асосий йўналиши-йўллари 4 босқичдан иборат деб ҳисоблайди: 1) шариат; 2) тариқат; 3) маърифат; 4) ҳақиқат.

Баркамол инсон ҳақидаги юксак гоёлар Абу Наср Форобий ва Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида, айниқса теран ифода этилган.



1.5.7-расм


Аслида **комил инсон**, бу – тарикат ва риёзат йўли билан қўлга кирадиган юксак мартабадир. Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний ёхуд жувонмардлик тариқати”асарида тасаввуфнинг комилликка дахлдор биноси ўнта асосга қурилгани айтилади: 1) илм; 2) хилм; 3) тақво; 4) саҳо; 5) шукр; 6) сидқ; 7) вафо; 8) ризо; 9) саффо; 10) ишқ.

Президентимиз Ислом Каримов фикрича, “Ҳар қандай инсоннинг энг муътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади – соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат”.

“Комил инсон деганда биз, – деган эди И.А.Каримов, – аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли оламни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди . . . ” (Каримов И.А. Асарлар. Т.7.134-бет).

### 5. Ижтимоий ҳамкорлик гоёси

Ижтимоий ҳамкорлик – мураса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлиб, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада, жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустақкам қафолати вужудга келади.



1.5.8-расм


Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилади. Шу бонсдан ҳам энг замонавий билимлар билан қуролланиш, билим ва тафаккур дунёси кенг ёшларни вояга етказиш мақсадида 1997 йилда “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга тўла татбиқ қилинмоқда.

**5. Ижтимоий ҳамкорлик гоёси, тамойили миллий истиклол мафқурасининг асосий гоёларидан бири.** У турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини ифодалайди. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш эҳтиёжи ва зарурати ана шундай ҳамкорликка эришишни тақозо этади.

**Ижтимоий ҳамкорлик** – мураса фалсафаси ва ўзаро келишув асосидаги амалий фаолият бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган кишиларнинг

хамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувлик, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади. “Ижтимоий ҳамкорлик” тушунчаси хилма-хил фикр ва қарашларга, мақсад ва муддаолари ҳар хил бўлган, аммо манфаат ва мақсадларга эга бўлган шахслар, турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини, ўзаро ҳамкорлик ва келишув асосидаги амалий фаолиятини таъминлашга хизмат қиладиган ғояни ифодалайди.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси турли партия, дин, қатламга мансуб хилма-хил жамият аъзолари қарашларидаги табиий ранг-барангликни уйғунлаштиради ва умумий тараққиёт манфаатларига бўйсундиришга хизмат қилади.



### 1.5.9-расм

**6. Миллатлараро тотувлик ғояси, тамойили инсоният тараққиётининг муҳим шарти, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш омили, муайян ҳудуд ёки давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодалайди.** Умумбашарий кадриятлардан бири бўлган бу ғоя турли халқлар биргаликда истикомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бутун ер юзида 2000 га яқин халқ ва миллатдан, бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, ҳолос<sup>28</sup>.

<sup>28</sup> Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. - Т.: Akademiya, 2011. 91-бет.

Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, рухияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

Республикамызда 136 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. “Ўзбекистон – умумий уйимиз” деган даъват мамлакатимизда бир максад йўлида яшаб келмоқда.


**7. Диний бағрикенглик ғояси, тамойили** хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда ҳамкор ва ҳажиҳат бўлиб яшашини англатади. Бугунги дунёда дин барча халқлар ва миллатлар орасида ёйилиб кетганидан бу ғоя умуминсоний аҳамият касб этмоқда.



1.5.10-расм

7. Кўп ҳолларда “бағрикенглик” атамаси халқаро муносабатларда “толерантлик” тушунчаси орқали ҳам ифодаланмоқда. Ҳозирда бу тушунча эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигининг назарда тутлади.

Маълумки, қадимдан диёримизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, шаҳарларимизда масжид, черков, синагоглар фаолият кўрсатган.



**1.5.11-расм**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юртимиздаги турлимиллат ва дин вакилларини назарда тутган ҳолда, шундай деган эди: “Биз учун энг катта бойлик бўлмиш юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролараро тотувлик, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжихатликни янада кучайтириш – кундалик ҳаётимизнинг қоидасига айланиши лозим”, “... Ана шу йўлда тинчлик-осойишталик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик барча ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда”<sup>29</sup>.


**Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкин.**

**1. Ижтимоий маънода:** 1) Миллий истиқлол ғояси, тушунча ва тамойиллари яхши, ижобий маънода, одамларни эзгуликка чорлайди, инсонни комиллик ва фозиллик сари ундайди. 2) Инсон камолатига, жамият ривожига, халқни олий, эзгу мақсадларга сафарбар этади. 3) Бу ғоялар таъсирида инсон эзгулик, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади.

**2. Фалсафий маънода:** Мазкур тушунча, тамойиллар мазмун-моҳияти, тузилиши, намоён бўлиш шакллари, амалий хусусиятларини кенгроқ тадқиқ

<sup>29</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т.: Ўзбекистон, 2014. 30-бет.

этиш лозим. Бунёдкор ғоялар инсонлар, халклар ва давлатларни эзгу мақсад йўлига бошлайди. Дуч келган ҳаётий ва маънавий муаммоларни ечишга ёрдам беради. Демократик давлат ва фукаролик жамиятини қуриш каби эзгу ишларга сафарбар этади.



1.5.12-расм


**3. Бунёдкор ғоялар амалиёти** халқимиз ҳаётининг асосий мезонига айлантириш жараёни билан боглик ҳолда намоён бўлмоқда. Турли бузғунчи мафкуралар таҳдидларнинг олдини олишда ёшларни комиллик сари тарбиялаб, бу ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришда маънавий мезонга айланмоқда.

### 1.6. Жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларида ғояларнинг дифференциациялашуви ва мафкуравий таъсир

Жамият ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ғояларнинг дифференциациялашуви (фран. фаркланиш, фарқи). XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, дунёнинг мафкуравий манзараси тубдан ўзгариб, жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар, сиёсий кучлар, диний оқимларнинг юзага келиши натижасида ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, фаолиятида манфаатлар таъсири, бир-бирига зид, фаркланиш юзага келди. Аксарият илғор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган ғоя ва мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва

тараққиёт инсон ва жамият келажагига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир.

Шу билан бирга айрим кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсирини кенгайтиришга қаратилган интилишлар кучайиб бормокда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, иркчилик ва экстремизм мафкуралар шулар жумласидандир.



1.6.1-расм


**Мафқуравий жараёнларни назарий билиш ва амалий ўзгартириш муаммолари.** Мафқуравий жараёнларда “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” – миллий мафқуранинг бош мақсадини рўёбга чиқариш учун қилма-қил назарий билиш ва амалий ўзгартириш вазифаларини бажаришни тақозо қилади.

**1. Назарий билиш** – мафқуравий муаммоларни бартараф этиш ва жамият ҳавфсизлигини, барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб бериш, илмий асосланган оқилона дастурларни (масалан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997), ёки “Баркамол авлод йили (2010) Давлат дастури” каби), қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишдир. Бунда пала-партишликка йўл қўймаслик керак. Шунингдек, сиёсий, маънавий-маърифий дастурлар, фармон, фармойиш, қонун ва қарорлар ишлаб чиқиш билан бирга уларни қабул қилиш вазифасини ҳам бажаради.

**2. Амалий ўзгартириш** – қабул қилинган дастурлар, қонунлар, қарорларни ҳаётда изчиллик, қатъият билан амалга ошириш, бутун жамиятни турли-туман иллатлардан, хасталиклардан тозалашдир. Чунки бу вазифа ижтимоий ҳаётда амалга оширилмас экан, унда жамиятнинг мустаҳкам ҳавфсизлигига, баркамоллигига, тинч-тотувлигига, бахт-саодатига эришиб бўлмайди. Масалан, 2015 йил 18 февралда Президентимизнинг “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида 2015 йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар 6 та бўлимдан иборат бўлган вазифалар ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилди.

Ана шу сиёсий, маънавий-мафкуравий йўлни, мақсад ва вазифаларни амалга оширишда куйидаги усуллардан фойдаланилади: 1) ишонтириш; 2) тарбиялаш; 3) куч ишлатиш; 4) мажбурлаш. Эркин ва фаровон турмуш таркиб топаётган ҳозирги шароитда куч ишлатиш ва мажбурлаш ўрнини одамларнинг сиёсий онглилиги ошиб бориши натижасида ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш онгли, ҳаётий эҳтиёжга айланиб бориши билан фарқ қилади.

Жамият ижтимоий табақаланиш жараёнига мафкуравий таъсирнинг 2 муҳим шакли мавжуд.




### 1.6.2-расм

**Манипуляция** – мураккаб ҳаракат ва шароитларда маънавий-мафкуравий таъсир қилиш орқали кишилар фаолиятига ҳукмронлик қилиш усули. Онгни манипуляция қилишнинг асосий вазифаси – демократик ислохотлар жараёнида шахс, одамлар фикри, нияти, интилиш ва фаоллигини ғаразли мақсадлар сари ўзгартириш ёки сусайтирувчи омил. Манипуляция ва иррационализм – инсон маънавий-мафкуравий ҳаётининг тафаккур (онг)дан ташқари: ирода, мушоҳада, ҳиссиёт, интуиция (синчиклаб қараш), ҳаёл (фантазия), инстинкт каби хусусиятли томонларини биринчи ўринга қўйувчи ва унга қарши бўлган рационализм (ақлилик) ғоялари.

Мафкуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий сиёсий савияси қанча баланд бўлса, мафкуравий таъсир шунча юқори бўлади. Ўз навбатида ана шу 2 (объект ва субъект) мафкуравий таъсир самарадорлигининг мазмунида бир-бирига ўргатиш, бир-биридан ўрганиш, устоз-шогирд тамойили ётмоғи даркор. Бундай

шароитда ҳар бир киши мафқуравий таъсир доирасига тушади ва ўша таъсир асосида фаолият ғўрсата бошлайди<sup>30</sup>.

**Муайян ғўяларнинг доминация (хукмрон идея)лашуви ва уларнинг оқибатлари** – мафқура яккахўкимлиги билан боглик. Мафқура яккахўкимлиги – муайян давлат, жамият ёки бир ғурух давлатларда ягона мафқуранинг тўла хукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас акидалар тарзида жамият хайтида катъий ва мутлак тартибда ўрнитилишини ифодалайдиган тушунча<sup>31</sup>. Мафқуравий яккахўкимликда бирон-бир мафқуравий тизим ягона илмий, энг адолатли жамиятдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафқура деб эълон қилинади. Бошқа қараш, ғўялар, мафқуралар тан олинмайди, ёт ва душман мафқура сифатида қаралади.



### 1.6.3-расм

Собиқ СССР иттиғоқи ана шундай мафқурага айланиб доминациялашуви натижасида миллионлаб кишиларнинг қурбонига, турмахонасига айланди. Мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғўяларга хадиксираб қараш руҳияти шаклланди.

<sup>30</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Фағур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 297-бет.

<sup>31</sup> Миллий истиқлол ғўяси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002. 75-бет.

**Ғоя, мафкура ва миллий ғоя тушунчаларининг ижтимоий-сиёсий моҳияти, уларнинг умумийлиги ва фарқлари.**

**1. Умумий томони:**

- 1) Шахс, жамият, давлат манфаатларининг уйғунлиги, халқ фаровонлиги ғоясини илғари суради.
- 2) Оила ва фуқарони муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга ундайди.
- 3) Жамиятда фуқаролар сиёсий фаоллигини оширади.
- 4) Таълим-тарбия тизими уйғунлигини таъминлаб, мустақил тафаккурни шакллантиради.
- 5) Комил инсонни шакллантиришга хизмат қилади ваҳоза.

**2. Фарқлари:**

- 1) Ғоя – бу назария, мафкура – бу амалиёт, миллий ғоя эса, муайян шахс, жамият, давлатни ишонтириш, сафарбар этиш.
- 2) Ғоя – бу инсон тафаккури маҳсули, мафкура – фикрлар мажмуи, ғоявий назарияни амалга ошириш тизими, миллий ғоя эса – миллатнинг ўтмиши, бугуни, келажаги, кўприги.
- 3) Ғоя – бу мақсад сари чорловчи куч, мафкура – манфаатлар уйғунлиги, тараққиёт турткиси, миллий ғоя эса – муайян бир миллатга тегишли мақсад ва муддатлар эркинлиги, озодлиги ва ҳоказо

**1.6.4-расм**

Бу жиҳат маънавий ривожга, илм-фан ривожига жиддий тўсиқ бўлди. Собик иттифок даврида 70 йилдан зиёд яккаҳоқимлик қилган коммунистик мафкуранинг таназзули билан яққол исботланди. Бундай мафкуралар:

1. Ўрта асрларда Ғарбдаги ақидапарастлик мафкураси (инквизиция)ни юзага келтирди.

2. XX аср 30-40-йилларида фашизм (Италия ва Германияда) ғоялари.

3. Собик Иттифок (советлар даври) даврлари билан боглик.

## **2-боб. “МИЛЛИЙ ҒОЯ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ, ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

### **2.1. Инсоният тарихида ғоя ва мафқуралар намоён бўлишининг асосий босқичлари**

Инсоният тарихига халқлар ва давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишга етаклаган ёки уларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоя ва мафқуралар таъсир ўтказиб келган. Чунки инсоният таракқиёти ёки таназзулига ғоя ва мафқуралар бевосита таъсир этади. Мафқуравий жараёнлар тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлар билан узвий алоқадорликда бўлиб, даврлар алмашуви билан янгилик томон ўзгаради. Шу боисдан ҳам ғоя ва мафқуранинг тарихий шакллари ва кўринишлари халқимизнинг кўп минг йиллик ўтмиши даврида ривожланиб келди. Шу маънода, инсоният тарихи – ғоялар тарихидир.

Мазмун ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин.

- |                     |                                  |
|---------------------|----------------------------------|
| 1. Илмий ғоялар.    | 5. Ижтимоий ғоялар.              |
| 2. Фалсафий ғоялар. | 6. Миллий ғоялар.                |
| 3. Диний ғоялар.    | 7. Умуминсоний ғоялар ва ҳоказо. |
| 4. Бадний ғоялар.   |                                  |

Демак, инсоният тарихида ғоя ва мафқуралар намоён бўлишининг асосий босқичлари куйидагилардан иборат:

**I. Қадимги дунё ғоя ва мафқуралар босқичи (эраимиздан олдинги 3 минг йилликлар давридан эраимизнинг VI-VII асрларигача бўлган даври):**

1. Қадимги Шарқдаги ғоя ва мафқуралар.
2. Антик юнон ва Римдаги ғоя ва мафқуралар.

**II. Шарқ ўрта асрлар давридаги ғоя ва мафқуралар (VII-XV асрлар):**

1. Марказий Осиёдаги ғоя ва мафқуралар.
2. Тасаввуф таълимотидаги ғоя ва мафқуралар.

**III. Ғарб Уйғониш даври ғоя ва мафқуралар (XV-XVII асрлар).**

**IV. Янги давр ғарбдаги ғоя ва мафқуралар (XVII аср 2-ярми ва XVIII аср биринчи яримидаги).**

**V. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX асрлардаги ғоя ва мафқуралар .**

**VI. XX асрдаги ғоя ва мафқуралар босқичи.**

**VII. Мустақиллик даври (XX аср 90-йиллардан то XXI аср бошларидаги) ғоя ва мафқуралар.**

**I. Қадимги дунё ғоя ва мафқуралар босқичи:**

**1. Қадимги Шарқдаги ғоя ва мафқуралар.** Ҳар қайси халқ, миллат маънавиятини, унинг тарихи, ўзига хос урф-одат, анъана ва миллий кадриятлари, ғоявий қарашлари маънавий мерос, маданий бойликлари, кўхна тарихий ёдгорликларда ўз аксини топган.

Ғоялар тарихининг илк давлари сифатида Шарқ ва Ғарб цивилизациясининг дастлабки давлари, Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон,

Юнонистон ва Рим қаторида Ватанимиз ўтмиши ҳам тилга олинади. Бу давр халқларга хос илк ғоялар табиат, жамият ва инсонга нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиш, она замин ва Ватанни асраб-авайлаш, одамлар ўртасидаги муносабатларда яхшилик томонида туришни ифодалар эди. Қадимги дунё ғояларини чуқур ўрганган киши ўша давр мутафаккирлари ҳозирги замон цивилизацияси қаршисида турган кўплаб умумбашарий муаммолардан огоҳлантиришнинг гувоҳи бўлиши мумкин. Бу ғоялар инсониятнинг “ўтда ёнмас ва сувда чўкмас” умуминсоний қадриятлари тўғрисидадир.

Мамлакатимизга хос илк ғоялар зардуштийлик тарзидаги диний-фалсафий таълимот сифатида шаклланган. Унинг ғоялари билан боғлиқ қадриятлар бугунги кунгача яшаб келмоқда ва халқимиз турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда нафақат унинг маънавий-маърифий мероси, у билан бирга халқимизнинг маънавий рухий тикланиши ва қадриятларимизни асраб-авайлашнинг негизихамдир.

Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида умۇҳажон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилган. Қарийб 3 минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутди. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна ва Бактрияда илк бор шаклланган, аждодларимиз томонидан яратилган дастлабки ёзма манба – “Авесто” китобида ҳам эзгулик ғоялари илгари сурилган.

“Авесто” – мил.ав. VII-VI асрларда Марказий Осиё ҳудудида, Хоразм воҳасида яратилган ва “Авесто”, яъни “Ҳаёт йўриқномаси” деб ном олган китоб, зардуштийлик динини шакллантиришга асос бўлган назарий манбаларнинг умумий номи ва бу диннинг асосий китоби. Марказий Осиё халқларининг қадимги даврлардаги моддий ва маънавий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одатлар ва қадриятлари ҳақида маълумот беради. Мил.ав. XIIIасрдан то милоднинг IVасригача бўлган даврдаги тарихий воқеаларни акс эттирган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойили ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратлидир,<sup>32</sup> деган эди. “Авесто”да маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашга оид фикрлар, эзгу ғоялар, маъбудалар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини топган. Дуализм, руҳ ва моддий ҳаётнинг ўзаро уйғунлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динига кўра, бутун олам ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари қарама-қарши ходисалар ўртасида азалий ва абадий кураш асосига қурилган. Бу кураш яхшилик худоси Ахура Мазда билан ёмонлик тангриси Аҳриман орасидаги доимий олишув тимсолида ҳеч қачон тўхтамайди (2.1.1-расм).

<sup>32</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. 32-бет.

**“Авесто”даги зардуштийлик динига кўра,  
карама-қарши ғоя ва манбалар**

→	1. Бутун олам, ҳаётнинг кечиши: ёруғлик (нур) ва зулмат (коронгулик).
→	2. Борликда: ҳаёт ва ўлим, тана ва жон.
→	3. Ижтимоий ҳаётда: яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик.
→	4. Динда: турли хил кучлар (Ахура Мазда – яхшилик худоси билан Аҳриман – ёмонлик тангриси) ўртасидаги кураш.
→	5. Нафосат оламида: гўзаллик ва хунуклик сифатида намоён бўлиши.
→	6. Олов: оламни нурафшон қилувчи, одамларни гуноғларидан покловчи сеҳр кучи.
→	7. Ер (ризқ) ва сув (ҳаёт), - ҳаёт манбан.

### 2.1.1-расм

Бу таълимотда эзгулик сари қўйган одам уч асосий тамойил, яъни ниятнинг эзгулиги, сўз ва шартларнинг бутунлиги, амалларнинг инсонийлигига асослансагина мақсадга етиши таъкидланади. Булар жамяят ва инсон учун ўта муҳим бўлган қадриятлар ҳисобланади “Авесто”даги мадҳия, ривоят ва хикоятлар нафақат Турон ўлкасида, балки Эрон, Ҳиндистон ва Кичик Осиё, ҳатто Юнонистон ҳудудида вужудга келган афсона ва дostonларнинг яратилишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

Тарихчи Маъсудийнинг ёзишича, подшо Доро ибн Доро хазинасида “Авесто”нинг 12 минг олтин тахтага, Балхийнинг “Форснома” китоби ва Абу Райҳон Берунийнинг асарларида келтирилган маълумотларга кўра, 12 мингта мол терисига тилла сувида ёзилган 32 та китобдан иборат нусхаси бўлган. Македониялик Александр мил.ав. 334-329-йилларда Марказий Осиёни забт этган даврда “Авесто”нинг кўпгина саҳифалари ёқиб юборилган. Александр китоб нима эканини, унда ақс этган гоёлар одамларга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини яхши билган. Шу билан бирга, у ўз қўшинига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган юртимиз халқларининг гоёлари “Авесто”да ўз ифодасини топганини, ўша даврдаги авлод-аждодаларимизнинг истибодда бош эгмасдан, китобдаги ушбу гоёларга таянган ҳолда, тез орада яна истиқлол учун курашга чиқишини ниҳоятда яхши тушунган.<sup>33</sup>


Қадимги аждодаларимизнинг эзгу гоёлари ва миллий давлатчилик анъаналари ақс этган бу китоб фақат мустақиллик йилларида ҳақиқий қадр-қиммат топди. Республика ҳукумати ташаббуси билан ЮНЕСКО нинг 1999 йил ноябридаги бўлиб ўтган 30-сессиясида “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Шунингдек, “Авесто”нинг инсоният маданияти ривожига, халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Авесто” китоби

<sup>33</sup> Назаров К. Гоёлар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. 18-19-бетлар.

яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида” (2000 йил 29 март, 110-сонли) қарор қабул қилди ва 2001 йилда бу сана кенг нишонланди.

**Конфуцийлик** (асосчиси милод. ав. 551-479-йилларда яшаган хитойлик Кун-Фуцзи) – ижтимоий-ахлоқий ғоялари билан машхур бўлган Хитойдаги етакчи фалсафий мактаблардан бири. Конфуцийликда инсон тарбиясида мураса, сабр-қаноат, кечиримлилик, бағрикенглик ғоялари муҳим ўрин тутишига эътибор қаратилган. **Конфуцийчилик** – Хитойдаги ахлоқий-сиёсий таълимот. Кейинчалик 3 асосий фалсафий-диний оқимлардан бири (даосизм ва будизм билан бирга). Конфуцийлик таълимотидаги “Шахс ўзи учун эмас, балки жамият учун шахсдир” деган ғояси ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Конфуций фалсафий ғояларининг ижодий ривожини, унинг муқобил кўриниши бўлган моизм таълимотида ўз ифодасини топган (асосчиси Мо-цзи бўлиб, милoddан аввалги 479-431 йилларда яшаган). Бу мактаб номаёндалари этика муаммоларига алоҳида эътибор бериб, ахлоқий меъёрларнинг бажарилиши учун қаттиққўл ҳокимият лозим, деб ҳисоблаган. Конфуций ёшлар тарбиясида маънавий камолотнинг ўрнини мутлақлаштиради. Шу билан бирга, у ижтимоий тенглик бўлиши учун жамиятнинг барча аъзолари учун умумий мажбурий меъёрлар, ҳамма учун манфаатли мезонлар зарур деб ҳисоблайди<sup>34</sup>. (2.1.2-расм).



### 2.1.2-расм

Кейинчалик конфуцийчилик мактаби вакиллари бу таълимотни ривожлантирди:

1) Мэн-цзи таълимотида кўра: ҳукмдорнинг шахсий манфаатидан мамлакат, халқ манфаати устунлиги ҳамда ноинсоф подшони ағдариб ташлашга халқ ҳуқуқи борлиги ғоясини шакллантирди. Ижтимоий тенглик осмоннинг иродаси мавжудлиги билан асосланади.

2) Сюн-цзи таълимотида кўра, “осмон” – табиатнинг бир қисми бўлиб, у онгга эга эмас, Инсон нарсаларнинг яшаш қонунлари (“дао”) ни билиб олгач, улاردан ўз манфаати учун фойдаланишлари лозим.

<sup>34</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Akademiya, 2007. 175-176-бетлар.

Конфуцийчиликда конун инсон манфаатларига хизмат қилмоғи керак, дейилади.

Конфуцийчилик милодий I асрда давлат таълимотига айланди. IX асрда буддизм, XI асрда даосизм устидан тўла ғалаба қозонди. Бунга, айниқса, Сун даври (960-1279) да неоконфуцийчилик ривожланганлиги туфайли эришилди.

Марказий Осиёдаги фалсафий ғояларни монийлик ва маздакийлик таълимотида ҳам кўрамиз, улар жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик тамойилларини қарор топтиришга даъват этган. Бу ғоялар Ватан озодлиги учун курашган Муқанна бошчилигидаги ҳаракатнинг маънавий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келгунига қадар ҳам минг йиллар мобайнида амал қилиб келган турли ғоялар тизимига эга бўлганидан далолат беради. Араблар юртимиз худудини босиб олганларидан сўнг ўзларининг ғояларига мос келмайдиган жуда кўп маънавий бойликларни аёвсиз йўқ қилишган. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ёзганидек, “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун ҳам у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейинги ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди”<sup>35</sup>.

## **2. Антик Юнон ва Римдаги ғоя ва мафқуралар.**

1) **Сукрот (мил.ав. 469-399) – Афинадаги қадимги юнон мумтоз фалсафасининг асосчиси, афиналик биринчи файласуф.** Сукрот хайкалтарош ҳам бўлган. У Афинанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган. У ўз даврида ҳукмронлик қилиб келаётган Афина демократик тузумига қарши чиқиб, янги худо ҳақидаги ўз фикрини баён қилгани учун Афина руҳонийлари уни дахрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаб, уни судга тортилишини талаб қилиб чиққанлар. Сукротга қўйилган айб сиёсий бўлсада, лекин уни динга қарши чиққанликда айблашган. Сукротдан асарлар қолмаган. Ксенофонтнинг “Сукрот ҳақида эсдаликлар”, Плотоннинг “Сукротни эслаб” асарлари орқали уни билиш мумкин. У омма орасида ижтимоий фикрлари билан донги кетган, обрў топган мутафаккир ҳисобланади<sup>36</sup>.

Сукрот эзгулик – билим ва донишмандликдир, яхшилик моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилик қилади, деб тушунтиради. Сукрот адолатга ҳилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шакллари танқид қилади, фақатгина адолатли, демократик давлат бошқарувини ёқлаб чиқади. “Сукрот одамларнинг санамларга ибодат қилишга қаршилик кўрсатиб, сайёраларни Худо деб аташдан бош тортди. Шунинг учун Афинанинг 12 қозисидан 11 таси уни қатл этишга фатво бердилар. Сукрот эса ҳақ йўлида қайтмаганича ўлиб кетди”<sup>37</sup>. Сукротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари туриши керак.

<sup>35</sup> Назаров К. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011. 19-бет.

<sup>36</sup> Фалсафа: комуслий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. 383-384-бетлар.

<sup>37</sup> Абу Райхон Беруний. 100 ҳикмат. – Т.: “Нур” ИИЧБ, 1993. 10-бет.

### Сукротнинг ижтимоий-ғоявий қарашлари

1. Жамият равнаки, тинч ва осойишталикка, фаровон ҳаёти эса ахлоқ-одобнинг юксак бўлишига боғлиқ.
2. Инсон билими чексиз, ҳақиқат нисбий, олам бепаёнлигини англаб етган.
3. “Куч билимда”, “Қанчалик кўп билсам, шунча кўп билмаслигимни билдим”.
4. “Ўз-ўзингни англа”, “Ҳақиқатни ўзиндан изла”, “Ўзгаларни ўзгартриш учун аввал ўзингни ўзгартир”.
5. “Ҳақиқатга баҳс орқали эришиш мумкин”.
6. “Ҳар қандай ёмонликнинг илдизи нодонликда”.
7. У хотинига: “Биз яшаш учун еймиз, боилар эса овқат емоқ учун яшайдилар”, дейди.
8. “Хусндорлар ўз хуснларига доғ тушурмаслик учун, хунуқлар эса хунуқлигини ақла-заковатини тарбиялаш билан безамок учун тез-тез кўзгуга қараб турсинлар”.


### 2.1.3-расм

### Платон таълимоти ва ғояси

1. Табиат – ғоялар маҳсули. Ғоялар ўзгармас, абадий ҳаракатсиз. Ҳис қилинадиган нарсалар эса ғояларнинг сояси. Инсоннинг бирдан-бир мақсади ахлоқий идеал яна қайтиб, ана шу ғоялар оламига қўшилишдан иборат.
2. Моддий дунё ўткинчи, ғоялар дунёсида энг олий ғоя худодир. Моддий дунё – хайвонлар, маъданлар, ўсимликлар “умумий ғоялар”нинг нуҳаси.
3. Энг олий ғоя ва ҳақиқат ғояси гўзаллик ғояси бўлмай, балки фаровонлик ғоясидир. Фаровонлик мақсадга ақл билан эришиш йўлидир.
4. Инсондаги фазилат ва салбий иллатлар туғма, бир хил ва ўзгармасдир.
5. Инсонда туғилгандаёқ яхшилик, софлик, ёмонлик, гаразгўйлик тўғрисида тушунча бўлади. Ҳар бир табақага ҳар хил хислатлар хос. Масалан, 1) донолик файласуфга; 2) ишқоаткорлик ҳарбийларга; 3) мўътадиллик (иффат) фазилатлар қуйи табақага хос. Ана шу 3 та фазилат қўшилишдан адолат ҳосил бўлади. Ҳар бир табақа ўз иши билан машғул бўлиши, давлат эса ўз фуқаролари, ёшлар тарбияси билан шугулланиши керак.
6. Ғоя ҳақиқий борлик, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараккиёт ғоялар дунёсига хос, ғоялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билимайди. Уларни билладиганлар ниҳоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади. Аксарият кишилар эса соялар дунёси билан кифояланади.

### 2.1.4-расм

2) Платон (Афлотун, эр. ав. 427-347) – юнон файласуфи, платонизм асосчиси, Сократнинг шогирди. Унинг фалсафий-ғоявий қарашлари “Базм”, “Федон”, “Тэстет”, “Давлат”, “Қонунлар”, “Сиёсат”, “Ғоялар дунёси” номли асарларида баён этилган. Платон фикрича, оламда “ғоялар дунёси” бирламчи бўлиб, моддий дунё эса унинг махсули, соясидир.<sup>38</sup> “Ғоялар дунёси” замон ва маконга боғлиқ бўлмай, у мангу ҳаракатсиз ва ўзғармас, хақиқий дунёдир. “Ғоялар дунёси”да энг олий ғоя – яхшилик ва бахт ғояси – худодир. Бошқа ғояларнинг ҳаммаси у билан боғлиқ. Платон “Ғоялар дунёси ва соялар дунёси таълимотининг асосчиси”дир.




2.1.5-расм

<sup>38</sup> Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010. 225-226-бетлар.

3) Аристотель (Арасту) (мил. Ав. 384-322) – Қадимги Юнонистонда ўзига хос фалсафий таълимот яратган буюк мутафаккир. 17 ёшида Платон ташкил қилган академияга кириб, унда 25 йил давомида таҳсил олган. Унинг “Метофизика” (ёки “Биринчи фалсафа”), “Физика”, “Жон тўғрисида”, “Аналитика”, “Категориялар”, “Сиёсат тўғрисида”, “Риторика”, “Этика”, “Никомах этикаси” (маънавий идеал таҳлили) каби асарлари бор.

4) Гераклит эфеслик (мил.ав.тах. 544-483) – қадимги юнон файласуфи. Фалсафа тарихида биринчи бўлиб объектив диалектикага мойилларини кўрсатиб берган. Гераклит фикрича, олам ҳеч ким томонидан яратилмаган, у азалдан бор. Гераклит оламни тўхтовсиз алангаланиб ва сўниб турувчи оловдан иборат дейди. Унинг фикрича, ҳамма нарса оловдан пайдо бўлган ва ҳамма нарса оловга айланади. Дастлабки илохий олов – соф ақл, “логос” бўлиб, унинг парчаланиши ва курашлар орқали турли-туман ходисалар пайдо бўлади, ўзаро тотувлик ва тинчликни баҳолашга олиб келади ва баҳо берувчи секин-аста дастлабки олов кўринишини олади. Ҳамма нарса ўзгаришда, бу оқимда “логос”нинг ҳукмронлик қилиши қонуний, унга эса жуда озчилик эришади.<sup>39</sup>



### 2.1.6-расм

Гераклит ҳамма нарса муттасил ўзгариб, янгиланиб туриши сабабли айни бир дарё сувига икки марта тушиб бўлмайди. Чунки иккинчи марта тушувчига янги сув оқиб келади, дейди. Шу билан бирга инсон ҳам ўзгарган бўлади. Унга кўра, ҳамма нарса қарама-қаршилик орқали биргаликда, уларда яширин


<sup>39</sup> Фалсафа: энциклопедик дугат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010. 76-бет.

уйғунлик мавжуд ва у очик кўринишдаги қарама-қаршилиқда яхшироқ кўринади.

Гераклит барча буюмлар ибтидоси курашдир, у баъзиларни худо кўринишда, баъзиларни қул, эркин кишилар кўринишида намоён қилади. Донишмандлар барча нарсада ҳукмрон, ҳамма нарсани бошқарувчи ақл, “логос”ни билиш демакдир, дейди. Донишманд бўлиш шу ақлга бўйсунуш ва уни тан олишдир. Фақат давлат тузилиши, табиат кўринишидаги ақл қонунарига бўйсунибгина инсон маънавий софликка эришади. Бу эса, ўз навбатида инсоннинг муқаддас бахтидир.

**5) Пифагор (тах.мил.ав. 580-500)** – юнон математик, файласуфи. Мил.ав. 6-асрда Юнонистонда пифагорчилик мактаби асосчиси. Пифагор ва унинг мактаби ҳамма нарсанинг асосини сонлар ташкил қилади, деб ҳисоблаганлар. Улар сонларни моддий нарсалардан ажратиб, мустақил кучга эга, деб исботламоқчи бўлдилар. Пифагор таълимотига кўра, оламни билиш сонни билишдан иборат, дунёнинг асосида илоҳийлаштирилган сон ётади. Шунингдек: “Барча предметлар чегарали-чегарасиз, тоқ-жуфт, бирлик-кўплик, ўнг-чап, эркак-урғочи, турғунлик-харакат, тўғрибурчак-тўртбурчак каби қарама-қаршилиқлардан ташкил топган”<sup>40</sup>.

Лекин қарама-қаршилиқлар ҳаракатсиз, ўзгармас ҳолат сифатида талкин қилинади. Умуман, Пифагор яратган таълимотини, ғоясини қуйидаги расм билан изоҳлаш мумкин.



### 2.1.7-расм

Тарих далолат берадики, марказлашган йирик давлат ва империяларнинг пайдо бўлиш жараёнида ғоя ҳамда мафқуранинг аҳамияти янада ортади. Милоддан аввалги IV-I аср ва милоднинг бошларида Рим тарихи бунга яққол мисол бўлади. Ушбу шаҳар-давлатда унинг фуқаролари худолар томонидан олий мақомга эга кишилар сифатида тан олингани тўғрисидаги ғоя устувор эди.

<sup>40</sup> Фалсафа: энциклопедик луғат. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2010. 225-бет.

Бу, ўз навбатида, барча римликларнинг ўзаро тенглиги ғояси кенг шаклланишига ва шу асосдаги мафкуранинг мустахкамланишига сабаб бўлди. Ана шу мафкурага кўра, Рим аҳолиси роҳат-фароғатда яшаш, асосан мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни сақлаб туриши, энг кўп сонли куллар эса меҳнат қилиши лозим бўлиб, ушбу ҳол барча қонунларда белгилаб қўйилган эди.

Тарихдан маълум ва машҳур бўлган Спартак бошчилигидаги куллар қўзғолони ана шу тартибга қарши кўтарилган ҳаракат эканини яхши биламиз. Қўзғолончилар сони 100 мингга етишига қарамасдан, бу ҳаракатнинг галаба қозона олмаслиги муқаррар бўлган. Чунки ўша пайтда римликлар ўзлари учун қонунга ва яшаш мезонига айланган ғоя асосида шаклланган тартибни бузишга йўл қўймас эди. Бу ғоя римликларнинг ҳаёт-мамоти учун жанг бўлаётган бир шароитда уларнинг орасидаги Спартак ва унинг тарафдорларига қарши бир неча юз минг аскарни саралаб олиш имконини берган<sup>41</sup>.

Умуман, қадимги Римдаги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган (яъни, “куллар меҳнати – фуқароларнинг роҳат-фароғати” тамойили асосидаги) тенглик ғояси аста-секин халқни оломонга, империя учун зарур бўлган аскарларга, юқоридаги тамойилни ҳимоя қилишга шай турган армияга айлантирган. Империяни яратадиган дунёқараш ҳамда мафкура шу тарика шаклланган. Бу эса ўз навбатида, ана шу армиянинг бошлиқлари Рим империясининг жаҳонгир лашкарлари Юлий Цезар, Октавиян Август ва бошқаларни тарих сахнасига олиб чиққан.

Ўша даврда Римнинг ёнгинасида Афина давлати ҳам гуллаб-яшнаган, унинг асосий ҳаёт тамойили эркинлик ғоясига таянган эди. Рим армияси маданий тараққиёт жиҳатидан устун бўлган Афинани тез орада забт этди. Аммо ўз худудда Афинадагидек эркинлик ғоясини устувор тамойилга айлантира олмади. Чунки эркинлик ғояси тоталитаризм учун энг асосий хавф бўлиб ҳисобланади. Ҳаёти эркинликка асосланган Афина инсоният маданиятининг тамал тошидан бири, юксак маънавий кадрятлар устувор бўлган цивилизацияни дунёга келтирган эди. Бу даврда фан ва маданият тараққиёти инсониятни ҳозиргача ҳам ўзига мафтун этиб келмоқда.

Рим эса фан ва маданият бобида Афинага тенглаша олмади, бу соҳада ундан устунроқ бўлган бирор қашфиёт ёки янгилик ярата олмади. У бор-йўғи дунёга даҳшат солган тажовузкор ва мустабид империяни, урушқок ва зўравон армияни ярата олди ҳолос. Римликлар ўша даврда Афинани маҳв этган ва унинг устидан ҳукмронлик ўрнатган бўлсада, аммо афиналиклардан ўрганишдан орномус қилмаган. Ҳатто, энг атоқли Рим задагонлари ҳам ўз фарзандлари учун устоз-ўқитувчиларни афиналиклар орасидан танлаган ва бундан фахрланиб юрганлар. Машҳур француз файласуфи Ж.Ж.Руссо бу тўғрида шундай деб ёзган эди: “Сиёсий жиҳатдан тобе бўлган Афина ғоявий ва маънавий жиҳатдан Римни беихтиёр тиз чўкишга мажбур қилган эди. Римликлар бу борада ҳеч қачон афиналикларнинг қаршисида ўзларини голиб деб ҳисоблай олмаганлар”, Француз адиби Андре Моруа бу жараёни таҳлил қилиб, куйидаги фикрни биладирган.

<sup>41</sup> Назаров К. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya. 2011. 23-25-бетлар.

Европа бу ғоя ва йўлларнинг қайси бири тўғри эканлигини тўла-тўқис ажратиб, ўз йўлини уларнинг бири асосида танлаб ололмади. Салиб юришлари домига тортилган ва ўрта аср сўнгида империяларни яратган Европа қадимги Рим йўлидан, Римнинг ҳалокатидан кейин мустақиллик ва миллий давлатчиликни ихтиро этган Европа эса қадимги Афина йўлидан борди.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараён. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, уларга ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб, ўзаро фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноксиз қулфатлар келтиради, аянчли оқибатларга сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, мафкуравий тизимлар моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, улар замиридаги маъно ва мазмунни билиб олиш заруратга айлантиради.

Демак, дастлабки мафкура шакллари қуйидагилардан иборат:

**1. Тотемизм** – индеецлар тилида “унинг руҳи” хайвон, ўсимликларга ишониш.

**2. Анимизм** – лот. жон, рух. Киши руҳи, жоннинг борлигига ишониш.

**3. Ҳиндуизм (миллий) 4 каста:** браҳмонлар – руҳоний, кшатрий-ҳарбий, савдо хунарманд.

**4. Фетишизм** – португал, француз. сўз. “сеҳрли нарса”, жонсиз нарсага ишониш.

**5. Иудаизм** – яҳудийлар дини, қабила номидан олинган;

**6. Конфуцийлик** – эр.авв. 551-479, Хитой таълимоти, инсон само қудратига боғлиқ.

**7. Синтоизм** – японлар миллий дини.

**8. Христианлик** – мил.авв. III-I асрларида Рим жамиятида ёйилган.

Оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этгани каби масалаларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм, дуализм, плюрализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келди.

Демак, ғоя ва мафкуранинг дастлабки шакл ва қўринишлари:

**1. Монизм** – оламнинг асоси ягона, битта дея таълим берувчи йўналиш.

**2. Дуализм** – оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эгаллиги ҳақидаги таълимот.

**3. Плюрализм** – оламнинг асосида кўп нарсалар ётиши ҳақидаги ғояларни илгари сурувчи таълимот.

**4. Идеализм** – олам ва одамнинг яралиши, яшаши ва ривожланиш хусусиятлари, борлиқ ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойилларини устувор деб билиш, мутлақлаштиришдир.

**5. Материализм** – олам ва одам, борлиқнинг яшаши, ривожланиши масалаларида модда (материя) ва унинг хоссаларини, мутлақлаштиришдир.

**6. Теизм** – илоҳийликни мутлақлаштириш.

**7. Атеизм** – даҳрийликни мутлақлаштириш.

Муайян тарихий даврларда миллий асосдаги диний мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган. Аммо идеализм ва материализм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳамда уларни муроасага келтиришга интилувчи дуализм ғоялари қадим замонлардан буён давом этиб келмоқда.

Худо ва илохий қадриятларни мутлақ рад этувчи атеизм ва ана шу ҳақиқатларни мутлақлаштирувчи теизм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳам узок тарихга эга.

## 2.2. Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида ғоялар тарихи ва фалсафаси

Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарининг иккинчи боби “Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш” деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфи “Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт” масаласига бағишланган. Унда таъкидланганидек, инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига кўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади<sup>42</sup>.

*Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъозланиб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиши ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.*

*Ислом Каримов*

Янги ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш каби эзгу мақсадларни қўйган халқимиз тараққиётнинг бошқа соҳалари каби ғоявий тамойилларни ҳам аниқ белгилаб олди. Бу эса, ўз навбатида, Президент Ислом Каримовнинг “Мафкура ҳар қадайд жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар”<sup>43</sup>, деган фикрининг ҳаққонийлигини исботлайди. Халқимизнинг асрий орзуси, мақсадга етишишининг асосий омили – авваламбор мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустақамлаш билан боғлиқ бўлиб, бу миллий ғоямизнинг маъно-


<sup>42</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-72-бет.

<sup>43</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлларимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 84-бет.

мазмунини ҳам ана шундай мезонлар негзида белгилашни вазифа қилиб қўйдик. Аини пайтда, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон талаблари, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ мақсадлар, вазифаларни қўймоқда.


Ғоялар тўғрисидаги билимларга инсоният тарихининг энг қадимий даврларидан бошлаб катта эътибор берилган. Маълумки, одамзод яратган маънавий бойликлар орасида ғоялар соҳасида тўпланган билимлар муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Дунёнинг буюк донишмандлари, юксак тафаккур соҳиблари юрти ҳамда халқининг орзу ва мақсадларини ўз ғоялари, назария ва таълимотлари мисолида ифода этганлар. Улар жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни яратганлар. Бу ғоялар халқни улуғ мақсадларга етакловчи байроқ сифатида намоён бўлиши ва муайян давр мафқураси учун асосга айланиши инсоният тараққиётида катта аҳамият касб этган.

Ғоя атамасининг мазмун-моҳияти Ғарб мамлакатларида “идея” тушунчаси орқали ифодаланган. Шарқда эса ғоя (араб. ғоя сўзининг шакли) – лугавий маънода ниҳоя, интиҳо, охири, поён ҳамда орзу, мақсад, ният, мурод режа маъноларини англатувчи тушунча. Шунингдек, идея грек тилидаги “idea” сўзидан олинган бўлиб, қадимда у “образ”, “ташқи кўриниш” деган маъноларни англатган.



**2.2.1-расм**

## Гоялар тарихи ва назарияси билан боғлиқ қарашлар



### 2.2.2-расм

Гоялар ва мафқуравий жараёнларнинг амалиёт билан боғлиқликда 2 муҳим назарий ва методологик аҳамияти мавжуд:

**Биринчидан**, инсониятнинг жамиятдаги ҳодисалар моҳияти ва мазмунини, уларга ҳос қонуниятларни аниқлаш жараёнида эришган билимларнинг натижаси.

**Иккинчидан**, ҳаётни янада чуқурроқ билиш ва унинг сирлари ҳамда қонуниятларини ечишда қўлланиладиган муҳим илмий воситалар ҳисобланади.

Гоялар фалсафаси тушунчалари, категориялари ва тамойиллари бир бутун, яхлит тизим шаклида намоён бўлади. Уларни фуқаролар қалби ва онгига сингдириш усуллари, омиллари ва воситалари ҳам ана шу тизимнинг таркибий қисми бўлиб, фаннинг асосий тушунча ва категориялари қаторида ўрганилади.

**Миллий гоя ва мафқура фанининг тарихий илдизлари деб**, ўзининг ўзлигини аниқлашга, озод ва обод Ватани равнақи йўлида тинмай самарали эркин меҳнат қилишга, олам сирларини кашф этиб, уни инсоният тараққиётига хизмат қилишга, инсонийликни улғу фазилат деб билишга, қомил фарзандларни вояга етказишга, алҳусус, унинг бутун жисмоний ва маънавий вужудини маънавий жасорат кўрсатишга қорлайдиган асрлар мобайнида турли синовларга бардош бериб, тарихий макон ва замондан абадий жой олиб ота-боболаримиздан қолиб келаётган моддий ва маънавий ашёлар тизимига айтилади.

**Миллий гоя ва мафқуранинг тарихий илдизлари ва фалсафий асослари қуйидагилардан иборат:**

1. Энг қадимги одамларнинг пайдо бўлганлиги ва яшаганлиги (Фарғона водийси Сўх тумани Селунғор ғорида яшаган одамлар).

2. Маданият ва маънавият илдизининг қадимийлиги (биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз).

3. Миллий давлатчилик анъаналари (Ўзбеклар бундан 2700-3000 йил олдин илк давлат қурган халқ).

4. Ҳаққоний ёзилган тарих (Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас).

5. Халқнинг тарихий хотираси (аждодаларини англаш, билиш, тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон).

6. Ёзма манбалар (20 мингдан ортиқ кўлёмалар мавжуд).


7. Халқ оғзаки ижоди (афсонавий қахрамонлар: Тўмарис, Широқ, Спитамин ва ҳоказо).

8. Буюқ мутафаккирларнинг мероси (ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Навоий ва ҳоказо).

9. Санъат ва адабиёт дурдоналари (мусика садолари ва ҳоказо).

10. Миллий қахрамонлар ҳаёти, фаолияти ва мероси.

Ғояларнинг ижтимоий-тарихий тараққиётда тутган ўрнини билиш, нафақат муайян давр нуктаи назаридан, қолаверса, инсоният маданиятида ўз фикри, ўлмас ғояларга эга бўлган буюқ алломалар меросини бугунги кунда ўрганиш маъносида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган<sup>44</sup>.



2.2.3-расм

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади”.

### 2.3. Шарқ ва Марказий Осиёда ғояларнинг намоён бўлиши

**Шарқ ренессанси** – Шарқ маънавий-маърифий, маданий ҳаётидаги Уйғониш, яъни Шарқ халқлари ривожининг юксалиш давлари. Шарқ ренессансини икки даврга бўлиш мумкин:

1. Марказий Осиёда мўғуллар истилосигача бўлган давр.

2. Соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (XIV-XVI) давр.

1. **Марказий Осиёда мўғуллар истилосигача бўлган давр**, у ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби комусий олимлар, астраном ал-Фарғоний, Бухоро тарихчиси Наршахий, мутафаккирлар Махмуд

<sup>44</sup>Назаров К. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011. 17-бет.

Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа номлари ва ижодлари билан боғлиқ. Бу даврда яшаган мутафаккирларнинг деярли барчаларига қуйидаги хусусиятлар хос:

1) Маданиятнинг ўтмишда эришган ютуқларини, хусусан, қадимий юнон, ҳинд, Хитой меросини чуқур ўрганиш ва уни ижодий ривожлантириш.

2) Табиатни ўрганишга қизиқишнинг ортиши ва табиий фанлар тараққиёти (астрономия, жуғрофия, математика, риёзиёт, тиббиёт ва х.к.).

3) Рационализм, яъни ақлни ҳақиқат мезони сифатида тан олиш ва бунинг натижасида мантиқни ривожлантириш.

4) Ақидапарастликни рад этиш ва ҳурфикрликнинг ривожланиши.

5) Инсонпарварликни улуғлаш, инсоннинг ахлоқий, маънавий гўзаллигини, камолотини Аллоҳнинг юксак инъоми сифатида талқин этилиши.

6) Сўз ва санъатга муҳаббат.

7) Илмий асарнинг бадиий шаклига алоҳида эътибор берилиши.

8) Қомусий билимларга эга бўлишлик.

Бу даврда яшаган мутафаккирлар фан ва санъатнинг кўп соҳаларини чуқур билган алломалар бўлган. Бу даврда Яқин Шарқда ал-Маъмун халифалик қилган вақтда (813-833) давлат илм-маърифатнинг ўсишига ёрдам берди. Боғдодда, сўнгра Дамашқда астраномик обсерваториялар қурилди. Боғдодда “Байт ул-Ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) ташкил этилди. Бу илм даргоҳларида Ўрта Осиёлик олимлар фаол иштирок этдилар<sup>45</sup>.

XI аср бошларида Хоразмда машҳур “Маъмун академияси” ташкил қилинди. Бу ерда Беруний атрофига ўша замоннинг бир гуруҳ олимлари, жумладан, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ирок, шунингдек, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, табиб Абдулхайр Ҳаммор ва бошқа олимлар жам бўлиб, кўплаб илмий изланишлар олиб бордилар. Бу даврда тиббиёт илми, пантеистик фалсафа билан бирга ислом илоҳияти ҳам кенг ривожланди. Муҳаддис сифатида бутун мусулмон оламида машҳур Имом Бухорий, Имом Термизий, калом таълимотининг асосчилари Абу Мансур Мотрудий, Бурхониддин Маргиноний ва Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийлар ислом дини ривожига катта хисса қўшдилар.

Исломий ғоялар Қурони Карим ва ҳадислардаги таълимотнинг асоси сифатида шаклланиб, улар ислом қонун-қоидалари, имон-эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларда ўз ифодасини топган. Бундай ғояларни англашда Имом Бухорийнинг Қуръони каримдан кейинги асосий китоблардан бири сифатида тан олинадиган “Саҳиҳи Бухорий” асари катта аҳамият касб этади. Унда ислом таълимотининг асосий ғоялари шарҳи ўз ифодасини топган. “Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини имон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда”<sup>46</sup>.

Ушбу таълимотни ўрганиш ва унинг турлича талқин қилиниши кўплаб мазҳабларни вужудга келтирди. Ислом фалсафасида машшойунлар ва табиий йўналишлар (Аристотель фалсафаси)нинг фалсафий ғоялари ўша давр

<sup>45</sup>Маънавият: асосий тушунчалар изохли лугати. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 628-629-бетлар.

<sup>46</sup>Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 38-бет.

маънавиятининг дунёвий ҳамда диний масалаларда, жохон фалсафий тафаккурида рўй бераётган жараёнларга нисбатан ташаббускор куч эканини кўрсатиб турибди.

Бу соҳадаги асосий ғояларга кўра, инсоният истикболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, имон-эътиқод, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисмидир. Мазкур йўналишдаги ғоялар талқинида ўз ўрнига эга бўлган Хожа Аҳмад Яссавий таълимотида инсоннинг ўз гуноҳларини, жумладан, шахсиятпарастлик, таъмағирлик, бориға каноат қилмаслик каби иллатлари аёвсиз очиб ташланиб, улардан узоқлашишга даъват қилинади. Ватанпарварлик жасоратини ибрат тариқасида кўрсатган Нажмиддин Кубро ўз тариқатининг моҳиятини 10 та усулда мужассамлаган. Булар (2.3.1-расм).

<b>Ватанпарварлик жасоратига доир Кубровия (Нажмиддин Кубро (1145-1221, Хоразм) тариқатининг 10 та усули, моҳияти</b>	
→	1. Тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш.
→	2. Зухд фи дунё – ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш.
→	3. Таваккул – Аллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш.
→	4. Қаноат.
→	5. Узлат – хилватни ихтиёр қилиш.
→	6. Мулозамат аз-зикр – узлуксиз зикр.
→	7. Таважжук – Ҳаққа муҳаббат қўйиш.
→	8. Сабр – нафс балосидан озод бўлиш.
→	9. Мурукаба – тафаккурға ғарқ бўлиш.
→	10. Ризо – Тангри хушнудлигини қозонишдан иборат.

### 2.3.1-расм

**Тасаввуф таълимотига кўра**, эзгу ғояларни инсонлар қалбида шакллантириш билан бирга, фаровон ҳаёт кечиришнинг асосий манбаи меҳнат орқали кун кечириш эканини тарғиб этишдир<sup>47</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) таълимотининг моҳияти “Дил ба ёру даст бакор” ғоясида яққол ифодасини топган. Инсон Аллоҳ инояти натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Аллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоғи керак. Унинг таъкидлашича, қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди, бу эса кўнгилини поклаб, руҳни илоҳий қувватдан баҳраманд қилади.

**Тасаввуф – исломдаги диний-фалсафий оқим.** 8-асрда араб мамлакатларида пайдо бўлган. Бу таълимот ўша даврда савдогарлар ва қосибларнинг манфаатини кўзлаган. Тасаввуфнинг асосий моҳияти инсон ва

<sup>47</sup> Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. 20-бет.

унинг Худога муносабатидир. Худо васлига етишишнинг 4 босқичи бўлиб, булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатдир. Суфий яна шу босқичларни босиб ўтиб ҳақиқатга – Худо васлига етишиши мумкин.<sup>48</sup>

Ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида турли тасаввуф оқимлари ва маъҳаблари кенг тарқалган. Улар 35 дан ортик. Марказий Осиёда кенг тарқалган: 1) Кубравийа; 2) Яссавийа; 3) Қодирия; 4) Нақшбандия оқимлари мавжуд. Умуман, тасаввуф таълимотидаги ахлоқ, таълим-тарбия тўғрисидаги ғоялар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларида муқаддас динимиз ҳақида алоҳида тўхталар экан, ислом дини ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган 6 буюк зотлар ҳақида тўхталиб ўтган. Булар:

1. Имом Бухорий (мусулмон оламида “Муҳаддислар султони” дея шуҳрат қозонган).

2. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий: “Суннани Термизий” асари.

3. Имом Мотрудий (ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга эга бўлган.)

4. Бурхониддин Маргиноний (Шарқ оламида “Бурхониддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлган). Унинг “Ҳидоя” – “Тўғри йўл” асари 8 асрки, мусулмон оламида энг нуфузли ҳуқуқий манба.

5. Абдулхолик Ғиждувоний.

6. Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифода этган.<sup>49</sup>

Жаҳон цивилизацияси маданиятига улкан ҳисса қўшган, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон ақлини ҳайратга солиб келмоқда. 2014 йил 15-16 майда Самарқандда Президентимиз Ислом Каримов “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференцияда нутқ сўзлаб Марказий Осиё мутафаккирларининг буюк хизматларига баҳо берди (2015 йил 15 май).

**1. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850)** табиат ҳодисалари ва жамият қонуниятларини онгли равишда илмий идрок қилиб, ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва кутблар координатларини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб, илм-фан соҳасига жорий этди ва шу асосда аниқ фанлар ривожига катта ҳисса қўшди. Хоразмий тўққиз белгидан иборат ҳинд рақами ёрдамида чексиз миқдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи санок системасини кашф этди. Хоразмий томонидан “0”нинг кашф этилиши инсоният илмий тафаккурининг бекиёс улкан ютуқларидан

<sup>48</sup> Фалсафа: Қомусий лугат. – Т.: Шарқ, 2004. 389-390-бетлар.

<sup>49</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 38-43-бетлар.

биридир. Хоразмий томонидан ёзилган “Ҳисоб ал-Ҳинд” китобида энг муҳим 6 арифметик амаллар: кўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўпайтириш ва квадрат илдиз чиқариш қабилар ишлаб чиқилган ва уларнинг услуб ҳамда қонуниятлари кашф этилган эди. Хоразмийнинг яна бир буюк хизмати алгебра фанини кашф этганидир. Астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича илмий асарлар ёзди. Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари “алгоритми” ва “алгебра” каби замонавий илмий амалларда адабийлаштирилди. Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ ва кейинчалик Европа риёзиёт илмига асос солди (С.Толстов). Жаҳон фани тарихининг IX аср биринчи ярми Хоразмий асри деб аталди.

**2. Аҳмад Фарғоний (797-865)** – ўзбек қомусий олими. Шарқда Ал-Фарғоний “Буюк математик” унвонига сазовор бўлган, Европада Алфраганус тахаллуси билан машҳур. Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси. Алломанинг бебаҳо мероси “Астрономия асослари ҳақида китоб” номли асари XI асрдаёқ латин ва иврит тилларига таржима этилган. XVI асрда Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган. У ўзининг фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақида дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга эканлиги хусусида далиллар мавжуд. XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия дарслик сифатида ўқитиб келинган. Буюк географик кашфиётчилар даврида Колумб, Магеллан каби саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлди. У устурлаб назариясини ишлаб чиққани ва шунингдек, Нил дарёсида “ниломер” деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратди. Аҳмад Фарғонийга Қоҳира шаҳрида ҳайкал ўрнатилган.

**3. Абу Наср Форобий (873-950)** – ўрта асрлар мусулмон Шарқининг машҳур мутафаккири. Унинг 160 дан ортиқ асари (“Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти”, “Субстанция ҳақида сўз”, “Қонунлар ҳақида китоб”, “Масаллар манбаи”, “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи”, “Мантиққа кириш китоби”, “Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз”, “Ҳазилатли хулқлар”, “Ҳозил одамлар шаҳри ҳақида рисола” каби асарлари) мавжуд. Форобий Аристотелнинг “Методифизика”, “Физика”, “Метрология” ва мантиқ соҳасига оид фалсафасини таржима ва талқин қилиб, шуҳрат қозонган. Форобийнинг “Ал-муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) ва “Шарқ Аристотели” каби номларга сазовор бўлган. Форобий билишнинг рационал методини асослаб берган. Форобий – инсон ижтимоийлик табиатига эга табиий қонуният асосида ривожланади. Абу Наср Форобий инсон ақл воситасида илм-фанни яратади, дейди. Фан туфайли ходисалар моҳияти очиб берилади, ҳар бир фан инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Мутафаккир ўз асарларида қомил инсон, ҳозил фуқаро, одил ҳукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, ахлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўғрисидаги илғор ғояларни илгари сурган.

**4. Абу Райҳон Беруний (973-1048)**– буюк қомусий аллома ва машҳур мутафаккурнинг 150 дан зиёд илмий изланишларидан бизгача 31 таси етиб

келган. У ФарбадаАлибарон номи билан машхур.Беруний денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни кашф этди. Ер радиусини ҳисоблаб чикди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изохлаб берди. Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида китъа мавжудлиги ҳақида гапирди. Минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чикди. Геодезия фанига асос солди. Шу боисдан ҳам XI аср “Беруний асри” деб ном олди.

Беруний илмий масалаларда ҳам тарихий воқеа-ҳодисаларга, ўз замондошларига баҳо беришда ҳам ўта холислик ва ҳаққонийлик билан фикр юритгани боис кўп азиятлар чеккан, ҳатто умрининг охирида турли кийинчиликларга дучор бўлган, аммо ҳар қандай огир шароитда ҳам эътиқодидан қайтмаган, маънавий идеалларига содиқ бўлган.

Беруний – инсон муҳитда вужудга келадиган мавжудот.Берунийнинг фалсафий қарашлари табиий – илмий ғоялари асосида шаклланди. Беруний “Олдий жавҳарлар пайдо бўлиш ва йўқ бўлишни билмайди”, деган ғояни илгари сурган. Бунда адабийлик биринчи сабаб билан боғлиқ, чунки у яратувчи умрини англади.

**5. Ибн Сино (980-1037)** – ҳаким, қомусий аллома ва машхур мутафаккур. Ибн Сино тиббиёт ва фалсафа, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусика, адабиёт ва тилшунослик соҳаларида катта кашфиёт қилган. Леонардо да Винчи, Микелонжело, Фрэнсис Беконлар унинг асарларини ўқиб ҳайратга тушган. “Тиб қонунлари” бебаҳо фундаментал асари бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётига асосий йўналиш берди. Бу китоб XV асрда чоп этилган. Европанинг етакчи университетларида 500 йил тиббиёт илми асари ўқитилиб келинган. “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Унинг илмий кашфиёти дунё тараққиётининг инсонпарварлик руҳида, яъни маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди. Ибн Сино Шарқда “Шайхур-раис” – “олимлар олими” деб ном олган.Ибн Сино – инсон қобилияти ижтимоий муносабатлар доирасида равақ топади дейди.

Ибн Сино ўз асарларида илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги, инсон камолоти, бахт-саодат, ижтимоий адолат, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳукмдорнинг бурчи тўғрисида қизиқарли ғояларни илгари сурган. Унингча, барчани бир хил ижтимоий мавкега эриштириб бўлмайди. Аслида улар учун муайян шароит яратиб бермоқ лозим.

**6. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (XIV-XVI аслар) даври.** Бу даврда яшаб, ижод этган олим ва мутафаккир Саъиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Муҳаммад Тарагай Угуғбек, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Кушчи, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий, машхур тарихчилар Шарофиддин Али Яздий, Мирхонд ва Хондамир, рассомлар Камолиддин Бехзод ва шох Музаффарларнинг номлари дунёга машхур бўлган. Бу даврда давлатни бошқаришда дин ва тасаввуф қоидаларига алоҳида эътибор берилган. Аҳмад

Ясавий ва Баҳоуддин Накшбанд таълимотлари маънавият ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Инсоният тарихида шундай ғоялар борки, улар буюк ишларга тайёр миллатларни ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришишга ундайди. Айнан бундай ғояларнинг амалий ифодаси инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга улкан хисса бўлиб қўшилади.

**7. Амир Темури (1336-1405)** ва темурийлар давридаги ана шундай юксак ғоялар халқимизнинг миллий даҳосини энг юксак чўққига кўтарди. Амир Темурнинг “Куч - адолатда” гоёси мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда асосий ўрин эгаллайди<sup>50</sup>.

Амир Темур XIV асрда буюк темурийлар давлатига асос солди. У давлат бошқарувида ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқ қилиб, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ё икки табакага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянди. Улар: 1) саййидлар; фозил кишилар; 2) ишнинг кўзини биладиган донишманд кишилар; 3) ҳудожўй, дарвеш, қаландарлар; 4) нўёнлар; 5) сипоҳ ва раият; 6) ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳокимлар, табиблар; 9) тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли санъат; 11) сўфийлар; 12) тужжор (савдогар)лар.

Амир Темур эл-юртни ўз тасарруфида ва итоатда тутиш учун 12 тузуқ тутди. Давлат ишларини 4 омилга боғлаб олиб берди.

1. Салтанат.
2. Ҳазина.
3. Қўшин (сипоҳ).
4. Раият (қора халқ).

Амир Темур ўз улкан империясини улус-улус қилиб идора этган. Моварауннаҳрдан бошқа барча ўлка ва мамлакатларни у 4 улусга бўлди.

**1. Қобул, Ғазна ва Қандахорни то Синг дарёсигача бўлган ерлар билан** қўшиб ва 12 минг кишилик қўшин билан тўнғич ўғли амирзода Жаҳонгирга берди. Унинг вафотидан кейин эса (1376) у вилоятларга Балх мамлакатини ҳам қўшиб, Жаҳонгирнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом қилди.

**2. Иккинчи ўғли Умаршайх мирзога Фарғона** ўлкаси, сўнг 1393 йили Форс вилоятини берди. Фарғонага уни 10 минг кишилик қўшин билан жўнатди.

**3. Учинчи ўғли амирзода Мироншоҳни** эса 1380 йили унга 10 минг кишилик қўшин билан Хуросон мамлакатига тайинлади. 1383 йили эса унга ғарбий Ироқ ва Озарбайжонни (маркази Табриз) улус қилиб берди.

**4. Хуросонга эса ўша йили (1383)** кенжа ўғли амирзода Шохруҳни тайин қилди ва 8 минг кишилик қўшин билан Хиротга жўнатди.

**5. Амир Темур салтанатни бошқаришда** кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) ва маслаҳатга алоҳида эътибор берган.

<sup>50</sup>Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. 21-бет.

**Кенгаш** – бу яқин ишончли одамлар билан муҳим давлат ишлари юзасидан қилинадиган маслаҳат, йиғилиш. **Машварат** – эса машойих, уламо, фузало, вузаро ва бошқа арқони давлатни тўплаб қилинадиган йиғилиш. “Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пердаси ортида яширин бўлса-да, - дейди у, - ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозим”. “Давлат ишларининг 9 улушини, - дейди у, - кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушини қилич билан ҳал қилдим”. “Тажрибамдан билдимки, кенгаш 2 турли бўлади: Бир тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жо этардим”.

**8. Мирзо Улуғбек (1394-1449)** – машхур ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби, Амир Темурнинг набираси, беназир аллома. Мирзо Улуғбек қарийб 40 йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори. XV асрда “Зижи жалиди Курагоний” деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалган. Астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган. Ақл-заковат, фаросат, фаҳм ва шу қабиларнинг асоси барчага тақсимланган, лекин уларнинг инсоний қувват ҳосил қилиши ҳар бир инсоннинг истак-хоҳиши, эҳтиёжига бориб тақалади.

“Буюк Амир Темурнинг набираси, беназир аллома Мирзо Улуғбекнинг ўрта асрлар шароитида намоён этган илмий жасорати бугунги кун олимларини ҳам ҳайратга солмасдан қўймайди... Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек ўта масъулятли вазифа унга насиб этди. Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида халқнинг азалий орзуси – тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди...”<sup>51</sup> Птолемей – Аристотелдан тортиб, ўрта асрдаги Улуғбек астрономиясигача дунёнинг марказини Ер деб ҳисоблаб келганлар.

**9. Алишер Навоий (1441-1501)** – XV аср мутафаккири ижодида бир қатор муҳим фикрларни учратамиз. Навоий халққа нисбатан адолатсизлик ва ёвузликни қоралайди. Марказлашган кучли подшолик ҳокимиятини ёқлаб чиқади. Негаки, кучсиз шох порахўр, қозилар, зўравон ва таъмагир амалдорларга йўл очиб беради. Кучли шох ҳокимиятида фақат муносиб барқамол шахслар ўрин олади. Зулм учун золимнинг ўзи жавоб беради, негаки, кўмир ташиганнинг қўли қорадир. Инсонлар маънавий камолотга интилишлари лозим. Бунинг асосий шарт эса, А. Навоий фикрича, ҳалол меҳнатдир.

А. Навоий сиёсий ғояларини “Садди Искандарий” дostonида асослаб берган. Унда ижтимоий адолатли тузум гоёсини адолатли шох тимсолида баён қилган. Навоий бу муаммони адолатли шох – адолатли давлат – адолатли қонунлар – адолатли тартиб сифатида поэтик тасвирлаган. Шунингдек, даҳо шоир турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасидаги оқилона, маърифатга асосланган муносабатлар ижтимоий барқарорликка олиб келишини гўзал тимсоллар орқали қуйлаган.

<sup>51</sup> Носирхон Султонов. Политология. Дарслик. 40-41-бет.

Навойй сиёсий қарашларида кўпроқ адолатли қонунларга асосланган маърифатли шоҳ ҳокимиятини орзу қилиб, уни Хусайн Бойқаро давридаги вазиралик фаолиятида амалга оширишга уринади. Навоййнинг бу илғор сиёсий қарашлари кейинчалик Бобурнинг давлат фаолиятида ва унинг бутун дунёга машҳур “Бобурнома” асарига янада бойитилди.

Умуман, Алишер Навойй ижодий меросида инсонпарварлик ва қомил инсон ғоялари муҳим ўрин эгаллайди. Шоир ўз асарлари орқали ушбу ғояларни ёйди, турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни улуғлади. Халқ фаровонлиққа, бахт-саодатга элтувчи, ҳамма тенг, зулм-истибоддан холи бўлган давлат тузумини орзу қилди. Навоййнинг яхшилик, эзгулик, муҳаббат, дўстлик, адолат, тинчлик, осойишталик ва бошқа гўзал фазилатлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги қимматли фикрлари республикамиз истиқлолга эришганидан сўнг ҳам барқамол инсонни тарбиялашга хизмат қилмоқда. А. Навоййнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларининг ёрқин намунаси, “агар бу улуг зотни авлиё десак – деган эди Президентимиз ислом Каримов, - у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير”<sup>52</sup>

**10. Бобур Захириддин Муҳаммад (1483-1530)** – ўзбек халқининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакили, тарихчи олим, шоир ва таржимондир. Умар Шайх Мирзонинг тўнғич ўғли, Амир Темурнинг набираси. “Буюк мўғиллар империяси” деб ном олган ва Ҳиндистоннинг ярмидан кўпини эгаллаб турган бобурийлар давлатининг асосчиси. Отаси Умар Шайх Мирзо Амир Темурнинг эвараси, Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. Онаси Қутлуг Нигор хоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи. Бобурнинг болалиги Андижонда ва унинг атрофларида ўтди. Довжураклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан “Бобур” (шер панжа) лақабини олди. Отаси вафотидан сўнг 12 ёшида у тахтга чиқди. Шайбонийхон Самарқандни эгаллаганидан кейин, Бобур мажбуран она юртини тарк этиб, ўз яқин ёронлари ва аскарлари билан Қобулга келади. 1526 йилда Дехли яқинидаги жангда 12 минг аскар билан 100 минггача аскар, 2 минг харбий филга эга ҳинд подшоҳини енгади, жангда биринчи марта порох ишлатади, ўзининг ўтқир лашкарбоши эканлигини кўрсатади. Бобур ўз давлати пойтахтини Ҳиндистонга кўчиради, у ердаги тарқоқликка барҳам беради. Мамлакат иқтисоди, маданияти ва мавқеини кўтариб, олимлар, орифларни ўз атрофига ййғади, 4 ўғли ва 3 кизини шу руҳда тарбиялайди. Бобур Ҳиндистонда 4 йилдан ошиқ яшаб ижод этди ва тахтни ўз ўғли Ҳумоюнга топширди. У 1530 йилда Аграда вафот этди, кейинчалик хоки Қобулга келтирилиб, дафн этилди. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил мобайнида ҳукумронлик қилди. У Ҳиндистонда халқ тарихида бунёдкор подшо сифатида ном қолдирди.

<sup>52</sup> Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 46-бет.

<b>Бобурнинг Ҳиндистонда эришган ютуғи</b>	
→	1. Марказлашган давлат барпо этди.
→	2. Таназзулга учраган илм-фан ва маданиятни тиклашга уринди.
→	3. Ҳиндистонда туркийзабон адабиётни ривожлантирди.
→	4. “Бобурнома” асарида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон тарихига оид бой маълумотлар тўплаган, баён этган (у XV аср охири XVI асрнинг 30-йилларигача бўлган мураккаб тарихий даврни ўз ичига олади).
→	5. У мамлакат ободончилигига катта эътибор берди, ирригация иншоотлари қурдирди, боғлар барпо қилди.
→	6. Миллий ва диний қадриятларга, миллатлараро тотувликка, тинчликка эътибор қаратди. Бунёдкор подшо сифатида ном қолдирди.

### 2.3.2-расм

Умуман, бугунги кунда Шарқ ва Марказий Осиёдаги гоё ва мафкуралар фалсафий, гоёвий, тарихий қарашларини ўрганиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ таҳлил қилишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада гоё ва мафкура соҳасининг тараққиёт босқичлари, ўтмишида оқимлар ва мактаблар, уларнинг шу соҳадаги назария ва таълимотлари, Ғарб ва Шарқ цивилизациясининг бу билан боғлиқ тушунча ва тамойилларини киёсий ўрганиш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Минг йиллар ўтса ҳам улуғ аждодларимизнинг матонати ва қаҳрамонлиги халқнинг хотирасидан ўчмайди. Чунки улар юксак гоёлар – Ватан озодлиги, эл-юрт бахт-саодати, илму урфон ривожини йўлида жон фидо қилганлар. Аҳмад Яссавий бутун умрини Ҳақ йўлида ўтказганида ҳам, Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жанг қилинганда ҳам улуғвор гоёлар уларга сабр-бардош ва матонат ато этган. Насимийни товонидан сўйсалар ҳам, Машрабни дорга оссалар ҳам ишқи илоҳий деб жон берган. Жаҳон тарихи, жумладан, халқимиз ўтмишидан ҳам, қайси соҳада бўлмасин, мардлик ва жасорат кўрсатиш учун инсонга албатта улуғвор гоё керак, деган фикрга кўплаб мисоллар топилади<sup>53</sup>.

### 2.4. Ғарб мамлакатларида гоёвий қарашларнинг тақомил босқичлари

Ренессанс (франц. уйғониш) – инсоният маънавий тараққиётидаги уйғониш даври. XIII асрдан эътиборан Европада ренессанс даври бошланди. Табиийки, ушбу ижтимоий-тарихий жараён Европанинг турли мамлакатларида турлича кечди. Ренессанс – уйғониш даври Европада 3 асосий босқични ўз ичига олади:

#### 1. Илк босқич (XIV аср).

<sup>53</sup>Назаров Қ. Гоёлар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. 57-58-бетлар.

2. Етуклик боскичи (XV аср).

3. Сўнгги боскич (XVI аср)ни босиб ўтди.

**1. Шарқ уйғониш даври ютуқлари Ғарбий Европадаги уйғониш даврига** бевосита таъсир этган. Чунки XII-XIV асрларда мусулмон олами билан Европа давлатлари орасида алоқа кучайган эди. Мусиқада ҳам уйғониш даври дастлаб Шарқда юз берди. Форобий ва Ибн Сино мусиканинг назарий, фалсафий ва эстетик масалаларини атрофлича тадқиқ этиб, умумшарқий таълимотни яратишган. Европа мусикасида уйғониш даври тамойиллари дастлаб XIV асрда ташкил топган илғор йўналиш – “Арс нова” намоядалари ижодида ўз ифодасини топди.

Уйғониш даври илк боскичида бутун Европани эмас, балки унинг энг ривожланган мамлакатларини қамраб олди. Ренессанс илк боскичининг илдиэлари қадимги Италияга бориб тақалади. Италияда XII асрдаёқ унинг илдиэлари вужудга келган эди. Илк боскичдаги соф “итальянча воқеа” ўз тараққиётининг етук боскичига у бутун Европага хос хусусият касб этди. Бу пайтда Европанинг бир қатор ривожланган мамлакатларида хунармандчилик ва савдо-сотик тез ривожлана бошланди. Кишиларнинг шаҳар томон интилишлари ортиб кетди. Шаҳарлар тез ривожланиб, янги иқтисодий муносабатлар қарор топа бошлади. Кишиларнинг турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Ушбу маданият нафақат динда, балки илм ва фаннинг илғор ютуқларига таяна бошлади. Илк уйғониш даврида фаннинг буюк қудратли кадрятлари улғуланди ва янада бойиди. Оқибатда ренессанс – уйғониш даврида Европанинг ривожланган мамлакатларида инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Бу даврга келиб биринчи китоб нашрдан чиқди. Колумб томонидан Америка кашф этилди, Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини очди. Магеллан ўзининг узок давом этган саёҳатиға асосланиб, Ер қуррасининг шарсимон эканлигини исботлади, география ва геодезия фан сифатида эътироф этилди.

Математикаға символик белгилар қабул қилинди, илмий анатомия ва физиология асосларини фан сифатида ўрганиш бошланди. Химия ва астрономияда йирик ютуқларға эришилди. Уйғониш давриға келиб христиан дини ўзининг мафкуравий ҳукмронлик мавқенин йўқота бошлади. Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида дин ва черковнинг зўравонлик таъсири барҳам топди. Европанинг бир қатор мамлакатларида секуляризация (дин, черков таъсиридан холи бўлиш) жараёни бошланиб, кишилар дунёқарашида диннинг таъсирини камайитириб борди.

Кишиларнинг фикрлаш маданиятида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Табиий, фикрлаш маданиятидаги бундай кескин ўзгариш ўрта аср теократизмиға қарши кураш заминида вужудға келди ва ривожлана бошлади. Эндриликда кишиларнинг фикрлаш маданиятида гуманистик қарашлар устуворлик қила бошлади. Табиий ижтимоий муҳитда содир бўлаётган ўзгаришларға инсоннинг ителлектуал ақлий имкониятлари нуқтаи назаридан қарам инсоннинг бахтлилиги ёки бахтсизлигининг сабабларини осмондаги илоҳий мўъжизадан эмас, балки у яшаётган муҳитдан излаш туйғулари қарор топа бошлади. Кишиларнинг антик маданий меросға бўлган қизиқишларини

кучайтирди. Бу ҳол ўз навбатида антик фалсафа намоёндаларининг асарларини ўрганишга бўлган интилишини ҳам кучайтирди. Қадимги Юнон файласуфлари Платон, Аристотель фалсафаси қайта таҳлил қилина бошланди.

**Неоплатонизм (Фичино) ва пантеизм (Патрици, Бруно ва бошқалар)**нинг фалсафий ғоялари тарқалди. География (буюк географик кашфиётлар), астрономия (Коперникнинг оламнинг гелиоцентрик системасини ишлаб чиқиш), анатомия (Везалий) соҳаларида буюк илмий кашфиётлар қилинди. Натижада уйғониш даври ғоялари феодал-диний тасаввурларнинг барбод бўлишига ёрдам берди.<sup>54</sup>

Уйғониш даври энг аввало, антик замоннинг маданий ва фалсафий мероси ҳақида эркин фикр юритиш, ҳар қандай қондаларни ўзгармас, мутлак ҳақиқат деб қарашдан воз кечиш инсон бисотида мавжуд бўлган қобилият ва истеводни эркин намоён қилиш учун вужудга келган имконият эди. Худди шунинг учун ҳам барча ижод аҳли “ёпиқ мактаблар” намоёндалари эмас, балки мустақил тадқиқотчи сифатида ҳаракат қила бошладилар. Ҳар бир тадқиқотчининг ўзига хос баён қилиш илмий-фалсафий асарларни ўзига хос талкин қилиш, воқеаликни реал тасвирлаш услублари вужудга келди.

Ғарб уйғониш даври маданияти инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ва фалсафаси инсонни энг олий кадрият эканлигини ҳар тamonлама исботлашга уринди. Худди шу даврга келиб, ижтимоий муносабатларни баҳолашнинг янги мезони – инсонийлик мезони вужудга келди.

Инсонийлик аждодлар яратган маданий–маънавий меросни ўзлаштириш қобилияти билан белгиланади, оламни теоцентриқ тушунишдан антропоцентриқ тушунишга ўтилди. Шаҳар аҳолисининг юқори табақалари билан, унинг ўрта ва пастки қатламлари орасида турли сиёсий зиддият, келишмовчиликлар мавжуд эди. Чунончи, жамиятнинг юқори табақаларидан бири бўлган мешчанлар давлат аппаратини черковни реформация, яъни ислоҳ қилиш ёрдамида товар-пул муносабатларини барқарорлаштираётгани ва уни кенгайтирмаётгани бўлсалар, аҳолининг ўрта ва паст табақаси вакиллари жамиятни яна ўрта асрлик тартибларига риоя қилишга даъват этардилар. Худди шунинг учун ҳам Ғарб уйғониш даври турли мамлакатларда турлича шаклларда намоён бўлди.<sup>55</sup>

Ғарб уйғониш даври инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлининг энг муҳим давларидан биридир. Бу жараён жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Инсон тўғрисидаги қарашлар Ғарб уйғониш даврида янада юксакликка кўтарилди. Инсоннинг кадр-қиммати ҳар тamonлама оша бошлади. Ўрта асрларда мавжуд бўлган инсон – Худо орасидаги иттифоқ ҳақидаги қарашларга дарз кетди. Инсон Худодан ажралиб, мустақил фикрлаш имкониятига эга бўлди. Энди у фалақийдан эмас, балки ўзидан нажот излай бошлади. Ўзининг теранлашиб бораётган ақл-фаросатидан, гўзаллашиб бораётган танасининг имкониятларидан мадад қидиришга тушди. Худди шу

<sup>54</sup>Фалсафа: комусий луғат. – Т.: Шарк 2004. 346-347-бетлар.

<sup>55</sup>Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Фулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 492-493-бетлар.

боис уйғониш даври антропоцентризмада гўзалликни улуглаш тамойили устувор мавкега кўтарилди. Тасвирларда инсоннинг гўзаллигини, айниқса унинг киёфасидаги лагофатни тасвирлаш ўша давр санъатининг бош мавзусига айланди. Бундай ҳолатни Ғарб уйғониш даврининг машҳур мусаввирлари – Боттичелли, Леонардо да Винчи, Рафаел асарларида кўриш мумкин.

Европада ўрта асрларда умумий макон, миллий мумтозлик (классик), империал, колониал ва миллий тараккиёт йўллари тўғрисида бир қатор ғоялар юзага келади.

**Христианлик ғоялари** (юн. худо ярлоқаган вакил, халоскор) – жаҳон динларидан бири. I асрда Рим империясининг шарқий провинцияларни (Фаластин)да шафқатсиз ҳаёт шароитларидан кутқарувчи халоскор – мессия келишига умид боғлаган мазлумларнинг дини сифатида вужудга келди. Ҳозирги даврда бу динга 1,37 миллиард киши эътиқод қилади.

Христианликнинг диний таълимоти мазмунини асосан қуйидагилар ташкил этади: Худо муқаддас учлик (троица) да намоён бўлади. Яъни, Худо уч киёфали, лекин ягонадир. Бу дегани, Худо: 1) Худо-Ота; 2) Худо-Ўғил; 3) Худо-Муқаддас Рухдан иборат. Бирок, бу уч киёфали худолар айна пайтда шахсларига кўра фарқ қиладилар.

1. Худо-Ота тўғилиш йўли билан пайдо бўлмаган, уни ҳеч ким яратмаган.

2. Худо-Ўғил (Исо Масих) эса тўғилган, худонинг асосчиси, Исо ўлдирилгач осмонга кетган.

3. Худо-Муқаддас Рух эса, Худо-Отадан пайдо бўлган.

Христианлик IV аср бошларига келиб, Рим империясининг давлат динига айланган ва 325 йилда Аиссея соборида давлат дини сифатида эътироф этилган. Христианликнинг асосий ғояларидан бири – Исо Масих (Худо-Ўғил)нинг самодан ерга тушиб, одамларни дастлабки гуноҳдан халос этиш учун кийноқларга ва ўлимга рози бўлгани, яна тирилиб, осмонга кўтарилиб кетгани ҳақидаги таълимдир.

Христианлик таълимотига кўра, келажакда Исонинг иккинчи марта қайтиб келиши ва тириклару ўликларни қилган гуноҳлари учун сўроқ қилиши кутилади. Бу дин аҳлига Исонинг ўғитларига, васиятларига амал қилиш, ҳаёт машаққатларига у каби бардош бериш кераклиги, бунинг эвазига, улар келажакда, нариги дунёда ажр (мукофат)га эришишлари тўғрисидаги фикр сингдирилади. Христианлик мафқурасининг таркиб топишига Шарқ диний эътиқодлари, яҳудийларнинг мессионизм характеридаги секталар, яҳудий-юнон фалсафаси ҳамда ўша давр стоиклари қарашлари сезиларли таъсир кўрсатган<sup>56</sup>. Исо ўғити: жаннат ва дўзах мавжуд, жоннинг ўлмаслиги.

Дастлабки христианликда кейинроқ пайдо бўлган учлик (троица), дастлабки гуноҳ, худонинг зуҳр бўлиши, чўқинтириш маросими, нон ва вино тотиш маросими ҳақидаги тасаввурлар ва бошқа ақидалар маълум эмас эди. Христианлик ақидаларининг шаклланиш жараёни бир неча асрларга чўзилди. Унинг Никей ва Константинополь жамоа соборлари ишлаб чиққан қонун қоидалари кўп марта тўлдирилди ва ўзгартирилди. Соборларга қадар

<sup>56</sup>Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Akademiya, 2007. 295-296-бетлар.

христианларнинг турли минтакавий уюшмалари ўртасида акидаларни қандай тушуниш масалалари юзасидан қаттиқ мунозаралар бўлиб ўтди. Айрим маросимлар, масалан, иконаларга топониш каби масалаларнинг талқини билан боғлиқ бўлган кураш, айниқса чўзилиб кетди.

### Христианликдаги 3 йўналиш

**1. Католиклик, католицизм** (юн. умумий, жаҳон, коинотга оид) – христианликдаги диний оқимлардан бири. Католиклик фақат муқаддас Ёзув (Библия)ни эмас, балки муқаддас ривоятни ҳам ўз таълимотининг манбаи сифатида эътироф этадиган гоёлар таъсирида шаклланди. Унга кўра, Рим папаси Исонинг ердаги ноибиди, унинг ҳокимияти эса жаҳон ибодатхоналари ҳокимиятидан юқори ҳисобланади. Рухонийларнинг уйланмаслиги Биби Марямни боқира бўла туриб Исонинг туғиши, Исонинг вақтинча осмонга кўтарилиб кетганлигини эътироф этади. Католик черкови ягона маркази – Ватикан давлатига эга, унинг бошлиғи эса Рим папасидир. Асосан 800 миллиондан зиёд одамлар эътикод қилади. Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Болтик бўйи мамлакатлари, Австралия, Лотин Америкаси давлатларида яшайди, шу оқим тарафдори. Католиклар Муқаддас Рух-Худо ҳам Ота-Худодан, ҳам Ўғил-Худодан келиб чиққан деб ҳисоблайди.

**2. Православие** – Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида кенг тарқалган христианликдаги йўналиш. Унинг таълимотини асосий муқаддас ёзув (библия) ва муқаддас ривоятларга ишонч ташкил этади. Бу оқим оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учлик (троица)дан иборат ягона худо эканлиги, нариги дунё тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-уқубатларга дучор қилинган инсониятни нажот топишга имкон берувчи Исо-Масихнинг ҳалоскорлик миссияси ҳақидаги акидаларни тан олади. Черков Худога ва одамлар ўртасидаги воситачилик ролига эътибор беради. Бу оқимда 7 сирли маросими мавжуд. Муқаддас рух фақат Ота-Худога – эътироф этилмайди. Православияда ягона марказ, ягона бўшлиқ йўқ. 15 мустақил черков мавжуд. Православлар эса, Муқаддас Рух-Худо фақат ота-худодан келиб чиққан, деган таълимотни тан олади.

**3. Протестантизм** (“протест – нарозиликни билдиради”) – христианликдаги уч йўналишдан бири. Католикларга қарши реформация даврида вужудга келган, мустақил черков ва секталарни ўз ичига олади. Черковларни тугатмай, уни “тузатиш”, ислоҳ қилиш, ўз манфаатига мувофиқлаштириш максadini кўйган. Бу оқим Худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах ҳақидаги ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан тасавурларни эътироф этади. Бу оқим 3 та янги принцип: 1) шахсий эътикод билан нажот топиши; 2) динга ишонувчи барча кишиларнинг рухоний бўлиш мумкинлиги; 3) Библиянинг олий нуфузи уни яхшилик қилиш қобилиятидан маҳрум этади. Шунинг учун у хайрли ишлар билан эмас, аскетизм йўли билан эмас, гуноҳини сўраб олиш учун ўзини қурбон қилган соға шахсий эътикод қилиш билан гуноҳлардан озод бўлиш мумкин эмиш. Протестантизмда рухоний билан қавм ўртасидаги ақлдавий фарқ тан олинмайди, черков перархияси рад этилади. Рухоний қавмларни гуноҳлардан фориг этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, у жамоага ҳисоб беради. Самовий ҳузр-ҳаловат таълимотни рад этади. Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, авлиёларга сизиниш, улар шарафига байрамлар ўтказиш, мурда ва бутларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча безашлардан, кўнгироклардан олиб ташланди. Муқаддас ривоятлар рад этилди. Ҳозирги вақтда бу оқим тарафдорлари Скандинавия мамлакатларида, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Канада, Швейцарияда кенг тарқалган. Протестантизмнинг жаҳон маркази – АҚШда жойлашган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда христианликнинг уч йирик йўналиши – православия, католик ҳамда протестантизмнинг вакиллари эмин-эркин яшамоқда.

### 2.4.1-расм

Христианлик ўз тараққиёти давомида 3 йўналиш: православ, католик ва протестантизм йўналишларига бўлиниб кетди.

<b>Христианликнинг салб юришлари (1096 - 1270)</b>	
→	<b>Биринчи салб юришлари</b> (1096 - 1099). 1095 йил Клермонда папа II томонидан эълон қилинган. 1099 йил июлида салбчилар салжуқийлардан Қуддус (Иерусалим) шаҳрини тортиб олишган ва Қуддус киролигини ташкил қилишган. Қуддус олиниб Иерусалим киролиги ташкил топди.
→	<b>Иккинчи салб юришлари</b> (1147-1149)га 1144 салжуқийларнинг Эдесса шаҳрини босиб олишлари баҳона бўлган. Бу юриш мағлубиётга учраган.
→	<b>Учинчи салб юришлари</b> (1189-1192)нинг бошланишига 1187 йил Миср султони Салоҳиддин томонидан Қуддуснинг эгаллаб олиниши сабаб бўлган. Бу юриш ҳам барбод бўлган. Рухий-рицарлик ордени тузилди.
→	<b>Тўртинчи салб юришлари</b> (1202-1204)ни 1199 йил папа Иннокентий III уюштирган. Унинг натижасида француз, немис ва италян салбчилари дастлаб Мисрға мўлжалланган юришнинг йўналишини ўзгартириб, христианлар яшайдиган шаҳарлар – Задар (Далмация, 1202 йил ноябрь, Константинополь (Византия пойтахти, 1204 йил апрель)ни босиб олиб, Латин империясини тузишган.
→	<b>Бешинчи салб юришлари</b> (1217-1221)
→	<b>Олтинчи салб юришлари</b> (1228-1229)
→	<b>Еттинчи салб юришлари</b> (1248-1254)
→	<b>Саккизинчи салб юришлари</b> (1270) самарасиз бўлган. Триполи (1289) ва Акра (1291) мусулмонлар кўлига ўтиши билан салбчилар Шарқдаги мулкларини тамомла йўқотди.

#### 2.4.2-расм

Салб юришлари вақтида Шарқни талаб орттирилган бойлик Ғарбий Европада феодал жамиятнинг ривожига ва пул-товар муносабатларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

**Томазо Кампанелла (1568-1639)** – италиялик хаёлпараст файласуф. Уйғониш даври фалсафасининг машҳур намоёниси. Монастр таъқиб ва таъқиқлари туфайли аввал Римда, кейин Францияда жон сақлади ва Парижда вафот этди. Испания ҳукмронлигига қарши уюштирилган фитнага раҳбарлик қилди, фитна фош этилди. Унга қўйилган ўлим жазоси 27 йиллик қамоқ билан алмаштирилди. “Сезгилар воситасида исботланган фалсафа”. “Куёш шаҳри”, “Метофизика”, “Галилейни ҳимоя қилиш”, “Мағлуб бўлган атеизми”. “Табиат фалсафасидан қисқа тўплам” каби асарларини ёзди.

Т.Кампанелла сиёсий дунёқараши жиҳатидан янги коммунистик жамиятни тарғиб қилади. “Куёш шаҳри” китобида орзусидаги жамиятни умумий мулк асосида ялпи қайта қурилган ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими бирлиги сифатида тарғиб қилади. Бу хаёлий ғоявий қарашларни

“Мессия подшолиги” асариди ривожлантириб, диний подшолик мукаррарлиги билан бойитилади.

**Томазо Кампанелланинг бахт-саодатга эришиш ҳаёлий гоёси**


1. Унинг гоёси: Инсоният, беозор табиий ҳолатга қайтиши лозим.
2. Қадимги ва ўрта аср анъаналарига танкидий ёндашади, адолатли жамият ва давлат тўғрисидаги гоёларни илгари суради.
3. Жамиятни умумий мулк асосида ялпи қайти қуриш лозим. Пулга сажда қилиш иллатларни келтириб чиқаради. Одамлар тенгсизлигининг асосий сабаби хусусий мулк. Хусусий мулкни бекор қилиш. Инсониятни ҳақиқий бахт-саодатга эриштиради, деган гоёни илгари суради.
4. Меҳнат қилиш барча учун баробар ва 4 соатдан ошмаслиги керак. Оила бекор қилинган, болалар тарбияси давлат қарамоғида.
5. Фан, таълим, маориф ва меҳнат тарбиясига эътибор қаратиш лозимлигини баён этади.
6. Европа ҳукмдорлигига, Рим папасига умид бוגлаб, ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини, жамиятни маънавий-ахлоқий ислоҳ қилиш дастурини амалга оширишда католик дини кўмағига ишонч билан қарайди.
7. Унинг билиш назариясига кўра, рационаллик (ақлни асос қилиб олиш) буюк кашфиётларга етаклайди. Биринчи донишмандлик биринчи ақл. У яхлит борлиқни сақлашга гамхўрлик қилади.
8. Кампанелла “Икки ҳақиқат” концепциясига таяниб, Худо тамонидан яратилган икки илоҳий китоб:
  - 1) Табиат тўғрисидаги жонли китобни ҳар бир инсон ақл ва сезгилар орқали билиб боради. Бу китоб табиат, инсон ақл-заковати олдида оламни билиш чексиз имкониятларни яратади, табиат қонунларини очиб беради. Табиатни билиш – табиатта мурожаат қилишни такозо этади. дейди.
  - 2) Муқаддас китобда эса, одамларнинг кундалик содда идрокига мўлжалланган бўлиб, кишиларни имон-эътиқодга қорлашни мақсад қилиб кўяди. Умуман. бу китоб у оддий одамларга ботиний ҳақиқатлар тўғрисида маълумот еткази.

**2.4.3-расм**

**Томас Мор (1478-1535)** – инглиз ёзувчиси ва давлат арбоби. “Утопия” ҳаёлий Орол аҳолиси тузум ижтимоий-сиёсий тузумдан энг афзали, энг инсонпарвари, энг демократлашган, энг ақли. Интизом ва эркинлик, тартибот, ташаббускорлик, меҳнат ва роҳат жамиятини тасавирлайди. Тенгсизлик ва адолатсизликнинг асосий сабабчиси сифатида хусусий мулкчиликни инкор этади. У эрксевар руҳи учун қатл этилади.

Томас Мор “Утопия” (“Ҳеч қаерда йўқ жой”) китобида оролда жамиятда хусусий мулкчилик тугатилгани, ишлаб чиқариш, маиший ҳаёт, истеъмол қилиш умумлаштирилгани тугайли шахсий мулкка ҳам эҳтиёт қолмаган, орол аҳолисининг асосий машғулоты – меҳнат бўлган, энг қўнғилсиз, оғир, ифлос ва машаққатли меҳнат турлари оролдаги жиноятчилар елкасига юклатилган адолатли тартиб-интизом ҳукм суради. “Утопия” оролидаги сиёсий тузум

куйидан юкоригача ҳалол сайлаш ва сайланиш принципларига асосланган бўлиб, ёши улуглик ва тажрибалилик етакчи аҳамият касб этади. Оила эса қавм-қариндошлиқдан кўра кўпроқ ишлаб чиқариш манфаатлари асосида ташкил қилингандир.



#### 2.4.4-расм

Томас Мор “Давлатнинг энг яхши тузуми тўғрисида ва янги Утопия ороли ҳақида бағоят фойдали, ҳам марокли, ҳам олтин китоб” (1516) номли асари 2 қисмдан иборат. Уларда ҳаёлий турмуш тарзи ҳикоя қилинса, кейинги қисмида Англия ҳаёти танқидий кўз билан ёритилади. Муаллиф мавжуд ижтимоий ва маънавий воқеликка салбий муносабатда бўлган.

**Маркс ва Энгельснинг социализм ғояси таназулли.** Карл Маркс (1818-1883) ва Фридрих Энгельс (1820-1895, Германия) асос солган фалсафий, иқтисодий ва сиёсий таълимот. Немис мумтоз (классик) фалсафасини (Гегель, Фейербах ва бошқ.), инглиз сиёсий иқтисодини (А. Смит, Д. Рикардо ва бошқ.), француз ҳаёлий социализмини (Сен-Симон, Ш. Фурье ва бошқ.) ўрганиб, Маркс ва Энгельс диалектик, тарихий материализмга асосланган, қўшимча қиймат назариясига таяниб, сиёсий иқтисод ва коммунизм ҳақидаги сохта таълимотни ишлаб чиқдилар.

Маркс ва Энгельс яратган ва кейинчалик В.И.Ленин томонидан ривожлантирилган социализм ва коммунизм ғояларининг мазмуни куйидагича.


**Социализм** (лот. ижтимоий) – хусусий мулкни ижтимоий (умумий) мулкка айлантириш орқали эркин ва тенглик, бахт ва фаровонликка эришиш мумкин деб ҳисобловчи таълимот. Ёки бошқача айтганда, **социализм** – буржуа ишлаб чиқариш усулини тугатиш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш натижасида пайдо бўладиган социал тузум, бу тузум ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигига асосланади, бу ижтимоий мулк эса икки формада: давлат (умумхалқ) мулки ва кооператив колхоз мулки формаларида мавжуд бўлади<sup>57</sup>.

**Социализм ва коммунизм** – комунистик ва ижтимоий-иқтисодий формациянинг икки фазаси: социализм унинг биринчи ёки куйи, коммунизм – юкори фазасидир. Улар ўртасидаги тафовутнинг асоси – иқтисодий етуқлик босқичидан иборат. Социализмда хусусий мулкчилик инкор қилиниб, ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмронлиги эмас, эксплуатациядан озод бўлган

<sup>57</sup>Философия дугати. – Т.: Ўзбекистон, 1976. 433-бет.

кишиларнинг иттифоқидан иборат бўлади. Лекин социализмда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги 2 формада: давлат мулки ва колхоз-кооператив мулки формасида мавжуд бўлади. Коммунизм даврида эса ягона умумхалқ мулки бўлади.

Марксизмда моддий ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари жамиятнинг негизи сифатида қаралади. Марксизм хусусий мулкчиликка асосланган ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ўзлаштиришнинг хусусий характерга эгаллигига таяниб, ижтимоий инкилоб тўғрисидаги қонунни асослашга уринади. Ижтимоий-иқтисодий формация, синфий кураш билан боғлиқ назарияни илгари суради<sup>58</sup>. Жамият тарихига синфлар кураши тарихи сифатида қарайди. Марксизмга кўра, синфий кураш пролетарият диктатурасига олиб боради. Пролетарият диктатурасининг мақсади эса синфсиз жамият қуришдан иборат деб ҳисоблайди.



**2.4.5-расм**

Марксизм ишлаб чиқариш воситаларига фақат ижтимоий мулкчиликни тан олди, бошқа мулк шакллари инкор этди. Хусусий мулкни барча ижтимоий иллатларнинг асосий сабаби деган ногўғри қарашни илгари суради.

Марксизм қўшимча қиймат қонуни капитализмнинг асосий иқтисодий қонуни деб қаралган. (2.4.5-расм). Марксизмда тарихни материалистик тушуниш орқали жамиятнинг ривожланиш қонунлари, капитализмнинг социализм билан алмашиниши муқаррарлиги, капитализмдан социализмга ўтиш даври, коммунизмнинг икки фазадан иборат эканлиги гоёяси илгари сурилади ва социализм коммунизмнинг қуйи фазаси сифатида қаралган.


Марксизм XIX асрда ижтимоий фикр таракқиётига таъсир кўрсатди. Аини вақтда ундаги ҳаёлий, зиддиятли ва хато тасаввурлар танқидга учради.

<sup>58</sup>Файлсафа: Энциклопедик лугат. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2010. 174-бет.


Марксизмда ижтимоий қарама-қаршиликлар, синфий кураш ва зўрлик назарияси мутлақлаштирилди, пролетариатнинг тарихий роли асоссиз равишда улуғланди. Марксизм Россиядаги Октябрь тўнтариши ва коммунистик тоталитаризмга хизмат қилди.

**Ленинизм ғояси. В.И.Ленин (1870-1924)** – собиқ Иттифокда сунъий тарзда дохий даражасига кўтарилган, большевизм назарийетчиси, партия ташкилотчиси. Ленин харезматик лидер сифтида фалсафани Россиянинг озодлик харакати учун бўйсундиришга харакат қилди. Радикализм, зиёлиларга ишончсизлик, йўқсиллар (ишчи-деҳконлар)нинг ҳукмрон доирага қарши харакатини қўллаб-қувватлаш Лениннинг шахси ва фаолиятига хос хусусият. Ленин ишчи-деҳкон (йўқсиллар) синфини яратувчи синф сифатида улуғлади. Мулкдорлар синфини аёвсиз йўқ қилиш сиёсатини қўллади. У мамлакатни зўравонлик билан бошқаришда сиёсий қатагон методларини қўллади. Сталинизмнинг сиёсий ҳокимиятга келиши ва Ленин ғояларини зўрлик билан ҳаётга татбиқ этилиши собиқ Иттифокда ижтимоий ҳаётда кўплаб салбий оқибатлар билан бирга фалсафий ғояларнинг тор, синфий доирада тушуниш ва ақидапарастликка айланиб қолишига олиб келди. XX аср бошларида Ленинизм собиқ иттифок давлатининг расмий идеологияси даражасига кўтарилган сиёсий мафкура шакли дейиш мумкин.

#### Революцияларга доир Ленин назарияси:



... Революция хар қандай революцион вазият натижасида пайдо бўла бермайди, балки шу юкорида кўрсатилган объектив ўзгаришларга субъектив ўзгариш қўшилганда ... революция пайдо бўлади.



#### 2.4.6-расм

XVII – XVIII асрларда, яъни механика энг ривожланган фан ҳисобланган даврларда гуманитар фанлар методологиясига механик қарашларнинг таъсири кучли бўлган. Бирок, бу таъсир қанчалик кучли бўлмасин, фақат ўз даврида,

аник фанларга хос назарий-методологик асосларнинг ривожланганини ҳисобга олган ҳолда, тарихий характерга эга бўлган.

Демак, механик ҳаракатнинг ўзи эмас, балки ҳаракатнинг бир шакли эканлигини, яъни фалсафа механикадан фарқ қилишини эътироф этмок лозим.

### **XV – XVII асрлардаги ижтимоий-сиёсий ўзгариш:**

**1. Николай Коперник (1473-1543, поляк астрономи)** – оламнинг гелиоцентрик назарияси асосчиси. Юнон олими Клавдий Птолемей (мил.авв 90-160 йиллар)нинг геоцентрик назариясига кўра, Ер бутун чексиз коинотнинг маркази ҳисобланади. Уйғониш даврининг йирик олими Н.Коперник гелиоцентрик назариясини илмий жиҳатдан асослаб берди. Бу таълимотга кўра, коинотнинг маркази – Куёш, Ер Куёш ва ўз ўқи атрофида бир кеча кундузда айланиб чиқиши ҳақидаги таълимоти. Бу таълимот Ерни Худонинг ўзи мумтоз қилганлиги ҳамда коинот одамнинг имтиёзли мавқеи ҳақидаги диний тасавурлар билан алоқанинг узилишини билдирарди. Черков уларни қоралади ва таъқиб қилди ва у черков ҳукми билан қатл этилди.

**2. Жардано Бруно (1548-1600, Рим)** – италян файласуфи. Коперникнинг системали камчиликларини тўлдирди: олам чексиз, юлдузлар, куёшлар бениҳоя кўп, бинобарин, жониворлар яшайдиган оламлар ҳам кўп деган ғояни илгари сурди. Ҳамма нарса ҳаракатда, узлуксиз ривожланишда, еру осмонда табиат қонунлари мавжуд. Лекин Худо табиатда нарсаларнинг ўзида деб тушунди. “Ғоялар сояси ҳақида” (1582) асарида буларни баён этди.


**3. Исак Ньютон (1643-1727, инглиз, Англия)** – биринчи бўлиб дунёнинг янги манзарасини яратди. Ньютон яратган дунёнинг механик манзараси ва қарама-қаршиликлар ҳаракати қонунлари:

1) Бутун дунё, коинот (атомдан тортиб инсонгача) абсолют замон ва маконда ҳаракатланади, тортишиш кучлари билан боғлиқ, жисмдан жисмга бўлиш орқали ўтади.

2) Ҳар нарсага етадиган ақл бўлганда олдиндан айтиш мумкин бўларди.

3) Дунёнинг механик манзарасида дунё моддадан иборат, бу моддада атом элементлар объект ҳисобланади, жисмлар атомдан ташкил топган.


4) Атом ва жисмлар ҳаракати мавжуд.



**2.4.7-расм**

**4. Галилео Галилей** – атокли италян олими (1564-1642), Николай Коперникнинг гелиоцентризм (Ер куёш атрофида ва ўз ўқи атрофида айланиши ҳақидаги назария)ни қатъий ҳимоя қилгани учун 1639 йил 22 июнида католик черковининг инквизиция судида тиз чўкиб, тавба қилишга мажбур этилган,

унга Ер ҳаракати тўғрисида гапириш ва асарларини нашр этиш таъкиклаб кўйилган. 1992 йили Рим папаси Иоан Павел II инквизиция судини бу қарорини нотўғри деб, Галилейни оқлади.



#### 2.4.8-расм

### XVIII ва XIX асрлардаги янги замон ғояларининг шаклланиши:

**Квант механикаси** – атом қобигидаги микроразрларнинг ҳаракат қонуниятларини ифода этадиган замонавий физиканинг соҳаси ва назарий асоси бўлиб, асосан зарра, уларнинг ўзаро таъсири, бир-бирига айланиши, атом ва унинг ядросида бўладиган ҳодисаларни ўрганувчи фан. Рентген нурлари (1895), радиоактивлик (Беккерел, 1898), Электрон (Томсон, 1897), радиий (Пьер ва Мория Кюрилар, 1898) каби кашфиёларнинг очилиши атом ва ядро физикасини ўранишни бошлаб берди.<sup>59</sup>Квант механикасининг вужудга келиши табиатшунослик фанлари ва механикасининг ривожига, янги ғояларнинг вужудга келишига баракали таъсир кўрсатди.

**Чарльз Дарвин (1809-1882, инглиз табиатшунос олими)** – турларнинг табиий танланиш йўли билан чиқиши тўғрисидаги эволюцион таълимот асосчиси, инглиз натурфайласуфи. У ўсимлик ва ҳайвонот оламининг бирлигини исботлади. Инсон ва одамсимон маймунлар ўртасидаги генетик умумийликни кўрсатди. “Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танланиш” (1871) асарида одамнинг ҳайвон аجدодларидан келиб чиққанлигини табиий-илмий асосда изохлаб берди. Кейинчалик шу асарга таяниб Ф. Энгельс “Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли” асарини ёзди.

**Ирсият назарияси** – Дарвин таълимотини бузиб, социал тенгсизликнинг мавжудлигини кишиларнинг психика ва физиология жиҳатидан тенг қимматли эмаслиги билан изохлайди. Бу назария ирқчилик ва мальтусчиликка яқин бўлган назарияни билдирарди.

XIX асрга келиб махсус фанларга хос айрим назария ва ғоялардан фойдаланиб, уларни жамият ҳодисаларига кўр-кўрона татбиқ эта бошладилар. Масалан, Спенсер (1820-1903, инглиз файласуфи) жамиятни жонли биологик организмга ўхшатиб, биологик организмларнинг ривожланиш қонуниятларини жамият таракқиётига, социал давринистлар органик дунёдаги ҳаёт учун кураш қонуниятларини жамиятга татбиқ этдилар.

<sup>59</sup>Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. 196-бет.

**Позитивизм (лот. ижобий)** – Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган фалсафий йўналиш. Унинг диққат марказида фалсафа ва фан муносабати масаласи туради. XIX аср 30-40-йилларида Францияда эски фалсафий аънаналардан узил-кесил воз кечиш ва янги илмий фалсафа яратиш зарурлиги тўғрисида Огюст Конт (1798-1857) баҳс мунозаралар юритади ва позитивизм фалсафасига асос солади. Позитивизм фалсафий йўналишининг асосий гоёси – ҳақиқий ижобий билимга фақатгина илмий билиш орқали эга бўлиш мумкин. Фалсафа мустақил фан статусига даъвогарлик қилмасдан, балки фан учун зарур бўлган илмий билимлар синтезини амалга ошириши лозим. О. Конт фанларни классификация қилиш тамойилидан келиб чиқиб, жамият ҳақидаги позитив фанни “Социология” деб атади.

**Неопозитивизм (юн. янги ва лот. ижобий)** – позитивизмнинг замонавий шакли. XX асрнинг фалсафий оқимларидан бири. Бу оқим фалсафий тафаккурга тажрибанинг “позитив”- ижобий натижаларини қарши қўяди. Фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабати масаласи. Фанга қўшган ҳиссаси: 1) тафаккур, билиш жараёнларининг мантикий тадқиқоти фақат тил (gap) шаклида амалга оширилиши мумкин; 2) тил шаклидан формал – мантикий шаклга ўтиш янги имкониятларни яратади; 3) тил таҳлилининг янги осон формаллашувчи турларини яратдилар. Неопозитивизм ижтимоий тараққиётнинг умумий объектив қонуларини инкор қилдилар. Ижтимоий ҳодисалар табиат ва социал тарихий қонуниятлар асосида юз беради. Тадқиқотлар аниқ, қадрият ва мафкуралардан холи бўлиши лозим дейди.

**Эйнштейн Альберт (1879-1955)** – немис физиги, нисбият назарияси фазо, вақт, ҳаракат, модда, ёруғлик ва тортилиш ҳақидаги янги тасаввурларга олиб келди. У нисбийлик назариясини Ньютон механикасидан фарқли равишда замон ва макон абсолют эмас, деган гоё билан асослади. Фазо ва вақт, материя, ҳаракат бир-бири билан уйғун алоқада. Нисбийлик назарияси фандан абсолют макон ва замон тушунчаларини чиқариб ташлади. Макон ва замон борлиқнинг материяга боғлиқ бўлмаган мустақил шакллари дея субстанционал талкин этиш нотўғри эканлигини очиб берди.

**Нильс Бор (1885-1962, даниялик физик)** – Квант назариясини яратувчилардан бири. У атом физикаси ривожининг ижтимоий-сиёсий оқибатларидан ниҳоятда ташвишланган. У уруш хавфини бартараф қилиш мақсадида атом қуроли устидан қаттиқ назорат ўрнатишни даъват қилган. Нобель мукофоти лауреати (1922).

Умуман, информацион ахборот таълимоти қуйидаги инқилоблар билан боғлиқ:

1. **Биринчи инқилоб:** (милодий 1-минг йиллик): Птоломейнинг геоцентрик назарияси, тизими.

2. **Иккинчи инқилоб:** Н.Коперник (XVI аср ўрталари) гелиоцентрик назарияси вужудга келди.

3. **Учинчи инқилоб:** 1964 йилдан бошланди. XX аср 80-йиллари ўрталарига келиб, кўпгина мамлакатларда ахборот ривожланиши йўлига: Интернет, мультимедия, космонавтика, ОАВ ривожланган сим ўтказувчи, уяли, радио ва сунъий йўлдош алоқасига асосланган ахборот тизимига ўтилди.

“Ахборотлашган жамият” назариясига кўра: (Дж Белл, У. Ростоу, З. Бжезинский, О. Тоффлар, Е. Масуда, Дж. Мартин ва бош.); ёки бошқача айтганда:

1. Цивилизация жамиятлари:	2. Формация жамиятлари:
1. Аъбанавий жамият.	1. Ибтидоий жамият.
2. Индустириал жамият.	2. Қулдорлик жамияти.
3. Постиндустириал жамият.	3. Феодал жамият.
4. Ахборотлашган жамият.	4. Капиталистик жамият.
5. Фуқаролик жамияти.	5. Социалистик-коммунистик жамият.

**Ўрта Осиёда XVI-XVIII асрлардаги хонлик ва амирликлар даврида гоғлар тизими.** XVI аср бошларида заифлашиб бораётган Темурийлар салтанатига Дашти кипчоқ томондаги ўзбеклар ҳукмдори Мухаммад Шайбонийхон Мовароунаҳр ва Хуросонни нисбатан осон эгаллаб олди. Кейинчалик Шайбонийхон 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1504 йилда Хисор вилоятини, 1504-1505 йилларда Урганчни, 1506-1507 йилларда Хуросон пойтахти Ҳирот ҳамда Балхни, Марв, Машҳад ва Нишопур шаҳарларини забт этди. Тошкент, Фарғона ва Сирдарё ерлари ҳам Шайбонийхонга қарам бўлиб қолди. Шундай қилиб, Моваруннаҳр ва Хуросон бирлаштирилади ва Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги қарор топди. Шайбонийхон жанубда Эрон шоҳи Исмоилшоҳ билан тўқнашиб, 1510 йилда Марв яқинида бўлган жангда Шайбонийхон қўшинлари енгилди, хоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлди. Исмоилшоҳ Хуросон ва Хоразм ўлкаларини, Шимолий Афғонистонни ҳам босиб олди. Самарқанд эса Шайбонийлар ҳукмронлигида қолди. Хивада Шайбонийлар ҳукмронлиги 1770 йилгача давом этди. Бу даврга келиб Туркустон 3 хонликка бўлинди. Хива хонлиги, Бухоро хонлиги (амирлиги) ва Қўқон хонлиги.


Қўқон хонлари Фарғона водийсини, Хўжанд, Ўратепани бирлаштиргач, Қўқон хонлигининг мустақиллиги XVIII аср ўрталарида Бухоро давлати томонидан тан олинди. XVIII аср охирида Қўқон хонлари Тошкентга бўйсундирилди.

Хонликларда пахта, ипак ва жун газламалари етиштириш, тикувчилик, қулоччилик, темирчилик, заргарлик, қончилик, дурадгорлик асосий ҳунармандчилик тармоқлари ҳисобланарди. Хонликлар тарихи иқтисодий ва маданият ҳаётининг бир текисда бормаганлигидан, айрим даврларда силжиш кузатилади, хонликлар ўртасидаги ўзаро кураш авж олган йилларда эса таназуллиқ ҳоллари юз берган.

Чор Россияси бутун Сибирни босиб олиб, Ўрта Осиёга силжиш қилмоқда эди. Россия билан Қўқон хонлиги бевосита чегарадош эди. Рус ҳукуматининг Қўқон хонлигига тазийқи кучайди. Бу ёвуз ниятни барча ўзбек хонлари

тушунарди, ammo, ожизлиги туфайли тажовузни бартараф этиш бўйича тадбир тополмадилар.

Вазият учала хонлиқнинг бирлашиб, душманни даф этиш йўлидан боришини талаб қиларди. Амалда эса бунинг акси бўлди. Улар бирлашиш ўрнига ва ўзаро курашни авж олдирдилар. Хусусан, Қўқон хонлигида нотинчлик, ҳокимият учун ички кураш авж олиб кетди. Умуман, Туркустон жаҳон тараққиёти жараёнидан тобора четда қолаверди, илғор давлатлардан орқада қолди. Президетимиз Ислоҳ Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998) асарида таъкидлаганидек, “Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улғубек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, шу чоккача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қоқоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикин?”<sup>60</sup>



#### 2.4.9-расм

Маълумки, инсоният асрлар давомида мустақиллик ғоясини устувор қилиш учун курашиб келди. Масалан, XVIII-XX асрлар инсоният тарихида мустамлакачилик асоратиға тушиб қолган халқларнинг мустақил давлатлар тузиш учун курашлари давом этди. Шимолий Америка аҳолисининг мустақиллик учун кураш 1776 йилнинг июлида “Мустақиллик декларацияси”ни қабул

<sup>60</sup>Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 136-137-бетлар.


қилиш билан яқунланди. XVIII асрнинг 90-йилларидан бошлаб XIX асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда Лотин Америкаси халқлари испан, португал, француз мустамлакачиларига қарши курашиб, бирин-кетин ўз мустақил давлатларини барпо этди. 1830 йилда Юнонистон Усмонли турклар империясидан ажралиб, ўз мустақиллигига эришди. XVIII-XIX асрларда дунёнинг қарийб ярмини ўз мустамлакаларига айлантирган Буюк Британия истибдодига қарши олиб борилган курашлар натижасида 1876 йилда Канада, 1907 йилда Австралия, 1910 йилда Жанубий Африка, 1921 йилда Ирландия, 1947 йилда Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўз мустақиллигини қўлга киритди.

**XIX аср охири ва XX асрнинг 90-йилларида шаклланган ғоялар тизими. 1. Прагматизм (юн. “прагма”- иш, ҳаракат)** – ҳаракат, интилиш маъноларини ифодалаб, шу ҳаракат орқали муайян фойда, манфаатларга эга бўлишни, шахснинг мақсади саъй-ҳаракатлари, фаолиятлари унга, меҳнатига мувофиқ наф, фойда келтиришини ифода этади. Ғарб кишисида табиатан индивидуалист бўлиб, манфаат омили унинг барча ҳаракатларини фаоллаштиради, фаол шахс саъй-ҳаракатлари учун асосий мезон вазифасини ўтайди. Бизда эса, шахсий фойда излаш бошқалардан кўра, ўзини кўпроқ ўйлаб иш тутиш одоб доирасидан четдаги ҳол саналиб, кишини жамоадан бегоналаштирувчи, уни гўёки худбин қилиб кўювчи омил вазифасини бажариб келган. Прагматизм, амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда келтирса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган ғояни илгари суради.

**2. Экзистенциализм (лот. мавжудлик)** – XX аср биринчи чорагида маънавий ҳаётнинг эҳтиётларига жавоб сифатида юзага келган фалсафий таълимот. Ҳар бир нарсага ақл кўзи билан караш аста-секин турмушнинг бош тамойилига айланиб боради. Экзистенциалистик ёндашув инсонни онгли, хушёр, сергак, ўзини тирик, оқил мавжудот сифатида доимий англаш ва ҳис этиб туришга ундовчи кучдир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, экзистенциалистик, яъни ҳаётга бугунги талаблардан келиб чиқиб, хушёр ва оқилона ёндашувларни ёшларимиз феъл-авторларига синдириш нечоғлик долзарблигини яна равшан кўрсатади. Экзистенциалистик ёндашув инсонда ўзини доимий тарзда янгилаб бориш, ташки шарт-шароитларга мослашувчанлик, ўзини ўзи муҳофаза эта билиш, мунтазам равишда такомиллашувга эҳтиёт сезиш хусусиятларини таркиб топтиради. Экзистенциализм ўз сўзи, иши ва тақдири учун маъсуллик ҳиссини ҳам таркиб топтиради.

**3. Рационализм (лот. ақллилик, ақл)** – ақлни билишнинг ва кишилар хулқ-атворининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш. Рационализмга кўра, илмий билимга билишнинг манбаи ва унинг ҳақиқатлиги – ақл воситасидагина эришилади. Рационализм маърифатпарварлик мафқураси вакилларининг фалсафий манбаларидан бири. Жамиятни мақсадли бошқариш халқимиз табиатига ўтмишдан салбий мерос сифатида ўтган иррационалистик кайфиятлардан, яъни воқеликни чуқур ҳис этмаслик, юз бераётган жараёнлар, ўзгаришларни, ташки ва ички хавфларни англаб етмасдан ғафлатда яшайверишдан ишончли муҳофаза этади.



2.4.10-расм

**1. Объектив ёндашув** – ташқи оламдаги мавжуд предмет ва ҳодисаларни фалсафий таҳлил қилиш, билиш жанаёнида субъектив хоҳиши ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятларни ҳисобга олиб ёндашувдир. Ижтимоий воқеликни билишда объективлик масаласини неопозитивизм намоеъндари, хусусан Б.Рассел умуминсоний манфаатларга мос келишлик даражаси билан ўлчаб, уни мезон қилиб олди. XX асрнинг ўрталарида ижтимоий воқеликка янгича ёндашиш кераклигини ижтимоий заруратга айлантирди ва “Янгича фалсафий тафаккур” ҳамда “Янгича сиёсий тафаккур” услубининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди.

**2. Субъектив ёндашув** – объектив оламдаги барча нарса ва ходисаларнинг мавжудлиги ва ўзгариб боришини фақат субъектив фаолиятга боғлаб тушинтирувчи ёндашув. Субъектив ёндашув назарий ва амалий фаолиятини мутлақлаштириб, табиат ва жамиятдаги нарсалар, ходисалар ва - ғоявий жараёнларнинг, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари объектив тарзда мавжуд эканлигини тан олмайди. Материалист ва идеалист деб аталадиган кишиларнинг асосий мақсади инсоният ҳаётини яхшилаш, фикрлар хилма-хиллигига йўл қўйиш, мавжуд келишмовчиликларни сиёсий йўллар билан ҳал қилиш, мафкуравий иммунитет масалаларини ўртага ташлайди.


**3. Эволюцион ёндашув** – (эволюция – юнон. – авж олдириш, ривожлантириш) – революцион инқилобга ва инқилобий йўлга қарши бўлган ижтимоий ривожланиш усули тўғрисидаги фалсафий таълимот. Замонавий эволюцион назария бутун борлиқни ривожланишда, деб қарайди. Эволюция назарияси XIX асрда пайдо бўлди. Ч. Дарвин ўзининг турларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги таълимотида органик оламнинг тадрижий ривожланиш қонуниятларини кўрсатиб берди. XX асрда табиатшуносликда “катта портлаш назарияси” пайдо бўлиши билан коинотнинг кейинги эволюциясига қатор аниқликлар киритилди. Ҳозирги замон табиатшунослиги “хар қандай мавжудот эволюция натижаси”дир, деган ғояга асосланади. Дунёнинг замонавий назарияси эволюциянинг умумий характерга эгаллигини исботламоқда.<sup>61</sup> Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик жамият бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўли жаҳон мамлакатлари тадрижий таракқиётининг илгор ютуқларига асосланган. Бу борада амалга ошаётган “Таракқиётнинг ўзбек модели” ана шу мезонларга жавоб беради.

<sup>61</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 646-бет.

**4. Инкилобий ёндашув (араб. – ағдармоқ, тўнтармоқ)** – табиат, жамият ёки тафаккур ривожига рўй берадиган туб сифат ўзгариши, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш жараёни, собиқ иттифокда мутлақлаштирилган революция маъносини англатувчи тушунча. Инкилоб ижтимоий, сиёсий, геологик, илмий-техника, маданий соҳалар моҳиятини англатувчи таянч сифат ўзгаришларини белгилайдиган атама тарзида қўлланилади. Инкилоб (революция) жамият тараққиётининг босқичма-босқичлиги, тадрижийлиги ҳолатидан кескин сифат ўзгаришларига ўтиш жараёнларини англатади.

Инкилоб билан тадрижийлик (эволюция) ўзаро нисбатлари масаласи ижтимоий тафаккурнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоси бўлиб, жуда узок муддат давомида муддатли содир бўлаётган баҳс-тортишувлар мавзуини ташкил этади. Инкилобни инкор этаётган гуруҳ макомлари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳозирги инсоният тараққиётида амал қилаётган умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар устуворлиги қонунияти моҳиятидан келиб чиқаётган зарурат бўлиб, қарама-қарши туриш (барбод қилиш)дан ҳар томонлама ҳамкорлик (яратувчанлик) қилиш афзалликларини ифода этади.

Умуман, революция (инкилоб) тушунчаси тарих учун жуда мураккаб. Марксизм-ленинизм таълимотига кўра, социал революциялар бир ижтимоий формациядан иккинчи бир ижтимоий формацияга ўтиш жараёни бўлиб, бунда ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари зиддияти натижасида юз берадиган жараёндир. Масалан, ибтидоий тузумдан қулдорлик, қулдорликдан капиталистик тузумга ўтиш деб баҳоланган. Социалистик революция эса фақат капиталистик тузумдан коммунистик формациянинг қуйи фазаси социализмга ўтиш, бунда буржуа машинасини мажақлаб пролетарият диктатурасини ўрнат воситаси деб қаралган.



2.4.11-расм

Революция, деб тасниф қилинадиган сиёсий ўзгаришлар ўз максадларига етиш учун лаёқатли, ҳокимиятни қўлга олиш ва зўрлик ишлатишга, шунингдек, жамиятда ислохотлар ўтказишга қодир бўлган оммавий ижтимоий ҳаракатларни тақозо қилади.

**5. Сиёсий ёндашув** – ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маънавий ҳаётни бошқариш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, жамиятни ривож топтиришда давлат ҳокимияти аралашуви, бошқаруви асосида ҳал этиш билан боғлиқ бўлган сиёсий ғоялар, концепция ва назарияларга таяниб ёндашувдир. Сиёсий бошқарув жараёнлари давлат ҳокимияти механизмининг шаклланиши билан боғлиқ. Сиёсий ёндашув сиёсий жараёнларнинг актуал ҳолатигина эмас, балки сиёсий онг ҳолатини ҳам ўзида ифода этади.

**ХІХ аср охири ва ХХ аср мафқураси, унинг ўзига хос хусусиятлари.** ХІХ аср охири ва ХХ аср бошида вужудга келган жадидчилик ҳаракатининг тараққийпарвар намаёндалари – Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори, Абдулла Авлонийлар ижоди ва фаолиятида маърифатпарварлик ғоялари янада кучайди. Улар янги мактаблар қуриш, ёш авлодни илмли қилишга, маърифат ва тараққиёт учун курашга катта ҳисса қўшган мутафаккирлардир. Уларнинг асарларида миллат ва Ватан тақдири, ахлоқ ва таълим-тарбия каби масалалар, халқларни бирлаштириш, бутун ўлкани маърифий тараққиёти учун кураш ғоялари илгари сурилган<sup>62</sup>.

Шунингдек, халқни асрий қолоқликдан қутқариш йўллари, иқтисод, тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни хом ашё қарамлигидан халос этиш, маърифат ва маънавиятни юксалтириш масалалари ёритилиб, жаҳон фани ҳамда техникаси ютуқларини ўрганиш каби ғоялар ҳам жадидлар фаолиятининг асосий мезонларидан бири эди. Уларнинг миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳи билан сугорилган ғоялари ҳозир ҳам маънавият ҳамда маърифатни раванк топтиришда, халқнинг ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон” ёхуд ахлоқ китобида инсонга хос ахлоқий хусусиятларни “Яхши хулқлар” ва “Ёмон хулқлар”га ажратган, уларни миллий педагогика нуқтаи назаридан тавсифлаган.

## **2.5. ХХ аср охири – ХХІ аср бошидаги мафқуравий жараёнлар**

ХХ асрнинг охирида собиқ Иттифокнинг парчаланиши, унинг ҳукмрон мафқурасининг барбод бўлиши ва республикаларнинг умумий-сиёсий жиҳатдангина эмас, балки янги мафқуравий вазиятни ҳам вужудга келтирди. Ушбу вазиятнинг моҳияти бир қатор жиҳатларга боғлиқ.

**Биринчидан, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида коммунистик мафқура, минтақа халқлари азалдан қон-қардош бўлишига қарамасдан, уларни зўрма-зўраки “бирлаштириб” турган эди. У минтақа халқлари онгига зўравонлик билан “СССР – ягона Ватан” ва “Совет халқи – янги тарихий бирлик” деган тушунчаларни сингдиришга зўр бериб уринар эди. Минтақадаги**

<sup>62</sup> Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: “Академиа”, 2011. 26, 28-бетлар.

собиқ иттифоқдош республикалар мустақилликни қўлга киритиши билан бу мафкура барбод бўлди<sup>63</sup>.

Уларнинг ҳар бири онгида ўз ички ҳаёти ва истиклолини мустаҳкамлаган, барқарорликни таъминлаш ва ўзлари учун мақбул бўлган тараққиёт йўлини белгилаб олишдек жуда мураккаб вазифалар юзага келди. Бу жараён минта мамлакатларининг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга хизмат қиладиган маънавий-мафкуравий омиллар шаклланишига таъсир ўтказиши табиий.

**Иккинчидан**, минтақадаги мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган бўлишига қарамадан, 1991 йил ўрталаригача собиқ марказ хали ўз хукмронлигини қайтадан тиклашга мойил эди. Шунинг учун ҳам у минтақа мамлакатларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш каби сиёсатни давом эттирди. Бу, ўз навбатида, маълум даражада, минтақа халқларининг ўзаро муносабатларига ҳам муайян таъсир кўрсатди.

**Учинчидан**, мустақилликни қўлга киритган минтақамиз мамлакатларини ўз таъсир доирасига ўтказиш учун яна бошқа қатор давлатлар ҳам ҳаракатни бошлаб юборди. Уларнинг кўпчилиги ташқаридан беғараз ёрдам кўрсатгандай бўлиб кўринсаларда, аслида ҳар бир кўрсатаётган “ёрдамлари” эвазига ўз мавқеини мутаҳкамлашга ҳаракат қилгани сир эмас.

Ана шу интилишлар ҳам минтақа мамлакатларининг мустақиллик шароитида юзага келган муаммоларни ўзаро яқдиллик билан ҳал қилишга хизмат қиладиган умумий омилнинг юзага келишига ўз таъсирини ўтказди.

**Тўртинчидан**, минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилувчи янги маънавий-мафкуравий муҳитни шакллантириш эҳтиёжи ҳам ошиб борди. Бу борада узоқ вақт мустамлака сифатида яшаган республикалар зўравонлик билан ўтказиб келинган умумий тамойиллардан воз кечиб, ўзига хос тараққиёт йўлига ўтиб олишди. Аммо Афғонистонда уруш алангаси ўчмагани нафақат мамлакатимиз, балки минтақадаги барча мамлакатлар учун ҳам жиддий хавф-хатар манбаини вужудга келтирди.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом ашё ресурсларига бойлиги, ишчи кучи ва демографик имкониятлари, геосиёсий жойлашувига кўра минтақада етакчи ўрин тутади. Бинобарин, Ўзбекистонга нисбатан бўладиган ҳар қандай хавф-хатар, албатта, бутун мамлакатга таъсир қилади. Шу маънода, турли сиёсий кучлар ва ҳаракатлар минтақадаги вазиятни кескинлаштириш ҳамда минтақа давлатларини унга жалб қилишнинг турли йўл ва услубларини ишга солаётир. Аслида бу уринишларга минтақа мамлакатлари ва халқлари ўртасида мавжуд бўлган азалий дўстликка путур етказишга қаратилган мафкуравий ҳаракатлар, деб баҳо бериш мумкин.

XX асрни халқаро ҳаёт ва давлатлараро муносабатларнинг энг мафкура-лашган давларидан бири дейиш мумкин. Якка мафкура хукмронлигига асосланган давлатларнинг мавжуд бўлгани, дунёнинг айнан мафкура асосида қутбларга бўлиниши, ана шунга таянган икки қутблик ва “совуқ уруш” сиёсати бу асрнинг мафкуравий қиёфасида катта из қолдирди. Буларнинг барчаси

<sup>63</sup>Назаров Қ. Гоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. 276-277-бетлар.

мафкуралашув, яъни идеологизациянинг амалиёти ва оқибати қандай бўлишини кўрсатиб турибди. XX асрда вужудга келган фашистик давлатлар, собик иттифоқ ва унинг иттифоқчилари айнан мафкуралашуви туфайли, ягона ғояни мутлақлаштириш, унга қарши ёки фарқ килувчиларни аёвсиз йўқотишга асосланган тузумнинг яққол намунаси.

Агар жамият тараққиётига “Инсоният тарихи – ғоялар тарихидир” деган тамойил асосида назар солинса, XX асрда бу жиҳатдан давлатларнинг 3 хил йўлдан борган шакли ривожланиши маълум бўлади:


1) **Муайян ғоя ва мафкура мутлақлаштирилган (идеологизациялашган) давлатлардир.** Бунда бирон-бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилади, бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмайди. Ўзгача қарашдаги кишилар йўқ қилинади, уларга хос ғоя ва мафкуралар тақиқланади. Собик иттифоқ, баъзи социалистик лагерь мамлакатлари ва фашизм ҳукмрон бўлган давлатлар бунга мисол бўла олади.

2) **Юқоридаги ҳолатнинг халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта кулфатлар келтиргани, фашизм ва коммунизмнинг мохиятан бир хил, аммо бир-бирига қарама-қарши мамлакатлар ҳаётини бутунлай қамраб олгани, охиروқибатда 1-2-жаҳон урушларни келтириб чиқаргани Ғарбдаги кўпгина мамлакатларни бошқача йўлдан боришга мажбур қилди.** Бу йўл сиёсат ўз йўлига, мафкура ўз йўлига – давлат ўз йўлига деган қараш (деидеологизация) асосида шаклланди. Аммо XX асрнинг 60-йиллари охирига келиб бу йўл ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафкурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти ҳалокатли бўлиши мумкинлиги, жамиятда умумий бир ғоявий тамойиллар лозимлиги аниқ бўлиб қолди.

3) **Демократия,** фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умумий мафкуравий тамойиллар бўлишига эришиш мумкин? деган саволлар пайдо бўлди. Ана шу саволларга жавоб тариқасида илғор демократик давлатларда ғоявий тараққиётнинг замонавий йўли – **реидеологизация тамойиллари асосида ҳаёт кечирिशга ўтилди.** Бунда бирон-бир мафкура ҳукмрон ва давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу соҳада ҳам асосий ислохотчи сифатида иш юритади. У жамиятдаги тинчлик, барқарорлик, муштарак мақсадларга эришиш учун бошқа соҳалар каби ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам тараққиётнинг ҳамма учун бирдек аҳамиятга эга бўлган умумий тамойилларига бутун жамият миқёсида амал қилишини кафолатлайди. Бунда давлат мафкурачи эмас, балки жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар ранг-баранглиги учун ҳуқуқий-сиёсий кафолатлар, ғоявий асослар ва мафкуравий имконият доимо мавжуд бўлишини таъминлайди. (Маърифат, 2001 йил 18 июль).

Жаҳоннинг демократик мамлакатлари тажрибасида мафкуравий тарбиянинг бой имкониятлари, турли намуналари тўпланган. XX аср бошларидан то 60-70-йилларигача Ғарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи (деидеологизация) этишга уриндилар. Лекин бу йўл ўзини оқламади. Чунки тарбиядаги мафкуравий бўшлиқ ўз асоратларини кўрсата бошлади... Натижада “мафкуравий янгилиниш”, “кайта

мафкуравийлашув” (реидеологизация)га кучли зарурат тўғилди ва мафкура-расизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тарика, Ғарбий Европа ва АҚШнинг позитивистик педагогикаси ижтимоий кадриятларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи “мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктринациялашни амалга ошириш” концепциясини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга татбиқ қила бошлади.



**2.5.1-расм**

Ўзбекистон давлати собиқ СССР давридан 1991 йилгача идеологизация (мафкуралаштириш) йўлидан келди. Сўнгра деологизациялаштирилди. Президент Ислом Каримов 1998 йил “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан суҳбатидан “Жамият мафкуриси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин”, 2000 йил “Миллий истиқлол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (“Фидокор” газетаси муҳбири билан савол-жавоблари) суҳбатидан сўнг Ўзбекистон реидеологизация (2000) йўлини танлади.

Америка мактабларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш – ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилувчи восита сифатида қаралади. Шу сабабли АҚШнинг “Миллат” (“The Nation”) журнали “Агар ижтимоий фан ўқитувчиси мактаб синфидан ўзининг либерал карашларини билдирадиган жой сифатида фойдалана бошлар экан, у тез орада ишсизга айланади”, - дея огоҳлантирди.

Совет даврида коммунистик партиянинг гегемонлиги ва унинг оқибатларини қуйидаги расм орқали тасвирлаш мумкин.

Мустанбид тизим муаммолари таркибида: ҳукмрон коммунистик мафкура давлати кучининг сақланиши; кенг тарқалган қўрқув ва ваҳима; “Пахта иши” деган тухмат билан таъйиқ, таъқиб, ноҳақ қамалишлар; халқ кайфиятидаги тушқунлик, бир миллионга яқин ишсизнинг мавжудлиги; аҳоли 45 фоизи (9 миллион киши)нинг даромади кун кечириниш учун зарур бўлган энг паст даражадан (жон бошига ойига 75 сўм) ҳам пастлиги; ижтимоий инфратузилма муассасалари – мактаб ва касалхона бинолари 60 фоизининг нобоплиги; Юртимизда 1700 та мактаб авария ҳолатида экани қурилаётган мактаблар сони эса аҳолининг кўпайиш суръатини аранг қондириш; соғлиқни сақлаш соҳаси,

касаликлар, болалар ўлимининг ўта аянчли ахvoli; одамларнинг оддий ичимлик суви билан таъминланмагани; Амударё ва Сирдарё куйи өкимларида яшаётган 4 миллионга якин аҳоли аҳолининг ниҳоятда мушкуллиги; Орол муаммосидан Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг безовта, бесаранжомлиги; хом ашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодиётнинг қарор топгани; эртанги кунга ишончсизликнинг ортиши ва озгина учкун чикса ловуллаб ёниб кетиши мумкин бўлган вазиятни кўрсатадиган ўта жиддий мисолларни келтириш мумкин.

**Фарғона воқеалари.** Қрим татарлари ва месхети турклари Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиёга (Фарғона ва Тошкент областларига) депортация қилинган эди. Бу халқ собиқ Иттифоқ раҳбариятига бир неча бор мурожаат қилишига қарамасдан, уларни Қримга қайтаришмади. Ярим йил тайёргарликдан сўнг, 45 йил давомида СССР ҳукуматидан Қримга Месхетияга қайтаришни талаб қилавериб чарчагач, 1989 йил 23 май ойида нима қилиб бўлса ҳам кетишни режалаштирган туркларнинг фаоллашувидан, худди шу ойда ишсизлик жонларига тегиб, намойишларга хозирланаётган Фарғона ёшларининг соддалигидан фойдаланилди. Натижада шўрпешона турклар Россиянинг кимсасиз бўлиб ётган қишлоқларига кўчирилди. Бошқача қилиб айтганда, улар янги шароитда янгича сургунга грифтор этилди. Москва таъсири билан юз берган Фарғона воқеасида 103 киши ҳалок бўлди, 109 киши оғир жароҳатланди. 800 дан зиёд уйларга ўт қўйилди. Бу фожидада 30 мингга якин киши қатнашган.



2.5.2-расм. Мустабид тизимдан қолган оғир мерос

Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” (2011) асарида Фарғона воқеаларининг туб сабабларини куйдаги масалалар билан боғлиқ ҳолда талқин этди:

1. Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий ахволи.

2. Одамларнинг таъминоти, даромади, ижтимоий-иқтисодий ахволи хаддан ташқари пастлиги туфайли бундай ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам содир бўлиши мумкинлиги.

3. Ишсизлик, ишчи ўринларининг камлиги, яъни ортиқча ишчи кучининг кўпайиб бориши.

4. Ёшлар ва уларни ишга жойлаштириш масаласи жиддий ўйлаб кўрилмагани каби сабабдир<sup>64</sup>.

Ҳақиқатан ҳам собиқ иттифоқ даврининг тафаккур услубида устувор бўлган яқка мафқуранинг таъсири кучли эди. Аслида давлат ва жамият, ички ва ташқи сиёсат, ҳатто одамларнинг маиший ҳаёти ҳам мезон билан ўлчанган. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хали СССР таркибида турган пайтидаёқ миллий овозлик учун бошлаган ҳаракати, мустамлакачиликка қарши курашиш, мустақилликка эришиш ва ниҳоят, миллий давлатчиликка асос солиш борасидаги фаолияти АҚШни инглизларга қарши курашда Жорж Вашингтон, Франциялик Шарль Де Голь каби машҳур давлат ва сиёсат арбобларининг фаолиятини эслатади. Ислом Каримов собиқ иттифоқ шароитидаёқ ўзбек номини тиклашга, “Пахта иши”, “Кадрлар тўдаси” воқеаларига вақтида ўз муносабатини билдириб, миллий-маънавий кадрларимизни тиклашда маънавий жасорат кўрсатди.

**Миллий ўзликни сақлашнинг тарихий жиҳатлари.** Миллатнинг тарихий-этник хусусиятлари ва белгиларининг ижтимоий аҳамияти ҳамда шу миллат кишиси учун зарурлиги билан боғлиқ ғояларни сақлаб қолиш лозимлиги табиий ҳолат ҳисобланади.

Миллий ғоя нисбатан барқарор ҳолатда миллатнинг куйидаги белгилари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади:

1. Миллатнинг мавжудлигини таъминлаш эҳтиёжи, унинг табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги (генофонди).

2. Миллатнинг тарихи, бугунги, келажаги, моддий ва маънавий мероси.

3. Миллий ҳудуд ва яшаш шароитлари, иқтисодий асос, ижтимоий-сиёсий тузум ва улар билан боғлиқ миллий туйғулар, мақсадлар, идеаллар.

4. Урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошқалардаги миллийлик билан боғлиқ хусусиятлар.

5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллий онг, миллий рух ва бошқалар.

<sup>64</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 32-45-бетлар.

## 2.6. Мустақиллик – миллий ғоя фанининг бош мавзуси. Маънавий жасорат – миллат ғояси ва руҳининг ифодаси

**Мустақиллик** – ҳар бир халқнинг азалий ва муқаддас орзуси. Шунинг учун ҳам бу кун барча мустақилликка эришган, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз қонуний ўрнига эга бўлган халқлар томонидан энг улуғ миллий байрам сифатида нишонланади. Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда ўз давлат мустақиллигининг қўлга киритди. 1 сентябрь – Мустақиллик куни, деб эълон қилинди. У Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Байрам кунлари ҳақида”ги қонунига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида нишонланадиган байрамлар қаторидан ўрин олди. Мустақиллик халқимизнинг иродаси, ҳақ-ҳуқуқи, унинг цивилизацияга қўшган ва кўшаётган бетакрор ҳиссасини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳамдир. У биз жаҳоннинг эркин мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга, халқимизнинг моддий-маданий ва маънавий салоҳиятини мустаҳкамлашга, юртимиз шон-шухратини дунёга ёйишга имконият яратувчи энг асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Инсоннинг табиати ва ижтимоий тузумининг моҳиятини белгилайдиган, одиллик ва эзгуликнинг устуворлигига асосланган адолат ғояси инсониятнинг азалий орзуси, эзгу идеали, маънавият, ахлоқ ва ҳуқуқнинг мўъри қаторидан биридир.

**Эндиги вазифа** – собиқ мафқуранинг асоратларини бартараф қилиб, миллий мафқураимизга таяниб, бой маънавий ва маданий қадриятларни, ижтимоий-фалсафий ғоялар тарихини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш ҳамда уларга амал қилиб, порлок истикболни яратишдан иборат. Бу борада Ўзбекистонда Президентимиз асослаб берган жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи бунёдкор ғоялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай ғоялар таъсирида инсон эзгуликка етишиш, миллатлар ва давлатлар эса озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюк тарихий галабаларни қўлга қиритади<sup>65</sup>.

Тараққиётнинг ўзбек модели ана шундай талабларга жавоб берадиган, Ўзбекистон халқи иродаси билан танлаб олинган, бозор муносабатларига ўтишда, ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий йўлдан боришни тақозо этадиган ғояларга асосланган моделдир. Бу моделнинг асосий маъно-мазмунини жамиятни ислох этишнинг машҳур беш тамойили белгилайди. Булар: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафқурадан холилиги; давлат – бош ислоҳотчи; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат юритиш; бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш. Ўзбекистон бугун ана шу тамойиллар асосида бутун ишлаб чиқариш, тақсимот ва ижтимоий тизимини тубдан ислох қилиб ўзгартирмоқда. Мустақилликнинг ўтган қисқа 25 йиллик даври шундан далолат берадики, жамият тараққиётининг

<sup>65</sup> Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011. 27-бет.

туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида бунёдкор гоёларнинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар томон сафарбар этиш хусусиятларидан ижобий фойдаланиш масалалари бениҳоя катта аҳамият касб этади. Ватанни севиш, юрт тинчлигини асраш, халқ фаровонлиги йўлида курашиш – бунёдкор гоёларнинг маъно-мазмунини белгилайди.

Тарих ҳам, бугунги ҳаётимиз ҳам ўз ғаразли мақсадларига эришиш учун юксак гоёларнинг жозиба кучидан фойдаланишга уринувчи ёвуз кучлар мавжудлигини кўрсатади. Қабих ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда бунёдкор гоёлар асосидаги эътиқод ва дунёқарашнинг аҳамияти бекиёс. Ўзбекистон халқининг бунёдкорликни ифодалайдиган тушунчалар тизимидан иборат миллий истиқлол гоёси соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятда гоёвий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича эътиқод ва дунёқараш эгаларини тарбиялашдаги муҳим аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

**Мустақиллик гоёси** – энг улуг ва эзгу гоёлардан бири бўлиб, ҳар бир халқнинг истиқлол туфайли ижтимоий тазйиқлардан халос бўлиши, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиши, ўзи истagan ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритишнинг англатади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидак, мустақиллик гоёси барча жабҳалардаги ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш, миллий ва умумбашарий кадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккур асосида яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини эмин-эркин ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради. Ушбу гоё асосида шаклланган “мустақиллик” (араб. – тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик) тушунчаси инсоннинг эркин ва озод равишда, ўз ихтиёри билан бошқаларга бўйсунмасдан иш юрита олиши, миллат, давлат ва жамият ҳаёти, уларнинг таракқиётини, устувор мақсад ва вазифаларини мустақил тарзда амалга оширилишини англатади. У ҳар бир халқнинг ўз салоҳияти ва имкониятларини эркин тарзда намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўл очади.

Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқда. Республика “Маънавият ва маърифат маркази” (1994) ташкил этилди ва унинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорига биноан Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолияти ҳамда таркибий тузилиши қайта кўриб чиқилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган “**Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази**” ташкил этилди. Республика Маънавият

ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавий тарғибот маркази шакллантирилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилди. Республикамиздаги маҳалла оксоқоллари ва фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилари тизими шакллантирилди.

**Миллий ғоя фанининг бош мавзуси** – Миллий ғоянинг шаклланиши, кенг жамоатчиликнинг ишонч ва эътиқодига айланиши, унинг маданий негизларини ижтимоий ҳаёт, меҳнат фаолиятида намоён бўлиш шарт-шароитлари, омиллари, қонуниятларининг илмий-назарий асосларини ўрғанадиган фандир. Шунингдек, миллий истиқлол мафқурасининг бош ғояси, мавзуси Ўзбекистон Президент Ислом Каримов асарларида асослаб берилган бўлиб, мамлакатимиз тараққиётининг асосий мақсад – муддаоларини ифодалайди. “Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий орзуси интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик кадриятларни ўзида мужассам этади”<sup>66</sup>.

Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Шу билан бирга, миллий истиқлол мафқураси Ўзбекистонда озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишга қаратилган умумиллий ҳодиса сифатида қуйидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш тамойилларига ҳам эга:

- Мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш;
- давлатимизнинг худудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;
- қонуни устуворлигини таъминлаш;
- демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш;
- миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- халқаро ҳуқуқ қондаларига мос келиши;
- иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш;
- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлигига таяниш;
- виждон эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш;
- ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги жараёнларига хизмат қилиши<sup>67</sup>.

<sup>66</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001 – 50-51-бетлар.

<sup>67</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Академия, 2007. 209-210-бетлар.

Мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг республикамызда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини, ҳаққимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этиши билан белгиланади.

**Маънавий жасорат** – миллат ғояси ва руҳининг ифодаси. Маънавий жасорат – мазмун-моҳияти, фалсафий ифодаси Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида инсоният тарихидаги ёрқин мисоллар орқали очиб берилган тушунча. Мазкур тушунча ер юзидаги барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартирибюборган жамики улуг кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ва юксак маънавий салоҳиятини ифодалайди. Унга инсоннинг ўз ҳаётини, маънавиятини ўстириш ва юксалтиришга бағишлаши, кишиларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида ҳар қандай фаолият билан маънавий жиҳатдан алоҳида намуна кўрсатиши каби хислатлар ўз ифодасини топади<sup>68</sup>.

Китобда таъкидланишича, “Буюк цивилизация ва маданиятбешиги бўлган, кўҳна ва ҳайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимыздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори атикалар ҳақида сўз юритар эканмиз, шу заминда яшаётган барча инсонлар уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган ҳайкаллар, деб қабул қилади. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки янглишмаган бўламиз.

Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу ҳис-туйғулар, муқаддас ва улуг тушунчалар дунёда хануз барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топиллиши – маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради”<sup>69</sup>.

Масалан, неча асрлардан буён юксак тафаккур ва ақл-заковат тимсоли бўлиб келаётган юнон файласуфлари Сократ ва Платон, улуг боболаримиз Абу Райҳон Беруний ва Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Улуғбек, Навоий “... ўрта асрларда астрономия соҳасидаги илмий кашфиётлари учун тазйик ва таъкибларга учраган Николай Коперник ҳамда кейинчалик унинг изидан бориб, жоҳил ва ақидалараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган Жордано Бруно, қанчадан-қанча таъна ва маломатларга грифтор этилган Галилео Галилей каби алломаларнинг жасоратида ҳам ҳақиқатга садоқат, эътиқод учун курашнинг ёрқин намунаси яққол намоён бўлганини кўрамыз.


<sup>68</sup>Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли дугатн. – Т.: Фафур Гулом номндаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 302-303-бетлар.

<sup>69</sup>Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 159-160-бетлар.

... Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихининг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий кадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида, унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда<sup>70</sup>.

... Мухтасар қилиб айтганда, олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улғу туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади.

Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик – XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси<sup>71</sup>. Чунки мустақиллик халқимизга қимдир томонидан инъом қилинмаган, унга осонгина эришилмаган. Балки у Президент Ислом Каримов раҳбарлигида оғир курашлар натижасида, юксак маънавий жасорат туйғуси қўлга киритилган. Мустақиллик барча ислоҳот ва ўзгаришлар, халқимиз ҳаётида рўй бераётган буюк бурилиш ва улкан натижаларни бошлаб берган тараққиётимизнинг тамол тошидир. Уни асраш, мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.



## 2.6.1-расм

Умуман, миллий ғоя ва мафкура ривожини, тафаккуримиздаги ўзгаришлар ҳам кўп жиҳатдан мамлакатимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон

<sup>70</sup>Уша жойда, 162-бет.

<sup>71</sup>Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.170-бет.

Республикасининг мустақилликка эришуви унинг умумсайёравий ғоялар ва мафқуравий жараёнлар оқимига қўшилишига имконият туғдиради.

Юртбошимиз томонидан яратилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча катламлари онги ва қалбига сингдириш ушбу жараённинг таркибий қисмидир. Бу эса мазкур соҳадаги вазифаларни амалга ошириш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Мамлакатимиз ва халқимиз олдида турган муҳим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш бу борада хизмат қиладиган маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари, зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассислар, умуман, барчамизнинг муқаддас бурчимизга айланди.

## 3-боб. МИЛЛИЙ ҒОЯ, ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАФҚУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

### 3.1. Ижтимоий тараққиёт ва тарихий жараёнларнинг миллий ғоялар шаклланиши ҳамда амал қилишига таъсири

**Ижтимоий тараққиёт** фақат кўзланган мақсадга эришиш йўлида амалга оширилган онгли фаолиятнинг натижаси эмас. У ўзининг кишилар онгидан ташқарида кечадиган, уларга бўйсунмайдиган қонуниятларга эга. Эҳтиёжларнинг юксалиб бориши мана шундай, объектив қонуниятлар жумласидандир. Кишилар объектив эҳтиёжларни англаш ёки англамасликлари, уларни рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган омилларга онгли равишда амал қилишлари ёки қилмасликлари мумкин. **Бунинг тарихий жараёнга таъсири бўлсада, лекин уни тўхтата олмайди.**

Ижтимоий тараққиёт объектив зарурат, пишиб етилган эҳтиёжлар туфайли кечади. Эҳтиёж шундай категорияки, у муайян ижтимоий тизимнинг ўта зарур, объектив, моҳиятли талабларини ифодалайди ва ривожланишини таъминлайди.

Жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг юксалиши ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунидир. Маълумки, бирламчи эҳтиёжларнинг қондирилиши иккиламчи эҳтиёжларни тугдиради ва янада юксалтиради ва ҳоказо. Янги, юксакроқ эҳтиёж тўғилмаса, муайян тамаддун (маданият) ривожланиши тўхтайдди, у ҳалокатга маҳкум бўлади. Шу боисдан эҳтиёжлар жамият миқёсида доимо, оз бўлсада юксалиб боради, ўсади.

Бирор маданият (тамаддун), минтака ёки мамлакат миқёсида эҳтиёжларнинг юксалиши ижобий йўналиш касб этмаслиги мумкин. Салбий тенденцияларнинг ўсиши, юксалиши тизимнинг эҳтиёжида ижобийларига нисбатан (жамиятми ёки биологик организмми, бундан катъий назар) устунликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, танада касаллик, кексайиш; жамиятда эса синфий, давлатлараро урушлар ёки ғоявий-мафқуравий мутаассиблик ва шу қабилар.

Янги шаклланаётган ижобий эҳтиёжлар йўналиши жамият ривожланишининг йўналишини белгилайди. Агар улар ижобий мазмундаги юксакроқ эҳтиёжлар бўлса, жамиятда ижобий мазмундаги моддий ва маънавий ўзгаришлар юз беради (аҳолининг турмуш фаровонлиги, маданий савияси, эркинлик даражаси ошади), агар улар салбий мазмундаги эҳтиёжлар бўлса, жамият салбий томонга ўзгаради (технология ўсса ҳам эксплуатация кучайиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ва шу қабилар содир бўлади).

Худди шундай, ўз навбатида жамиятнинг тараққиёт даражаси ва ундаги ҳукмрон ижтимоий муносабатлар объектив равишда эҳтиёжлар юксалишини белгилайди. Шу боисдан эҳтиёж, **бир томондан**, тараққиётнинг асосини ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил этса, **иккинчи томондан**, шаклланган эҳтиёж тараққиётнинг бошланиши, ўтмиш тараққиётнинг ниҳояси, намунасидир.


### Ижтимоий тараққиёт, бу...

	1. Онгли фаолият натижаси эмас.
→	2. У ўзининг кишилар онгидан ташқарида кечадиган, уларга бўйсунмайдиган ўз қонуниятларига эга.
→	3. Кишилар объектив эҳтиёжларни онгли равишда англаш ёки англамаслигидан қатъий назар тарихий жараёни тўхтата олмайди.
→	4. Ижтимоий тараққиёт объектив зарурият, пишиб етилган эҳтиёжлар туфайди кечади.
→	5. Эҳтиёж шундай категорияки, ижтимоий тизимнинг ўта зарур, объектив, моҳиятли талабларини ифодалаб, ривожланишни таъминлайди.
→	6. Жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг юксалиши ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунидир.
→	7. Бирламчи эҳтиёжларнинг қондирилиши иккиламчи эҳтиёжларни тугдиради ва янада юксалтиради.
→	8. Янги, юксакроқ эҳтиёж туғилмаса, тамаддун ривожланиши тўхтади ва у ҳалокатга юз тутди.
→	9. Эҳтиёж оз бўлса-да, юксалиб боради, ўсади.
→	10. Бирор минтақа миқёсидаги эҳтиёжлар юксалиши ижобий йўналиш қасб этмаслиги мумкин.
→	11. Салбий тенденцияларнинг ўсиши тизим эҳтиёжида ижобийга нисбатан устунликни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Масалан, танада касаллик, кексайиш; жамиятда эса синфий, давлатлараро урушлар ёки гоёвий-мафқуравий мутаассиблик ва шу қабилар.

**Тараққиётнинг қарама-қаршилик** кучи қарама-қаршиликлар бирлиги ва қураши қонунига (диалектик) мувофиқ ҳар бир нарса бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини истисно этувчи қарама-қарши томонларга, қучларга эга. Бу қарама-қарши томон ва қучлар ўртасидаги қураш тараққиётнинг манбаини ифодалаб, эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади.

**Диалектик зиддиятлар:** ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антогонистик ва ноантогонистик, умумий ва хусусий, зарурий ва тасодифий, имконийлик ва ҳақиқийлик шаклларида иборат.

**Тараққиётдаги қарама-қаршилик кучи  
ва объектив эҳтиёжлар юксалиши, бу...**



**3.1.2-расм**

Фаробий фикрича, фақат Оллоҳнинг шериги йўқ. “Қарама-қарши бўлган ҳар бир нарса, бирга бўлса, у албатта, бузилишга ва ўз йўли айнашига олиб келади. Зиддиятлар ҳар бирининг табиати шундай бўлади, улардан бирининг қай ерда бўлишидан қатъий назар бирининг йўқлиги иккинчисининг борлигини тақозо этади. Зиддият бўлиши мумкин бўлган ҳар бир нарсада аҳвол шундайдир”<sup>72</sup>.

Жамиятнинг маънавий ривожланиши ҳам эҳтиёжлар юксалиши негизда кечади. Маънавийлик касб этган жамиятда маънавий эҳтиёжлар юксалишининг йўналиши кўпроқ инсоннинг ички дунёсига қаратилади, инсонга нисбатан ички рухий ва ахлоқий такомиллашиш талаблари ошиб бораверади. Лекин бу такомиллашиш инсоннинг бунёдкорлик, ижодкорлик фаолиятида, “моддийлашмаса”, воқеалашмаса, яъни самарага эришишга қаратилмас, аста-секин ўзининг тескарисига айланади: талабчанлик талабсозликка, маънавият юксалиши унинг қашшоқлашишига олиб келади ва ҳоказо.

Ҳаёт, кишилиқнинг онгли тарихи бу ғояларнинг барчаси муайян рационал жиҳатлари бўлгани ҳолда, қайсидир даражада бир ёқлама эканлигини кўрсатади. Президентимиз Ислам Қаримов асарларида маънавият ижтимоий тараққиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида асосланади ва амалиётнинг барча соҳаларида синовдан ўтказилиб, ҳаётчанлиги ва ҳаққонийлик даражаси юқорилиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилади<sup>73</sup>.

<sup>72</sup> Абу Наср Фаробий. Ҳикмат асарлари. 133–134-бетлар.

<sup>73</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сўёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 76-85-бетлар.


**Миллийгоя халқнинг тарихий тараққиёт асоси бўлиб, у куйидаги мезонлар билан белгиланади:**

- |   |  |
|---|--|
| → | 1. Инсон тафаккури, мафкураси кишилик жамияти тарихий тараққиёти прогрессив жараён бўлиб, у ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.  |
| → | 2. Инсонда биологик эҳтиёждан кўра, маънавий-рухий эҳтиёж, кадриятлар устуворлик қилади.   |
| → | 3. Инсон тарихий тажриба, маънавий маданият қиёфаси билан ижтимоий амалиётнинг синтезига айланади. Тарих қайтарилмасдир.   |
| → | 4. Тўқнашувлар жараёнида инсонлик фазилати ва манфаатларнинг устуворлиги жамиятни шакллантиришга олиб келади <sup>73</sup> .   |
| → | 5. Ақлий интеллектуаллик айрим инсонгагина хос бўлмасдан, у ижтимоий моҳиятга эга, яъни унинг қобилият имкониятидан фойдаланиш асосида миллий юксалиш моделини ишлаб чиқиш жамиятни тараққиётга олиб келади. |
| → | 6. Тарихий онг ривожлангани сари ижтимоий тафаккур тараққий топади, тарихни англаб етади.  |
| → | 7. Тарихни англаш жараёнида уни ўрганиб, ёлғиз Аллоҳ қудрати орқали кишилик жамияти бошқарилади, деган ғояни илгари суради.  |
| → | 8. Бошқа биров инсоният тархини ёвузлик, жажолатда қарайди, унга ингилади ва уни шундай баҳолайди (Гитлер).  |
| → | 9. Учинчи бир инсон тарихий тажриба орқали мантиқий ғоявий мушоҳада юритади, ундан ибрат излайди, фазилат топади.  |
| → | 10. Тарихнинг тадрижийлиги “кеча-бугун-эрта” формуласи орқали давом этадиган жараёндир.  |
| → | 11. Инсон табиий қонуниятларга бўйсунуш ва ундан оқилонга фойдаланиш орқали жамият маънавий турмуш тарзини ўзгартириш қудратига эга.   |
| → | 12. Миллий ғоя, миллий уйғониш, мустақиллик – миллий ўзликни англашдир.  |

### 3.1.3-расм


Маънавият нафақат мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий тараққиётнинг барча жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатган, айни чоғда халқимиз менталитети ҳам маънавий кадриятлар асосида шаклланган ва Шарқ цивилизацияси бевосита маънавият, илм-фан, ахлоқ, рухий поклик асосида юзага келган. Худди шу жиҳатдан ҳам Шарқ инсоният тараққиётига, жаҳон цивилизациясига ўзига хос маданият ва маърифат олиб кирган.

<sup>74</sup> Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. 230 -231-бетлар.



**3.1.4-расм**

Маънавият ўз навбатида жамиятнинг ҳам умумий манзарасига, ҳам ҳар бир шахс интеллектуал-руҳий қиёфасига мутаносиб таъсир кўрсатади. Фуқароларнинг маънавий-маърифий даражаси эса, ўз навбатида, жамиятнинг умумий ҳолатини ўзгартиради. Янгиланган ахлоқий етуқлик ва ижтимоий онг жамият тараққиётини белгилайди ва ялпи тараққиётнинг янгидан-янги имкониятларини вужудга келтиради. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги авлод янги тарихни тақозо этади, уни яратади, такомиллаштиради.



**3.1.5-расм**

**Демак, ғоянинг ижтимоий характери.** Ғоянинг ижтимоий характери деб тарихий макон ва замонда яшаган тарихий шахслар томонидан қўллаб-қувватланиб: элат, миллат ва халқларнинг руҳиятига кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлаган, мақсад-муддао сари етаклаган кучли, теран фикрларнинг пайдо бўлиш, шаклланиш ва ривожланиб бориш жараёнларига айтилади.

<b>“Маънавият – ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч”</b> <b>Ислом Каримов</b>	
→	1. Миллий ғоя ўз-ўзини англаш маҳсули бўлиб, тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш, маънавиятни тушунишга олиб келади <sup>75</sup> .
→	2. Тафаккур тарзининг шакллантирилиши феъл-атворнинг шаклланишига, ўзлигини англашга, ҳақ-ҳуқуқини химоя қила оладиган баркамол шахсни камол топтиради.
→	3. Фуқаро миллий гурурининг уйғониши ижтимоий, маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатдан юксалишга, жамият янгиланишига юз тутади.
→	4. Аслини олганда тарих фақат ўтмиш ҳақидаги маълумотларни ифодалаш билан чекланмайди. У ўтмишни ўрганиш орқали бугунни баҳолаш, бугунни англаш, бугунги одамларни тушуниш ва уларни йўлга солиш гоъларини ўзида мужассам этади.
→	5. Тарих фалсафаси маънавият феномени сифатида инсон ва тарихий тафаккур ўртасидаги боғлиқликни ўрганади.
→	6. Комил инсонни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди. Комил инсон деганда, биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулк-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз <sup>76</sup> .
→	7. Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир Ана шу концепция Президентимиз Ислом Каримов сиёсатининг ва бош ислохотчилик вазифасини бажараётган давлатимиз стратегиясининг асосини белгилайди.
→	8. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.
→	9. Маънавиятни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон иши.
→	10. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир <sup>77</sup> .
→	11. Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Уни йўлдан уриш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади.
→	12. Ўзбек номи том маънода бунёдкордир.
→	13. Тарих – халқ маънавиятининг асосидир.
→	14. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди.
→	15. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

### 3.1.6-расм

Ижтимоий тараққиёт ниҳоятда кўп қиррали ва ранг-баранг жараён, унинг қай тарзда амалга ошиши бутун жаҳоннинг бугунги куни ва келажаги билан узвий боғлиқдир. Баъзи олимлар фикрича:

1. Вайронагарчилик келтирувчи урушлар–жамият ҳалокатини тезлаштириши мумкин.

<sup>75</sup> Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. 321 – 223-б.

<sup>76</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. 6-бет.

<sup>77</sup> Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. 5-бет.

2. Ер юзида аҳолининг кўпайиб бориши—озик-овқатнинг камайишига олиб келади.

3. Фан-техника тараққиёти шароитида инсон маънавий таназзулга юз тутиши мумкин, деган башоратлар ҳам мавжуд ва ҳоказо.

### 3.2. Миллий ғоя моҳиятида халқ манфаатининг ифодаланиши

Муайян шахс, миллат ва халқнинг ҳаётий эҳтиёжлари нафақат иқтисодий омилларда, балки маънавий-руҳий, мафкуравий омилларда ҳам ўз ифодасини топади. Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини курашга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбига ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий ягона мақсад ва интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади<sup>78</sup>. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов жамият ҳаётида миллий ғоя ва мафкура зарур эканлигини, мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқарраллигини<sup>79</sup> ҳам назарий ҳам амалий асослаб берди.

Миллий ғоя моҳияти ва унинг такомиллида оқилона эҳтиёж ва манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги, шахс, миллат, жамият ҳамда давлат манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлашда маънавий мерос ва ворисийликнинг моҳияти мазмунан чуқур ўрганишни тақозо килади. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида амалга оширилаётган ислохотлар тизими ҳамда унинг муҳим бўғини бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий моделининг узлуксиз таълим тизими ва турларидаги ислохотларни амалга оширишда мафкуравий жараёнлар ҳамда уларнинг манфаат ва эҳтиёжлар билан нечоғлиқ боғлиқ жиҳатларини ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасига айланди (3.2.1-расм).

Индивид ва ижтимоий гуруҳ фаолиятининг негизидан манфаатлар ётгани учун ана шу фаолиятни ўрганувчи ахлоқшунослик ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, иқтисодий назария каби фанлар манфаат категориясига мурожаат килади. Манфаатнинг умумий жиҳатлари, шаклланиш ва кондирлиши қонуниятлари ижтимоий фалсафа фанида ўрганилади.


Индивид ва гуруҳлар фаолияти негизидан уларнинг манфаатлари ётади, деган фалсафий қондани бундай фаолият асосида оддий манфаат эмас, англаган манфаатлар ётади. Манфаатнинг фаолиятга таъсири унинг англаниш даражасига боғлиқ.

Президентизим Ислоҳ Каримов “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (2000 йил 8 июнь) мавзудидаги “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавобидан “Мамлакат, давлат манфаатлари миллий мафкура орқали ифодаланади”<sup>80</sup>, деган эди.

<sup>78</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 71-бет.


<sup>79</sup> Баркамол авлод орзуси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. 32-б.

<sup>80</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 490-бет.



**3.2.1-расм**

Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатда амал қиладиган 6 та принциплардан 2 таси бевосита шунга йўналтирилган. 1. Ўзининг миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. 2. Тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш<sup>81</sup> каби.




**3.2.2-расм**

<sup>81</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 51-б.

Манфаат жуда мураккаб, кенг камровли тушунча бўлиб, турли давр ва вазиятларда унинг ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Манфаат субъектига кўра, шахсий, гуруҳ ва жамият манфаатлари, эҳтиёж шаклига кўра, моддий ва маънавий манфаатларга бўлинади. Маънавий манфаатлар эса ўз навбатида, маданий, ахлокий ва бошқа турларга бўлинади. Манфаатлар муайян эҳтиёжларни кондирриш билан боғлиқ холда вужудга келади. Субъект ўз манфаатларини қанчалик чуқур англаса, уларни рўёбга чиқариш учун шунчалик кулай имконият тўғилади. Манфаатларни чуқур англаб етмаслик шахс ёки гуруҳнинг ўз манфаатларига зид фаолият юритишига сабаб бўлиши мумкин. Манфаатларни англаш даражаси эса шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг маънавий тараққиёт даражасига боғлиқ.

Манфаатлар билан яқин ва турдош ҳодиса эҳтиёждир. Эҳтиёжсиз манфаатлар бўлиши мумкин эмас. Улар ўртасида умумий жиҳатлар билан бир қаторда, тафовутлар ҳам мавжуд. Эҳтиёжлар бевосита объектга йўналтирилган бўлса, манфаатлар шу эҳтиёжларни кондирриш воситалари, жамиятда амал қилаётган таксимот тамойилларини ҳам ўз ичига олади. Эҳтиёж ва манфаатлар ўртасида зиддият ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, гиёҳванд кишининг эҳтиёжини наркотик модда кондирради, аммо бу хол унинг манфаатларига зиддир.




### 3.2.3-расм

Демак, миллий гоя ва мафкуравий жараёнларда манфаатлар турлича бўлади ва ўз белгиларига қараб бир-биридан фаркланади. Миллий гоя ва мафкурада манфаатларнинг қуйидаги турлари мавжуд: шахсий манфаат, жамият, давлат манфаати, халқ манфаати, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатлар ва ҳ.к. (3.2.1-расм).

Миллий гоя моҳиятида “халқ манфаати”, “миллат манфаатлари” ва “давлат манфаатлари тушунчаларини кенг маънода миллий манфаатлар деб ҳам юритилади. Чўнки “миллий манфаатлар” “халқ манфаати” давлат манфаатлари билан ҳам уйғунлашиб бормоқда. Айни пайтда “халқ манфаатлари” ҳар бир жамиятда муайян йўналиш ва хусусиятларга боғлиқ ҳолда ривожланади. Уни умумий андоза асосида шакллантириб бўлмайди. У ўзининг объектив қонуниятлари асосида такомиллашиб боради.

“Миллий манфаатлар” айна миллатнинг (эстетик ёндашув нуқтаи назаридан) ягона тарихий-маданий ва сиёсий жамоа сифатида ўзлигини сақлаб қолиш, кенг қарор топтириш, миллий қадриятларни ва давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, жамият ва шахснинг мустаҳкам ривожини сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан таъминлаш борасидаги онгли мақсад ва талаблардан иборатдир”<sup>82</sup>.

“Миллий манфаат” – муайян халқ таркибини ташкил этувчи барча миллатларнинг сиёсий, ижтимоий – иқтисодий, маданият, маънавий мақсадларни ифодаловчи ва конкрет тарихий шароитда ўзини намоён этувчи ижтимоий мақсад, муддао, интилиш мажмуидир”<sup>83</sup>.



### 3.2.4-расм


Умуман, миллий манфаат – миллат халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, руҳият, анъана ва қадриятлар тизимидир. Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар билан бирга уларни яратиш, таъминлашни белгиловчи ижтимоий

<sup>82</sup> Аҳмедов К.М. “Миллий манфаатлар” категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётида ақс этиши. Сиёсий фанлари номзоди диссер. Автореф. – Тошкент, 2001. 12-13– б.

<sup>83</sup> Очилова Б. Шахс маънавий ҳаётида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2004. 103-104–б.

тизимга, муносабатлар ва тамойилларга асосланган бўлади. Улар муайян миллат ва халқга мансуб алоҳида кишилар ёки бирор давлат фукароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода у умумий манфаатлар мажмуидир.

Манфаатлар халқлар орасидаги ҳар қандай фаолиятдаги кураш, рақобат ёки ҳамкорлик асосида ётади. Унинг таъсирчанлик қудрати ҳам шунда. Миллат ёки мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволини инъикос этар экан, у миллий тараққиёт кучларини ҳаракатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. Миллий манфаатнинг намоён бўлишида унинг умуминсоний манфаатлар билан уйғунлигига эришишга ёрдам берувчи ижтимоий механизмда умумбашарий кадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. У миллий эҳтиёжларни кондирришдан манфаатдорлик билан бутун дунёдаги инсон тараққиёт йўлидаги мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради <sup>84</sup>.



**3.2.5-расм**

**Демак, халқ, миллат манфаати** – жамиятда яшаётган кишиларнинг ўзларини муайян миллатга мансуб деб билган ҳолда бошқа миллатлар билан баҳамжиҳат ўз миллий тараққиёти, урф-одат, анъаналарига садоқатни қарор топтириш, ўз миллий ва диний эътиқодларини кадрлаш, миллий давлатчилик тараққиётини таъминлаш, ўзлигини англаш учун олиб бориладиган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари мажмуидир. Бу таъриф миллий давлатчилик, тараққиёт учун хизмат қиладиган миллий манфаатларга дахлдор моддий ва маънавий компонентларни ўзда мужассамлаштиради.

“Миллий ғоя ва мафкура таком依лида эҳтиёж ва манфаатлар бирлиги муаммосини ўрганишга доир” Ўзбекистон миллий университети (ЎЗМУ)нинг “Фалсафа факультети талабалари орасида сўровнома ўтказилди. 250 нафар талабаларга Миллий манфаатни қандай тушунасиш? деган анкета саволномасига 78%и “Миллий манфаат бу – бирор-бир миллат манфаати эмас, балки муайян жамиятда яшовчи ва шу жамият фаровонлиги учун курашувчи, тегишли

<sup>84</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (киска изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2002. 110-бет.

конунлар асосида ҳуқуқлари кафолатланган элат ва миллатлар манфаатини тушунамиз” деган жавоб берган. Қолган 22% талаба миллий манфаат миллатчилик нигилизми (миллий маданият)дан холи тушунчадир, деб изоҳлашган.

Миллий манфаатларнинг кондирилиши жамият маънавий камолоти маданий-маърифий ва мафқуравий ишларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади (3.2.6-расм).



3.2.6-расм

Маънавий камолотнинг бу уч муҳим соҳасини бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Агар маънавий (1) омиллар заиф бўлса, маърифий (2) ишларни ҳам йўлга қўйиб бўлмайди. Маърифатсиз маънавият ҳам инсон қалбига сингиб, унинг фаолиятига асос бўла олмайди. Мафқура (3) эса маънавий ривожланишга, маърифий-тарбиявий тадбирлар кенг қўлоч ёйишига асос бўладиган, унга мақсад ва йўналиш берадиган ижтимоий-сиёсий, миллий ғоялар, мақсадлар тизимидир. Ана шу сабабдан ҳам миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдириш юзасидан фаол ишлар олиб борилди<sup>85</sup>.

Президент Ислом Каримов “Тафаккур” журнали Бош муҳаррири саволларига жавобларида таъкидлаганидек, “жамиятимизнинг мафқураси шу халқимизнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим”<sup>86</sup>.

Умуман, **миллий мафқура** ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида муҳассам этадиган ғоялар тизимидир.


Бугунги кунда Ўзбекистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини яратаётган кишиларга, уларнинг ижтимоий кайфиятига, жамият ҳаётида намоён бўлаётган миллий, ижтимоий ва хаттоки индивидуал манфаат ва эҳтиёжларни қай даражада кондирилишига боғлиқ. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлагандек, “Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакалар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини эртанги

<sup>85</sup> Мухтаров А. Миллий ғоя ва миллий манфаат. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2014. 65-66-бетлар.

<sup>86</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 91-бет.

кун уфкларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафқураси орқали белгилаб олишга интилади”<sup>87</sup>.

Демак, ҳар қандай ғоя ва мафқура ўз-ўзидан тасодифий пайдо бўлмайди, балки у муайян мақсад, манфаатлар тизими жамиятдаги етилган ижтимоий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шакли сифатида юзага келади.



### 3.2.7-расм

<sup>87</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максалимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000 490-бет.

### 3.3. Миллий ғоя ва мафқурани ривожлантириш омиллари

Бугунги кунда миллий ғоя ва мафқурани, маънавиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларнинг қандай ўрин тутишини яхши англаб олиш лозим. “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналар, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, қўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.

#### Миллий ғоя ва мафқурани ривожлантириш омиллари

1. **Маънавий мерос** – маънавий тараққиёт махсули, инсон ақл-заковати билан яратилган. келажак авлодга эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, олами билниш. Узлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларга куч-қувват берадиган, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодалайдиган тушунча.

Маънавий мероснинг 4 та асосий негизи:

- 1) умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- 2) халқнинг маънавий меросини қайта тиклаш ва ривожлантириш;
- 3) инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- 4) ватанпарварлик.

2. **Маданий бойликлар** – аждодлардан авлодларга ворисийлик асосида етиб келган, инсониятнинг бугунги ва келажаги учун катта аҳамиятга эга бўлган моддий ва маънавий бойликлар. Бутун инсоният мулкни ташкил этувчи буюк маданий табиий ёдгорликларни ифода этувчи тушунча. Жаҳон маданий бойликлар рўйхатида жами 721 та маданий ва табиий ёдгорликлар киритилган. Улар орасида Ўзбекистондаги Хива (Ичан Қалъа), Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанднинг тарихий марказлари бор.

3. **Қўхна тарихий ёдгорликлар** – халқлар ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, жамият ва давлат тараққиёти ҳамда тарихий шахслар, шунингдек, фан, техника, маданият ва халқларнинг маънавий турмуши тараққиёти билан боғлиқ бинолар, иншоотлар, тарихий жойлар ва буюмлар. Хусусан, А. Темур бағро этган иншоотлар.

4. **“Авесто” (Ҳаёт йўриқномаси) китоби** – милл.авв. VII-VI асрларда Марказий Осиё ҳудудида Хоразм воҳасида яратилган китоб, зардуштийлик динининг асоси. Китобдаги:

- 1) эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал тамойили ҳозирги замон учун ҳам ибратли;
- 2) инсон ҳаёти табиат ҳаёти билан уйғунлиги одам руҳий олами билан боғланган;
- 3) мардлик ва ҳалоллик, жасурлик, эл-юрт учун яшайдиган қилиб тарбиялаш айтилган.

5. **Халқ оғзаки ижоди:**

- 1) “Алпомиш” дostonи – қаҳрамонлик қўшиғи.
- 2) Матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлар қилиб тарбиялаш.
- 3) Одил, ҳақўй, ор-номусли бўлиш.
- 4) Ота-боболаримиз мукаддас мазорларини душманлардан ҳимоя қилиш.
- 5) Алл легани ҳокимият эгаси, миллий давлатчилик бағий ифоласи.

6. **Наврўз** (форс.янги кун) – Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг қадимий анъанавий байрами. 1990 йилдан эса 21 март “Наврўз” миллий халқ байрами куни деб эълон қилинди:

- 1) меҳр оқибат;
- 2) мурувват ва ҳиммат;
- 3) миллий қиёфа;
- 4) олижаноб урф-одатлар.

**7. Муқаддас динимиз:**

1) Ислоҳ маданияти. АЙСЕКО (Ислоҳ конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислоҳ маданият пойтахти деб эълон қилинishi. Ислоҳ маданиятининг буюқ мутафаккир ва адломалари:

- 1) Имом Бухорий (“Муҳаддислар султони” шухрат номига эга).
- 2) Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий (“Суннани Термизий асари”).
- 3) Имом Моғрудий (Муслмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган номга сазовор бўлган).
- 4) Бурхониддин Марғиноний (Шарқда “Бурхониддин ва мулла”, яъни “Дин ва миллатнинг хужжати” деган номга сазовор бўлган, “Ҳилоя” – “Тўғри йўл” асари бор).
- 5) Абдулолик Ғиждувоний (“Ҳожагон” тарикати асосчиларидан бири, Нақшбандий таълимотига таъсир кўрсатди).
- 6) Баҳоуддин Нақшбанд (“Кўлинг меҳнатда дилинг Аллоҳда бўлсин”).

**Дунё маданиятига, илмига ҳисса қўшган буюқ мутафаккирлар кашфиётлари:**

- 7) Муҳаммад Мусо Хоразмий (“алгоритм”, “алгебра” каби фанларга асос солди, кашф этди).
- 8) Аҳмад Фаргоний (Аль-Фраганус, Кохирада ҳайкал ўрнатилган).
- 9) Абу Райҳон Беруний.
- 10) Ибн Сино (Бельгияда ҳайкал ўрнатилган).
- 11) Махмуд Замаҳшарий.
- 12) Соҳибқирон Амир Темур.
- 13) Мирзо Улуғбек (Латвияда ҳайкал ўрнатилган).
- 14) Алишер Навоий (Москва, Токио, Бокуда ҳайкал ўрнатилган).
- 15) Черизм мустамалакани даврида маърифатпарварлик ғоялари: М.Бехбудий, Мунавваркорн, А.Авлоний, Ибраг, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби маърифат фидойилари.
- 16) Собик совет тузуми даврида: Қорн Ннзсий, Т.Саримсоков, Ҳ.Абдуллаев, С.Спирожидинов, О.Содиқов, Ғ.Ғуллом, Зулфия ва х.к. ғоялари.
- 17) Оиланинг роли, таъсири.
- 18) Маҳалла.
- 19) Таълим-тарбия.

**3.3.1-расм**

**Миллий ғоя ва мафқуранн ривожлантиришнинг яна қуйндаги омилларини кўрсатиш мумкин:**


**1. Ижтимоий-сиёсий омиллар:** сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, ноишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, жумладан таълим, оила ва х.к.

**2. Маънавий омиллар:** маънавий ислохотлар, миллий ғоя ва мафқуранн тизимли йўлга қўйиш.

**3. Ҳуқуқий омиллар:** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ.

**Мафқуравий мерос** – инсоният томонидан ўтмишда яратилиб, одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган, кечаги аждодлардан бугунги авлодларга ворисийлик асосида ўтиб, кўприк бўлиб келаётган орзу-интилишлари, миллий тараққиётга хизмат қиладиган халқнинг дунёқарашн, барча моддий ва маънавий-руҳий бойликларини ифодалайдиган сермаъно ғоя тушунчасидир. Мерос турлари: 1. Моддий мерос. 2. Маданий мерос, 3. Тарихий мерос, 4. Мафқуравий мерос.

## Мафқуравий мерос бу - .....



### 3.3.2-расм

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар халокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифат” концепциясига кўра, жамият маънавиятини ислох қилишга эришилди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш қобилияти шаклланди<sup>88</sup>.

2. Тарихий тафаккур орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилиб, истикболни кўриш фалсафаси дунёга келди. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс феъл-атворининг юксалишига хизмат қилди.

3. Тарихни ўрганиш орқали мустамлакачилик, коммунистик мафқура таъсирида ўзини йўқотган халқ ўзлигини англаб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини химоя қила оладиган баркамол шахс шаклланди.

4. Аждодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган, бемисл илмий кашфиётлари бугун жаҳон аҳлини хайратга солаётганини Президентимиз Ислом Каримов 2014 йил 15-16 майда Самарқандда ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзудаги халқаро конференцияси катта ижтимоий-маънавий кудрат ва улкан сиёсий ирода кучи бўлиб хизмат қилмоқда. 2014 йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга (шу хизматлари эвазига) ЮНЕСКОнинг 2 та олий нишони 1) “Абу Али ибн Сино” 2) “Боробудур” олтин нишони топширилди.

5. Ҳар бир фуқарони маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатидан янгилинишдаги ислохотлар орқали жамият янгилинишига, кўп қиррали ўзгаришларга олиб келди.

<sup>88</sup>Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. -326 бет.

Президентимиз Ислом Каримов 1998 йил 26 июнда тарихчи олимлар билан ғоя ва жамият мафқурасини ривожлантиришга бағишланган “Тарихий хотирасиз келажак йўк” мавзuidaги суҳбатида кўтарилган ижтимоий-маънавий омиллар қуйидагилардан иборат (3.3.3-расм).

**Тарихий хотира – ғоя ва мафқуранинг  
ривожлантиришдаги ижтимоий-маънавий омил**

1. Собиқ шўро даврида бузиб кўрсатилган ҳаққоний тарихимиз тикланди.
2. Давлатчилигимиз туб бурилиш палласига кирган пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни белгилаб олиб, насл-насаб, кимлигимизни билдик.
3. Комил инсонни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор соҳасига айланди.
4. Жамиятни ҳалокатдан қутқариб қола оладиган куч – маърифатга эътибор қаратилди.
5. Миллий маданий савия халқнинг ўз тарихига бўлган муносабати ўзгарди.
6. Ўзлимизни англаш тарихни билишдан бошланди.
7. Бунда баҳс-мунозара, таҳлил меваси тўғри йўл кўрсатди.
8. Маънавиятни тарғиб қилиш ҳар бир зиёнининг виждон ишига айланди.
9. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш эканлиги англаб этилди.
10. Миллий бирлигимиз, илдизимиз қадимий миллат бўлиб, ўзбек том маънода бунёдкор эканлиги исботланди. Ўзбеклигимиз билан фахрлана бошладик.
11. Амир Темурнинг “Куч адолатда” деган ғоясини Юртбошимиз Ислом Каримов “Куч билим ва тафаккурда” деган ғоя билан ривожлантирди.
12. Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали билиш ғоясини устувор қилиб қўйиб, тўғри қилдик.
13. Тарих – халқ маънавиятининг асоси.
14. Биз Хоразмий, Беруний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Бобурлар ворисимиз.
15. Тарихни билмай туриб, мафқуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Ҳаққоний тарихимиз тикланди.
16. Фан – жамият тараққиётини олға силжитувчи куч ва восита.
17. Халқаро анжуманларда баҳслаша оладиган, замонавий фикрлайдиган олимлар етишиб чиқа бошлади.
18. Ўзбек халқи, миллати ўз тарихи, маданиятини ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қила олиш қудратига, ғоя ва мафқурасига эга бўлди.
19. Ўз тарихимизни, маънавиятимизни билиб, ўзлаштириб, ўзликни англаб едик.

**3.3.3-расм**


**Мафқуравий жараёнар** ижтимоий онг шакллариининг инъикосидир. Аввало онг – ақл тафаккурни ифода этадиган асосий фалсафий категория бўлиб, у оламнинг сифатли белгилари, унинг тушунчавий ақл фаолияти орқали ижтимоий онгда акс этган инъикосидир (3.3.4-расм).

Мафқура ва ғоялар кундалик воқелик билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Ғоя ва мафқураларда ижтимоий жараёнларнинг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

**1. Иқтисодий йўналиш:**

1) Иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат назоратини чеклаб парламент назоратини йўлга қўйиш;

- 2) хусусийлаштиришни чуқурлаштириш;
- 3) иқтисодийётга хориж сармояларини жалб этиш;
- 4) мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш;
- 5) иқтисодийётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.



**3.3.4-расм**

## 2. Сиёсий йўналиш:

- 1) мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;
- 2) кўппартиявийлик тамойилини қарор топтириш;
- 3) демократик институтлар мустақиллигини таъминлаш, ҳокимият тизимлари бўлинишига қатъий амал қилиш;
- 4) “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” концепциясини рўёбга чиқариш;
- 5) ёш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатларни бартараф этиш.

## 3. Маънавий йўналиш:


- 1) маънавий янгиланиш ва ислохотларни, инсонийлик ғояларини ривожлантириш;
- 2) кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига риоя қилиш;
- 3) диний кадриятларни, Аллоҳ доимо қалбимизда ғоясини одамлар онгига сингдириш;
- 4) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш;
- 5) кўп миллатли фуқаролар онгида “Шу азиз Ватан–барчамизники” ғоясини таъминлаш.

4. **Хукукий йўналиш:** суд-хуқук ислохотларини чуқурлаштириш.

5. **Эстетик йўналиш:** Эстетик фаолият қонуниятлари, нафосат-шунослиқни ривожлантириш.


6. **Диний йўналиш:** диний кадрятлардан фойдаланиб, диний толерантлик (бағрикенглик) ни юксалтириш.

**Сиёсат ва мафқуранинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи.** Сиёсий мафқура икки ижтимоий тизим: сиёсат ва мафқуранинг бирикувидан ҳосил бўлувчи жараён. У жамият сиёсий тизимининг бир бўлагидир. Сиёсий мафқура сиёсий онгнинг ҳокимият муносабатларига фаол таъсир кўрсатувчи энг муҳим шакллардан биридир.




3.3.5-расм

Кўпгина олимлар сиёсий мафқурага у ёки бу шахслар гуруҳининг ҳокимияти (ёки ундан фойдаланишга) даъвосини оқловчи докторина, деб таъриф берадилар. Элита ва контрэлита сиёсий қурашида бу ёққол намоён бўлади.



3.3.6-расм

Юқорида келтирилган таъриф ва тушунчалардан бу ягона мафқурани сиёсатни белгилаб берувчи омил сифатида қарамаслик керак. Сиёсат ундан холи бўлиши лозим. Амалда бу жуда мураккаб кечган. Бу ҳақда хилма-хил қарашлар ҳам мавжуд.



### 3.3.7-расм

Умуман, сиёсий мафқура маълум кучларнинг маънавий қуроли бўлиб, уларнинг сиёсий фаолиятларини оқлайди ва бошқаларни ўз орқасидан эргаштиришга интилади. Биз олдинги мавзуларда баён этганимиздек, агар жамият тараққиётига “Инсоният тарихи – ғоялар тарихи” деган тамойил асосида назар солинса, XX асрда бу жиҳатдан давлатларнинг 3 хил йўлдан борган шакли, ривожланишини таъкидлаб ўтган эдик:

1. Идеологизация (жамиятни мафқуралаштириш маъносини англатади, коммунистик мафқураси).

2. Деидеологизация (жамият, давлат ўз йўлига, мафкура ўз йўлига: мафкурасиз ҳаёт мазмунини англагани).

3. Реидеологизация (ғоя ва мафкурани қайта йўлга қўймоқ, одам, жамият, давлат мафкурасиз ўз йўлини йўқотиши).

**Идеологизация (мафкуралаштириш) йўли**, бу собиқ СССР ва социалистик мамлакатлар XX аср бошларидан то шу аср 90-йилларигача бу йўлни босиб ўтди. Ана шу муайян ғоя ва мафкура (коммунистик мафкура) мутлақлаштирилган (идеологизациялашган) давлатларга бирон-бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура ҳукмронлик даражасига кўтарилди. Бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмади. Ўзгача қарашдаги кишилар йўқ қилинди, уларга хос ғоя ва мафкуралар таъқиқланди. Собиқ иттифок, шунингдек, фашизм ҳукмрон бўлган давлатлар халқлари бошига ниҳоятда катта кулфатлар келтирди. Жамиятни, сиёсатни мафкуралаштириш ва мафкуранинг сиёсатлаштирилиши оқибати катта фожиали фалокатларга олиб келди ва у ўзини оқламади<sup>89</sup>.

### Мафкура яккахокимлиги оқибатлари

1. Ўрта асрларда Ғарб ва Шарқдаги айрим давлатлар тарихида муайян даврларда **ақидапарастлик мафкураси** (инквизиция) хурфиқрлилик даврига, жамият тараққиётига тўсқинлик қилган. Юзлаб алломалар, ақл-заковат соҳиблари унинг қурбонига айланди.
2. Ақидапарастлик Осиё ва Европа давлатларида ҳукмронлик қилган.
3. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ҳам қўллаб моддий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлди. XX аср 30-йилларида халқнинг энг кўзга кўринган зотлари катагон қилинди.
4. Ғарбда юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари: генетика ва кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар инкор этилиб, “реакцион” ва “сохта” деб эълон қилинди. Психология, социология, культурология, семиотика, (юн. белгилар ҳақидаги таълимот, ахборот), бионика (юн. ҳаёт элементи, яшовчи, биол-кибернетика), информатик назарияси, эргономика (юн. иш, меҳнат ва конун) каби фан соҳалари ривожланмади.
5. Аксарият миллий кадрлар, урф-одатлар, анъаналар эскилик сарқити деб эълон қилинди. натижада қўллаб маданият дурдоналари исиз йўқолиб кетди.
6. XX асрда Италия ва Германияда фашизм ҳукмронлиги мафкураси даражасига кўтарилиб, унинг оқибатида дунёдаги (55.млн) миллионлаб инсонлар бошига чексиз кулфатлар ёғилди.
7. Шу боисдан ҳам Конституциямизда миллий ғоя ва мафкурамизда “ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” (12-модда) деган фикр мафкуранинг мутлақлашуви, яккахокимлик ақидага айланишига йўл қўймайди.

### 3.3.8-расм

<sup>89</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 89-бет.

### Мафкура амал қилишининг механизмлари

#### 1. Психологик механизм:

- 1) Мафқуравий таъсири самарадорлиги унинг объекти билан субъекти орасидаги алоқадорлик механизми характер хусусиятлари бирлигига боғлиқ;
- 2) бир-бирига ўргатиш тамойили;
- 3) бир-бирига устоз тамойили;
- 4) бир-бирига шогирд тамойили билан боғлиқ.

#### 2. Ижтимоий-сиёсий механизмлари:

- 1) Давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- 2) таълим-тарбия муассасалари;
- 3) ОАВ (оммавий ахборот воситалари);
- 4) дин;
- 5) оила;
- 6) сиёсий партиялар;
- 7) маҳалла ва х.к. орқали тарғиб қилиш.

### 3.3.9-расм

#### Сиёсий ижтимоийлашув ва сиёсий тарбия муаммоси.

“Ижтимоийлашув” тушунчаси “шахсни тарбиялаш,” “шахсни шакллантириш” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ.

“Сиёсий ижтимоийлашув” индивид томонидан ўзининг сиёсатга қўшилувини таъминловчи сиёсий билимларни, қадриятларни, меъёрларни, қоидаларни, хатти-харакат одобини ўзлаштириш жараёнидан иборатдир.

XX аср 90-йилларнинг бошларида сиёсий ижтимоийлашув жараёнига ҳокимият муассасаларига ишончнинг йўқолиши, уларни сиёсатда шахсан қатнашишни истамаслик, бузғунчилик, сиёсий норозиликнинг қўпоровчилик усуллари катта таъсир кўрсатиб келди. Расмий сиёсат кўпинча кўпчилик кишилар учун маънавий таянч бўлмади қолган эди.

### Ўтмишдаги сиёсий ижтимоийлашувнинг 2 қарама-қарши тамойили

1. Шахснинг ижтимоий ривожланишига, унинг сиёсатда фаол қатнашишига жиддий ижтимоий эҳтиёт борлиги маълум бўлди.

2. Иккинчи томондан инсон ҳокимиятдан, унинг ташкилотларидан сиёсий беғоналашувга олиб келган эди.

### 3.3.10-расм

Сиёсий ижтимоийлашувда мафкура катта роль ўйнайди. **Шахс сиёсий ижтимоийлашувда сиёсий онг тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади:**

1. Эҳтиёжлар ва ижтимоий кузатишлар тизимини шакллантириш.
2. Ўз ижтимоий гуруҳини тенглаштириш.
3. Ўз манфаатларини англаш.
4. Сиёсий фаолият имкониятларига баҳо бериш.
5. Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ва дасурлар тизимини қабул қилади.

**Сиёсий тарбия**, бу муайян мақсадга қаратилган, аниқ дастур, режа асосида амалга ошираладиган онгли амалий фаолиятдир.

- 1) Мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафқуравий, сиёсий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш.
- 2) Муस्ताкил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш.
- 3) Миллий ўзликни англаш.
- 4) Эркин фикрли, сиёсий фаол инсонни тарбиялаш ва ҳ.к.

### 3.4. Миллий ғояда менталитетнинг намоён бўлиши

**Менталитет** (лот. ақл, идрок) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, рухий қувватини ифода этувчи тушунча<sup>90</sup>. Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос миллий анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва қарашларини ҳам қамраб олади.

**Миллий менталитет** (лот, ақл, идрок, фаҳм-фаросат) – миллатнинг тарихий шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда қамолга етган қобилияти ва рухий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Ўз навбатида у муайян миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашини ҳам бир қадар белгилайди, гоҳида уни баҳолаш учун асос бўлади<sup>91</sup>.

Ўзбек миллати менталитетининг шаклланиш жараёни деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга. Асрлар давомида ўзбек халқи муҳим савдо-сотик, илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик марказлари, халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан боғлаб турган йўллар чорраҳасида яшагани сабабли, унинг менталитети тараккий этиб борган. “Менталитетимизнинг асосини ташкил этадиган (дўстлик, ҳамкорлик), бизни бошқалардан ажратиб турадиган шундай бир хусусиятки, уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас<sup>92</sup>. Бу хусусиятларни, Президентимиз жамоавийлик (ғарбда эса индивидуализм), маҳалла (ғарбда эса шахсий манфаат устунлиги) билан боғлаб талқин қилади.

Миллий ғоя ва мафқураимиз мамлакатимиз фуқароларининг асрлар давомида шаклланган маънавияти, урф-одатлари, анъаналари ва кадриятларидан озиқланади. Бу жараёнда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, қомил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик гоёларини юрдошларимиз онги ва қалбига жо қилиш уларда замонавий менталитет ҳосил бўлишининг асосий шартларидан биридир. “Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг

<sup>90</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли лугати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2009. 369-бет.

<sup>91</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Академия, 2007. 218-бет.

<sup>92</sup> Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 10-бет.

маънавий олами ва дунёқарashiдаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур<sup>93</sup>.

### Менталитет тушунчаси

**1. Менталитет (лот.ақлий)** – айрим киши ва ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият. Индивидуал ва ижтимоий онгнинг ички қатламларида жойлашган бўлиб, муайян тайёргарлик, йўл-йўриқ ва мойиллик асосида индивид ёки ижтимоий гуруҳларнинг иш тутиш усули, фикр юритиши, дунёни идрок этиш ва фаҳмлашнинг маълум тарзидир.

**2. Миллий менталитет** (лот, ақд, идрок, зехн, фаҳм-фаросат) – миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян шароитларда камолга етган қобилияти ва руҳий қуввати. Миллатга хос анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади.

**3. Жамият, миллат, шахс менталитети** уларнинг ўзига хос миллий анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва қарашларини ҳам қамраб олади. Муайян мамлакат, сиёсий ҳаёт, этник ва маданий анъаналари-ижтимоий алоқаларга боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгаришларига нисбатан менталитетнинг ўзгариши сустрок бўлади.

**4. Маълум бир жамиятнинг миллат менталитетини ўрганиш омиллари:**

- 1) Ушбу миллатнинг яшаб турган шарт-шароити.
- 2) Тарихий давр ва унинг ўтмиши.
- 3) Миллатнинг руҳияти ва бошқа хусусиятлар.
- 4) Унинг хусусиятларидан яна бири инертлигидир (ҳаракати).

**5. Менталитетни сақлаш ва шакллантириш омиллари**(ўзбек миллати менталитети шаклланиш жараёни 3,5 минг йиллик тарихга эга).

- 1) Ижтимоий-маданий ва этник анъаналар.
- 2) Ижтимоий ва ахлоқий тажриба миллий шакллари аجدодлардан авлодга ўтиш воситаси.
- 3) Халқнинг тарихий кадриятлари (миллий ва умуминсоний).
- 4) Оммавий онгда иқтисодиёт ва руҳиятдаги мулоқот, силжишлар ва ҳокимият

**6. Менталитетнинг намён бўлиши:**

- 1) тилда;
- 2) анъаналарда;
- 3) одатларда;
- 4) онгнинг ўз-ўзини бошқаришида;
- 5) у ижтимоий онгнинг индивидуал онгдан юкори даражаси ҳисобланади;
- 6) у индивид томонидан идрок этилмайди;
- 7) хулқ-атворида ва ибораларида ўз аксини топади;
- 8) илдиэлари фольклор маданиятида кўринади;
- 9) кишиларнинг тушунча ва тасаввурлари орқали ифодаланади, булар:
  - тил (доимо миллийдир). Тил орқали бир миллат маданияти, руҳияти ва мафқураси бошқа миллат ёш авлодига сингиб боради;
  - ижтимоий муносабат – дин;
  - маданият кабилар орқали кишилар онгига сингдирилади.

<sup>93</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 76-бет.

7. **Мустақиллик** – ўз менталитетини ўрганиш, тиклаш, бойитиш имкониятларини очди.

8. **Умуммиллий мақсадга эришиш босқичлари:**


- 1) Миллат ва давлат бирлиги ғояси.
- 2) Умуммиллий манфаат бирлиги. Манфаат мақсадни ифодалайди. Мақсад: “Ўзбекистон–келажаги буюк давлат.
- 3) Ҳаракат бирлиги ғояси: миллий тарқоқлигимиз Чингизхонга, чоризмга қўл келди.
- 4) Миллий тафаккур (миллий тарбия) бирлиги. Миллий мафкура ўзбек ғурурини юксалтиради.
- 5) Миллий характер – бир маданият. маънавиятга, мансуб қўпчилик одамларга хос сифатлар мажмуи.
- 6) Миллийғоя – миллий мафкураси – миллий тарбия – миллий характер – миллий birlik – миллий таракқиёт.

### 3.4.1-расм

**Менталитет миллий кадриятлар** билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ғоя ва мафкуранинг асосий элементи ҳисобланади. Кадриятлар маълум бир халқнинг кўп минг йиллик тарихий маданий тажрибаси сифатида шаклланган турмуш тарзи, тафаккур маҳсули бўлиб, дунёга келади. Халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари, анъаналари инсоний ва миллий мансублик ифодасидир.

Кадриятлар муайян миллат ва халқларнинг шонли ва муносабатли ўтмиши, тарихий-маданий тажрибалари, сабоқлари, сурур ва бахтиёр дамларининг ифодаси сифатида намоён бўлса, урф-одатлар, расм-русум ва маросимлар турмуш тарзининг шаклий кўринишлари сифатида халқ ҳаётининг маънавий-ахлоқий негизларини ташкил этади<sup>94</sup>.

Кадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар маҳаллий, миллий, минтақавий, умуминсоний шакл ва мазмунда мавжуд бўлади (3.4.2-расм).



### 3.4.2-расм

**Маҳаллий кадриятларнинг** энг етуқлари ва миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб, умуммиллий даражага кўтарилади. Миллий муҳит кадриятларни яратиш ва сараланишнинг асосий манбаидир: у миллий кадриятларнинг энг яхшиларини вояга етказиб, жаҳон микёсига олиб чиқади.

<sup>94</sup>Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. 324-бет.

Қадриятлар жамиятнинг ривож ва кишилар ҳаётининг турли давларида турлича аҳамият касб этади, тарихий заруриятга мос равишда гоҳ у, гоҳ бу қадрият ижтимоий тараққиётнинг энг олдинги поғонасига чиқиб олади, бошқалари хиралашгандай бўлиб туюлади. Натижада ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт қонуниятларига мос равишда, олдинга чиқиб олган қадриятни барқарор қилишга интилиш нисбатан кучаяди. Масалан, **юртни ёв босганида – озодлиқ, империя ҳукмронлиги ниҳоясида – истиқлол, уруш даврида – тинчлик, тутқунликда – эркинлик, касал ва беморлик онларда – саломатликнинг қадр**и ошиб кетади, уларга интилиш кучаяди.

Миллий характер миллий қадриятлар ва уларга асосланган миллий тарбия орқали шаклланади. Миллий характер тарбияси – миллий мафкура масаласидир. Маданий ва маънавий қашшоқлашув инсониятдан инсонийликнинг узоқлашувига олиб келади. Миллийликни камситиш, эскилик дея уни замонавийлаштиришдан ижирғаниш – космополитизм (беватанлик)га олиб келади. “Мен Ватан фарзандиман” деган эътиқодни “Мен Ер қуррасининг фарзандиман” деган эътиқод билан сиқиб чиқаради.

**Ижобий қадриятлар ва уларнинг тескари нисбати**

<b>Ижобий қадриятлар</b>	<b>Салбий қадриятлар</b>
1. Тириклик бор экан -	Ўлим бор.
2. Борлик энг буюк маъво (бошпана, макон) экан -	Йўқлик мавжуд.
3. Инсон тирик жонзот экан -	Касаллик бор.
4. Ҳаёт кечиритдан мақсад мазмунли умр экан -	Маъносиз қўйилган қадамлар бор.
5. Яшашнинг зарурий шартларидан бири билиш ва англаш экан -	Билимсизлик мавжуд.
6. Тараққиётга интилиш бор экан -	Таназул ва бошқалар инсониятни доимо таъкиб қилади.

**3.4.3-расм**

Миллий ғоя ва мафкура, менталитетга миллий ва умуминсоний ғоялар боглик бўлиб, улар индивидуаллиги ва умумийлиги, интеграцияси ва дифференцияси билан фарқ қилади.

**Миллий ғоядаги индивидуаллик** – бу бошқа одамлардан ўзининг ижтимоий аҳамиятли белгилари билан фарқланувчи одам, шахснинг такрорланмаслиги. **Умумийлиги эса** барчага оидлиги билан белгиланади. **Миллий ғоя ва мафкуранинг интеграцияси** (лот. тиклаш, тўлдириш) – турли хил қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёни, ғоясидир. Ғоя ва мафкуранинг намоён бўлим дифференцияси (лот. фарқ) - бир бутунликнинг турли қисмлар, шакллар ва даражаларга бўлиниши бўлиб, бирор-бир ходисанинг ривождаги аввалги босқичини ифодалайди. Демак, миллий ва умуминсоний ғоялар индивидуаллиги ва умумийлиги, интеграцияси ва дифференцияси билан фарқланади.

**Миллий ва умуминсоний ғоялар  
дифференциацияси**

**Миллий ғоялар:**

1. Бош ғоямиз: озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш.
2. Ватан равнақи.
3. Юрт тинчлиги.
4. Халқ фаровонлиги.
5. Комил инсон.
6. Ижтимоий ҳамкорлик.
7. Миллатлараро ҳамжихатлик.
8. Диний бағрикенглик.

**Умуминсоний ғоялар:**

1. Демократик ва гуманизм ғоялари.
2. Тинчлик ва барқарорлик ғоялари.
3. Мустақиллик ва озодлик ғоялари.
4. Қонуннинг устуворлиги ва инсон эркинликлари ғояси.
5. Яхшилик.
6. Адolat.
7. Миллатларнинг тенг ҳуқуқчилиги.
8. Виждон эркинлиги.
9. Табиатни асраш каби ғоялар.

### 3.4.4-расм

Ўзбекистон мустақил тараққиёт жараёнида миллий ғоя ва мафкурамининг энг асосий тушунча ва тамойиллари белгилаб олинди ва ишлаб чиқилди. Халқимизнинг асрий орзуси, кўзланган юксак мақсадга етишнинг асосий омили-авваламбор мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ эканидан келиб чиқади. Миллий ғоянинг маъно-мазмунини ҳам, янги ғояларнинг такомиллашув жараёни ҳам, унда авлодлараро ворислик ва янгиланиш ҳам ҳисобга олиниб, ушбу мезонлар негизида янги вазифалар белгилаб олинди. Миллий ғоянинг амал қилиш жараёнида унинг мафкура сифатидаги умумий ва хусусий тамойиллари ишлаб чиқилди. Натижада бу тамойиллар:

1. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.
2. Давлат ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.
3. Қонун устуворлиги таъминланмоқда.
4. Демократия ва ўз-ўзини бошқариш ҳаётда мустаҳкам ўрин эгалламоқда.
5. Миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига таянилмоқда.
6. Халқаро ҳуқуқ қоидаларига тўла мослиги таъминланди.
7. Иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчилик эркинлиги шаклланди.
8. Давлатнинг бош ислохотчилиги негизида мамлакатда ижтимоий барқарорлик таъминланмоқда.
9. Виждон эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги муҳити шаклланди.
10. Ўтиш даврида аҳоли ижтимоий ҳимояланиб, жамият барча соҳалари эркинлашуви, ислохотлар тажрибийлигига хизмат қилмоқда. Демак, маданий мерос, халқнинг, миллатнинг ўтмиши акс этган ва келажакни ифодаловчи омил бўлиб, у:

- 1) Маънавий – маданий мерос.
- 2) Моддий – маданий меросларга ажралади.

Истиқлолга асосланган янги ғоялар тизимини такомиллаштириш, унинг маънавий таъсирчанлиги ва мафкуравий самарасини ошириш усулларини қуйидагича изохлаш мумкин:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни изчиллигини таъминлаш.

2. Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотини янада чуқурлаштириш.

3. Ахборот соҳаси ислоҳотлари, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.

4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.

6. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодийтни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби.

## 4-боб. ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### 4.1. Президент Ислом Каримов мафкуравий таҳдидлар, уларнинг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари ҳақида

Инсон орзу интилишларини рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечиршида зарур моддий ва маънавий олами, “ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги кўшканотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади”<sup>95</sup>. Бугун ана шундай асосий омилларидан бири бўлган маънавиятга бўлаётган таҳдидлар мамлакатнинг ижтимоий тараққиётини таназзулга етказиши мумкин. Шунинг учун уларни билиш, олдини олиш ва уларга қарши курашиш лозим бўлади.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг ҳозирги ривожланиш босқичида одамларни маънавий-мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий фаоллаштириш асосий вазифалардан биридир. Бунда айниқса, фуқароларнинг онги ва қалбини маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш муҳим долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Маънавий таҳдид инсоннинг онги, дунёқараши ва ахлоқига дахл қилиши мумкин бўлган жиддий хавф-хатардир. Бу хавф кўзга кўринмасида, лекин унинг келтирадиган зарари юқумли касалликлардан кам эмас. Шу маънода “тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар нафақат сиёсат ёки иктисодиёт, балки маънавият бобида ҳам бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, рухий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқда”<sup>96</sup>.

Ҳақиқатан ҳам бундай уринишлар турли усуллар ва воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Улар орасида маънавий таҳдидларнинг кўлами пасаймаяпти. Умуман, “**маънавий таҳдид**” ибораси икки сўз бирикмасидан ташкил тошган: “маънавий” деганда инсоннинг ички дунёси, онги ва қалби назарда тутилган. “Таҳдид” деганда эса ҳадик, яъни тажовуз қилиш, йўлдан чиқаришга асосланган хавф-хатарлар мажмуи тушунилади. Таҳдид хавф-хатардан фарқли равишда дарҳол кўзга ташланмаслиги, узокни кўзлаши ва хавф-хатарга нисбатан зарари кўплиги билан фарқ қилади. “Таҳдид” тушунчаси тўла маънода сиёсий лексиконга Президент Ислом Каримов томонидан 1994 йил 22 сентябрда Олий Кенгаш 16-сессиясидаги нутқида биринчи бор қиритилди (Каримов И.А. Асарлар. Т.2, 293 бет).


Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида **маънавий таҳдид** иборасига қуйидагича таъриф беради. “**Маънавий таҳдид** деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан рухий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”...<sup>97</sup> (4.1.1-расм).

<sup>95</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 66-67-бетлар.

<sup>96</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 11-бет.

<sup>97</sup> Ўша жойда, 13-14-бет.

**Маънавий таҳдид тушунчаси, хусусиятлари, зарари  
ва унинг турлари**



#### 4.1.1-расм

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари 3-боби бевосита “Маънавий таҳдид – ўз­лигимиз ва келажагимизга таҳдид” деб номланган бўлиб, унда икки муҳим жиҳатга эътибор қаратилган:

**1. Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар.**

**2. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя.**

Юртбошимиз “ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмаслиги ҳақида фикр билдириб, унинг ижобий хусусиятларини эътироф этган ҳолда, бундан эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкинлигини алоҳида таъкидлайди. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатларнинг ниҳоятда тиғизлиги, тезкорлиги “ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ўткир ку­ролига айланиб, ҳар хил сиёсий қучлар ва марақазларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини”<sup>98</sup> баён этади. “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”<sup>99</sup> бўла бошлади.

“**Мафкуравий-таҳдид**” муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ҳамда бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлиги, маънавий, мафкуравий, руҳий дунёсига тажавуз қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва уларга асосланган амалиёт мажмуини ифода­лайдиган тушунча.

<sup>98</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 111-112-бетлар.

<sup>99</sup> Ўша жойда, 112 бет.

## 1. Мафқуравий таҳдид кўринишлари:

Бу турга кирувчи таҳдидлар кенг қамровли ва узокни кўзловчи хусусиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

- 1) Миллий кадриятларни камситиш.
- 2) Миллий ахлоқ қоидаларини камситиш.
- 3) Мўътадил (ўрта миёна) қарашларни писанд қилмаслик.
- 4) Муайян давлатлар иродасига итоат қилиш.
- 5) Космополит (бсватанлик) қоидаларини мақташ.
- 6) Ўзга жамиятлар манфаатларига мос дунёқарашни мутлақ ҳақиқат сифатида тарғиб қилиш.
- 7) Мақсади: “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” тамойили асосида ижтимоий онгда нотўғри фикр уйғотиш.
- 8) Миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашни тарғиб қилиш ва хоказо.
- 9) Ислоом халифалигини тиклаб, мусулмон империясига бирлаштириш.
- 10) Собик иттифоққа бирлаштириш гояси.
- 11) Диннинг моҳиятини сохталаштириш.
- 12) Ахлоқсизлик гояларини ёйиш.


### 4.1.2-расм

Мафқуравий таҳдидлар “бизлар учун мутлақо бегона мафқура ва дунёқарашни аввало бегубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан, айниқса хатарлидир”<sup>100</sup>. Мисол учун, ана шундай бегона мафқуралардан бири – миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашни тарғиб қилишдир. Унга кўра, инсонда миллий тараққиёт моделига шубҳа билан қараш ҳосил қилинади ва унинг “ёни”да ўзга давлатларнинг тараққиёт моделига ҳавас қилиш уйғотади. Биз учун бегона дунёқарашлардан бири – мутаассибликдир (яъни, онгсиз, қаттиқ берилувчи, ўзини ҳақ деб билувчи). Унга кўра, шахс ўз тушунчаларини мутлақ ҳақиқат деб қабул қилади ва ўзга қарашларни эса асоссиз инкор қилади.

Бу биз учун ёт бўлган мафқураларда ғарб ҳаётини идеаллаштириш ва биз учун ёт бўлган дунёқарашларда эса Шарқ консерваторлигини тиқиштириш кўзга ташланади. Бошқача айтганда, ёт мафқураларда маънавиятни заифлаштириб, гегемонлик қилиш ва ёт дунёқарашларда эса догматик фикрлар воситасида шахс онгини динийлаштириш устувор даражада намоён бўлмоқда. Шу маънода мафқуравий таҳдидлар кўлами кенгайиб бориши мумкин<sup>101</sup>.


<sup>100</sup> Ўша жойда. 14-бет.

<sup>101</sup> Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафқуравий полигонлардаги олиншув. – Т.: Академия. 2007.



**4.1.3-расм**

Гоявий таҳдидлар охир-оқибатда давлатни инқирозга олиб келади, нега деганда, бунинг натижасида фуқароларда худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, ҳасад, сотқинлик, иродасизлик, бепарволик каби ижтимоий – ахлокий иллатлар таркиб топади<sup>102</sup>.




**4.1.4-расм**

<sup>102</sup> Философия перед лицом мирового проблем. // Вопросы философии, 2004 №3. С-5-11.

**Ахборот таҳдидлари** – баъзида ахборот хуружи деб ҳам аталади – шахсни иккилантиради, уни муаммолар гирдобига ташлайди. Натижада фуқароларнинг ижтимоий онги захарланиб, жамиятда ижтимоий хасталик таркиб топади<sup>103</sup>.

Маънавий таҳдидларни бартараф қилиб боришга доир бир қатор қарашлар тизими мавжуд. Президентимиз Ислоҳ Каримов маънавий таҳдидларни бартараф этиш муаммосини ишлаб чиқди. У кишининг концепциясига кўра, **маънавий таҳдидларни фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя жаҳолатга қарши маърифат билан бартараф этиш мумкин.**



**4.1.5-расм**

Президент Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...” асарида илгари сурилган “уч поғонали жавоб тизими”, яъни таҳдидларни англаш (1), олдини олиш (2) ва ниҳоят бартараф этиш (3) орқали жавоб бериш мумкинлиги ғоясини илгари суради. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари” (1997) асари 2 бобдан иборат бўлиб, унда кўтарилган асосий ғоялар қуйидагича.

<sup>103</sup> Тўраев Ш. Ўзбекистонда демократик жамият ривожига иқтисодий ва маънавий омиллар уйғунлиги. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 81-83-бетлар.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... асари

**1-боб. Хавфсизликка таҳдид:**

1. Минтакавий можаролар.
2. Диний экстремизм ва фундаментализм.
3. Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик.
4. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.
5. Коррупция ва жинойатчилик.
6. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари.
7. Экологик муаммолар.

**Келтириб чиқарувчи сабаблар:**

1. Ўтиш даври ислохотларидаги иктисодий кийинчиликлар.
2. Аҳоли объектив талабақаланиш жараёни ва мулкдорлик белгисидаги тафовутлар.
3. Гоявий бўшлиқ.
4. Айрим одамлар онгининг саёзлиги.
5. Сиёсий беқарорлик.
6. Ижтимоий нотенглик.
7. Ўтиш жараёнидаги муаммолар.
8. Ўзликни тўла англаб олмаганлик.
9. Мамлакат ички ва ташқи муаммолари ва

**Президентимиз таъкидлаганидек, ўтган йиллар мантиқи ҳозирги кунда  
3 та асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг  
келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ.**

Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим.

Барқарорликни қандай таъминлаш даркор?

Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?

**1. Хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? саволга жавоб:**

1. **Хавфсизлик** – узлуксиз ҳолатдир, ҳадсиз-худудсиздир. Бу миллий хавфсизликни ташкил этади.
2. “Совуқ уруш” барҳам топгач, эндиликда: ялпи хавфсизликка асосий таҳдид: этник, минтакавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жанговар сепаратизм.
3. Ўзбекистон ўзининг жуғрофий – сиёсий ҳолати жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган.
4. Минтакавий низолар кўпинча: терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва қурол-яроғ билан конунсиз савдо қилиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши, буларнинг бари чегараларни тан олмайди.
5. Ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларига мувофиқ ўз мустақиллигини таъминлаш учун коллектив хавфсизлик шартномасида катнашиш ҳуқуқини ўзи белгилайди.
6. Экологик ва ядровий хавфсизлик муаммолари алоҳида эътибор талаб этади ва ҳ.к.

**2. Барқарорликни қандай таъминлаш даркор:**

1. Маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши.
2. Давлатчиликни шакллантириш ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш.
3. Демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш.
4. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши.
5. Кучли ижтимоий-сиёсат ва аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш.
6. Жуғрофий- стратегик имкониятлар ва табиий- хомашё ресурслари.
7. Инсон салоҳияти, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси.
8. Кенг қўламли ўзгаришлар ва ҳамкорлик кафолатлари.
9. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик.

**4. Собитқадам ривожланишимиз:**


1. Жуғрофий-стратегик имкониятлар, табиий-хомашё ресурсларига.
2. Инсон салоҳияти.
3. Ҳамкорлик.
4. Ўз имкониятимиз орқали ва ҳоказоларга боғлиқ

**4.1.6-расм**

## 4.2. Вайронкор ғояларнинг реакция моҳияти ва уларга қарши курашнинг тарихий зарурати


**Вайронкор ғоялар** – бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифода этадиган тушунча. Жамиятни тубанликка етаклаб, одамларни ғаразли ният ва кабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалоқатга маҳкум этадиган ғоялар (Ўзининг шахсий ёки ижтимоий манфаатларини ўзгалар ҳисобига қондириш, босқинчилик, талончилик ва бошқалар)дир.

Вайронкор ғоялар инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чакирадиган, жамиятни қарама-қарши кутбларга ажратиб, бўлиб ташлашга сабаб бўладиган ғоялар мажмуидир<sup>104</sup>.



4.2.1-расм

Диний ақидапарастлик ва жангори ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм, терроризм каби мафқуралар вайронкор ғоялар жумласига киради.



4.2.2-расм


“Аслида, менинг назаримда одамларнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади, - деган эди

<sup>104</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. 106-бет.

Президентимиз Ислол Каримов – Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра, вахшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-характларини кўзгатиб юбориш осонрок<sup>105</sup>”. Бундай гоълар таъсирига берилмаслик, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари Юртбошимизнинг “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарида (2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблари) чуқур илмий асослаб берилган.

Инсоният ягона оила эканини англаб, тинч-тотув ва фаровон яшаш тамойилига амал қила бошлагач, вайронкор гоълар Ер шарининг ҳамма ерида ҳам танқид ва таъйикка учрамоқда. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қораланаётган диний халқаро террорчилик ва мафкуравий хуружлар, экстремизм ва жаҳолатпарастлик, ҳам бузғунчи гоъларга асосланган.

**Терроризм (лот.кўрқув, дахшат)** – юксак маънавий тамойилларга зид равишда ёвуз мақсадлар йўлида одамларни гаровга олиш, ўлдириш, ижтимоий объектларни портлатиш, халқни кўрқув ва ваҳимага солишга асосланган зўравонлик усулини англагачи тушунча. Кўркитиш ва дахшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш терроризмга хосдир. Терроризм сиёсий, иқтисодий, диний, ирқий, миллий, гуруҳий ва индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин (4.2.3-расм).




**4.2.3-расм**

<sup>105</sup> Каримов И.А. Озол ва абод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 493-бет.

Таъқиб, зўравонлик, кўпуровчилик ва қотиллик терроризмнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, буларнинг барчаси инсонпарварлик ғоялари, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай никоб остида амалга оширилмасин, моҳиятан, инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир. Терроризмга ҳозирги кунда аниқ, ҳамма учун тушунарли ва мукамал таъриф бериш осон эмас, чунки ўта мураккаб феномендир.

Терроризм муайян гуруҳнинг руҳсат этилмаган ҳолатда онгли равишда куч ишлатишидир<sup>106</sup>. Бунда террорчилар аниқ мақсадни кўзлайди ва ўзини тўла ҳақ деб билади. Террорчилардаги мавжуд куч мақсадни амалга оширишда ижтимоий-сиёсий муҳит билан бевосита алоқадорликда бўлади. Шунинг учун бирон-бир сабабларга асосланган ёвуз мақсад терроризмга олиб боради. Терроризм кўп ҳолларда ҳарбий кучлар билан алоқадор бўлади ва бундай мисоллар тарихдан бир неча бор кузатилган. Бундан ташқари терроризм баъзи давлатларнинг ўзи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда 2 хил шаклда куч ишлатади: жазо бериш органлари ёки ҳарбий кучлар томонидан.




4.2.4-расм

**Ғоявий терроризм** сиёсий етакчилар томонидан яратилади. Бунга ички сабаблар кўрсатилади.

**Этник терроризм** – жамиятнинг миллий ва этник жиҳатлари билан узвий боғланган.

**Диний терроризм** – муайян бир диний секта ёш гуруҳ таълимотининг жамиятда мутлақлаштирилиши оқибатида пайдо бўлади. Бунда ушбу ғоя тарафдорлари бошқалар фикри ва ғояларини кескин танқид остида олиб, рад этади ва ғоявий-мафкуравий парокандаликни келтириб чиқаради. Диний терроризмнинг ҳатарли жиҳати у қўллайдиган чораларда кўринади. Чунки диний терроризм тарафдорлари аксарият ҳолларда қўлда қурол билан, баъзи ҳарбий гуруҳларга таяниб ҳаракат қилади. Бугунги кунда ядровий, биологик, бактериологик қуролларнинг террорчилар қўлига тушиб қолиши эҳтимоли энг катта хавфдир.

<sup>106</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли дугаги. – Т.: Фағур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 554-бет.



**4.2.5-расм**

**Терроризмни бартараф этиш йўллари:**

1. 1977 йил 27 январда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш бўйича Европа конвенцияси”да терроризм, унинг сабаблари, мақсадларидан қатъий назар жиноят деб таърифланди.

2. 1978 йили Бонн шаҳрида кучли “Еттилик” давлатлари терроризмга қарши кураш тўғрисида баёнот қабул қилди.


3. 1981 йили Оттава шаҳрида, 1984 йили Лондонда, 1986 йили Токиода, 1996 йили Парижда бўлиб ўтган кучли “саккизлик” давлатларининг раҳбарлари халқаро терроризм тўғрисида декларация қабул қилдилар.

4. 2000 йил октябрида Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари “Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ҳужжат қабул қилинди.

5. 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. ЎзР Жиноят Кодексининг 2-бўлими “Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар” деб номланиб, унга қарши кураш йўллари баён этилди.

6. 2001 йил 15 июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) томонидан 3 та ёвга қарши “Халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш ҳақида” Конвенция қонуни қабул қилинди.


7. 2004 йил 17 январда Тошкентда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси иш бошлади.



**4.2.6-расм**

Президент Ислом Каримов: “Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан, диний ва миллий экстримизм, этник қарама-қаршилар, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман”, - деган эди.

**Маҳаллийчилик** - кишилар ўзаро туғилиб ўсган жой билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ҳудудий яқинлик туйғусининг салбий шаклда намоён бўлиши. У кишиларнинг уруғ-аймоқчилик ва қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган бирлигини ҳам англатади. Президент Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” (1997) асарида маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларини таҳлил қилиб, шундай таъкидлайди: “Уруғ-аймоқчилик”ни ажратиб турувчи белги – уни аъзоларининг бир жойда тўпланганлигидир. Шунини назарда тутиш керакки, бунда машғулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир”<sup>107</sup>.



#### 4.2.7-расм

<sup>107</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 100-бет.

**Миллатчилик** – миллат айрим, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришни англагувчи тушунчадир. Миллатчилик миллий маҳдудлик ва мумтозликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончсизлик руҳи билан йўғрилган назария ва амалиёт. Собик Иттифоқ даврида миллатчилик тушунчаси атайин сохталаштирилган ва миллийликнинг ҳар қандай кўриниши миллатчилик сифатида белгиланган.

**Миллатчилик ва миллатпарварлик мафқураси**

**1.Миллатчилик** – миллатларнинг тенгли-гини инкор қилиб, ўз миллатини устун қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, ўз миллатига сажда қилиш, унга ҳолис баҳо бермаслик, камчилик ва нуқсонларни сезмаслик.

**Кўринишлари:**

- 1.Экспансионизм (агрессив экспансиячилик сифати).
- 2.Изоляционизм (ажратиб қўйиш).
- 3.Шовинизм (иркий айирмачилик).
- 4.Нацизм (миллатчилик).

Булар миллатнинг маънавий қашшоқлашувига сабаб бўлади. Жиддий келишмовчиликка замин яратади.

**2.Миллатпарварлик** эса миллатларнинг тенглигини тан олиш, барча ирқ ва миллатларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш, ўз миллатига, унинг тили, маданиятига бефарқ бўлмасликдир.

**Миллатпарварлик** – инсоннинг ҳаёти ва фаолияти давомида ўз миллатининг ўзига хос жиҳатларига ҳурмат ва садоқат руҳида қарши, миллий менталитети, урф-одатлари, тафаккур тарзини чуқур ҳис этган ҳолда, миллатнинг ҳар томонлама тараққий топишига хизмат қилиши ва у билан боғлиқ дунёқарашнинг намоён бўлишини ифодаловчи тушунча.

**4.2.8-расм**

**Коррупция** – уюшган жинойт гуруҳнинг шахсий бойлик орттириш, давлат мулкини тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмига, мамлакат иқтисодий ресурсларига эга бўлиш мақсадида уруғ-аймоғчилик манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўядиган давлат хизмати амалдорлар жинойт содир этилишини англададиган тушунча. **Коррупция** (лот.айниш, порага сотилиш) – мансабдор шахсларнинг шахсий бойлик мақсадида ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларини бевосита суиъстьемол қилишдан иборат жинойт ҳисобланади. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам коррупция дейилади.

**Коррупция тушунчасига БМТ қарорларидаги таърифи**

1. Мансабдор шахслар томонидан давлат мулкини ўғирлаш, талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш

2. Ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суиъстьемол қилиш

3. Ижтимоий бурч ва шахсий таъмагирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият

**4.2.9-расм**

Коррупция жамият таракқиётига хавф солувчи тахдид ҳисобланади ва мамлакатда ижтимоий ларза, иктисодий тангликнинг вужудга келишига сабаб бўлиб, аҳолининг маънавий кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дастлабки кунларданок коррупцияга қарши курашга фаол киришиб, тегишли чора-тадбирлар кўрмоқда. Президент фармонида биноан, ички ишлар ва прокуратура органлари тизимида коррупцияга қарши кураш бўлимлари тузилди.

Коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим йўлларида бири давлат бошқаруви органлари раҳбар ходимлари масъулиятини ошириш, уларни ватанпарварлик, масъулиятлилик руҳида тарбиялаш бўйича маърифий ишларни кучайтириш ҳисобланади. Шунингдек, коррупцияга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳаракат қилиш лозим бўлади. Шу боисдан ҳам 2008 йил июль ойида ЎЗР БМТнинг Коррупцияга қарши кураш концепциясига қўшилди.

Президент Ислом Каримов 2015 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай мисол келтирилади: “Маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага фуқаролардан прокуратура ходимлари устидан 426 та шикоят келиб тушган. Мазкур шикоятларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 45 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилган, 22 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган, 33 нафар ходим прокуратура органларидан бўшатирилган (Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Т.: Ўзбекистон, 2015.-22-бет).

#### **4.3. Мафкурадаги мутлақ жамоавий ва мутлақ индивидуал ёндашувларнинг салбий оқибатлари**

XX асрга келиб, Европа ва Шарқда ғоя ва мафкураларнинг маданият ва унинг ривожланишига доир икки хил тенденция юзага келди.

**Биринчи тенденцияга кўра**, гўё маданият, ривожланиш Европада Шарққа ўтган ва ёйилган деб, Ғарб маданиятини устун қўйиб, унинг юксак ва буюклигини даъво қилади.

**Иккинчи тенденцияга кўра**, маданият Шарқда пайдо бўлган ва у Европада ёйилган, таъсир кўрсатган. Буни Шарқдаги ўрта аср цивилизацияси ва унинг XV-XVI асрдан кейин Европада ёйилганлиги билан исботлашмоқчи бўлади.

Ҳар икки тенденциянинг бир-бирини устун қўйиши ноўрин. Албатта бунда, яъни маданият ва маънавий ғояларнинг ривожланишида Шарқнинг ҳам, Ғарбнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд.

**Мафкурадаги мутлақ жамоавий ёндашув.** Собик Шўролар даврида шахс манфаати кўпчиликлари манфаатига қарама-қарши қўйилди. “Миллатларнинг яқин келажакда қўшилиб кетиши” тўғрисидаги ғояларга асосланган сиёсатнинг юритилиши, СССРда кўпгина халқларнинг маданий ўзлигини йўқотиш даражасига келтириб қўйди.

Генетика, кибернетика, социология, сиёсатшунослик каби фанлар ривожланишига нотўри сиёсий баҳо берилиши натижасида собиқ Иттифоқда бу фанларнинг тараққиёти бир неча ўн йилларга орқага суриб юборилди.

**Мафкурадаги мутлақ индивидуал ёндашув. Индивидуализм** (лот. бўлинас) – инсоннинг шахсий ҳаёти жамоага боғлиқ бўлмаган, фақат унинг ўзига тегишли алоҳида бир ҳодиса деб қўйиладиган, жамият манфаатларидан инсон ҳуқуқларини мутлақ устун қўядиган фалсафий-ахлоқий таълимот.

Индивидуализмнинг назарий талқини негизда ҳар қайси шахснинг ягона бекиёс эканини, унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади.

Индивидуализмнинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарши қўйиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйиш билан боғлиқ ҳолда қадимги замонлардан бошлаб шаклланган.

Кишилар дунёқарашини бошқариш, уларнинг қалби ва онгига айрим мафкура полигонларининг манфаатларига жавоб берадиган стандартларни сунъий равишда зўрлаб сингдириш йўлидаги уринишлар тобора авж олаётган ва кенг миқёс касб этаётган ҳозирги глобаллашув даврида Ғарб мамлакатларида индивидуализм: нигилизм, скептицизм, цинизм, волонторизм, анархизм, эгоизм, авторитаризм каби кескин кўринишларда намоён бўлмоқда.




4.3.1-расм

Президентимиз Ислом Каримов нигилизм ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: Ғарбда индивидуализм Шарқ кишисига ёт. Жамоа тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларда алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллаларда кимнинг

қандайлиги, ўз кунини халол ёки қинғир йўллар билан қураётгани кундай экан. Мен Ғарб фалсафасида ҳам барча муаммолар ечилган, демокчи эмасман. Ғарб файласуфларининг фикрлари билан, айниқса, индивидуализм, эгоизм қарашларини илоҳийлаштириш билан келишмаслигимиз мумкин. Лекин уларни ҳисобга олишимиз, кераклисини эътироф, кераксизлигини инкор этишимиз зарур”.

**Шарқ мафқурасининг хусусиятлари:** Шарқ мамлакатлари, асосан, аҳолисининг кўпчилиги қисми муслмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос шакл ва мазмунда намоён бўлади.



**4.3.2-расм**

#### **4.4. Жаҳон молиявий инқирозининг мафқуравий жараёнларга таъсири**

Президентимиз Ислам Каримов “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (2009) номли асариде жаҳон молиявий инқирозининг мафқуравий жараёнларга таъсир этишининг объектив ва субъектив омилларини асослаб берди. Ушбу асар икки қисмдан иборат:

1. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иктисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар.

2. Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш – Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозориде янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир.

**Китобнинг биринчи қисмида:** Жаҳон молиявий инқирозининг мафқуравий жараёнларга таъсириде АКШде ипотекали кредитлаш тизимида руй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараён кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетган. Китобде бу ҳолат кўплаб мамлакатларде ишлаб чиқариш ва иктисодий ўсиш сурьатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарганлиги баён этилган. Асарде бу ҳолат умумлаштирилган ҳолде қуйидаги хулосаларга келган.

**Жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиш сабаби ва унинг мафқуравий жараёнларга таъсири**

1. Бу инқироз АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланган. Иқтисодий инқироз билан боғлиқ. Долларнинг жаҳонга тарқалиб кетиши.

2. Инқироз кенгайиб дунёдаги йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг тўлов қобилияти (ликвидлик) заифлашувига олиб келди. Банклар кредит бериб, уни қайтариб ололмаган.

3. Европа давлатларидаги ишлаб чиқариш умумий ҳажми (рецессия) ва иқтисодий пасайишга олиб келди. Ишлаб чиқариш ва экспорт масалаларида тафовутлар мавжудлиги.

4. Қимматли қоғозлар бозорининг йўқлиги банклар томонидан ишлаб чиқарилмаётганлиги. Ёки банклар айланма пул обороти йўқлиги. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари, акцияларнинг бозор қиймати тушиб кетиши.

5. Инқироз глобал характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш пасайиб, кўплаб ишсизликни келтириб чиқарди.

6. Бошқарувнинг бозор тизими ўрнига маъмуриф-буйруқбозлик тизими ҳукмронлиги билан боғлиқ ҳолатда юзага келди.

7. Давлатларнинг ташқи қарзи ошиб борди.

8. Ҳар қайси давлатнинг инқирозга қарши қабул қилган чора-тадбирларига ҳам

9. Кредитларнинг кредиторлар томонидан ўз вақтида тўлолмаётганлиги, бунда назорат йўқлиги.

**4.4.1-расм**

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози** шароитида аксарият мамлакатлар давлат молия тизимининг долзарб муаммоларидан бири – давлат бюджетининг тақчиллиги муаммосидир. Ўзбекистон миллий иқтисодиётимиздаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатининг таъминланиши иқтисодиётдаги соғлом молиявий муҳитнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 2007 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит (даромадларнинг харажатлардан кўпроқ бўлиши) билан бажарилмоқда. 2010 йилда давлат бюджети 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

**Айрим мамлактларда бюджет тақчиллиги ташки қарзларнинг  
ҳолати қуйидагича (2010 йил)<sup>108</sup>**

Мамлакатлар	Бюджет тақчиллиги	Ташки қарз
Италия	5,3 фоиз	115,8 фоиз
Франция	7,5 фоиз	78,0 фоиз
Португалия	9,3 фоиз	76,0 фоиз
Испания	11,1 фоиз	91,0 фоиз
Буюк Британия	11,4 фоиз	68,0 фоиз
Греция	15,4 фоиз	115,1 фоиз
Ирландия	32,0 фоиз	116,0 фоиз
Ўзбекистон	0,3 фоиз профицит	10,0 фоиз

**4.4.2-расм**

Президентимиз Ислоҳ Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида Ўзбекистонда “Ўзбек модели”нинг ўзига хос хусусиятлари миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қаралиб, “шоктерапияси” усулларидан тамомила фарқ қилиши таъкидлаб ўтилган. “Янги уй қурмасдан туриб эқисини бузманг” тамойилига таяниб, ислохотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилди. Ўтган даврда давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олди. Натижада Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва тармоқларнинг узлуксиз ишлаши таъмин этилди. Мамлакатимизда тижорат банкларининг активлари микдори “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ шаклланиб борди.


Ўзбекистон жаҳон бозорига экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бораётганлиги айтилган.

**Китобнинг иккинчи қисмида:** мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар натижасида юз бераётган ижобий ютуқлар ҳақида кенг тўхталган.

Китобда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури, Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларини ҳал этишга қаратилди.

<sup>108</sup>Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

**Инкирозга қарши чоралар дастурида белгиланган  
5та устувор вазифалар (2009-2012 й)**



**4.4.3-расм**

Президент Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида Америкалик таникли олим, “Глобал илмий нашрлар” маркази директори, Нью-Йорк давлат университети профессори, доктор П. Марвин юксак баҳо берди. **1.Иктисодий ўсиш.** Ислон Каримов раҳбарлигида иктисодий ўсиш ва тараққиёт моделига айланди. Сўнгги 5 йил ичида ЯИМ 7,8, ҳатта 9 фозизга ўсди. 2008 йилда ЯИМ 109 фозизни ташкил қилди. Ўзбекистон саноат ўсиши 112,7 фозизлигини баён этган.

1. Ўзбекистон ташқи миллий қарзи ЯИМ бўйича 18,5 фозиздан ошмаяпти (2015).

2.Ташқи савдо айланмаси ижобий сальдога 4 млрд, доллардан ошиб кетди. 1995 йилда дон мустақиллигига, 1997 йилда энергетика мустақиллигига эришди. Ҳар йили 6 млн, тоннадан ортик ғалла етиштирилди.2014 йилда эса 8 млн. 300 минг тонна ғалла олинди.

**2.Мамлакат аҳолиси турмуш даражаси юксалиб бормоқда.** Бу 2 йўналиш бўйича амалга оширилмоқда: **ижтимоий соҳа йўналиши бўйича:**

1.Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, миллий бирдамлик, диний бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлаш. Ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг тадқиқот институтлари ҳамда ўрта мактаб, касб ҳунар коллежлари ўқув муассасалари яхлит тизимини яратишда катор лойиҳалар амалга оширилди.

2. Ислон Каримов минтақада сиёсий ва иктисодий уйғунликка эришиш мақсадида йўналтирилган ташқи сиёсатдир. Олим дунё мамлакатларини “нотинч денгиз”да (иктисодий ва экологик муаммолар орасида) бир кемада

сузаетган денгизларга қиёслайди. АҚШ Ўзбекистон билан амалий ҳамкорлик қилишнинг 2 сабабини келтиради:

1. Марказий Осиё минтақасида Афғонистон, Хитой, Яқин Шарқ, Ҳиндистонга элтувчи дарвозадир. Иқтисодий жihatдан таъминлайдиган модель сифатида ўрганиш лозим.

2. Ислom Қаримовнинг роли катта. У ўз давлат ва сиёсий фаолиятда асосий эътиборни барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тараққиёт ҳамда сиёсий ҳамкорликни ривожлантириш масаласига қаратди. (//Халқ сўзи, 2009 йил 20 март).

### 5.1. Мафкуравий тажовуз ва унга қарши миллий хавфсизликни таъминлаш зарурати

**Мафкуравий кураш** – турли ғоявий қарашлар, ёндашувлар, хилма-хил маслак ва мақсадларга эга ижтимоий субъектлар ўртасида юзага келадиган, қарама-қаршиликка асосланган муносабатлар демакдир. У янги, шаклланаётган ғоялар билан ўз “вазифасини” бажариб бўлган мафкура ёки унинг қолдиқлари ўртасидаги муносабат шаклида ҳам содир бўлиши мумкин. Шу билан бирга, мафкуравий кураш муайян ғояларни сингдириш ёки ҳимоя қилиш жараёнини ҳам англатади. Мафкуравий курашни муҳолиф мафкуравий қарашларнинг ҳар қандай кўринишини йўқ қилишга, ғоявий плюрализмни бартараф қилишга қаратилган ҳаракатлар-мафкуравий конфронтациядан (фран.-қарама-қарши кўйиш) фарқлаш керак.

Мафкуравий конфронтация мафкуравий бепарқлик вазиятининг ҳосиласи ҳисобланади. Мафкуравий бепарқлик жамиятидаги мавжуд мафкуравий бузилган, аммо янгиси қарор топмаган вазиятдаги ғоявий ўзгарувчан ҳолат ҳисобланади. Мафкуравий конфронтация вайронкор характерга эга бўлади, унда душман деб ҳисобланган мафкурани йўқотишга алоҳида эътибор берилади.

Мафкуравий кураш манбаини ўз мазмун-моҳиятига кўра, бир-биридан фарқ қилувчи турли ғоявий қарашлар соҳиблари, уларнинг манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар ташкил этади.

**Мафкуравий тажовуз** – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсат ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи ҳисобланади <sup>109</sup>.

Мафкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузгунчиликнинг бир шаклидир. Улар, ўз жирканч мақсадига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилади (5.1.1-расм).

Бугунги кунда мафкуравий тажовуз, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузгунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади.

<sup>109</sup>Маънавият: асосий тушунчалар низоҳли луғати. – Т.: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 296-бет.



5.1.1-расм


Миллий гоё ўзининг мазмун-моҳияти билан ана шу каби мақрувий тажовузларга қарши тура оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу борада барча фуқароларнинг оғохлиги, фаоллиги, эзгу ғояларга хизмат қилишга тайёрлиги катта аҳамият қасб этади. Мақрувий тажовузликка қарши миллий хавфсизликни таъминлаши зарур. Аввало хавфсизликнинг ўзи нима? Миллий хавфсизликчи?

“Хавфсизлик” шахс, жамият, давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи, барқарорлик, тинчлик, бунёдкорлик, яратувчанлик омиллариининг мажмуини ифода этувчи тушунчадир.

Хавфсизлик – бутун инсониятнинг нормал яшаши учун хавф соладиган табиий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий аҳамиятга молик бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш туфайли уларнинг барқарор ҳаёт кечиришини таъминлаш учун яратилган хавфсиз шарт-шароитларнинг муайян тизимидир.


Хавфсизлик – устувор даражада сиёсат, геосиёсат маконига нисбатан қўлланиладиган, том маънода маънавият, инсонлараро ҳамжихатлик, ўзаро муруватнинг ифодаси бўлган тушунча. Хавфсизлик глобал маънавийлашувнинг яққол қўриниши сифатида ижтимоий соҳаларнинг барчасидан ўрин олган тақдирдагина, хақиқий хавфсизлик муҳити вужудга келганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. ХХI асрга келиб, хавфсизликда маънавий жиҳатнинг ўрни кучайишига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Олий хақиқат сифатида инсоннинг ўзи улуг бурчини тўлақонли ҳис этиш, миллионлаб юртдошлари, замондошлари тақдири учун жавобгарликни англаши хавфсизликка бўлган талаб билан уйғунлашиб бормоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИ



5.1.2-расм


Президент Ислам Каримовнинг “Ҳадсиз - худудсизлик” ҳолатида хавфсизликни глобал контекстда идрок этиш шартлиги хақидаги фикри айни ҳақиқатни англатади.



5.1.3 – расм

**Миллий хавфсизлик** – шахс, жамият ва давлатларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташки ва ички хавфдан қонун билан қафолатланган ҳимояси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-бўлимида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари белгиланган. Улар миллий хавфсизлик объектларидир: инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари; жамият маънавий ва моддий қадриятлари; конституциявий тузум, суверенитет, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги. Миллий хавфсизликка сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, ахборот, ижтимоий, технологик ва бошқа соҳаларда мақсадли комплекс дастурлари асосида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади.

**Миллий хавфсизлик** – бу мамлакат ва унинг ҳудудида яшайдиган барча инсонларнинг миллати, irqи, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, турли салбий таъсирлардан, ёвуз кучлар ва ғоялар хавф-хатаридан ҳимояланганлиги даражасидан (Яхшиликков Ж.Я., Н.Э.Муҳаммадиев. Миллий ғоя ва мафкура. - Т.: Фан, 2015.-155-бет).



5.1.4-расм


1997 йил 29 августда “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда давлатимизнинг миллий хавфсизликни таъминлаш масаласига доир расмий қарашлар ўз ифодасини топган. Концепцияда “миллий хавфсизлик”, “миллий манфаат”, “таҳдид” сингари тушунчалар мазмун-моҳияти очиқ берилган.

**Миллий-маънавий хавфсизлик** – турлимаънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик таҳдидлардан ҳимояланганлиги ва миллий маънавиятнинг умуммиллий тараққиётнинг табиий эҳтиёғи ва амалиётга айланганлик салоҳиятидир. Ғоявий-мафкуравий хавфсизлик эса шахс, миллат, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган ғоявий-мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсирдан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча ҳисобланади.

Маданият, маънавият ва маърифат зарбага учраб, халқнинг, мамлакатнинг маънавияти ва маърифати барбод бўлаверса, ўз-ўзидан эътиқодсиз бўлиб қетади.

Маънавият ва маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Масалан, чор Россиясининг Туркистонга нисбатан сиёсати мисолида бунини кўриш мумкин.


Чоризм генералларидан бири М.Д. Скобелов “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, - деб башорат қилган эди.



5.1.5-расм

“Ўзбекистон Республикаси Ташки сиёсий фаолияти концепцияси” (2012 йил 10 сентябрь) қонунда таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши мамлакатнинг миллий манфаатларига ички ва ташқи таҳдидлар ҳамда хавф-хатарни аниқлаш ва мониторинг қилиш, вазирлик ҳамда идораларнинг миллий хавфсизликни таъминлашга оид чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги ахборот-таҳлилий ва ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини мувофиқлаштириш вазибаларини, Ўзбекистон Республикаси Президентига маълумот бериш учун таҳлилий материаллар тайёрлашишни амалга оширади”<sup>110</sup>.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: қонун қақирувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари идоралари, қорқоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва мамлакат фуқаролари, шунингдек, миллий хавфсизлик соҳасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик.




Президент Ислам Қаримов 1995 йили Олий Мажлис 1-сессиясида бу ҳақда шундай деган эди: “Миллий хавфсизлик тизими учун хавф-хатарнинг олдини олиш ва уни бартараф этишда олдиндан чора кўриш услуби кўпроқ қўл келади. Шу билан бирга чуқур ва кенг миқёсли таҳлил қилишга қодир тадқиқот ва ахборот марказларини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга”.

**Хавфсизлик Кенгаши** – давлатдаги олий мансабдор шахсларнинг маслаҳат органи ана шундай восита бўлиши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши Республика Президенти ҳузурида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

<sup>110</sup>Ўзбекистон Республикасининг Ташки сиёсий фаолияти Концепцияси ҳақидаги 2012 йил 10 сентябрдаги қонун/ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2012, №9/1 (1437).

Хавфсизлик кенгаши миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш, бунинг учун жавобгар бўлиши лозим.

Кенгашнинг вазифалари кўп қиррали ва мураккабдир. У ушбу соҳада миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини ва давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқишга жавоб бермоғи керак. Шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар мажмуи Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлигида режалаштирилади ва амалга оширилади<sup>111</sup>.



**5.1.7-расм**

**Жамиятнинг мафқуравий муқобиллашиш сабаблари.** Мафқура жамият, миллат манфаатларини назарий асослаб, ижтимоий ҳаракатларга аниқлик киритади ва ижтимоий қучларни рўёбга чиқаришга сафарбар қилади. Мафқура инсон онги орқали унинг амалий хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатади.

Мафқура социализм даврида барча соҳаларда мафқуравий ақидабозлик биринчи ўринга қўйилиб, иқтисод, маданият ривожланиши ҳаётдан узилиб қолган қондаларга бўйсундирилди. Жамият ҳаётида, “ишчилар синфининг дунёқараши” ҳамма нарсадан баланд қўйилди. Бир муайян ижтимоий ишчилар синфининг партиясининг мафқураси жамиятда барча синф, миллат, ижтимоий табақалар тафаккурини қамраб олди. Бошқа сиёсий партиялар қарашлари, душман, ғаним сифатида қабул қилинди. Бундай шароитда бошқа фикрни

<sup>111</sup> Қаримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқалласдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 52-53-б.

инкор қилиш шарт эди. Натижада собиқ Иттифок даврида илмий, бадиий, маънавий, фалсафий ҳаёти бўғилиб, эркинликдан маҳрум этилди.

Мустақиллик арафасида ана шу бир-бирини инкор қилувчи икки имкониятдан бирини танлаш мафқураси яққол кўринди. Чунки муқобиллик (араб. бир-бирига қарама-қарши икки фикр) – бир-бирига зид икки йўл, имконият – ё унисини (инкилобий, шока терапия) ё бунисини (тадрижий, ислохот) танлаш заруриятини билдиради. XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб жамиятнинг мафқуравий муқобиллашишига сабаб бўлган омиллар: глобаллашиш, интеграция, демократиялаш, дифференциация (бир-биридан фарқлаш, ажратиш), инсонпарварлашиш, сиёсатлашув каби соҳаларда мафқуравий жараёнларнинг универсаллашуви билан боғлиқдир, дейиш мумкин. Шу боисдан ҳам Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилган мустақиллик Ўзбекистон ягона мафқура яққаоқимлигидан воз кечиб, тараққиёт учун ислохот йўлларига кенг йўл очди. Мафқуравий хилма-хиллик Конституциямизда (12-моддада) мустаҳкамлаб кўйилди.

### Жамиятнинг мафқуравий муқобиллашиш сабаблари

#### I. Собиқ Иттифок даврида

1. Собиқ Иттифок даврида мафқуравий ақидабозлик (догматик) биринчи ўринга кўйилди.
2. Маънавият, маданият, иқтисод марксизм қондаларига бўйсундирилди.
3. Ишчилар синфи мафқураси гегемон мафқурага айланиб, барча синф, миллат, ижтимоий табақа тафаккурига, дунёқаршига айлантирилди.
4. Жамиятда бошқа сиёсий партиялар гоёлари душман, ганим деб қаралди.
5. Ўзга фикр, қараш маънавий фалсафий тафаккур эркинлик инкор қилинди.
6. Жамиятни ўзгартиришга инкилобийлик, синфийлик, партиявийлик, умумхалқ мулкчилиги нуқтан назаридан ёндашилди.
7. Жамият ривожланишига давлат-жамият-шахс принципига асосланildi.
8. Тараққиёт моддий ва маънавийликда деб қаралди.

#### II. Мустақиллик даврида:


1. Муқобил фикр, мафқуравий тафаккур шаклланди.
2. Халқ, миллат, давлат бир-бирига зид икки йўл: инкилобий, “шок терапияси” ёхуд тадрижий, ислохот йўлларининг қайси бири афзаллигини англаб етди.
3. Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар хилма хиллигига асосланиб, ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилмади (12-модда).
4. Жамият ҳаётининг мафқуравий муқобиллашишига сабаб бўлувчи омиллар: глобаллашув, интеграция, демократиялаш, дифференциациялаш (бир-биридан фарқлаш - ажратиш), инсонпарварлашиш, сиёсатлашув каби жараёнлар универсаллашди.
5. Жамият ривожланиши шахс – жамият – давлат принципларига асосланildi.
6. Мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши англаб етилди.
7. Жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч – маънавият деб қаралди.
8. Тараққиёт маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигида гоёсига асосланilmоқда.

### 5.1.8-расм

**Мафкуравий гегемонизмнинг вужудга келиши.** Гегемонизм (юн. гегемония – етакчилик, бошқариш) – турли соҳаларда, жумладан; маънавий, мафкуравий соҳада ҳам устунлик ва ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунча. “Мафкуравий гегемонизм” тушунчаси “мафкура” ва “гегемонизм” атамалари бирикувидан ҳосил бўлган тушунча. Мафкуравий гегемонизм–моҳиятан дунё барқарорлигини таъминлаш ёки уни мустаҳкамлашга қаратилган мафкурага зид ҳодиса бўлиб, ижтимоий тараққиёт, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради.

**Мафкуравий гегемонизм деб,** муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат ҳаётида яққа ҳуқумрон бўлган ғоя ва мафқуранинг бошқалар устидан ҳуқумронлик қилишини ифодаловчи назария ва амалиёт хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.

Баъзи давлатларнинг барча соҳаларида устунлик қилиш ва дунёни ўз ҳукмига бўйсундиришга интилиши инсоният тарихининг турли босқичларида салбий оқибатларни келтириб чиқарган.




5.1.9-расм

Шунингдек, мафкуравий гегемонизмни муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин. Мафкуравий гегемонизм кўпсонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Одатда, худуд жиҳатидан кичик бўлган ва энг асосийси – иқтисодий имкониятлари заифлашган ва ички беқарор давлатлар ана шундай даъволарга нишон бўлади.

Мафкуравий гегемонизм, буюк давлатчилар шовинизми ҳам бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Унинг ифодачилари харбий империялардир. Натижада иқтисодиёти босиб олинган худуд давлатларини эксплуатация қилиб, уларнинг ҳаётини манбалари ҳисобига яшар эди. Айни чоғда бўйсундирилган халқларга уларнинг маданий жиҳатдан ва умуман миллий жиҳатдан норасолиги

ҳақидаги ҳалокатли ғоя сингдирилар эди. Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошидан кечирди. Бу ғоя ҳозирда ҳам турлича талқин қилинмоқда<sup>112</sup>.

Мафкуравий гегемонизм бирон-бир қудратли кучнинг манфаатларини устувор даражада, бир томонлама таъминлаш мақсадини кўзлагани сабабли у бошқа томоннинг манфаатларига зид бўлиб, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий ривожланишга путур етказди. Бундай адолатсизлик етарли имкониятга эга бўлмаган давлатлар ва миллатларнинг халқаро жараёнларда тўлақонли иштирок эта олмаслигига сабаб бўлади. Натижада, табиий равишда бундай мамлакатлар халқларида гегемонликка интилган давлатлар ва халқларга нисбатан нафрат, норозилик кайфияти пайдо бўлади, дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожини давлатлараро муносабатларга салбий таъсир этади.




**5.1.10-расм**

**Муқобил мафкуравий қарашларнинг жамият ривожига таъсири** хусусида Президентимиз Ислам Қаримов “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993) асарида асослаб берди. Асарда қайд этилганидек, ривожланаётган ёш мамлакатлар ўз олдиларига эришиши осонроқ бўлган мақсадларни қўйиб, “муқобил ривожланиш” назариясининг турли концепцияларига таяниб, ўз йўлларини мана шу назария доирасида излашга мажбур эдилар. Бу концепцияларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат<sup>113</sup> (5.1.11-расм).

Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпгина андозалари, иқтисодий йўллари юқорида кўрсатилган концепциялар ва назарияларнинг ўзига хос қўшилмасидан иборатдир. XX аср 90-йиллари бошларига келиб эркин иқтисодий тартибга солиш ғояси ҳам инкирозга учради. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги йўлларини излаб чикди, тартибга солинадиган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган. Бу ҳол нихоятда кучли иқтисодий ислоҳ оқимини юзага келтирди, кўпгина мамлакатлар – ривожланаётган ва ривожланган, капиталистик ва социалистик, демократик ва авторитар мамлакатлар мана шу оқимга қўшилди.


<sup>112</sup>Қаримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 53-бет.

<sup>113</sup>Қаримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 286-бет.




**5.1.11-расм**

Тартибга солинадиган бозор иқтисодиётга ўтишнинг бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи уч хил ёндашувини ажратиб кўрсатиш мумкин.



Жаҳон тажрибасига кўра, бозор иқтисодиётга революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислохотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни батамом синдириш талаб этилади. Бунини “фалаж қилиб даволаш усули” (“шоковая терапия”) деб аталади. Эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади.




Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт йўли: умуминсоний кадрятларга содиқлик, инсон ўз салоҳияти ва истеъдодини эркин намоён қила олиши учун шароит яратиш, миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқ маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитишидир.

## 5.2. Мафқуравий таҳдиднинг ошқора ва ёниқ характери

**Мафқуравий таҳдид** – ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафқурасини қўрқитиб, зўрлик йўли билан бошқаларга тақиштириш. Мафқуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафқуравий хавф-хатарлар мажмуаси. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий кадрятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, онла ва жамият ҳаёти онгли яшаш тарзи жиддий хавф-хатар остида қолаётганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон ҳам бундай таҳдидлардан четда қолаётгани йўқ. Мамлакатда инсонпарвар, демократик жамият қурилаётган ҳозирги шароитда фуқаролар онги ва фаолиятига сиёсий экстремизм, диний фундаментализм, этник ва миллатларо зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар,

“оммавий маданият” тажовузи ва хоказолар мафқуравий таҳдид шаклида намоён бўлаётир<sup>114</sup>.

Айниқса, ўрта аср халифалигини қайта ўрнатиш гоёси ҳамда халқаро террорчилик ва диний экстремизм марказлари орқали моддий-гоявий таъминланаётган ақидапарастлар мафқураси бугун минтакамиздаги тинчлик ва барқарорлик учун хавф бўлиб турибди.



5.2.1-расм

Мафқуравий таҳдид шаклларининг аксарияти инфор­мацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатиш орқали юз бермоқда. Бугунги кунда тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган мафқуравий тарбия билан жавоб бериш лозим. Бунинг учун ҳар биримиз мафқуравий таҳдидга нисбатан лоқайдлик, бепарволик ва беғамлик иллатидан халос бўлишимиз, ҳар бир фуқаро юртимизда, жаҳонда содир бўлаётган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёнлар менга, менинг тақдиримга бевосита дахлдор деб ҳисобламоғи даркор.

**Ахборот коммуникация технологиялари (АҚШ)** - хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва коидаларга, шунингдек, барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар. Шунингдек, ахборот яратиш, узатиш, бошқариш ва унга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган технологиялар: радио, телевидение, мобил телефонлар, компьютерлар ва тармоқ ускуналари ҳамда дастурий таъминот, йўлдош тизимлари ва ҳ.к.

<sup>114</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 297 – 298 бетлар.

## Мафқурвий таҳдиднинг ошқора ва ёшиқ характери

### 1. Ошқора характери

1) **Шароф Рашидов вафотидан** (1917-1983) сўнг Гидиян, Ивановлар бошчилигидаги “десантчилар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган қонхўрлик.

2) **“Пахта иши” оқибатлари:** 800 дан зиёд жиноий иш” тергов қилинган. 5 миңдан кўп киши судланган.

3) **“Кадрлар тўдаси”** (“қонун посбонлари”); 400 га яқин кадрлар Ўзбекистонга жўнатилган.

4) **Диний радикал қучларнинг** террористик жиноий ҳаракатлари. 1991 йил 9 декабрда Наманган шаҳрида бир гуруҳ кўпоровчи қучлар вилоят ижроия кўмитасини эгаллаб, Ўзбекистонни Ислом давлатига айлантиришдаги даъволари.

1990-92 йилларда Наманган вилоятда “Отавали-хон” жоме масжидида Абдулла Ўтаев, Тохир Йўлдошевлар оқимлари: 1) Ҳиз-бут таҳрир; 2) Акромийлар; 3) “Нурчи”лар; 4) “Тавбачи”лар; 5) Ислом лашкарлари; 6) “Адолат” диний уюшмаси ва ҳоказо.

5) **Фашизм ўз мақсадларини** ошқора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдиради.

6) **2001 йил 11 сентябрда** АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида террорчилик ҳарактларида 3 миң киши ҳалок бўлди.

### 1. Ёшиқ (яширин) характери.

1) **Вайронкор қилувчи ғоя** ўзининг сохта жозибаси орқали алдов ва макр билан омма онгини захарлаб, жамиятда ҳукмрон макенни эгаллаб олишга эътибор қаратади. Масалан, диний мафқура соҳасида:

2) **Миссионерлик** (лот. миссия – юбориш, вазифа топшириш, миссионер эса вазифани бажарувчи деган маъноларни англатади). Асосий мақсади: “христианликни тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон” (“Жаҳон китоби” энциклопедияси)да. Христианликни бошқа диний (ислом) эътиқоддаги кишилар орасида тарқатиш.

3) **Прозелитизм** – тўғридан-тўғри бирор динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечиш ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракат. Баҳойилар, кришначилар “Қуёшга таллинувчилар” секталари мавжуд. Молиялаштирган дастурига кўра, МДҲ давлатларидан борган талаба ва ўқувчиларни бу мамлакатларга жўнатиб, диндор фуқаролар оилаларига жойлаштириб, таъсир кўрсатилмоқда.

4) **2004 й 28 март – 1 апрель кунлари** Тошкент шаҳри, Бухоро (Рометан туманида) ва Тошкент вилоятларида тақрибан яширинча террорчилик ҳаракатлари бунга мисол.

## 5.2.2-расм


**Ахборот хавфсизлиги** – муайян шахс, оила, ижтимоий гуруҳ, меҳнат ва хизмат жамоаси, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий омиллари асосида хавф-хатарсиз тарзда нормал фаолият олиб боришлари учун зарур бўлган информацияларни ўрнатилган тартибда саклаш ва етказиб бериш тизимидир.

**“Ахборот хавфсизлиги”** – жамият ахборот майдонини химоя қиладиган, инсонга, фуқарога, давлатга хизмат қиладиган тушунча<sup>115</sup>. Бунини тўғри ва тўла англаш учун “ахборот”, “ахборот майдони” нима эканлигини билиш лозим.

<sup>115</sup>Миллий истиқлол ғояси ва миллий хавфсизлик. Маърузалар курси. – Т.: ЎРИИВ Академияси, 2008. 157-б.

**Ахборот хавфсизлигини таъминлаш** – бу ғанимларимиз томонидан мамлакатимизга нисбатан қилинган ахборот хуружларининг олдини олиш ҳамда уларга нисбатан миллий ахборот воситаларимиз орқали қарши қақшатқич зарба бериш демакдир.

**Ахборот** – бирон воқеа ҳақидаги батафсил хабар, маълумот. Маълумот эса тўлиқ ёки қисқа, ҳолисона ёки ноҳолис, ижобий ёки салбий, кизикарли ёки зерикарли, долзарб ёки оддий, фойдали ёки фойдасиз, самамий ёки ғаразли ва ҳоказо мазмунларда бўлиши мумкин. Ҳақиқий ахборотни сохта ахборотдан ажрата билиш эса чуқур билим ва иқтидорни талаб этади. XXI асирнинг ўзига хос хусусияти бу даврнинг ахборотлар учун кураш асри эканлигидир. Айни вақтда кимнинг қўлида ахборот ва уни бошқариш ричаги бўлса, у бевосита ҳукмрон кучнинг эгасига айланади.




**5.2.3-расм**

Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тараккиёти бугун жиддий ташвишлар туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди ҳар бирининг процессори (ўзгариши)да 80-100 миллион транзистор бўлиб, ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади. Хоҳлаган киши Ер юзининг хоҳлаган нуқтасидаги одам билан алоқа ўрната олади. Демак, XXI аср цивилизацияси ахборот хуружи, информацион – психологик уруш кифёсида ўзини намоён этмоқда<sup>116</sup>.

<sup>116</sup>Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. 420-6

**XXI аср цивилизацияси ахборот хуружи, инновацион-психологик уруш кифасини ўрганиш лозимлиги куйидаги мезонлар билан боғлиқ**



**5.2.4-расм**

“Ҳақиқатни очиб бериш дегани бир қарашда жуда содда, ҳаттоки, жўн гап бўлиб туюлиши мумкин. Ҳақиқат ё бор, ё йўқ, унинг нимасини очиб бериш мумкин, деган савол туғилиши балки ўринлидир. Лекин мафкуравий кураш тобора кескинлашиб бораётган бугунги замонда шундай устаси фаранглар борки, улар ҳар қандай ёлғонни ҳам ҳақиқат деб шундай бошлаб тушунтириб қўядики, баъзан кип-кизил уйдирмаларга қандай ишонганингизни билмай қоласиз<sup>117</sup>”. Чунки халқимиз оккўнгил, содда ва ишонувчан. Матбуотда босилган, телевидениедан, радиодан айтилган гапларга ишонч билан қарайди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек, “Матбуотнинг энг муҳим вазифаси бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни оддий фуқаролар кўзи билан, яъни турли-туман нуқтаи назардан баҳолаб ифодалаш, шу билан бирга, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган излашларга – бу коррупция ёки амалпарастлик бўладими, маҳаллийчилик, одамларнинг дардини кўрмаслик бўладими – буларнинг барчасига қарши мурасасиз курашиш, бир сўз билан айтганда, адолатни қарор топтириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш учун ўзини аямасдан, виждон амри билан яшаш журналист деган касбни танлаган инсонлар учун доимий ҳаёт мақсади бўлиши даркор”<sup>118</sup>.

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, якка тартибда ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаятган, кенг миқёсда олганда жамият тараққиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, глобал миқёсда эса бутун инсоният ҳаётини қафолатлайдиган, унинг тараққиёти ёки таназзулини белгилашга қодир бўлган тигиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир<sup>119</sup>.

<sup>117</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 10,13-бетлар.

<sup>118</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг босқинча-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17 – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 243б.

<sup>119</sup> Жураев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. 425-б.

**Ахборот психологик хавфсизлик (АПХ) тушунчаси  
маънавий-ахлоқий мезонга айланиши учун:**

1. АПХ – бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидалари (бузгунчи гоъялари)дан асрашдир. Инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлигини таъминлаш.
2. АПХ хавфсизлигига риоя қилинмаса, бузгунчи гоъялар миллий қадриятларни барбод этиб, халқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши мумкин.
3. Тигиз ахборотларни жамиятда ахборот орқали шахс ва жамият тафаккурини шакллантириш.
4. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда ахборот таъсири, ахборот технологияларидан фойдаланиш усулларини кенгайтириш.
5. АПХ – давлатчилик шовинизми юзага келмаслиги учун анъанавий сиёсий мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенг фойдаланишни такозо этади.
6. АПХ маълум бир халқ, миллат, мамлакат ҳаётида ижтимоий хавф туғдирмаслиги учун замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан тинчлик ва тараққиёт учун унумли фойдаланиши лозим.
7. АПХни таъминлаш учун замонавий техника ва технологиялар билан етарлича куролланиш.
8. АПХни таъминлашга хизмат қилувчи ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш.
9. Замонавий ахборот технологияларини бошқара оладиган, ҳозирги замонавий билимларга эга қобилиятли кадрларни тайёрлаш.

**5.2.5-расм**

Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган 25 йили мобайнида (2016) оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, ҳар бир фуқаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи Конституция билан кафолатланди. Оммавий ахборот воситалар тўғрисидаги бир қатор қонунлар яратилди ва амалда қўлланилмоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “ахборот эркинлиги принциплари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади”<sup>120</sup>.

2014 йилга келиб, мамлакатимизда 1400 тага яқин оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мавжуд бўлиб, шундан 700 номдагиси газета, 250 номдагиси журнал, 17 номдагиси бюллетень – ахборотномалардир. Шунингдек, юздан ортиқ телерадиотармоқлари фаолият кўрсатмоқда, 150 веб-сайт ОАВси сифатида рўйхатга олинган. Мамлакатимизда 4 та ахборот агентлиги ишлаб турибди<sup>121</sup>.

<sup>120</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 29-30-бет.

<sup>121</sup> Бердиев Х. Энг улуғ, энг азиз”- журналистика соҳасидаги нуфузли талов. //Туркистон, 2011 йил 9 июль.

**Конституциявий сайлов ҳуқуқи таъминланишида  
ҳуқуқий ва ОАВнинг умумийлик принциплари**

**Ҳуқуқий принциплар**

1. Умумий сайлов.
2. Тенг сайлов.
3. Тўғридан-тўғри (бевосита) сайлов ҳуқуқи.
4. Яширин овоз бериш ҳуқуқи.

**Умумийлик принциплари**

5. Эркинлик принципи (қўрқувсиз амалга ошириш).
6. Ошқоралик принципи (қонунга хилоф ҳолатга чек қўйиш).
7. Адолатлилиқ принципи (ахборотга эга бўлиш)
8. Масъулиятлиқ принципи (сайловлар олдида масъуллиқ)

**5.2.6-расм**

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадио-каналлар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқини таъминлашда, адолатсизликни ҳимоя қилишда ОАВларнинг ҳуқуқий ва умумийлик принциплари муҳим аҳамиятга эга.

**Интернет** (лот.inter ва net (work)–тармок) – ягона тилда мулоқот қилувчи компьютерларнинг бутун дунё бўйлаб (глобал) тарқалган тармоғидир. У халқаро телефон тармоғига ўхшаш ҳеч кимга тобе эмас ва уни ҳеч кимга тўлалигича бошқармайди.

Алоқа каналлари аҳоли интернетга уларнишни таъминловчи ташкилот **провайдер** деб аталади, яъни интернет провайдери – интернетдан фойдаланиш хизматларини кўрсатувчи компания.

XX аср 90-йилларида “Жаҳон ўргимчак тўри” тизими вужудга келди. “Ўргимчак” тармокни доимий равишда веб-саҳифалардан ахборот йиғиб юрувчи (уларни индексловчи) махсус дастур. Одатда “Ўргимчак” ўз эътиборини ҳужжат тавсифига ва сарлавҳаларга қаратади, баъзан ҳужжат матнини кўриб чиқади ва қайси сўзлар ва иборалар қалитли эканлигини тушунишга ҳаракат қилади.

**Ахборот ва биологик хавфсизлиكنи таъминлашнинг самарали йўллари**

1. Тўғридан-тўғри ҳар қандай бузғунчи ғояларга, жамоатчилик фикрини чалғитувчи хабарларга қарши тура билиш.

2. Қарши тарғибот механизмини самарали бошқариш.

3. Ахборот тарқатишдаги можароларга йўл қўймай, уларга юксак сиёсий ва касбий маданият орқали ёндашиш. Бефарқлилик, суқут саклаш кайфиятига барҳам бериб, миллий орият, миллий нафсоният билан боғлиқ тарғиботчилик имкониятларини намоён этиш.

4. Ҳар қандай ҳуқумдор бузғунчи ғояга қарши ўз вақтида мўлжалга аниқ олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қўймаслик, сиёсий вазминлик ва босиқлик, кучли таъсир ўтказиш усулларидан фойдаланиш.

5. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 8 сентябрдаги Марказий Осиёда ядросиз зона ташкил этиш тўғрисидаги Семипалатинск (Қозоғистон) шартномаси қабул қилинди ва Марказий Осиёдаги 5 та давлат раҳбарлари томонидан имзоланди. (Бу ядро қуролига эга давлатлар дунёда жами 6 та).

6. Атом қуролига эга бўлган давлатлар 10 та. АКШ, Россия, Англия, Франция, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Корёя, Эрон (тахмин), Исроил (тахмин).

7. Россия бактериологик қуроллар бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

8. Ядро реакторларига эга давлатлар 13 та. Жаҳонда 500 дан ортиқ раекторлар мавжуд ва дунё бўйича электр энергияси ишлаб чиқаришда атом электр станцияларининг улуши 16 фоизни ташкил этади (2015).

9. Хавфсизлиكنи таъминлаш йўллари БМТ, ЕХХТ, ШҲТ, НАТО, ЕИ, МДХ ва бошқа халқаро ташкилотлар ташаббуси орқали йўлга қўйилмоқда.


**5.2.7-расм**

**Ахборот коммуникацияларида ғоявий хуружларга қарши мафқуравий профилактик ҳимоя тизими воситалари:**

1. Ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафқуравий ишлар бўлиб, бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади.
2. Ғоявий бўшлиқни тугатиб, мафқуравий парокандалиқнинг олдини олиш.
3. Зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш.
4. Хилма-хил усул ва воситаларидан фойдаланиш йўли билан.
5. Тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга ошириш.
6. Зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш.
7. Доймий ва собитқадамлик билан ишлар олиб бориш кўпроқ натижа бериши.
8. Мафқуравий иммунитетни шакллантириш.
9. Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизимини кенг йўлга қўйиш.
10. Соғлом мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришда оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари родини ошириш.
11. Ватан, халқ манфаатлари, дўстлик ва биродарликка, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи халқ оғзаки ижоди (дoston, кўшиқ, ракс каби) мазмундаги маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.
12. Социологик тадқиқотлар орқали фикрлаш йўли билан мафқуравий хуруж оқимларини ўрганиш.
13. Статистик йўналиш бўйича миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ўрганиш, таҳлилий ечимга эга бўлиш.
14. Сиёсий конфликтология ва сиёсий психология муаммоларига доир турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафакқурига таъсирини аниқлаб, сиёсий қарашлар руҳиятини ўрганиш.
15. Мантикий – тизимий ва функционал таҳлил орқали вазиятни баҳолаш ҳамда унинг методологиясини ишлаб чиқиш.
16. Ахборот тизимида миллий ғоя ва миллий мафқуранинг устуворлигини таъминлаш.


**5.2.8-расм**

Агар XX аср 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусика тинглаш, телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса компьютер ва Интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сикиб чиқарди. 2007 йили Европада ёш авлод вакилларининг 3 дан бир қисми ОНЛАЙН тизимидан фойдалангани кузатилган.



Бугун башарият маънавиятига ахлоқсизлик, фикрсизлик, диднинг ўтмаслашуви хавф соломқда. Оқибатда аксарият одамлар тафаккурдан кўра, ахборот ортидан эргашшига мойил бўлиб бораёттир.

Интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш-мафқуравий хуружларга қарши мафқуравий иммунитетни кучайтириш воситаси.



**5.2.10-расм**

Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича ҳар 4 кишидан бири Интернет хизматидан фойдаланади. Ҳар куни 1 миллиард киши газета ўқийди. Бу эса шунча микдордаги мулоҳаза, нуктаи назар, муносабат дегани.

**Глобал ахборот тармоғи** – интернет ҳам, тарихда бўлганидек, яна маънавият ва жаҳолат чорраҳасига айланиб улгурди. Глобал ахборот тармоғи интернет тармоғининг маълумотлар базаларидан ахборот излаш бўйича тармоқ хизмати дейиш ҳам мумкин.

**Бугун интернет** – кенг ва тезкор ахборот макони, электрон магазин, аукцион, кутубхона, қулай алоқа воситаси, шунингдек, турли ёвуз ниятли (террористик, миссионерлик, наркотрафик) гуруҳлар, “оммавий маданият”ни кенг жорий қилиб, миллатларни миллий ўзлигидан айриш воситасида дунёга эгалик қилишни истаётган кучлар, ахлоқсизликни ахлоқ ўрнида ўрнатиб, шу йўлда бизнес орқали пул топишни, халқларни бир-бирига гижгижлаб, уруш оловини ёкишни, элатларни манқуртга айлантириб, мамлакатни экспанция қилишни мақсад этувчи тайёр мафқура қуролидир.

Бугун интернет майдонларида эскирган догма деб аталаётган, аслида эса, авлоддан-авлодга миллий рух, она алласи билан ўтиб, яшаб келаётган азалий қадриятлар ва “янги маданият” никобидаги, бетийиқ ахлоқсизлик, миллий турум (позиция) ва тутуруқсиз дидсизлик, тафаккур ва ахлоқсизлик ўртасидаги кураш кескинлашиб бормоқда.

Ёшлар интернет орқали мусика тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 %и муносабатларни кейинчалик давом эттиради.

**Интернет орқали виртуал таъқиб.** Виртуал (воқеий бўлиб кўринган, бироқ вазифалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал мослама таърифи). **Виртуал мафқуравий хуруж** – ёлгон бузғунчи гоёларни, маълумотларни узатиш муҳити сифатида мавжуд бўлган коммуникация инфратузилмаси, интернет тармоғидан фойдаланувчи тармок. Бугунги кунда виртуал таъқиб ниҳоятда оммалашиб бормоқда. Ҳозирги мактаб ёшидаги болалар Интернетдан тобора эрта фойдаланмоқда. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари бемалол ён-атрофидаги кафе ёки клубга кириб, интернетдан фойдаланади. Шу боис улар уйда ҳам Интернетга уланиши мумкин. Лекин мутахассисларнинг фикрича, ёши 10 га етмаган бола одатда мустақил равишда Интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, “филтрлай” олиш қобилиятига эга эмас.

Шу сабабли интернетдан ёлғиз қолганда ҳам фойдаланиш эҳтимоли бўлган болани қаттиқ назорат остига олиш керак, унга ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни интернет орқали танишган одамларга айтмасликни ўрганиш зарур. Бир қарашда беозор туюлган **чат** (компьютер тармоғи ёки мобиль алоқа тармоғи ёрдамида воқеий вақтдаги мулоқот) хоналар ёки махсус мулоқот дастурлари орқали ксчадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жиноятгача етаклаб бораётгани ҳаётий ҳақиқат.

**Грифинг** – **интернет орқали таъқиб этиш**, грифинг қурбони айни шу ёшлар қатлами ҳисобланади. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда интернетдан фойдаланиш кўникмалари факультатив дарс сифатида мактаб дастурларига киритила бошланди. Негаки, факультатив дарслар орқали болалар интернетдан олинadиган маълумотларнинг қанчалик ҳаққоний ва тўғри эканини текширишига ўргатилади. Бундай дарслар, айниқса ўсмирлар учун зарур.

Грифинг хавфидан ташқари ёшлар учун яна бир қанча хавф бор. Болалар ва интернет муаммоси чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланишга очиклиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл кўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ёшларнинг қизиқувчанлиги уларни юқоридаги сайтларга етаклаши, бу веб-саҳифаларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлигига хавф солиши табиий.

## Интернет орқали таъкиб

1. Виртуал мафкуравий хуруж – ёлгон, бузгунчи гоёларни, маълумотларни ёшлар калби ва онгига узатиш мухитидаги коммуникацион интернетдан фойдаланувчи тармок.

2. Кўпинча, мактаб ёшлари яхши-ёмон, бунёдкор-бузгунчи гоёларни фарклаш. ажрата билиш, “филтрлай” олиш қобилиятига эга эмаслиги хавф тугдиради.

3. Гриффинг – интернет орқали таъкиб этиш. Гриффинг қурбони кўпинча ёшлар.

4. Экстремистик характердаги секта ва уюшма сайтларининг очиклиги виртуал фирибгирликка кенг йўл очади, уларнинг рухий ва жисмоний соғлигига хавф тугдиради.

5. Интернет доирасида ва ундан ташқарида ҳам электрон почта манзиллари орқали олинган хабарларнинг ёшларни жиноятга ундаши қаби ҳолатлар ҳам.

### 5.2.11-расм

**Электрон почта** – тақсимланган, шу жумладан, глобал компьютер тармоги орқали электрон хабарлар (хатлар)ни юбориш ва қабул қилиш технологияси. Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарларни интернет доирасида ва ундан ташқарида ҳам жиноятга ундаши ҳеч гап эмас. Банк ёки кредит карточасидаги ҳисоб рақамларини билган болакайлар **онлайн** савдоларида қанташиш имкони билан бирга кичик ўйинчоқлардан тортиб, то энг сўнгги русумдаги машина сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бу эса уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради.

Интернетдан фойдаланиш маданиятини жорий этадиган, маънавий ва жисмоний зарар етказмайдиган очик ва хавфсиз ахборот маконини яратишдан иборат. Ота-оналар мавжуд муаммолар юзасидан маслаҳат, кўмак берадиган киберфаришталар интернетда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган Европадаги ташкилотга 1995 йили асос солинди ва унга ҳозир АҚШ ва Канада қаби давлатлар ҳам аъзо. Улар мавжуд хавф-хатарларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқмоқдалар. Хусусан, бу масала билан болаларни асрайлик халқаро ҳуқуқий ташкилоти шуғулланиб келмоқда<sup>122</sup>.

<sup>122</sup>Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2009. 218-219-бетлар.

### 5.3. Ахборот хавфсизлигининг локал ва глобал аҳамияти

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари ХХ асрнинг охири ва ХХI аср бошларида инсоният, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар тараққиёти учун айниқса, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод учун мисли кўрилмаган имкониятлар яратиб берганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Авваламбор, фан ва техниканинг илгор ютуқлари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет тизими турли давлатлар ва минтакалар ўртасида чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз<sup>123</sup>.

Лекин одамзод тафаккурининг юксак ва ёрқин намоёни бўлган бундай ютуқлар айни пайтда катта куч-қувват ва молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишида мафкуравий курул сифатида ишлатилаётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг асл моҳиятини уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ахборот коммуникациялари ва интернет орқали қилинаётган хуружлар:

1. Жамиyat аъзоларининг онги ва тафаккурига таъсир қилишга қаратилган хуружлар (“индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зўравонлик”, диний мутаассиблик” ғоялари).

2. Миллий урф-одатларимизга бўлаётган хуружлар(ота-онага нисбатан беписанд қараш, одамовилик, шахсий ҳаётни улуғлаш каби ғоялар).

3. Миллий маъданиятимизга бўлаётган хуружлар (беҳаёлик, мантиқсизлик каби ғоялар).

**Ахборот хавфсизлиги мезони** – турли хавф-хатар факторлари таъсирига нисбатан ахборот хавфсизлигини тавсифловчи мезон.

**Ахборот хавфсизлиги сиёсати:**

1.Мухофаза қилинаётган ахборотга ишлов беришнинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солувчи жами қабул қилинган ташкилий чоралар. Мухофаза қилинаётган ахборотнинг айланиши, уни сақлаш ва тарқатиш соҳасидаги амалдаги қонунлар, бошқарув ва меъёрий материаллар, бандлар, кўрсатмалар, қондалар ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.


2.Ахборот мухофазаси соҳасида бошқарув ва лойиҳа ечимларини белгилувчи жами ҳужжатлар.

3. Нозик ахборотнинг бошқарилиши, мухофаза қилиниши ва тарқатилиши асосланган жами қонунлар, қондалар ва амалий тажриба.

4.Компьютер мухофазасини таъминлаш учун танлаган режа ёки ҳаракатлар йўналиши.

<sup>123</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 5-6-бетлар

5. Муайян ташкилотда бошқарув сиёсати. Бошқарув объектлари каторига конфиденциал ахборот ёки чекланган фойдаланувчилар доираси учун мўлжалланган ахборотни қабул қилиш, унга ишлов бериш ва узатиш қиради<sup>124</sup>.



5.3.1-расм

**Ахборот хавфсизлигини объекти** – ахборот соҳасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари; ахборот ресурслари; ахборот инфратузилмаси.

**Ахборот хавфсизлиги субъекти** – ахборот хавфсизлиги субъектларига давлат органлари кўринишидаги давлат, юридик шахслар, жисмоний шахслар қиради.

**Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими** – ахборот химоясини яратиш, татбиқ этиш, ундан фойдаланиш, доимо назорат қилиш, таҳлиллаш, иш

<sup>124</sup> Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. – Т.: БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 2010. 28-29 бетлар.

холатида сақлаш ва яхшилашга қаратилган, иш хавф эхтимоллари ёндашувига асосланган умумий менежмент тизимининг қисми.

**Ахборот хавфсизлигининг мақсади** – ахборот муҳофазалашдан исталган натижа. Ахборот муҳофазаларидан мақсад – ахборот мулкдори, эгаси ва фойдаланувчиси ахборотни мумкин бўлган сизиб чиқиши ёки ахборотни нисбатан рухсатсиз ва қасддан қилинган ҳаракатлар оқибатида зарар кўришининг олдини олишдир.

**Ахборот хавфсизлигининг локал (кичик) ва глобал  
(катта) аҳамияти**

**1. Локал (ингл.локал) аҳамияти.**

Бунда фойдаланувчи ўзининг интерфейсида кўришни хоҳлаётган параметрлар ва белгилар тўплами. Шу жумладан, фойдаланувчи тили, миллати, вақт чизиги ва бошқа бошланғич ўрнатилшлар учун кенг имкониятлар яратади. Компьютер назариясида, локал ўзгарувчи локал чегарада берилган ўзгарувчидир. Ушбу ўзгарувчи фақатгина функция ёки ўзига маълум бўлган блок орқали кириши мумкин. Локал ўзгарувчилар глобал ўзгарувчига таққосланади.

**2. Глобал (ингл.глобализация, дума-**

**лоқлашув) аҳамияти.** Ахборот технологиялари, маҳсулотлари ва тизимларининг бутун дунёга таққослаш жараёни. Халқлар, давлатлар миллий маданияти ва иқтисодий ёки яқинлаш-тиради. У иқтисодий ва маданий жиҳатдан қараганда уйғундашувга олиб келади. Бу жараённинг тарафдорлари бундан кейинги тараққиёт имкониятларини фақат глобал ахборот жамиятининг ривожланиш шароитларида кўришади. Оппонентлар глобаллашувнинг миллий маданий қадриятларга келтирадиган ҳолатлари ҳақида оғоҳлантирилмоқда. Ахборот хавфсизлиги бўйича қондабузарнинг телекоммуникация тармоғи объектларига ва уларда айланб юрадиган ахборотга маълум таъсирлардан муҳофаза қилади.

**5.3.2-расм**

**Геосиёсий манфаатлар ахборот хавфсизлиги омили.** Геосиёсат (юн.ер, худуд ёки давлатни бошқариш санъати) – сиёсий атама бўлиб, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг йўналиши, унинг мақсад ва вазифаларига, хусусан, географик жойлашуви, мавжуд захиралар орқали бошқа худудларда муайян даражада таъсир ўтказиши қабилар билан боғлиқ тушунча.

XX аср охирига келиб, дунё сиёсий ҳаритаси ўзгариши билан бу соҳада ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Аммо дунё бу билан хавфсизроқ бўлиб қолгани йўқ. Бир вақтлар немис олими Ф. Ратцель (1844-1904) давлат сиёсати ва мамлакатнинг географик ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликка хизмат қиладиган янги геосиёсий, пухта ўйланган мафкуравий асосга таянган концепциясида “алоҳида маконни ҳис этиш” ғояси илгари сурилиб, ўз чегараларини ўзгартиришни (кенгайтиришни) мақсад қилган давлатлар саъй-ҳаракатини оқлаш борасидаги интилиш кўзга ташланади.

Маълумки, дунёдаги йирик давлатлар, хусусан, жуда катта моддий, молиявий имкониятларга эга бўлган турли марказ ва сиёсий доираларнинг пухта ўйланган геосиёсий режалари замирида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишга интилаётган янги мустақил давлатларни ўзига тобе

килиш, бўйсундириш, бойликларини эгаллаб олиш, маънавиятидан жудо этиш мақсадида намоён бўлади.

### Геосиёсий манфаатлар ва геосиёсий мақсадлар

**1. Геосиёсий манфаатлар** – муайян мамлакат ёки минтақанинг жугрофий жойлашуви билан белгиланган эҳтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади.

1) Ўзбекистон жугрофий жиҳатдан жуда қулай мавқега эга. У қадимги Шарқ билан Ғарбни боғлаган Буюк йпак йўли айнан Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқалар ривожланишига сабаб бўлган.

2) Ўзбекистон Мараказий Осиёда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта куч-қудратга эга бўлган мамлакатдир.

3) Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига манфаатли интеграциялашувига айлантирди.

4) Ўзбекистон ноёб ва бой табиий хом-ашё захираларига эга.

**2. Геосиёсий мақсадлар** – ҳудудий жугрофий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истиқболга интилишлар, муносабатлар тизими.

1) Ўзбекистонда йирик газ, кўмир, нефть конлари топилган ва ишга туширилганлиги сабабли ўз эҳтиёжини қондириш билан бирга уни четга экспортга чиқармоқда.

2) Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо маъдан захираларига эга.

3) Мамлакатимизда рангли металлар – мис, кўрғошн, рух, вольфрам рудаларига бой бўлган геостратегик макондир.

4) Ўзбекистонда мрамар, гранит конлари мавжуд.

5) Мамлакатимиз фосфоритларга, қадимий ва ош туз конларига бой. Буларнинг барчаси юртимиз мақсадли тараққиёт истиқболини белгилаб беради.

### 5.3.3-расм

Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “...дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”<sup>125</sup>. Ўзбекистоннинг ер усти ва ер ости бойликлари, Ғарб ва Шарқни ўзаро боғлаб турган макон сифатидаги имкониятлари, аҳолиси, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳияти ҳамда бошқа жиҳатлари улкан имкониятларга эга, келажаги буюк мамлакат эканини тан олган ривожланган мамлакатлар ўзининг геосиёсий стратегиясида ана шу омилларни эътиборга олиб, Ўзбекистон билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли алоқаларни янада ривожлантириш заруриятини англаб етмоқда. Бу ҳол Ўзбекистоннинг жаҳон геосиёсий саҳнасида ўзига хос ўрин эгаллаб бораётганидан далолат беради<sup>126</sup>.

<sup>125</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 11-бет.

<sup>126</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 118-бет.

## 6-боб. МАФКУРАВИЙ ФАОЛИЯТ – МИЛЛИЙ ҒОЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ

### 6.1. “Мафкуравий муносабатлар” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари

“Мафкуравий муносабатлар тушунчаси” икки сўздан ташкил топган:

1. “Мафкура” (араб-фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими” дир<sup>127</sup>. Бунда албатта Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг “Жамият мафкураси халқни – халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин” мавзусидаги суҳбатида жамият мафкурасига берган таърифни хисобга олмоқ лозим. “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, аynи вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажигини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан”<sup>128</sup>, деган эди.

2. **Муносабат тушунчаси** - кишилар ўртасидаги алоқа, муомала, нуқтан назарни, ўзаро боғлиқликни ифодалайдиган ҳиссий иродавий алоқадорлик, яъни кишиларнинг воқеликка, воқеликдаги нарсаларга, ҳодисаларга қараш, ёндашиш принципи. Умуман олганда, нарса ва ҳодисаларнинг сифатлари, хоссалари, улар орасида мавжуд бўлган муносабатлар орқали намоён бўлади. “Муносабат” тушунчаси “алоқадорлик”, “ўзаро таъсир”, “ўзаро боғлиқлик” тушунчалари бу яқиндир<sup>129</sup>. Демак, “Мафкуравий муносабатлар” жамиятни ташкил этувчи сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий турмушда мавжуд алоқадорликдаги миллий, этник гуруҳлар, табақа, миллат, халқлар ва давлатлар, жамоат ташкилоти субъектлари ўртасида асрлар давомида шаклланган воқеликдаги дунёқараш, миллий менталитетига асосланган муомала, аynи вақтда шу халқ, шу миллат келажигини кўзлаб, унинг дунёдаги ўрнини аниқ белгилаб беришга хизмат қиладиган ўзаро муносабатлар, кечаги ва эртанги ҳаёт орасидаги ўзига хос ғоявий, маърифий, мафкуравий алоқалар тизимидир.

“Мафкуравий муносабатлар – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, миллий этник институт субъектларининг ўзаро муносабатларига оид йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатларининг алоқадорлигидир (таъкид Т. Султоновники) дейиш мумкин.

<sup>127</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. 185-бет.

<sup>128</sup> Каримов И. А. Биз келажигимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 89-бет.

<sup>129</sup> Фалсафа: энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси “Давлат илмий нашриёти, 2010. 202-бет.

## Мафқуравий муносабатларнинг ижтимоий жараёнлар билан алоқадорлиги

**1. Сиёсий муносабатлар билан боғлиқ. Сиёсий муносабатлар** – бошқарув муносабатларидир. Сиёсий бошқарув муносабатлари бошқалардан масалан, маъмурий бошқарув муносабатларидан маълум мафқурага асосланиши билан ва келишув, муроа усулларидан фойдаланиши билан фарқ қилади.

**2. Иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ. Иқтисодий муносабатлар** жамият ижтимоийлашуви жараёнида бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилувчи иқтисодий институт субъектларнинг биргаликдаги алоқадорлигидир. У ҳар қандай сиёсий фаолиятдан, мафқуравий ўзгаришлар таъсиридан холи бўлиши билан фарқланади. Лекин иқтисодий муносабатлар фаолияти ижтимоий муносабатлар фаровонлигига йўналтирилган.

**3. Ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Ижтимоий муносабатлар**, бу табиат ҳодисаларидан фарқли ўлароқ, унда социал муносабатларнинг бутун бир тизими мужассамлашгандир. Бошқача айтганда, ижтимоий муносабатлар жамиятда кишиларнинг ижтимоий институтлар фаолияти жараёнида юзага келадиган ўзаро муносабатлардир. Мафқуравий муносабатлар бу жараённи мантикий фикрлашга йўналтиради. **Ижтимоий муносабатлар** – жамият ҳаётида моддий ва маънавий фаолиятлар натижасида турли субъектлар ўртасида қарор топадиган ўзаро муносабат ва ҳаракат мезонлари ҳамдир.

**4. Миллий муносабатлар билан боғлиқ. Мафқуравий ва миллий муносабатлар** уйғунлиги қуйдагилар билан ўзаро боғлиқ жараёнда кечади: 1) Ички миллий муносабатлар; 2) Миллий этник бирликлар ўртасидаги муносабатлар; 3) Миллатлар, элатлар, шахслараро даражасидаги муносабатлар.

**5. Миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ. Яъни, мафқуравий ва миллатлараро муносабатлар боғлиқлиги:** 1) Миллий бирликлар ўртасидаги муносабатлар. 2) Турли миллат вакилларнинг шахслар даражасидаги муносабатлар.

**6. Маъданий-маърифий муносабатлар билан боғлиқ. Яъни, мафқуравий ва маърифий муносабатлар** барча соҳалардаги муносабатларга таъсир этади ҳамда бу алоқадорлик қандай натижага олиб келишидан огоҳ қилади ва ҳоказо.

### 6.1.1-расм

**Миллий ғоя ижтимоий субъектлар орасидаги ҳамкорлик ва ҳамжамиятликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Буни қуйдагича изохлаш мумкин.**

**Миллий ғоя** – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истикболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шаклидир. Миллий ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда хал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941-1945 йилларда) фашистлар босиб олган Францияда “қаршилик кўрсатиш” ғоясининг миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади<sup>130</sup>.

<sup>130</sup> Назаров К., Очилов А. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва атамалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2012. 113-114-бетлар.




**6.1.2-расм**

У ёки бу ғоянинг ижтимоий субъект сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Зеро, ана шу 2 негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаоларни ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин.

Том маънодаги миллий ғоя охир-оқибатда озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қилади. Шу маънода, ҳар қандай миллий ғояда умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо аниқ бир миллат ёки умуман инсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар ҳам бор. Айтайлик, **“Миллий яраш”** ғояси фуқаролар уруши кетаётган давлатлар учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, **“Манфаатли ҳамкорлик”** ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятlidir. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало мафқура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади.


**1. Ҳамкорлик – миллий ғоянинг ижтимоий субъекти.** Ҳамкорлик – турли миллат, ирк ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги маънан бирлашувини ифодалайди.



### 6.1.3-расм

Демак, ижтимоий ҳамкорлик жамиятда тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилidir. Миллий тараққиётимизни, мамлакатимизнинг ривожланиш суръатларини, энг муҳими, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш учун барча зарур чораларни кўриш масаласи олдимизда жуда жиддий вазифа бўлиб турибди<sup>131</sup>, - деган эди Президентимиз Ислам Каримов 2013 йил 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ОАВларига берган интервьюсида.

<sup>131</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т.: Ўзбекистон, 2014. 23-бет.



**6.1.4-расм**

Президентимиз Ислоҳ Қаримов таъкидлаганларидек, “Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар – бу Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган урушдир... Бизга нима керак? Тинчлик керак! Яна бир бор тинчлик ва қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатлик керак”<sup>132</sup>.

## **6.2. “Мафқуравий фаолият” тушунчаси, унинг мазмуни-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари**

“Мафқуравий фаолият” тушунчаси иккита “мафқура” ва “фаолият” сўзларининг уюшуvidан ҳосил бўлган тушунча.

**1. “Мафқура”** (арабча – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими<sup>133</sup>. Ёки мавжуд тузумни ҳимоя қиладиган, унга қарши қурашадиган кучлар қарашларининг тартибга солинган тарзи.

<sup>132</sup> Қаримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т.: Ўзбекистон, 2014. 11, 26-бетлар.

<sup>133</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. 185-бет.

2. **“Фаолият”** – инсоннинг теварак-атрофга ва ўзига бўлган специфик муносабати жараёнларидирки, ўз ичига мақсад, восита ва натижани олади<sup>134</sup>. Демак:

**“Мафкуравий фаолият”** – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий фаолиятларига бўлган специфик муносабати, манфаатлари, орзу – истак ва мақсад-муддаолари, восита ва натижалари ифодаланган ғоявий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимидир. Мафкуравий фаолият – таълим-тарбия, маънавий-мафкуравий институт субъектларининг ўз фаолиятига оид йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатларининг мажмуаси ҳамдир.

**“Мафкуравий фаолият”** тушунчаси бирон-бир ғояни амалга ошириш, уни аҳоли онги ва қалбига сингдириш, муайян ғоявий қарашлар тизимини шакллантириш, унинг амалиётини таъминлаш, ёт ва бегона мафкураларга қарши кураш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуини ифодалади.

**Мафкуравий фаолиятда** манфаат, мақсад, восита ва натижалари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истикболи ўз ифодасини топади.

Инсоният тарихида турли-туман ҳам ижобий, ҳам салбий мафкуравий фаолият мавжуд бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг мафкуравий фаолиятлари жараёнида манфаат ва мақсад натижаларидан келиб чиқиб, мафкуравий фаолият билан боғлиқ бўлган таълимот ва дастурларни ишлаб чиққанлар. Мафкуравий фаолият натижасида ғоявий, диний, фалсафий, ахлоқий тамойилларга таяниб иш юритганлар.


**Ҳар қандай мафкуравий фаолият – муайян ғояни амалга ошириш жараёнидир”** тамойили идеологик аксиома ҳисобланади. Яъни, у исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат, ўз-ўзидан маълум нарса, асосий қоида. Чунки мафкуравий фаолият жараёни натижасида жамият бирлаштирилиб ёки тузумдаги сиёсий-мафкуравий кучларни бир-бирига қарама-қарши тарафга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёхуд тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин.

Юксак мақсадлар, прогрессив бунёдкор ғояларга асосланган мафкуравий фаолият жараёни ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улугвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган ижобий маънодаги мафкуравий фаолият бунёдкорлик хусусиятларига ҳам эга бўлади.

Халқларни, давлатларни жаҳолатга етакловчи регрессив вайронкор мафкуравий фаолият жараёни жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай мафкуравий фаолиятга айрим сиёсий

<sup>134</sup> Саидов М.Х ва бошқ. Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати. – Т.: Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 354-бет.

кучлар, радикал экстремистлар ўз максалларини амалга ошириш учун ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга, низоларни кучайтиришга уринадилар (масалан, 1999 йил 16 февраль воқеалари, 2005 йил 12-13 майдаги Андижон воқеалари каби). Ёвуз, бузгунчи гоя ва мафкуралар мазмун-моҳиятига кўра ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади.




### 6.2.1-расм

Собик иттифок давридаги регрессив мафқуравий фаолият туфайли умуминсоний қараш, қадриятлар деярли шакланмади, бунга йўл қўйилмади. Мафқуравий фаолиятга тўғри ва холисона баҳо бериш имкони мустақиллик туфайли юзага келди. Лекин коммунистик мафқурадан воз кечган мустақилликнинг дастлабки йилларида мафқуравий фаолиятдаги гоъвий бўшлиқ натижасида ички ва ташқи экстремистик кучлар фаоллашиб, ёшларни йўлдан уришга, уларнинг қалби ва онгини заҳарлашга уринди. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислоҳ Каримов 1998 йили “Тафаккур” журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавобларида “мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўкотади”<sup>135</sup> ва кейинчалик 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблари “Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди

<sup>135</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 84-бет.

ва буюк келажакка ишончдир” мавзуидаги суҳбатида “мамлакат, давлат манфаатлари миллий мафкура орқали ифодаланади”<sup>136</sup>, деган эди.

**Мафкуравий фаолият тизими ва унинг элементлари.** Мафкуравий тизим – мафкуравий ишларни бошқариш, жамиятнинг турли ижтимоий институтлари: оила, мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлиари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари, жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий уюшмалар тарбиявий имкониятларини мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни ягона мақсад томон йўналтириш омиллари (иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт) ва воситалари (фан, адабиёт, санъат, матбуот, радио, телевидение, кино, музей ва ҳоказо), услублари (тушунтириш, ишонтириш, мажбур қилиш) ва усуллари (алоҳида, жамоавий, оммавий)нинг яхлит бир бутун уюшмаси. Шунингдек, мафкуравий тизим, мафкуравий таъсир йўналишлари (ақлий, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий) ва унинг асосий соҳаларини (меҳнат, жисмоний, эстетик, экологик, табиий-биологик ва ҳоказо) ҳам ўзига қамраб олади.




**6.2.2-расм**

<sup>136</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 490-бет.

**Мафқуравий тизим** бир бутун яхлит уюшма бўлиб, доимо ўзгариб туради. Ушбу тизим самарадорлиги мафқуравий таъсир жараёнининг узлуксизлигига, табакалашганлигига, комплекс ёндашувга боғлиқ. Ушбу тизим доирасидаги мафқуравий ишлар таъсирчанлиги, ҳозиржавоблигини оширишда аҳоли турли табакаларининг ўзига хос миллий-психологик, минтақавий, касб-кор, ёш, жинс билан боғлиқ хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади<sup>137</sup>.

**Ғоядан мафқурага, ундан амалий фаолиятга томон бориш диалектикази.** Президентимиз Ислоом Каримов 2000 йил 6 апрелда миллий истиқлол мафқураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “ўзининг келажagini кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур.

Табиики, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафқура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафқура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафқура, мафқура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади”<sup>138</sup>.



6.2.3-расм

**Мафқуравий фаолият мақсадли ва мўлжал ҳаракат сифатида.** Мафқуравий фаолият мақсади: “Мақсад” дегани – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур, ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни – халқ, миллатни – миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин”<sup>139</sup>.

<sup>137</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изохли лугати. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 298-бет.

<sup>138</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 464-465-бетлар.

<sup>139</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 89-б.

## Мафсуравий фаолият максади ва вазифалари

**1. Мақсад** – ижтимоий қатлам, сиёсий гуруҳ, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хохиш-иродасини ифода этувчи тушунча. Ўзбекистон миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсади: озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Халқ оммасини миллий гоё атрофида бирлаштириш, улугвор ишларга сафарбар этиш.

### **2. Мўлжалдаги вазифалар:**

- 1) одамларни муайян гоёга ишонтириш;
- 2) шу гоё атрофида уюштириш;
- 3) гоёни амалга ошириш учун сафарбар этиш;
- 4) кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш;
- 5) гоёвий тарбиялаш;
- 6) гоёвий иммунитетни шакллантириш;
- 7) ҳаракат дастури бўлиши (бу дастур 2001 йил 18 январда ишлаб чиқилди).

### 6.2.4-расм

**Мафсуравий фаолиятда индивидуализм ва ижтимоийлик тушунчалари.** **1. Индивидуализм** (лот. бўлинмас) – инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалиги, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодаловчи фалсафий-ахлоқий тамойил. Индивидуализмнинг маънавий, назарий жиҳатларини ўз ичига оладиган концептуал ва реал ҳаётий позицияни акс эттирувчи амалий жиҳатлари мавжуд. Индивидуализмнинг назарий талқини асосида шахснинг жамиятдаги автономияси ва унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади.

**2. Ижтимоийлик** – жамият, миллат, халқ, Ватан ёки айрим ижтимоий гуруҳ, инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги асосий билим ва кўникмалари, хусусиятлари шаклланган моддий ва маънавий шарт-шароитлари тушунчаси.

**Формализм** (лот – форма, шакл) – борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг шакли ва ташқи кўринишини уларнинг мазмунидан устун кўядиган фалсафий йўналиш. Борликдаги барча нарса ва ҳодисалар мазмун ва шаклга эга бўлиб, улар бир-бири билан диалектик боғлиқдир. Бу боғлиқликда мазмун доимо бириламчи бўлиб, шакл эса нарса ёки ҳодиса мазмунининг намоён бўлиш усулидан иборат. Мазмун ва шакл мутаносиб бўлганда ҳар қандай нарса ва ҳодиса ўз маъно- мазмунига эга бўлади. Масалан, инсоннинг мазмунини белгиловчи муҳим хусусиятлар унинг фикрлаш қобилияти, мақсадга мувофиқ меҳнат қилиш қобилияти, меҳнати жараёнида ўзи ва жамият учун зарур бўлган турли хил неъматлар яратиши ва энг муҳими олижаноб инсоний фазилатлардан иборат. Барча инсонларнинг инсонийлик қиёфасида мужассамлашган мазмуни юқоридаги белгиларга қараб баҳоланади. Башанг кийинган, қадди-қомати келишган ҳар қандай одамни ташқи кўриниши, қиёфаси, яъни шаклига қараб олижаноб киши дейиш нотўғри. Зеро, ҳар бир кишининг инсонийлик мазмуни

ташки кўринишида эмас, балки ички инсонийлик фазилатлари билан белгиланади. Формализм, яъни шаклбозликни мутлақлаштириш салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

### Индивидуализм ва ижтимоийлик тушунчалари

**1. Индивидуализм** (лот. бўлимас) – инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалиги, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодаловчи тушунча:

- 1) Шахснинг жамиятдаги автономияси.
- 2) Шахс ҳуқуқларининг мутлақлаштирилиши.
- 3) Шахсни жамоага қарама-қарши қўйиш.
- 4) Шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйиш (хусусий мулкчилик билан бирга шаклланган).
- 5) Анъанавий ватанпарварлик ахлоқига зид
- 6) Ўзларини “дунё фуқаролари” – космополитлар (беватанликни тарғиб қилувчилар) ўз билганларича ўз “конуналари” билан яшаш ғоясини илгари суради.
- 7) Ўзига нисбатан. “жамоаси, уйи, Ватани йўқ”.
- 8) Ҳар қандай ахлоқий чегараларни инкор қилади.

**Кўринишлари:**

- 1) Волонтаризм (объектив тараккиёт конуналарини рад этувчи).
- 2) Анархизм (бошбошдоқлик ҳокимиятсизлик).
- 3) Эгоизм (ўз манфаатини устун қўйиш).
- 4) Авторитаризм (якка шахс ҳукмронлиги) ва хоказо.
- 5) Космополитизм (беватанлик).

**2. Ижтимоийлик** – жамият, миллат ва халқ. Ватан ёки айрим ижтимоий гуруҳ, инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги асосий билим ва кўникмалари, хусусиятлари шаклланган моддий ва маънавий шарт шaroитлар тушунчаси. Ёки кишиларнинг жамиятдаги фаолияти билан боғланган омманинг сиёсий, маданий ва бошқа эҳтиёжлари учун ихтиёрий хизмати билан ҳам боғлиқ тушунча бўлиб, у ўз навбатида:

- 1) Макромуҳит билан боғлиқ, яъни ижтимоийлик, кенг маънода, ижтимоий-иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш муносабатлари, ижтимоий институтлар мажмуини қамраб олади.
- 2) Микромуҳит, яъни тор маънода, инсон бевосита яшайдиган, меҳнат қиладиган оила ва жамоа, ўқув даргоҳи, маданият масканларини ўз ичига олади.

Шахс маънавиятнинг шаклланишига ва ривожланишига хал қилувчи таъсир кўрсатади.

**Кўринишлари:**

1. Ватанпарварлик,
2. Инсонийлик,
3. Миллатпарварлик,
4. Жамоавийлик ва ҳ.к.

### 6.2.5-расм

Жамиятни бошқаришда формализм бюрократизм, тўрачиликда намоён бўлади. Санъат тарихида формализм санъат ва воқеликни қарама-қарши қўйиш, бадий шаклни ғоявий таъкидлашдан иборат. Албатта бундай фикрлар ҳақиқатга зиддир. Бунга мисол тарикасида айрим жангари, инсон ахлоқи ва одобига ёт бўлган бузғунчи фильмларни кўрсатиш мумкин. Улар шаклан “жозибали” бўлса ҳам, мазмунига кўра инсон ва жамият ривожига зид бўлган, вайронкор ғоявий мазмунга эгадир<sup>140</sup>.

<sup>140</sup> Фалсафа: комунисий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. 430-бет.

**Формализм (лот.форма, шакл) тушунчаси, мазмуни, шакли ва кўринишлари**

**1. Тушунча:** формализм борликдаги нарса ва ҳодисаларнинг шакли ва ташки кўринишини уларнинг мазмунидан устун кўядиган (тушунча) фалсафий йўналиш.

**2. Мазмуни:** доимо бирламчи бўлиб келган. Инсоннинг мазмунини белгилловчи муҳим хусусият фикрлаш қобилияти, мақсадга мувофиқ меҳнат қилиши, энг муҳими олижаноб инсонийлик фазилатларидир.

**3. Шакли** – нарса ёки ҳодиса мазмунининг намоён бўлиш усули. Масалан, башанг кийинган, қадди-қомати ҳар қандай одамни, ташки қиёфаси. яъни шаклига қараб олижаноб инсон дейиш нотўғри. Формализмда шаклбозликни мутлақлаштириш салбий оқибатларини келтириб чиқаради.

**4. Формализм кўринишлари:**

**1. Бюрократизм** (оммадан ажралган имтиёзли шахслар, тўраларча ифода қилиш усули.

**2. Тўрачилик** (ишга, ўз вазифасига расмиятчилик билан қараш, қуруқ расмиятчилик, бюрократизм.

**3. Қоғозбозлик** (амалий иш ўрнига кераксиз ёзишмалар билан шугулланиш, расмиятчилик, бюрократчилик).

**4. Компаниябозлик** (уюшган шахслар гуруҳи, *улфат, улфатчилик*).

**5. Расмиятчилик** (такаллуфга берилиб кетиш, бюрократчилик).

**6.2.6-расм**

**6.3. Бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафқуравий фаолният тамойиллари**

**Бунёдкор ғоя:** 1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган тушунча;

2. Жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

Бунёдкор ғоя таъсирида эзгуликка етиш, миллатлар ва давлатлар эса озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюқ тарихий ғалабаларни қўлга киритади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзида гуманизм талабларини ақс эттирадиган, инсон камолотига, жамият ривожига, миллат тараққиётига, халқнинг ирода ва интилишларига хизмат қиладиган, уни жипслаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган ғоялар бунёдкор ғоялардир. Улар инсоннинг ички яратувчанлик моҳияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одамларни комиллик ва фозиллик сари ундайди, имон-эътиқодини мустаҳкамлайди, ҳаётга ижобий мазмун бахш этади. “Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди”. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни

бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган<sup>141</sup>.

**Бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафқуравий фаолият тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

- 1. Яратувчанлик тамойили.** Бу тамойил кишиларни яратувчанлик фаолиятига сафарбар этиши, ғоявий химоя воситаси эканлиги билан белгиланади. У халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиған, сувда чўкмайдиған ўлмас эътиқоди сифатида ёш авлодни тарбиялашнинг бекиёс омилидир. Шу маънода, миллий истиклол ғояси ёшлар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди. Миллат, Ватан равнақи, буюк келажақни барпо этиш учун яшаш ва курашиш чинакам инсоний саодат эканлигини яққол кўрсатади.
- 2. Гуманизм тамойили (лот. инсоний)** – инсонни улугловчи фалсафий таълимот, инсонпарварлик тамойилларининг устуворлиги барча тузумлар, давлатлар, жамиятлар учун асосий фаолият мезони бўлиши лозимлигини ифодалайдиған тушунча. Гуманизм (инсонпарварлик) жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берған ўзгаришлар таъсирида инсон шахси борлик асосига қўйилиб, уни улуглашга йўналтирилған қарашлар мажмуи сифатида миллий ғоя ва мафқурага талқин этила бошланди. Масалан, ислохотлар ислохот учун эмас, ислохотлар аввало инсон учун, деган ғояни биз ўз олдимиғизга мақсад қилиб олғанмиз.
- 3. Плурализм** – (лот. – кўплик) – бир-биридан мустақил бўлған ва қандайдир ягоналикка келтирилмайдиған борлик турлари, манфаатлар. Ғоялар, қарашлар ва социал институтлар кўпчилигини билдирувчи фалсафий – дунёқараш таълимоти. Ўзбекистон ижтимоий тараққиёти жараёнида фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиғига асосланади. Мамлакатимиғизда Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларининг ишлаб чиқилиши фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги ҳукм сургани ҳолда барча фуқароларнинг бу асосий ғоя атрофида жиқшлашиши ва уюшмоғига имкон бермоқда.
- 4. Толерантлик** – (лот. чидамлик, бағрикенглик, сабр-тоқатлик, ён бериш) – бошқа динлар, ижтимоий тартиблар, миллий ва диний урф-одатлар, ўзга диний ва сиёсий қарашлар, эътиқодлар ва турмуш тарзига нисбатан сабр-бардошлик, чидамлик, боадаблик, андишаллик бўлиш маъноларини англатади. Толерантлик миллий ғояни амалга оширишга қаратилған мафқуравий фаолият тамойилларидан бири.
- 5. Эзгулик томон ҳаракат тамойили:** хайрли, савобли иш, эзгу иш маъносида.

### 6.3.1-расм

Жамият тараққиётининг туб бурилиши даврларида, ўзгариш ва ислохотларни амалга ошириш жараёнида бунёдкор ғояларнинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар томон сафарбар этиш хусусиятларидан ижобий фойдланиш масалалари бениҳоя қатта аҳамият касб этади. Ватанни севиш, юрт тинчилигини асраш, халқ фаровонлиги йўлида курашиш – бунёдкор ғояларнинг маъно-мазмунини белгилайди. Тарих ҳам, бугунги ҳаётимиз ҳам ўз ғаразли мақсадларига эришиш учун юксак ғояларнинг жозиба кучидан

<sup>141</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 10-бет.

фойдаланишга урунувчи ёвуз кучлар ҳамма вақт ҳамма замонларда мавжуд бўлишини кўрсатади. Қабих ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда бунёдкор гоёлар асосидагина эътиқод ва дунёқарашнинг аҳамияти бекиёс.

Ўзбекистон халқининг миллий гоёси ва мафқураси бунёдкор гоёлар тизимидан иборат. Бу гоёлар соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятда гоёвий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича эътиқод ва дунёқараш эгаларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

#### **6.4. Мафқуравий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий технологиялари**

Мафқуравий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий технологиялари куйидагилардан иборат.


**1. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ)** – ахборотни жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби воситаларга нисбатан ишлатувчи тушунча. ОАВларнинг жамият ҳаёти, фуқаролар фаолиятига таъсири ниҳоятда кучлилигидан уларга нисбатан “тўртинчи ҳокимият” атамаси ҳам қўлланилади.

Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи унда бериладиган материалларнинг характериға боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, берилётган материалларнинг тезкорлиғига, таҳлилийлик даражасига алоҳида эътибор берилади.

ОАВларида материаллар айна пайтда қандай аудиторға мўлжаллангани билан ҳам ажралиб туради ҳамда истеъмолчининг ёши, жинси, билим даражаси, дунёқараш, миллий, диний мансублиғи каби омилларни ҳисобға олган ҳолда тузилади. ОАВлари жамоатчилик фикрини шакллантириш миллий мафқурани халқимиз, аввало ёш авлод онгига сингдиришда алоҳида ўрин тутади. Улар маънавий-маърифий ислохотлар жараёни, бу борадаги муаммоларни, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирадиган энг самарали воситадир.

**3. Мафқуравий тарбия** – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият тараққиётини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган гоёвий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён. Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад – интилишларини ифода этувчи гоёлар тизимини яратгач, бошқа гуруҳларни ҳам шу гоёлар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Гоёлар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойий бўлса, кўзланган мақсадга эришилади. Ўзбекистон шароитида мафқуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий мафқурамининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Мафқуравий тарбия жамиятда авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар олий ўқув юртлари, ОАВ,




6.4.1-расм

**4. Мафқуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳам мулоқот ҳисобланади.** Чунки инсон қалбида ва онгида шаклланидиган дунёқараш, эътиқод, имон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган баъмани сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам ота-она бир гапни айтиши

<sup>142</sup>Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. 199-бет.


дозим бўлса, боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва кўзидаги самимият ва фикрни уқтира бошлайди. Ва бундай мулоқот самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан ўқувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулоқот таълим ва тарбия жараёнида катта аҳамиятга эга.



**6.4.2-расм**

Соғлом дунёқараш, масъулияти, имон ва эътиқодни ёшлар онгида шакллантиришнинг қуйидаги асосий объектив шарт-шароитлари ва омиллари мавжуд:

- 1) ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий муҳит;
- 2) сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши;
- 3) ёшларнинг билим даражаси;
- 4) одатий, анъанавий фикрлаш тарзидан янгича, илғор фикрлашга ўтиш.



**6.4.3-расм**

**Мафқуравий фаолиятда миллий ғояни аҳоли онига  
сингдириши мезонлари**

1. **Юрт тинчлиги** – барқарор тараққиёт гарови, бебаҳо неъмат, улуғ саодат, башариёт. Ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик тотувликка интилиб келган.

2. **Ватан равнақи** – Ватан – инсоннинг киндик қони тўқилган муқаддас замин, уни камолот сари етакловчи, ҳаётга маъно-мазмун бахш этувчи маскандир.

3. **Халқ фаровонлиги** – мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг олий мақсад халқимизга муносиб турмуш шаротини яратишдан иборат.

4. **Комил инсон** – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний мукамалликни ўзида мужассам этган, уни ҳамisha эзгуликка ундайди олижаноб ғоядир.

5. **Ижтимоий ҳамкорлик** муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди.

6. **Миллатлараро тотувлик** – умумбашарий кадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат

7. **Динлараро бағрикенглик (толерантлик)** – бу ғоя хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни аниқлатади.

**6.4.4-расм**

**Демак, мафқуравий фаолиятнинг намоён бўлиш хусусиятлари куйидагилардан иборат:**

1. Кенг оммани эзгу ғоялар асосида тарбиялаш, уларнинг сиёсий ва маънавий савиясини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

2. Ўқув муассасалари, таълим-тарбия масканлари, клублар, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари муҳим ўрин тутди.

3. Маънавий тарғибот марказлари шакллантирилди (2006 й. 25 август). Бугунги кунда 2 та марказ фаолият юритмоқда.

4. Мафқуравий фаолият конкрет тарихий мазмунга, мақсад-муддаога эга.

5. Эртанги кунга ишонч туйғусини шакллантириш.

6. Мафқуравий фаолият тизимини такомиллаштириб бориши зарур бўлади.

7. Бунда техника ва технологиялардан фойдаланиб, тарғибот ва ташвиқот олиб бориш.

8. Мафқуравий фаолият онгли ўзгарувчан характерга эга, уни ривожлантириб бориш лозим.

## 7-боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

### 7.1. Ҳозирги даврда дунёнинг мафкуравий манзараси

**Дунёнинг мафкуравий манзараси** – жаҳонда рўй бераётган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча.

**Дунёнинг мафкуравий манзараси** - деб жамият тараққиёти қонунлари, унинг ривожланиш тенденцияларини муайян ижтимоий гуруҳ, этник бирликлар, сиёсий кучларнинг ўзига хос манфаатларидан келиб чиқиб талқин қилиш ва унга асосланган ҳолда инсоният истикболини белгилашга қаратилган мафкуравий тизимлар мажмуининг макон ва замонда яққол кўзга кўриниб турадиган жойлашув тартибига айтилади.


Президентимиз Ислоҳ Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида таъкидлаганидек, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз... Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзод бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас”<sup>143</sup> ...

Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этсада, ундаги минтака ва давлатлар, миллатлар ва халқлар ўз ўрнига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши, шубҳасиз. Жаҳон сиёсий ҳаритасида кўплаб давлатлар мавжуд бўлиб, уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, динлар, диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзаро фаркланадиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатларга эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гуруҳлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий муддао эса муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишдир.

Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмаганда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиб, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам ижтимоий бекарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади.

<sup>143</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 110-б.



**7.1.1-расм**

Бугунги дунёнинг мафқуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илгор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафқуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт инсон ҳамда жамият камолотига хизмат қиладиган умуминсоний гоёлар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур услуби шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафқура майдонида ҳукмронлик қилишига, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафқуралари шулар жумласидандир. Хусусан, террорчилик турли шаклларга кириб, кучли моддий асосга эга бўлиб, мафқуравий хавфи орғиб бормоқда.

Шу билан бирга, эътиқод умумийлигига асосланиши (масалан, панисломизм), этник бирликка урғу бериш (масалан, панславизм, пенэронизм, пантуркизм) ва янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқлик асосида (масалан, пансоветизм) яққа мафқуралар ҳукмронлигини таъминлаш, шу йўл билан жаҳон майдонларини мафқуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар ҳам бор<sup>144</sup>.

<sup>144</sup> Миллий гоё: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия. 2007. 140-141-бет.




**7.1.2-расм**

Лекин булар бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўқис акс эттира олмайди. Мафкуравий жараёнлар ўзгариб турибди. Бу борада ХХ аср сўнгида рўй берган ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳозирги даврда терроризм ва экстремизмга қарши кураш, дунё мамлакатлари орасида унга муносабатнинг кескин ўзгариши ҳар бир кишининг ёт ва бегона ғояларга нисбатан огоҳ бўлишга ундайди.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви – ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида ер юзининг барча минтакаларида мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча.

**Глобаллашувнинг ҳозирги даврда 3 та манбаи мавжуд:**

1. Коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар.
2. Инвестициялардаги янги жараён.
3. Дунёга янгича қарашнинг вужудга келиши.



**7.1.3-расм**

Мафқуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-бирдан фарқ қиладиган 2 йўналиш тенденцияси мавжуд

1. Инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб, байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллий ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ҳам Ғарбни туташирган қарвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Ғарб Шарқ маданиятидан баҳраманд бўлган, натижада ҳар бир халқ ўзлари учун ана шу маданиятнинг ижобий томонларини ўзлаштирган, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтарган. Масалан, Ал-Хоразмий, Ибн-Сино, Беруний, Форобий ва ҳоказо.

2. Миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар ман-фаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатнинг келажигига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафқуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фунда-ментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий қучларнинг босимини сезиб яшамоқда. Японияда пайдо бўлган (XX аср охирида) “АУМ Синрикё” каби зарарли оқимлар турли мамлакатлардаги минглаб ёш йигит-қизлар онгини зомбига айлантириб қўймоқда ва ҳ.к.

Глобаллашувнинг ижобий натижалари:

- 1. Математика**, эҳтимоллар назарияси, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси. Астрономия соҳасида қадим замонлардаёқ кашфиётлар яратилган: Хоразмий, Беруний, Фаргоний, Улуғбекларнинг кашфиётлари.
- 2. Саноат усулида** ўзлаштириш учун яроқли минерал ҳомашё захираларининг ҳосил бўлишига олиб келадиган жараёнларнинг қонуниятларни ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар.
- 3. Молекуляр генетика**, ген – ҳужайра инженерияси, биотехнология соҳасидаги тадқиқотлар. Булар микробиология саноатида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фан-техника тараққиётининг таъминланиши Ўзбекистонда кейинги йилларда гўзанинг 30 дан ортқ истикболли навлари яратилди ва ҳ.к.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари

- 1. Биринчи сабаби-мустамлақачилик** ва янги мустамлақачилик ва буюқ давлатчилик шовинизми.
- 2. Халқаро муносабатларда** мусулмонларга қарши зўравонлик, мусулмон давлатларининг Ғарб мамлакатларидан кучайиб кетмаслигига эришиш нияти, “Бўлиб (парчалаб) ташла ва ҳукмронлик қил” деган кўп синалган сиёсатни давом эттириш.
- 3. Учинчи сабаб.** Иқтисодий камситишлар, калондимоғлик. Бошқа маданият, бошқа цивилизациянинг, хусусан кўп асрлик илдиэларига эга Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фаз илатларини, умуман, исломнинг ўзини яхши билмаслик, тушунмаслик ҳоллари каби сабабларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

7.1.4-расм

### Асосий белгилар:

1. Халқаро савдонинг кенгайиши ва эркинлашиши.
2. Халқаро капитал айланмаси ва унинг йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилиши.
3. Электрон коммуникация ниқобидаги молиявий ўзгаришлар.
4. Трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кенгайиши, халқаро молиявий институтларнинг ташкил топиши.

### Глобаллашувнинг миллий ғояга таъсири:

1. Иқтисодиётнинг глобаллашуви.
2. Ахборот-коммуникация соҳасининг глобаллашуви.
3. Маданиятнинг глобаллашув жараёни.
4. Сиёсий-мафқуравий соҳаларнинг глобаллашуви.



7.1.5-расм

Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва раванки нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораёттики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларнинг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”<sup>145</sup>.

<sup>145</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 111-бет.

Глобаллашув жараёни мураккаб ходиса. Глобаллашувнинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаетган таъсири мураккаблиги сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бир-бирига қарши, мухолифатда бўлган икки гуруҳ: 1) глобалистлар ва 2) аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув натижасида юзага келган мухолифатдаги бир-бирига зид 2 гуруҳ қарашлари

<p><b>1. Глобалистлар</b> – глобаллашув тарафдорлари. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Глобаллашув тарафдорлари дунёдаги 3 та секторнинг 1-сектори, яъни давлат сектори тарафдорлари. Улар глобаллашув жараёни объектив ҳодиса, деб ундан оқилона фойдаланишни илгари суришади. Умуман, глобаллашув “мафқуралашишдан” холи бўлиш керак.</p>	<p><b>2. Аксилглобалистлар</b> – глобаллашув мухолифлари (зидди) бўлиб, улар орасида кўпроқ сўл кучлар (3-сектор: нодавлат ташкилотлари), касаб-ушмалари, ёшлар ташкилотлари анжуман, семинарлар ўтказиб, унга қаршисиёсат олиб боради. Масалан, XX аср охирида россиялик файласуф, ёзувчи А. Зиновьев “Аксилглобалистлар векторлари” номли анжуманида “Глобаллашув янги жаҳон урушидир”. Бу урушда тирик қолишни қаршилик кўрсатишдан бошқа йўли йўқ. Фақат қаршилик деб глобаллашув жамиятни, одамларни ёмон оқибатларга олиб келишини даъво қилади. Улар 3-жаҳон урушига тайёргарлик кўриш гоёсини илгари суришади.</p>
--	--

#### 7.1.6-расм

**Мафқуравий муносабатларнинг технологик ва интеллектуал асослари:**

1. Ёшларга ҳозирги даврда дунёнинг мафқуравий манзараси:

1) интеграциялашиш;

2) глобаллашиш;

3) дифференциялашиш;

4) демократиялаш;

5) модернизациялашиш каби жараёнларнинг ўзаро боғлиқ босқичларини интерактив усулларда англайтиш, билиш, ўрганиш лозимлигини ҳисобга олиш.

2. Мафқура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли бўлиб бораётганига объектив ва субъектив сабабларини ахборот макони нуқтаи назаридан ўрганишга йўналтириш лозим.

3. Ёшлар қалби ва онгида мафқуравий таҳдидларга қарши курашиш учун унга қарши мафқуравий онг, мафқуравий билим ва мафқуравий маданиятни шакллантириш, ривожлантириш зарур.

4. Ақлий, интеллектуал билимлардан рационал фойдаланиш даркор ва ҳоказо.

**Мафқуравий таҳдидларга қарши кураш усуллари ва воситалари:**

**Мафқуравий таҳдид** – ижтимоий – сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафқурасини қўритув, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириш. Мафқуравий таҳдид жамият, давлат ёки халқ, миллат

ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафқуравий хавф-хатарлар мажмуаси<sup>146</sup>.

### Таҳдидлар 2 турга бўлинади:

**1. Ички таҳдидлар** – ўз Ватанига, ватандошига зарар етказишга қаратилган гоя, хатти-харакат. Биз кўп асрлар ана шу ички таҳдидлар туфайли мустамлакачиликда яшаб келдик. Ана шу ички таҳдидларни куйидаги схема асосида тасвирлаш мумкин (7.1.7-расм).

**2. Ташқи таҳдидлар** – Ўзбекистоннинг давлат ташқаридан кириб келувчи таҳдидлар: халқаро терроризм, экстремизм, фашизм, расизм, шовинизм ва ҳоказо.


Кўриниб турибдики, ҳозирги даврда ташқи сиёсатнинг янги-замонавий концепцияси янгича фикрларга асосланмоқда. Бугунги дунё канчалик хилма-хил бўлмасин, унинг яхлитлигини, бир бутунлигини тан олиш ташқи сиёсатда муайян ютуқларга эришишнинг асосини ташкил қилади. Ташқи сиёсатни такомиллаштириш эмас, қатъий ислох қилиш давр талаби эканини англаш натижасида халқаро муносабатларда қуйидаги бир қатор ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда.



7.1.7-расм


- Мафқуравий таъсирнинг йўқолиб бориши.
- Конфронтация – ўзаро қарама-қаршиликдан ҳамкорликка ўтиб бориш.
- Халқаро сиёсатда куч ва таъсирни бирлаштириш.
- Халқаро сиёсатнинг демократиялашуви ва инсонпарварлашуви.
- Халқаро муносабатнинг кенгайиши.

<sup>146</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2009. 297-298-бетлар.



**7.1.8-расм**

Президент Ислоҳ Қаримовнинг 2014 йил 15-16 майда Самарқандда “Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқида бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлганлиги, уларнинг оқилона ечими давримизнинг энг кескин муаммосига айланаётганлиги ҳамда муаммоларни ҳал этишнинг қуйидаги муҳим вазифаларга эътибор қаратилди<sup>147</sup>.



**7.1.9-расм**

<sup>147</sup>Қаримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998. 3-5-бетлар.

Шўро сиёсий мафкурасининг расмий андозаларидан, унинг шиорлари ва рамзларидан воз кечишнинг объектив сабаблари куйидагилардан иборат:

1. Собик Иттифок мафкураси яккаҳоқимлиги – шўро давлати сиёсий мафкурасининг тўла ҳукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас акидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилганлиги.

2. Шўро сиёсий мафкуравий тизим ягона илмий, энг адолатли, жамиятдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон қилинганлиги.

3. Шўро сиёсий мафкураси ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жихати билан ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралар сифатида қаралганлиги.

4. Миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадиксираб қараш руҳиятининг сингдирилганлиги (маҳфий маълумотлар асосида бошқариш).

5. Шўро мафкурасининг конституцияси давлат, жамият ва фуқаро (шахс) принципига асосланганлиги.

6. Жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнакига жиддий зарар етказганлиги, яккаҳоқимликка интилган, мутлақ ҳақиқатни даъво қиладиган шўро мафкурасининг истиқболи йўқлиги.

7. Шўро давлат сиёсати яккаҳукмронликни ўрнатишда ўзини бойитиб борадиган манба – фикрлар ранг-баранглиги (плюрализм) ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолганлиги.

8. Юзлаб беғуноҳ инсонлар, ақл-заковат соҳиблари унинг қурбонига айланганлиги.

9. Ғарбда юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари кўр-кўрона инкор этилганлиги, генетика ва кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар “реакцион”, “сохта” деб эълон қилинганлиги.

10. Психология, социология, культурология, семиотика (юн.белгилар ҳақидаги таълим, ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белги ва тизимларнинг умумий хусусиятларни ўрганувчи фан), бионика, информатика назарияси, эргономика каби фан соҳалари етарли даражада ривожлана олмаганлиги.

11. Аксарият миллий кадриятлар, урф-одат, аънаналар эскилик сарқити деб эълон қилинганлиги.


12. Маъмурий буйруқбозлик тамойили асосидаги марказлашув, номенклатура (юқоридан рўйхат асосида тайинлаш) бошқаруви, шахсий манфаатларнинг устунлиги, даҳшатли қарорлар чиқариш, демократияни тан олмаслик, расмиятчилик (қоғозбозлик), консерватизм ва хоказоларнинг устуворлиги.

Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998 йил 26 июндаги тарихчи олимлар билан суҳбатида) асарида мамлакатимиз коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида бутун маънавиятимиз, миллий кадриятларимиз, маданий меросимиз топталганлиги.

тарихимиз, миллий давлатчилик тарихи бузиб кўрсатилганлиги таъкидлаб ўтилган эди<sup>148</sup>.

“Оммавий маданият” бу – бир гуруҳ шахслар томонидан ўйлаб топилган ва онгли равишда тарғиб қилинадиган, бирор миллат маданиятига дахли бўлмаган гоълар, одамлар ва удумлар йнғиндисидан иборатдир<sup>149</sup>. Президентимиз Ислои Каримов “Юксак маънавийт энгилмас куч” китобида ҳақиқат ва холисликдан йроқ бўлган, фақат ғаразли сиёсий манфаатларни кўзлайдиган бундай қарашлар ҳеч кимга наф келтирмаслиги ва ҳеч кимнинг обрўсига обрў кўшмалигини таъкидлаб ўтар экан, бу ҳақда шундай деган эди: Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган гоъвий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлако ёт бўлган, маънавий ва ахлокий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак...

Табийки, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлокий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоъларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошка халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди<sup>150</sup>.



**7.1.10-расм**

<sup>148</sup> Ювдоқимова Ю.А. Массовая культура или... //Актуальные вопросы культуры и искусство. Сборник. – М.: Наука, 1979. С 106.

<sup>149</sup> Каримов И.А. Юксак маънавийт – энгилмас куч. – Т.: Маънавийт, 2008. 117-бет.

<sup>150</sup> Одиловна Ш. “Оммавий маданият” таҳдиди. – Т.: Муҳаррир, 2010. 13-14-бетлар.

**“Оммавий маданият”нинг оқибатларига нисбатан иммунитетни шакллантириш зарурияти.** “Оммавий маданият”ни ўйлаб чиқаришдан мақсад асосан миллий маданиятларни ичдан емириш, дидсиз, савиясиз ва ўзлигини унутган глобал авлодни шакллантириш. “Оммавий маданият” XIX аср 50-йилларида бева аёлларнинг фарзанд кўриши ҳолатини табиий бир ҳодиса деб қараган Европада бошланган. Кейинчалик бу каби ҳолат АҚШ да кучайди. XX аср ўрталарида келиб, Европада ва АҚШ оламига “оммавий маданият” тушунчасига яна эркин муҳаббат ғояси кўшилади. Унга кўра ёшлар расмий никоҳга қадар бир-бирларини синаш учун муайян бир муддат эр-хотиндек яшаб кўришлари одатга қира бошлади. Агар улар бир-бирларига маъқул келса, никоҳ тузилади ёки маъқул бўлмаса, ҳеч нарса кўрмагандек икки томонга қараб кетаверишади.

Шу маънода “оммавий маданият” аслида зинокорликни оқлашдан бошланиб, 1989 йилга қадар Европа ва АҚШда турли ахлоқсизликларни келтириб чиқарди. Кейинчалик эса жамоат жойларида ҳам эркак ва хотинлар бемалол, ўзаро очикдан-очик бир-бирлари билан ишқий учравушларда никоҳсиз яшаш, ҳаттоки бу учрашувлар натижасида фарзанд ҳам кўриш, келиб чиқиши помаълум мусиқа ва ашулалар тинглаш, беҳаё киноларни эса табиий бир равишда томоша қилиш одати пайдо бўлади. Кейинчалик эса бир жинсли инсонларнинг ўзаро никоҳга кириш, уларнинг жамият анъаналари ва қоидаларига зид равишда турли либослар кийиши кабилар пайдо бўлди.

“Оммавий маданият” оқибатларига қарши курашмоқ учун аввало мафқуравий иммунитетни шакллантириш зарур. **Мафқуравий иммунитет** – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими. **Иммунитет** (лот. Immunitas – озод бўлиш, қутилиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет – киши организмнинг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Демак:

1. Инсонда мафқуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур.
2. Улар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга.
3. Иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафқуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин.

## **7.2. Президент Ислоҳ Каримов “Мафқуравий майдон” тушунчасининг шаклланиш ва намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида**

**1. Президентимиз Ислоҳ Каримов “Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” (1998) мавзусидаги “Тафаккур” журнали бош Бош муҳаррирининг саволларида жавобларида биринчи бор “Мафқуравий полигон” (майдон) тушунчасини ишлатди.** Миллий истиқлол мафқураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувда Президентимиз сўзлаган нутқда

(2000 йил 6 апрель) “Мафкура майдони”<sup>151</sup> тушунчасини яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида – бугунги давримизда бу (мафкуравий) таъсирлардан холи бўлиш деярли имкониятсиздир.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг кизиги, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда ҳам ўз мустақилфикрга, собит этикодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий кадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериш амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин<sup>152</sup>. Масалан, Япониядан тарқалган “АУМ Сенрикё” диний оқими вакиллари дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби-яъни манкуртга айлантириб қўйган. Ёки дин нуқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринган ваҳҳобийлик оқими вакилларининг зарарли кирдиқорларини қандай мудҳиш оқибатларга олиб келганлигини тушунтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Демак, Президент Ислом Каримовнинг миллий ғоя ва мафкурага бағишланган асарларидан мантикий хулоса чиқариб, “Мафкуравий майдон” тушунчасини қуйидаги расм асосида талқин қилиш мумкин (7.2.1-расм).

“Мафкуравий майдон”нинг ядро полигонларидан хавфлилик сабаблари:

1. Агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин.
2. Мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

3. Ёшларнинг маънавий оламида бўшлиққа йўл қўйиш, уларнинг мафкуравий тажовузлигига олиб келади, бузгунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғоялари ғаразли мақсадларга йўналтирилишига олиб келади.

**2. Президент Ислом Каримов 2000 йил 6 апрелда Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан учрашувида “Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи”га бағишланган нутқида маънавий ҳаётда ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик ҳақида фикр билдиради.** Нега деганда, бутун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Шу курашда энгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

<sup>151</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.-466 бет

<sup>152</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 84-87-бетлар.

## Мафқуравий майдон тушунчаси

### 1. Мафқуравий майдон тушунчаси, шаклланиши:

- 1) “Мафқуравий майдон” атамаси янги тушунча бўлиб, “мафқура” ва “майдон” сўзларининг қўшилишидан ташкил топган ҳамда мафқуравий жараёнлар билан боғлиқ тушунча.
- 2) Глобаллашув жараёнида интеграциялашув, сиёсатлашув, дифференциялашув жараёнидир.
- 3) Бир-бирига қарама-қарши бўлган 2 кутбли (социалистик ва капиталистик) лагер гоя ва мафқураларининг барҳам топиб, кўп кутбли, хилма-хил қарашларга айланган, шаклланган майдондир.
- 4) Бир-бирига мутлақо зид дунёқараш, эски ва янги мафқуралар ўзаро зиддиятли кураш майдони.
- 5) Турли қўлам ва манзарага эга бўлган мафқуравий майдонларда турфа қараш ва мафқуралар тўқнашув майдони.

### 2. Намоён бўлиш хусусиятлари:

- 1) Сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр- талашувлар, баҳс, мунозаралардан чиқиб, зиддиятли, қонли тўқнашув, оммавий қиргинларга, одамлар бошига қайғу-қулфатлар солаётган майдон.
- 2) Ғоявий, мафқуравий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган зиддиятли ва ўзаро ҳамкорлигининг акс этиш жараёнидаги макон ва майдонидир.
- 3) Муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида бўш қолган мафқура майдонидан бизга бегона, орзу интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллаши мумкин бўлган ҳудуд, майдондир.

### 3. Мафқуравий майдонни ташкил этувчи омиллар, воситалар:

- 1) Инсон онги ва қалбига турли алоқа воситалари: ОАВ, интернет, мобил алоқа станциялари, электрон почта, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб бораётган ахборот алмашуви.
- 2) Ахборот майдони, ахборотлашган жамият.

### 4. Ғоявий манбалари:

- 1) Муайян ижтимоий-сиёсий кучлар, гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатлар, сиёсий марказларнинг мақсад ва манфаатларини ифода этадиган ҳудудий майдон.
- 2) Мафқуравий жихатдан бўлиб олиш билан боғлиқ бўлган терроризм, буюқ давлатчилик шовинизм, экстремизм, сепаратизм, тажавузкор миллатчилик каби мафқуравий таҳдидлар намоён бўладиган майдон.

### 5. Ғоявий таъсир ва акс таъсир кўрсатиш жараёнлари:

- 1) Мафқуравий марказларнинг босими ошган, ғоявий-мафқуравий тазйиқ ва тажовузларнинг намоён бўлиш майдони.
- 2) Бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг қатта, энг таъсирчан кураш, аввало мафқура майдонларида олиб борилаётган жараён (Қаримов И.А. Асарлари. Т.8. 446-б).
- 3) Иқтисодий блокада, сиёсий тазйиқлар, дўк-пўписа, кўрқитиш. Ҳарбий таъсирлар, худуди, майдони.

### 6. Ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имкониятлари:

- 1) Бўлиб ташлаб ҳуқумронлик қилиш майдони.
- 2) Инсон онги ва қалбини эгаллаш майдони.
- 3) Ғоявий, мафқуравий бўшлиқдан фойдаланиб, ўз ғоясини сингдириш.
- 4) Ишонтириш учун турли хил мафқуравий тарбия усул ва воситаларидан фойдаланиш.

“Илгари ҳам кўп бора айтганман, яна бир марта таъкидламоқчиман: мамлакатимиз сарҳадларини кўриклаш, дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини химоя қилишга армиямизнинг салоҳияти, давлатимизнинг куч-қудрати етарли. Лекин, мени хали суяғи қотмаган, онги эндигина шаклланиб келаётган фарзандларимизнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли кўпроқ хавотирга солади. Ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун энг катта хавф, десам муболага бўлмайди”<sup>153</sup>. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ислоҳ Каримов мазкур нутқида миллий ғоя, миллий мафкура маъно-моҳияти, биз учун зарур ва кераклигини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаб берди.

**Миллий мафкура – давлат ва жамият қурилишининг  
руҳий-маънавий куч-қувват манбаи**

1. Ўз келажагини қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарур. Давлат тизими, уни бошқаришдаги сиёсат аниқ мафкура асосига қурилмоғи лозим. Олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, шу асосда сиёсат юритилади. Одамларимизни олижаноб мақсад атрофида бирлаштиришимиз зарур. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсадга эришиб бўлмайди.

2. Биз тоталитар тузумдан эркин ва озод тузумга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Шу даврда мақсадимиз аниқ бўлиши керак. Мақсадга пухта ишланган мафкура асосида эришилади.

3. Ёшларимизни қандай ғоя негизида тарбиялаймиз, қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилади?

4. Ҳеч қандай ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз керак. Энг таъсирчан қураш аввало мафкура майдонларида олиб борилмоқда. Лекин, хали суяғи қотмаган ёшларимиз сохта ғояларга орқасидан эргашиб кетмоқда.

5. Миллий ғоя миллатнинг ўзлигини англашга, кадриятларни тиклашга хизмат қилмоғи керак.

6. Миллий мафкурамиз: а) миллий кадриятларга ва б) умуминсоний кадриятларга таяниши зарур.

7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги керак. “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиш мумкин”.


**7.2.2-расм**

**3. Президентимиз Ислоҳ Каримов 2000 йил “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавоблари “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқодга ва буюк келажаққа ишончдир” деб номланиб, унда айнан ва бевосита**

<sup>153</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 469 – 473-бетлар.

“мафқуравий майдон” тушунчасига яна бир бор диққат қаратди. “Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафқура майдонларида бўлаётган қурашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳея қачон унутмаслик лозим.


Агар тарихга назар солсак, илгари кучли давлатлар заиф мамлакатларни очикдан-очиб босиб олиб, ўз ҳукмини ўтказган бўлса, ХХ асрнинг охирига келиб, бундай сиёсат янги бир шакл касб этди. Ҳозирги вақтда қудратли давлатлар ва муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмокчи, ўз таъсир доирасида олмокчи бўлган мамлакатларнинг аҳолиси онгини ўзига қарам қилишга интилади... Мафқура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафқура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга, мутлақо ёт гоълар ўрин эгаллашга уриниши шубҳасиз”<sup>154</sup>. Шу боисдан Юртбошимиз мазкур савол-жавобда қуйидагиларга диққат-эътиборни қаратди.



### 7.2.3-расм

<sup>154</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-шровард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон. 2000. 489 -508-бетлар.

4. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” (2008) асарида мафкура полигонлари хақида тўхталган. “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга, - деган эди Юртбошимиз.




#### 7.2.4-расм

Одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган хаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёкараш ва мустахкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона

кўринишдаги таъсирга бардош бериш амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида яққол кузатиш мумкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини узоқ тушунтириб ўтиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман. Ўтган йиллар давомида дунёда ва минтақамизда рўй берган, биз бевосита ўз бошимиздан кечирган воқеалар, мафкуравий жараёнларнинг ривож бу хулосанинг тўғри эканини қайта-қайта исботламоқда”<sup>155</sup>.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз Ислом Каримов кейинчалик “Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш” (2009) рисоласида таъкидлаб ўтганидек, “Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган бундай уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда”<sup>156</sup>.

**Мафкуравий майдонни ташкил этувчи омиллар,  
воситалар ва ғоявий манбалар**



**7.2.5-расм**

Президент Ислом Каримов 2014 йил 27 июнда “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига” табригида бугунги кунда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига этиб бориш учун одамларда мустақил фикрлашни шакллантириш заруриятини таъкидлаш билан бирга шундай деган эди: “Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд


<sup>155</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 113 -116-бетлар.  
<sup>156</sup> Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 6-бет.

қилмасдан, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари авваламбор оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади”<sup>157</sup>.

### 7.3. “Мафқуравий полигон” тушунчаси, унинг намоён бўлиш хусусиятлари

“Мафқуравий полигон” тушунчаси. **Мафқуравий полигон** – одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг ўзига хос синов майдони. **Мафқурфвий палигон** – катта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий имкониятларга эга бўлган айрим шахс, элат, миллатларнинг ўзга одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларни жанггоҳга ташлаш олдида синаб кўриладиган махсус мафқуравий майдондир. Одатда, “полигон” деганда қурол-аслаҳа ва техникасини синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади.

Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларини узлуксиз такомиллаштириш берганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига беҳато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракетааларгача бўлган узок такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди.



7.2.1-расм

<sup>157</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т.: Ўзбекистон, 2014. 351-352-бетлар.

Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафқуравий таъсирлар оқибатида онги ва шури забт этилган, караш ва кайфиятлари “маъқул” йўналишига ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эғалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги давр ғоявий қарам-қаршилиқлар мураккаб тус олган, мафқура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфсизроқ бўлиб бораётган даврдир. Хусусан, мамлакатимиз ичида ўзларининг зарарли ғояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиш, онгини захарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган “ваххобийлар” “хизб-ут-тахрир”чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин<sup>158</sup>.

Бугунги кунда мафқуравий полигонларда муайян гуруҳлар ва давлатлар ўзларининг гаразли манфаатларини ифода этаётган турли тажовузкор ғояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафқуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эғаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усулидир.

Мафқура полигонларининг ғоявий хуружи шахс, жамият ва давлатга қаратилган бўлиб, улар онги ва қалбини эғаллаб издан чиқариш, ўлка, юрт бойликларини талон-тарож қилиш. Уларнинг асл мақсад-муддаоларини аниқлаш усуллари: “ижтимоий фикр” орқали, савол-жавоб ёки жангари гуруҳларнинг саъй-ҳаракатларидан билиб олиш мумкин.

**Мафқуравий профилактика** – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафқуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун тарбия тизимини қамраб олади. Мафқуравий профилактика ғоявий бўшлиқни бартараф этиш, мафқуравий парокандалиқнинг олдини олиш ёки бирон-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарали ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади<sup>159</sup>. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларида фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади.

Мафқуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчисида, доимий ва собит қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафқуравий иммунитет тизимини шакллантиришда маънавий таълим тарбия тизими таянган мафқуравий иммунитетнинг ўрни катта. Зеро, у моҳиятан, ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

<sup>158</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2009. 294-295-бетлар.

<sup>159</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2009. 295-бет.

**Мафқуравий полигонларининг захираси, таъсир кўрсатиш усуллари ва воситалари (хам ижобий ҳам салбий мезонларда)**

**1. Мафқуравий полигонлар захираси:**

- 1) Замонавий техника воситалари, ОАВ, Интернет, компьютер, факс, уяли телефон, параболи антенна, электрон почта.
- 2) Табиий ресурслар, инсон салоҳияти ва имконияти.
- 3) Ватанпарварлик ва космополитизм ғоялари.
- 4) Давлат ҳокимияти имконияти ва нодавлат характеридаги ҳар хил мафқуравий марказлар.
- 5) Миллий давлатчилик ва давлат шовинизми тарафдорлари.
- 6) Демократия тарафдорлари ва Евроцентризм, индивидуализм мафқураси.
- 7) Фашизм, неофашизм, коммунизм каби бузғунчи мафқуравий ғоялар, жангари кишилар уюшмаси.
- 8) Ақидапарастлик ва янгилик тарафдорлари.
- 9) Диний партиялар, ваҳҳобийлар, ҳизбут таҳрир, акромийлар, миссионерлик ҳамда сиёсий институтлар, мафқуралар, фикрлар хилма-хиллиги.
- 10) Прагматистлар (ҳаракат, интилиш) ва эгоцентризм.
- 11) Экзистенциалистлар (онгли, хушёр, сергак) ва конформизм (бефарқлик, лоқайдлик) тарафдорлари.
- 12) Рационалистлар (масалага ақл билан ёндириш) ва иррационалистик (ақлга зид, ғайришуурий, воқеликни чуқур ҳис этмаслик, хавф-хатарни англамаслик) каби.

**2. Мафқуравий полигонларининг таъсир кўрсатиш усуллари (хам ижобий ҳам салбий таъсирда)**

- 1) Ишонтириш ва макр билан алдаш, онгни заҳарлаш.
- 2) Уюштириш ва сепаратизм (айирмачилик).
- 3) Сафарбар этиш ва миссионерлик (лот.юбориш, вазифа топшириш), прозелитизм (ўз динидан қайтариш).
- 4) Ички ва ташқи мафқуравий хуружлар орқали таъсир кўрсатиш ҳамда мафқуравий тарбия таъсир усули.
- 5) Илмийлик, кенг қамровлилик, тарғибот-ташвиқот, суҳбат, савол-жавоб, янги педагогик ва ахборот технологиялари орқали таъсир кўрсатиш усули.
- 6) Ғоявий бузғунчилик, кўпорувчилик, ахлоқсизликни сингдириш ва ахлоқлилик тарбия усуллари.
- 7) Ижтимоий иктисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш ҳамда ҳозирги тараққиёт даражасини таққослаш усуллари.
- 8) Зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш.
- 9) Ақидапарастлик, диний экстремизм усулларни қўллаш.
- 10) Сохта ғояларни тарқатиш.
- 11) Босқинчилик, шовинизм, ирқчилик, фашизм, неофашизм, коммунизм ғояларини сингдириш.

**3. Воситалар:**

- 1) Замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланиш.
- 2) Ҳар хил характеридаги сиёсий партиялар, ОАВ, маҳалла, оила.
- 3) Богча, мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей, олий ўқув юртлари, докторантура ва ҳ.к.
- 4) Ижтимоий-сиёсий, тарбиялаш, маърифий институтлар, адабиёт, санъат, театр, кино ва ҳ.к.

Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафқуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга.

**Мафқуравий ва профилактик  
тизимнинг ўзаро боғлиқлиги**

1. Маънавий таълим-тарбия тизимига таянган мафқуравий профилактиканинг ўрни катта. Чунки таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафқуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради.
2. Улар моҳиятан, ёт гоълар кириб келишининг олдини олиб, уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.
3. Мафқуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқича-босқич амалга оширилади.
4. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчисида, доимий ва собит қадамлик билан олиб бориш кўпроқ натижа беради.
5. Ижтимоий институт (тузилма) лар: оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари соғлом мафқурани халқ қалби ва онгига сингдиришда роли беқийс.
6. Мафқуравий профилактикани амалга ошириш шакллари: Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртақ, дoston, кўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар билан боғлиқ.
7. Хавф-хатарларга қарши доимо сергақ, огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш зарур.
8. Бундай таҳдидларга қарши чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия хал қилувчи касб этади.
9. Президентимиз ва халқимиз томонидан огоҳликка чақирувчи куйидаги шнорлар илгари сурилди:
  1. "Ўзинни, ўз уйингни асра!"
  2. "Огоҳ бўлинг одамлар!"
  3. "Тинчлик учун курашмоқ керак!"
  4. "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!"
  5. "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак."

**7.3.2-расм**

Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртақлару дostonлар, кўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар мафқуравий профилактикани амалга ошириш шакллари дидир. Президентимиз Ислоҳ Каримов тобора кучайиб бораётган турли хавф-хатарларга қарши доимо сергақ, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зарурлигини уқтириб, "Бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия"<sup>160</sup> хал этувчи аҳамият касб этишини таъкидлайди.

<sup>160</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 115-116-бетлар.

## Мафқуравий жараёнларнинг таъсири

**1. Миллий менталитетга таъсири.** Мафқуравий жараёнлар миллатнинг фикрлаш тарзи, тафаккури, миллий онг ва фаолият характериға, миллатнинг анъаналари, маданияти, ижтимоий тузилмаси билан бевосита боғлиқ. Ўз навбатида миллий анъаналар, маданият тарзига акс таъсир кўрсатади. Миллий менталитетни ташкил этувчи компонентлар онгсиз равишда шаклланади ҳамда аждоқлардан авлодларга ўтиб боради. Миллий жараёнларда миллий менталитетнинг икки томони мавжуд. 1) Миллий менталитетнинг консерватив томони аждоқлардан ўзгаринсиз ўтиб боради ва миллий анъаналарнинг мустақкамлигини таъминлайди. 2) Миллий менталитетнинг ўзгарувчан томони эса миллий тараққиётнинг асосини ташкил этади. Миллий менталитет ижтимоий институтлар ва ижтимоий-иқтисодий муҳитга караганда нисбатан секин ўзгаради. Шу боис глобаллашув жараёнида ижтимоий-сиёсий янгилашни жараёнига тўсик сифатида намоён бўлиши ҳам мумкин. Миллий менталитетнинг ўзгартрилишни миллат ривож учун замин яратади, бу борадаги янгиликларни миллий онг ва тафаккурға киргитади.

**2. Сиёсий онгга таъсири.** Мафқуравий жараёнлар сиёсий борлиқни идрок қилишда ижтимоий воқелиқни ифода этиб, сиёсий фаолият жараёнида жамиятга таъсир кўрсатади. Шу боисдан ижтимоий жараёнларни сиёсий бошқариш амалиётида ҳам жамиятнинг уни ташкил этувчи индивидлар, ижтимоий гуруҳлар қатламларининг сиёсий онг ҳолатини ҳисобға олиш ўта муҳимдир. Сиёсий онг тушунчаси мафқуравий жараён тушунчасига караганда нисбатан субъектив ҳодисаларни акс эттиради. Мафқуравий фаолиятда сиёсий онг реал сиёсий муносабатларни акс эттирувчи ижтимоий ҳис-туйғулар, тасаввурлар ва қарашлар мажмуидан иборат ижтимоий онг соҳасидир.

**3. Диний эътиқод мафқуравий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, унга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин.** Эътиқод (араб.ишонч.имон) – муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур тарзини ифода этувчи тушунча. Эътиқод билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради ва бу функциялар одам ва оламни ўзаро уйғунлаштириб жамиятни бирлаштиради. Шу тариха турли эътиқодлар (Конст. 31-модда), хилма-хил қарашлар ва муносабатларни уйғунлаштириш концепциясини асослагға йўл очади, бунда жамиятни барқарорлаштириш масаласи инсоннинг маънавий-руҳий етуқлиғи ва қомиллиғи билан боғлиқ ҳолда тушунилади. Диний-маърифий қарамлиғи жамият тараққиётининг муҳим омилти даражасига кўтарилади.

**4. Ижтимоий руҳиятга таъсири.** Мафқуравий жараёнлар кишиларда шахслараро муносабатларни шакллантиради, уларда ўзи ва атрофдагиларда айнан тасаввур этиш укувини юзага келтиради, вазиятга мослашувчан муносабат қобилияти ривожланади. Ижтимоий руҳиятда эътиқод, умид, билим, муҳаббат ва донолик сифатлари мафқуравий жараёнлар билан боғлиқ тарзда оламни ўзлаштиришнинг олий даражаси, қадриятларининг, мақсад ва маъноларнинг муайян табақаси мавжудлиғида ўз ифодасини топади.

**5. Маънавий-маданий савиясига таъсири.** Маънавий маданий савия – инсоннинг маънавий хусусиятлари ва ҳислатлари, жамиятнинг маданий даражасини акс эттирувчи тушунча. Мафқуравий жараёнлар жамият ва ўз-ўзини тарбиялаш жараёни, шахснинг ҳагги-ҳаракати ва қиёфасида маънавият тамойиллари қанчалик чуқур сингиб кетганлигини билдиради. Маънавий маданият моддий маданият тушунчаларидан фарқ қилади, аммо у билан боғлиқ ва ўзаро алоқада намоён бўлади. Агар маънавият тушунчаси барча маънавий нарсалар ва хусусиятларини – инсониятнинг ижодий, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, бадий, диний, ахлоқий каби тасаввурларни англатса, маънавий маданият билим ва тажрибаларидан қундалик ҳаётда қўлланилишини англатади. Мафқуравий жараёнлар ва маънавий маданият инсон онгининг бетиним ижод қилиб турувчи жиҳатлари – ечим мураккаб бўлган қийин вазиятларда муайян бир қарор қабул қилишга ёрдам берадиган маънавий тафаккур, ҳис-туйғу каби омилларға ҳам суянади.

### 7.3.3-расм

Мафкуравий жараёнларнинг миллий тараққиётга 2 хил таъсири, яъни ижобий ва салбий таъсирлари мавжуд.

**1. Ижобий таъсири.** Инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари, ютуқлари тарихий макон доирасидан чиқиб, байналминлашиб, универсаллашиб, ўз мустақиллигини қўлга киритган ва ривожланаётган миллий давлат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавият ҳаёт соҳаларига кириб, интеграциялашиб бормоқда. Масалан, ўрта асрлар даврида Марказий Осиёда ривожланган фан, маданият, илм соҳаларидаги тараққиёт XV асрдан кейин Европа маданиятининг ривожланишига замин яратди. Чоризм истилоси, Сўбик Иттифок мафкурасининг оқибатларини бартараф этишда Ғарб илм-фан, маданиятнинг илғор ютуқлари, технологиясидан миллий тараққиётда фойдаланиш, ижобий ютуқларини ўзимизга олиб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини ҳисобга олиш лозим.

**2. Салбий таъсири.** Миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги бекарорлик, улар манфаатларидан ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига ҳавф тугдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва нарқобизнес ҳодисаларини намоён бўлмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мамлакатларда пайдо бўлаётган ғоялар тез суръатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада айрим ёшлар ёвуз ғоялар, мафкуравий марказлар босими таъсирига тушиб қолмоқда. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувини савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган “санъат асарлари”нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан мамлакатимизга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга оширилаётган ғоявий бузғунчиликнинг мақсади “бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш”, яъни мамлакат ичкарисидан парокандаликни келтириб чиқариш, унинг дунёдаги обрўсига путур етказиб, минтақа давлатларини бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, сепаратизмни келтириб чиқариш каби мақсадларини ўз олдига вазифа қилиб олган ёвуз кучлар таъсирини англамоқ лозим.

#### **7.4. Мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари**

Ички ва ташқи таҳдидлар ғоявий бўшлиқ туфайли содир бўлади.

**Ғоявий бўшлиқ** – муайян шароитида жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолатини англатувчи тушунча. Ёки бошқача айтганда, ғоявий бўшлиқ деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка дахлдор қадриятлар, тушунча ва тасавурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бўшлиққа айтилади.

Ғоявий бўшлиққа олиб келувчи сабаблар:

1. Бошқа мафкураларни тан олмаслик.

2. Якка ҳокимлик (коммунистик) ғоясининг мутлак ҳукмронлиги ва тарғиботи.

3. “Йўлбошчи синф” мафқураси номигагина ижтимоий гуруҳ мафқураси эканлиги.

4. Коммунистик мафқуранинг одамлар виждон эркинлигини чеклаб қўйиши, ким унга журъат қилса, “халқ душмани”га айлантирилиши.

5. Миллийликдан, кадриятлардан бутунлай холи бўлганлиги.

6. Миллий тарих, Ўзбекистон тарихи, ўтмишини тан олмаслик.

7. Халқнинг динига, диний меросга, диний кадриятларга мутлако ногўғри муносабат ва ҳ.к.

Мафқуравий бўшлиқ тушунчасининг мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш хусусиятлари Президент Ислом Каримов асарлари, айниқса, “Юксак маънавият – енгилмас куч” (2008) асарида далил ва мисоллар асосида чуқур ёритиб берилган, унинг оқибатларини бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Дастлаб Юртбошимиз томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилди. Улар қаторида “мафқуравий иммунитет”, “мафқуравий профилантика” тушунчаларидир. “Мафқуравий иммунитет” тушунчасини биринчи бор Президент Ислом Каримов ишлатган ва унга 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига жавобларида “Миллий мафқура халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” мавзудидаги суҳбатида унга куйидагича таъриф берган: “Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизорагида она Ватанга, бой тарихимизга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафқуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”<sup>161</sup>.

**Мафқуравий иммунитет** (лот.озод бўлиш, қутилиш) – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва кадриятлар тизими. Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташки инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет – киши организмнинг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Иммунитет табиати бўйича 3 га бўлинади:

1. Филогенитик иммунитет (наслдан наслга ўтайдиган ҳимоя омиллари).

2. Туғма иммунитет (турга хос, табиий, наслдан наслга ўтиши).


3. Орттирилган иммунитет (ҳаёт давомида наслга ўтиши).

Инсонда мафқуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафқуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин.

Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга давъат этувчи рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам

<sup>161</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -494 бет.

бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафқуравий курашининг бош мақсади бўлиб қолмоқда. **Мафқуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсур**и, бу билимдир. Аммо билимлар кўп... **иккинчи асосий** қисми ана шу билимлар замирида шаклланадиган кадрятлар тизимидир. **Учинчи унсур**: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий маърифий соҳаларидаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ.



7.4.2-расм

### **Мафқуравий иммунитетнинг хусусиятлари:**

1. Одамдаги табиий иммунитет туғма бўлса, унинг мафқуравий иммунитетини туғма эмас, балки ҳаёт давомида шаклланади.
2. Мафқуравий иммунитет доимий ва абадий эмас, балки ўзгарувчан, авлодлар давомида ўзига хос ўзгариб боради.
3. Мафқуравий иммунитет тизими шакллангандагина шахс, элат, миллат, халқнинг мафқуравий дахлсизлиги таъминланади.

### **Мафқуравий иммунитет тизимининг асосий элементлари:**

1. Билим, илмий билимлар.
2. Баҳо, қадриятлар тизими.
3. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқий, маънавий-маданий мақсадлар тизими.

Мафқуравий профилактика – уни шакллантиради.

**Мафқуравий профилактика** – мафқуравий иммунитет тизимини шакллантирувчи бош омил.

Мафқуравий профилактика, бу ғайриинсоний ғоя ва мафқураларнинг олдини олиш, уларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат, жамоат ташкилотлари томонидан кўриладиган чора-тадбирлардир.


**Мафқуравий профилактика** – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафқуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафқуравий профилактика ғоявий бўшлиқни бартараф этиш, мафқуравий парокандалиқнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Биз бу ҳақда олдинги саволда кўриб ўтган эдик.

**Ижтимоий муҳит** – индивидуал онгда ғоя ва мафқурага муносабатни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб, шахс мафқуравий фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Унинг моддий ва маънавий шарт-шароитларида интеллектуал асосини билим, тажриба ва кўникмалар ташкил қилади.

**Мафқуравий профилактикани олиб бориш чора-тадбирлари:**

1. Четдан ҳар қандай ғайриинсоний ғояларнинг кириб келишига йўл қўймаслик (китоб, газета, журнал, фильм ва ҳоказо).
2. Шу йўлда хизмат қилувчи фанатикларни зарарсизлантириш.
3. Вайронкор ғоялар мафқуравий марказларини, молиявий ўк томирларини қирқиш.
4. Ғайриинсоний ғояларни тарғиб қилувчилардан давлатни огоҳлантириш.
5. Вайронкор ғояларнинг ички ва ташқи илдизларига болта уриш.
6. Шундай жойларда тарғибот-ташбиқот ишларини кучайтириш.
7. Маънавий-маданий тадбирларни ўтказиш.

**Индивидуал онгда ижтимоий муҳитнинг  
индивидуал асоси, бу**



**7.4.3-расм**

**Сиёсий маданият** жамият учун кўпроқ хос бўлган мафкуравий иммунитетни шакллантиришда стереотиплар, сиёсий, ғоявий тасаввурлар, қарашлар, қадриятлар, анъаналар ва сиёсий хулқ-атвор рамзларининг мажмуасидир. Мафкуравий иммунитет ва сиёсий маданият мутаносиблиги, бу:

1. Сиёсий тизим мафкуравий жараёнларни барқарорлаштирувчи, маърифатлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

2. Сиёсий анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий ва тарихий тажрибанинг ворисийлигини таъминлайди.

3. Омманинг сиёсий онгини, мафкуравий иммунитетни ва сиёсий хулқ-атворини белгилайди.

## 8-боб. ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

### 8.1. Жамият барқарорлигини таъминлашда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий омилларнинг муштараклиги

**Жамият барқарорлигини таъминлашда иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий омилларнинг муштараклиги муҳим аҳамиятга эга.** Барқарорлик, аввало, бу жамиятда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга асосланган тинч шарт-шароитнинг мавжудлиги. Шунингдек, ижтимоий барқарорлик – жамиятдаги ижтимоий қатламлар, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликдир. Ёки давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини англатадиган тушунча.

Хитой донишманди Конфуций “Фаровонликка эришиш – орзу, ислохотлар – унга етиш воситаси, барқарорлик мақсадга эришишнинг асосий шарт-шароитидир”, дея бежиз таъкидламаган. Ғарб олимлари Р. Дарендроп ва А. Козер аслида барқарорлик ҳеч қачон мавжуд бўлмайди, у бекарорлик арафасидан кейинги ҳолат, жамиятнинг янги бекарорлик олдидан тин олиш даври, деган фикрни илгари суради. Т.Парсонс (XX аср, АҚШ) “Ижтимоий тизим барқарорлиги қоидалари”ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, ҳар қандай жамиятнинг барқарорлиги унинг ижтимоий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолиятининг ўзаро уйғун бўлиши билан белгиланади. Ана шу уйғунлик доимий барқарорлик омилдир. Бунда давлатнинг вазифаси жамиятнинг энг кичик бўғинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат<sup>162</sup>.

Тарихдан маълумки, жамият яхлитлигининг таянчлари бўлмиш иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий муносабатлар ва маънавий соҳаларда барқарорликнинг издан чиқиши одатдагидан кўра кучлироқ ижтимоий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай салбий жараёнлар маънавият соҳасида ҳам содир бўлиши мумкин. Уларнинг сабабларини иқтисодий ёки сиёсий омиллар таъсири билан изоҳлаб бўлмайди. Гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, инсон зотига ярашмайдиган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳам барқарорликка салбий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

Барқарорлик масаласи 1989 йилда Бразилиянинг Рио де Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон Конфедерациясида илк бор сиёсий жабҳанинг яққол устуворлиги билан боғлиқ. Лекин глобал муаммолар ечимини излаб топиш инсон маънавий дунёси, ақлий салоҳияти, улкан бунёдкорлик қудратининг тўлиқ сафарбар этилиши билан узвий боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин барқарорлик жамият тараққиётининг, ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шarti, маънавий

<sup>162</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. 2009. 64-бет.

юксалиш омилига айланди. Президентимиз томонидан асослаб берилган миллий тараққиёт модели мамлакатни барқарор ва босқичма-босқич тараққий эттириш тамойилига асосланган. Барқарорлик бу борадаги барча ислохотлар ва тадрижий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий шarti, мамлакатимиздаги тинч-тотувликнинг ажралмас ҳамроҳидир. Шу билан бирга, жамиятимиз барқарорлиги, халқимиз тинч-тотувлигини асраш ва мустаҳкамлаш, ҳимоялашга тайёр бўлиш, бу борада ҳушёр ва огоҳ бўлиш барчамизнинг маънавий бурчимиздир (8.1.1-расм).

**Барқарорлик ижтимоий тузилиши (маънавий юксалиши)нинг элементлари ва омиллари**

**1. Сийсий барқарорлик омиллари.** Жамият сийсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, кўппартиявийлик муҳити, демократик институтлар барқарорлигини сақлаш, “Кучли давлатдан-кучли жамият сари” концепциясини ҳаётга жорий этиш, давлатнинг ислохотчилик вазифаларини демократлаштириш, жамиятнинг энг кичик бўгинлари, жамоалар, ташкилотлар, идоралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат.

**Барқарорлик деганда:**

1. Жамият ҳаётининг осойишталиги.
2. Ижтимоий тузум элементларининг уйғунлиги.
3. Жамиятдаги ижтимоий бирликлар вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжихатлиги тушунилади.

**Беқарорлик деганда:**

1. Қонунларнинг ишламаслиги.
2. Турли жинойи гуруҳларнинг пайдо бўлиши.
3. Ижтимоий адолат мезонларининг бузилиши.
4. Носоглом рақобатнинг кескин тус олиши.


**2. Иқтисодий барқарорлик омиллари.** Кўп укладли иқтисодиётга асосланган эркин бозор ҳўжалиги ислохотларини янада чуқурлаштириш, ўрта мулждорлар синфини ривожлантириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни модернизациялашни кенгайтириш, интеллектуал иқтисодий ва экспорт салоҳиятини юксалтириш. Иқтисодиётнинг ижтимоий функцияси барқарорлигини сақлаш.

**3. Ижтимоий барқарорлик омиллари.** Жамият ҳаётининг барча соҳаларини, ижтимоий муҳофаза тизими механизмни такомиллаштириш, оила, онлавий ва диний, сиёсий, миллий муносабатлар тизими мутаносиблигини сақлаш, ривожлантириш, жамият соғлом муҳитини, хавфсизлигини таъминлаш, комил инсонни тарбиялаш.

**4. Маънавий барқарорлик омиллари.** Жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шахсий ва ижтимоий онг барқарорлигини сақлаш, фикрлар ҳилма-ҳиллиги, кўппартиявийлик муҳитини, диний бағрикенгликни, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, миллий, умуминсоний, диний кадриятларни, кексаларни эъзозлаш, мафқуравий, гоъвий, информацион хуружларга, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, инсон зотига ярашмайдиган бошқа хатти-харакатларнинг олдини олиш, фуқаро маънавий дунёси, ақлий салоҳияти, улкан бунёдкорлик қудратини ҳисобга олиш.

**8.1.1-расм.**

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Тинчлик ва барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйкуга ётиб, эрталаб туришга кўркмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади” (Т.22.-278-бет).



8.1.2-расм

Демак, **тинчлик** бу – ҳар бир инсон, элат, миллат, халқ ва давлатларнинг ҳаёти фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган, уларни ҳар хил ёмонликлар билан безовта қилмайдиган беташвиш, уруш-жанжалларсиз осойишта яшашлари учун тўс-тополонлардан, ўзаро зиддиятли тўқнашувлардан, катта-кичик урушлардан холи бўлган шароитдир.

**Барқарорлик** – бутинчилик туфайли жамият ҳаётининг қатъий, муқим, мустаҳкам, бир текис тарзда фаолият кўрсатиш асосида ривожланиш имкониятларига айтилади. Тинчлик – барқарорликнинг ўқ илдизи бўлса, барқарорлик тинчлик асосидир.

**Беқарорлик** – турли хил зиддият ва урушлар туфайли жамият ҳаётининг издан чиқишидир, одамларнинг ороми бузилиши, бошбошдоқликнинг кучайиши, ҳар хил бузгунчи ғояларнинг одамлар онгини захарлашга қаратилган ҳаракатлари туфайли содир бўладиган ғоясизликдир, ғоявий заифликнинг авж олишидир. Уруш беқарорликка олиб келса, беқарорлик одамларнинг иқтисодий муҳтожликка, сиёсий парокандаликка, маънавий қашшоқликка, мафкуравий бузгунчиликнинг кучайишига олиб келади. “Чиндан ҳам тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади” (Каримов И.А. Асарлар. Т.21. 354-бет).

**Миллий ғоянинг этиносиёсат ва этномаданият ривожига таъсири. Этносиёсатга таъсири.** Этнос (юнон – қабила, халқ) – муайян табиий-экологик шароитларда тарихан юзага келган кишиларнинг барқарор мажмуи<sup>163</sup>. Этнос умумий (диалектларни ҳам қўшганда) қиёфа ва барқарор маданиятга барқарор хусусиятларига, руҳий ўзига хослик ва менталитетга эга бўлади. Этнос келиб чиқиши асоси бирлигини ва тарихий тақдири ягоналигини, бошқа этнослардан фарқини англаш хусусиятига эга.

Миллат ва элатларнинг муносабатлари ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, дўстлик тамойиллари асосида ташкил этилиши ва миллатлараро кескинликка йўл қўймаслик давлат амалга ошираётган миллатлараро сиёсатнинг ёки миллий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини ташкил қилади.

**Миллий муносабатларнинг ижтимоий  
муносабатлардан 2 муҳим тафовути**

1. Жамият ҳаётининг барча  
воқеаларига дахлдорлиги

2. Жамият ҳаёти соҳаларидан алоҳида  
мустақил қолда мавжуд эмаслиги

**8.1.3-расм**

Ер юзида 3 мингга яқин (2976) миллат мавжуд, 20 га яқин тил оиласи бор, Тил оилалари ўз навбатида тил туркумларига бўлинади:

1. Ҳинд-Европа оиласи.
2. Олтой тиллар оиласи:
  - 1) Тингус-манжур тармоғи.

<sup>163</sup> Ижтимоий ҳимоя: атамалар низоҳли лугати. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2007. 382-бет.

2) Мўғил тармоғи.

3) Туркий тиллар тармоғи:

а) Қипчоқ уруғи: қозоқ, қорақалпоқ, сурхондарёдаги жўкчилар.

б) Қарлук уруғи: уйғур, ўзбеклар, қирғиз, тотар, бошқирд, гагауз.

в) Ўғиз уруғи: хорзмликлар, туркмалар, турклар, озарбайжонлар.

Ўзбекистон аҳолиси 31,5 миллион киши (2015). Миллий таркиби (136 миллат ва элатлар мавжуд):

1. Ўзбеклар 81.7%. 2. Руслар 5.3%. 3. Тожиклар 4.7%. 4. Қозоқлар 4.5%, Татарлар 2.4%, Қорақалпоқлар 2.1%. Шахар аҳолиси 48.5%; Қишлоқ аҳолиси 51.5% ни ташкил қилди.

**Миллий муносабатлар кенг тушунчага эга бўлиб**, у умуман бир давлат таркибидаги миллатлар ўртасидаги муносабатларни ҳам, турли давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳам, турли миллатларга мансуб шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳам ўз ичига олади. Миллий масала мавжудлигининг асосий сабаблари халқларнинг эркин ва ҳар томонлама ривож учун зарур шароитларнинг бир хил эмаслиги ва этнослар ўртасида бўйсунуш ва ҳукмронлик муносабатлари мавжудлигидадир.

**Миллатларнинг ривожланиш диалектикаси** – миллий тараққиётни амалга оширувчи ички зиддиятли ўзаро ажралмас икки куч бўлиб, миллатлар ҳаётида умумий томонларнинг кўпайишини, шу билан бирга, миллий ўзига хослиқнинг сақланиши ва такомиллашувини ифодалайди.

Президентимиз Ислом Каримов миллий сиёсатни амалга оширган вақтда миллатлараро муносабатлар жараёнида миллий ва минтақавий хавфсизликка таҳдид соладиган можароларни вазиятларга йўл қўймаслик учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб берди:

1. Давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини химоя қилишнинг устувор бўлишига асосланиш даркор, шунингдек, миллий озчиликнинг ҳуқуқлари камситмаслиги шарт.


2. Давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўли миллатлараро зиддиятларни амалий тарзда ҳал қиладиган усулларга асосланиш лозим.

3. Жамиятнинг барча муносабатларига асосланадиган иқтисодий тараққиёти одамларни ижтимоий химоялашнинг кучли механизмини таъминлаган ҳолда республика ҳудудида яшаётган барча миллатларга мансуб аҳолининг манфаатларига мосдир. (8.1.4-расм).

Шу боисдан ҳам миллий ғоя этносиёсат билан узвий боғлиқ бўлиб, миллат ривожига таъсир кўрсатади. Миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шаклидир.


Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирини дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941-1945) фашистлар босиб олган Францияда “Қаршилик кўрсатиш” ғоясининг миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотди. Бирор-бир ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқ. Зеро, ана шу икки негизга таянган ҳолдагина у

миллатнинг қисқа ёки узок вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин.



**8.1.4-расм**

Том маънодаги миллий ғоя охир-оқибатда озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қилади. Шу маънода, ҳар қандай миллий ғояда умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо аниқ бир миллат ёки умуман инсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар ҳам бор. “**Миллий ярашиш**” ғояси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаѳтий мазмунга эга бўлса, “**Манфаатли ҳамкорлик**” ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир. Ҳар қандай халқ ўз тарихининг бурилиш нукталарида, аввало, мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини ҳал қилади<sup>164</sup>.




**8.1.5-расм**

<sup>164</sup>Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Академия, 2007. 220-бет.


Демак, миллий мафкура миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод таракқиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизимидир.

**1. Миллий ғоянинг этномаданиятга таъсири.** Этномаданият – социология, антропология, маданиятшунослик, фалсафий, этнопсихология сингари қатор фанлар томонидан ўрганиладиган ҳар бир халқнинг муайян тарихий жараёнда шаклланадиган маданияти. Этномаданият умуминсоний кадриятлар, маданий ва ахлоқий анъаналарнинг битмас-туганмас манбаидир. Ҳар бир халқ маданияти 3 таркибий қисмдан иборат.



8.1.6-расм


Ўзбек этномаданияти жаҳон маданиятининг таркибий қисмидир. Аини пайтда унинг таркибида турли ҳудудлар этномаданияти мавжуд. Масалан, Хоразм этномаданияти, Фарғона этномаданияти, Қашқадарё ва Сурхондарё этномаданияти ва ҳоказо.



8.1.7-расм

Этносиёсатнинг асосини кадриятлар ташкил қилади. Т. Сорокин (1889-1969 йиллар, россиялик йирик олим) таъбири билан айтганда, “Қадриятлар ҳар қандай маданиятнинг асоси ва пойдеворидир”. Этник кадриятларнинг аксариятида умуминсоний кадриятлар ҳам акс этади. Масалан, ўзбеклар учун

хос бўлган меҳмондўстлик қадриятида умуминсоний қадрият ҳам акс этган. Фарқи шундаки, меҳмондўстлик турли миллатларда турли даража ва шаклларда намоён бўлади. Этномаданият бир томондан, социумнинг таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан, этнос яшайдиган табиат билан бевосита алоқадор. Шунинг учун ҳам шимол халқлари фольклорида музликлар, бепоён ўрмонлар акс этса, жануб халқлари оғзаки ижодида саҳролар, чўллар, қуёш тафти тараннум этилади.



8.1.8-расм

Этномаданиятнинг вужудга келиши этногенез билан параллел ва боғлиқ тарзда юз беради. Этноснинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тажрижий этномаданиятга акс этади. Ҳар бир халқнинг этногенези ўзига хос шакл ва усулда юз бергани учун унинг этномаданияти ҳам ўзига хос бўлади. Ҳар қандай этнос бошқа этнослар таъсирида ва улар билан ўзаро алоқада шаклланади. Ҳатто оролларда яшовчи халқлар ҳам ташқи дунёдан мутлақо ажралган ҳолда ривожланмайди. Бу қабила ва халқлар, аввало, ўзаро, қолаверса, ташқи дунё таъсирида ривожланади. Худди шунингдек, этномаданият ҳам полиэтник муҳитда, яъни кўп ва турли этнослар маданияти таъсирида шаклланади ва ривожланади.

Этномаданият мавжудлиги ва ривожланиши ворислик орқали таъминланади. Лекин бу ворислик ирсий йўл билан эмас, ижтимоий тараққиёт жараёнида, кекса авлод томонидан маданий анъаналарни ёш авлодга сингдириш, узатиш орқали шаклланади. Этномаданият этник стереотипларда, анъана ва кадриятларда, фольклорда намоён бўлади.

Этник ўзини-ўзи англаш этномаданият асосида юз беради. Бу ҳол этномаданиятнинг халқлар ва миллатлар ривожланишида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолатдир. Этномаданият бўлмаса, миллий ўзликни англаш мумкин эмас. Демак, миллат ёки бошқа этнос мустақил этнос сифатида мавжуд бўла олмайди ва бу этнос маданиятига сингиб кетади. Миллий ўзига хослик, миллий характер, миллий менталитет негизида этномаданият ётади.

Ўзбекистонда миллий сиёсатнинг амалга оширилиши ва унда этник бирликлар манфаатлари ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий ва ижтимоий асослари. (8.1.8-расм).

## **8.2. Миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик тушунчалари ва уларнинг миллий ғоя билан муштарақлиги**

**1. Миллатлараро тотувлик ғояси** – умумбашарий кадрият бўлиб, миллатлараро аҳиллик, халқаро дўстлик; миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшashi, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча. Ер юзидаги 1600 дан ортик миллатдан бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфаатлари, руҳияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бирёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади. Хусусан, давлатга ўз номини берган миллат билан ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва элат вакиллари ўртасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қилади. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва барқарорлик издан чиқиши мумкин. Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжихат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалдан бағрикенглигини кўрсатади.

**Миллатлараро тотувлик ғояси** деб муайян мамлакатда яшаётган кўпчиликни ташкил қилувчи асосий миллат билан озчиликни ташкил этувчи бошқа элат ва миллат вакилларининг ягона мақсад йўлида бирлашиб, ўзаро тенглик, ҳамкорлик, аҳиллик, иноқлик билан бир-бирларининг тили, диний эътиқоди, урф-одатлари, анъана ва миллий қадриятларини ҳурмат қилиб, эъозлаб, яшашларини тараннум этувчи фикрлар ва амалий хатти-харакатлар тизимига айтилади.

Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий – иқтисодий ривожланишга самарали таъсир этади. **Миллатлараро тотувлик ғояси** умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ҳамда барқарорликнинг қафолати бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ер юзиде 7 миллиардан зиёд аҳоли мавжуд. Ўзбекистон ҳудудида 136 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Ҳар бир миллат Яратганининг мўъжизаси бўлиб, ўз мулки, дини, маслағи, қадриятлари, анъаналарига эга. Шу боисдан ҳам мазкур маънавий омилларнинг амал қилиши миллатлараро тотувликнинг муҳим шартларидан саналади.

Давлатлар бу борада кўп миллатли (полиэтник) ва бир миллатли (моноэтник) таркибга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хослиги билан бир-бирдан фарқ қилади. Ҳар бир мамлакатда турли миллат вакилларининг мавжудлиги азал-азалдан унга ўзига хос табиий ранг-баранглик бахш этиб келган. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўзига хос қадриятлари ҳам бор. Умумий қадрият ва хусусий манфаатлар бир-бирига зид келиб қолиши мумкин. Бунда муайян мамлакатдаги миллий сиёсат муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон каби полиэтник мамлакатда турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва миллатларнинг тараққиёти, бутун жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқ.

Бутун дунёда, биринчи навбатда, кўшни мамлакатларда ёнма-ён яшаётган этнослар ўртасида тинчлик, осойишталик, барқарорлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлилик, тенг ҳуқуқли муносабат бўлмаса, улардан ҳеч бири ўзининг порлоқ истиқболини таъминлай олмайди. Шу билан бирга, бир мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг кондириш, улар ривожини таъминлаш жууда мураккаб масала эканини ҳам англамоғимиз даркор. Миллатлараро тотувлик ғояси ана шу масалани тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади. Мамлакатимизда ушбу ғояни амалга оширишга катта эътибор берилмоқда. (Бу ҳақда 1-бобдаги 5-саволида ҳам фикр юритилган).



### 8.2.1-расм

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Республика аҳолиси ўртасида кўпчилиكنи ташкил қиладиган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиши учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан иборатдир”. Бундай муҳит миллатлараро муносабатларда турли муаммолар тўғилишига асло йўл қўймайди ва Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби умуммиллий гоёларни ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Неча йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик бermoқдаки, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидан ҳисобланади. Бу боралаги анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқарolari ташкил этади”<sup>165</sup>, деб аниқ белгилаб қўйилган, “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб,ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат,дўстлик ва ҳамжихатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Юртимизда 150га яқин миллий маданий марказлар ишлаб турибди. Уларнинг турли йўналишлардаги фаолияти:


- 1) ўз вакиллари миллий тарих, урф-одат ва анъаналаридан хабардор қилишга;
- 2) халқнинг ўз-ўзини англашига таъсир этиб, маллатлараро тотувликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**2. Диний бағрикенглик** – турли диний эътиқоддаги кишиларнинг олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши, кишилик

<sup>165</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. 5-бет.

жамияти равнаки йўлида хизмат қилишини англатадиган тушунча. Ҳозирги вақтда бу эзгу ғоя нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни назарда тутадн.

**Диний бағрикенглик ғояси** деб хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган, кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида чин дилдан очик кўнгиллик билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини тараннум этувчи фикрлар ва амалий хатти-ҳаракатлар тизимига айтилади.



8.2.2-расм

Диний бағрикенглик тенглик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озов ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир. Қадимдан диёраимизда буддавийлик, зардуштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагоглар фаолият юритган. Улар турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, кавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган.

Ватанимиз тарихини мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари ўртасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу – юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳудудий асослар Ўзбекистон Конституциясида (31-модда), “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда (1998) мустаҳкамлаб қўйилган. Маълумки, дунёдаги динлар асл моҳиятига кўра эзгулик ғоясига асосланади, кишиларни ҳалоллик, поклик, меҳр-окибат,

биродарлик ва бағрикенгликка давъат этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, хамиша яхши, сабабли ишларни амалга оширишдан иборат.

Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар ортида диний бағрикенглик ётади. ЮНЕСКО диний бағрикенглик муаммосига алоҳида эътибор бериб, 1995 йилни БМТнинг бағрикенглик йили деб эълон қилди. Ҳа ш йили 16 ноябрда 185 та давлат иштирокида Парижда Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси қабул қилинди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон турли дин вакилларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Собик шўро даврида республикаимизда бор-йўғи 87 та масжид ва 2 та мадраса фаолият юритган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган, барча қулайликлар яратилган 2037дан(2013) ортик масжид, 10 та мадраса ва Тошкент Ислом институти фаолият юритмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эмин-эркин ибодат қилмоқдалар. Бугун республикаимизда 16 турдаги диний конфессияга мавжуд 2238 диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улардан 2064 таси исломий, 157 таси христиан ташкилотлари, 8 яҳудий, 6 баҳаи, 1 Кришнани жамоаси ва 1та буддавий ибодатхонаси мавжуд<sup>166</sup>.

Бошқача айтганда, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозияти, Тошкент Ислом институти, 10 та мадраса ва 2003 та масжид, Рус православ черкови, Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик черкови, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, тўлик Инжил христианлар маркази, Христиан семинарияси, Ўзбекистон Библия жамияти, 162та христиан черкови, 8та яҳудий ва 8 та баҳрий жамоаси, 1та Кришнани англаш жамияти, 1 та буддист ибодатхонаси давлат рўйхатидан ўтган.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонида асосан Тошкент Ислом университети ташкил этилди. Ҳар йили мазкур университет ислом тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларига 100 нафардан ортик талабаларни қабул қилади. Университет қошида Исломшунослик илмий тадқиқот маркази, манбалар ҳазинаси ҳамда академик лицей фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда дунёвийлик билан динийлик ўртасида андоза сифатида қўллаш мумкин бўлган янги нисбатнинг шаклланиши натижасида динлараро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликнинг таъминлангани, қолаверса, табарруқ заминимизнинг азалдан умумжаҳон тамаддуни марказларидан бири бўлгани барчага аён.

Дунёдаги мусулмон мамлакатларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Ислом мамлакатлари.
- 2) Ислом давлат дини мамлакатлари.

<sup>166</sup> “Даракчи” газетаси, 2015 йил 13 август.

3) Хукукий демократик мусулмон давлатлари (Дин давлатдан ажратилган).

Ўзбекистон ана шу 3-турдаги хукукий демократик мусулмон давлатлари каторидан жой олган.

Миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик ва диний бағрикеглик ғоялари хукукий асосларини мустаҳкамлашда давлатнинг бош ислохотчилик роли:

1. Давлат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий ислохотлар, ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчисидир. Мамлакат, давлат манфаатлари миллий мафкура орқали ифодаланади. Зеро, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

2. Давлат иқтисодиётни ижтимоий соҳага йўналтиради.

3. Жамият барча соҳалари, шу жумладан, давлат иқтисодий фаолиятининг хукукий асосларини яратади.

4. Давлат ва жамият қурилишини, иқтисодиётни эркинлаштиришни таъминлайди.

5. Давлат жамиятда мавжуд ижтимоий, миллий, диний қарашларни, муаммоларни ҳал қилади.

6. Жамиятда ўрта мулкдорлар синфини ривожлантиради, тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди.

7. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлайди ва ҳоказо.

3. “Ўзбекистон – ягона Ватан” – Миллий мафкурамизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, республикада яшовчи барча миллат, элат, дин вакилларининг Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида тан олишини англатувчи ғоя ҳамдир. Ўзбекистон мустақиллигининг энг катта ютиқларидан бири юртимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликнинг таъминланишидир<sup>167</sup>. Унинг хукукий асослари қонунимизда мустаҳкамланган. Зеро, Конституциямизда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, иркий, миллий мансублиги, диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлидир.

Бугун “ягона Ватан” – “ягона хонадон” тушунчаси янгича мазмун касб этмоқда. Барча фуқароларнинг ягона оила, бутун мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ошмоқда. Албатта, бу борада миллий равақ, ҳар бир миллатнинг ўзига ҳослиги, тили ва маданиятини такомиллаштириш қонун билан қаролатилгани муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам хонадон тинчлиги, осойишталиги учун масъуллик бурчи фуқароларнинг юксак даражадаги виждон ва имон ишига айланмоқда.

Шахснинг, миллат, элат вакилининг жамият олдидagi бурчи, масъулияти ошмоқда. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат вакили республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси – фаровонликдан осойишталик, тинчлик ва барқарорликдан манфаатдордир. Ватан равақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги – ҳамма учун муқаддасдир.

<sup>167</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли дугати. – Т: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009. 792-793бетлар.

Кўп миллатли мамлакатимиз фукарolari орасида ҳамжихатлик ва биродарлик туйгуларини кучайтириш “Ўзбекистон – ягона Ватан” гоясини амалга ошишини таъминлайди.

**Ватан** – энг катта тақдир. Ватан инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўқилган олий даргоҳдир. Ватан аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятлари чинакамига шаклланиб, ўсиб камол топиб борадиган заминдир. Ватан халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. “Ватан - муқаддас кадрият”. Тараққиёт Ватандан бошланади.

*Демак: Миллий истиқлолимизнинг бош шиори: “Юртим деб, элим деб, ёниб яшайлик!” Бош гоямиз: - “Ўзбекистон - келажаги буюк давлат”.*

*Миллий истиқлол мафкурасининг асосий гояси ва тамойили: - “Ўзбекистон - ягона Ватан” деб номланади.*

*Етакчи гоямиз: - “Туркистон - умумий уйимиз”.*

*Мафкуравий-интеллектуал гоямиз: - “Куч - билим ва тафаккурда!”*

*Миллий гуруримиз тимсоли: - Ж.Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темур.*

**4. Республика Байналминал маданият маркази (РБММ) ва миллий маданият марказлари (МММ)нинг фаолияти** бу ерда яшовчи халқларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини қайта тиклаш, маънавият ва маданиятни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга қаратилган. Турли миллатларга мансуб фукарolarимизнинг катта умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, мамлакат маданий турмушидаги шонли воқеаларни нишонлашда фаол иштирок этаётганликлари самимий саховат ва меҳр-оқибат мухитини яратмоқда. Бу мухит бизга ягона оила туйгусини қайта-қайта ҳис этиш “Ўзбекистон умумий уйимиз” деган сўзлар замиридаги чуқур маънони англаб олиш имконини беради.

1989 йилда дастлабки миллий маданият марказлари корейслар, козоқлар, яҳудийлар, арманлар томонидан республика вилоятларида тузилди. Бу даврда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Аммо бу марказларнинг чинакам ривожланиши ва равнақ топиши 1991 йилдан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бошланди. 1992 йил 13 январда Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ташаббуси билан Республика миллатлараро Байналминал маркази қошидаги Маданият ишлари вазирлиги Республика “Байналминал маданият” марказига айлантирилди.

1992 йилда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти – “Байналминал маданият” 2016 йилга келиб, 150 га яқин марказлар ишини мувофиқлаштириб келмоқда. Бугунги кунда ана шундай марказларни тузиш бўйича 15 та ташаббускор гуруҳ иш олиб бормоқда.


РБММ тўғрисидаги низомда унинг мустақил муассаса эканлиги белгилаб қўйилган. Марказ миллий-маданий марказларнинг фаолиятига раҳбарлик

қилади. Ўзбекистонда яшовчи миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини қондиришда давлат идораларига ва жамоат ташкилотларига кўмаклашади.

Республика Байналминал маданият марказининг моддий-техника базаси билан таъминланиши РБММ ва МММ ишларини фаоллаштирди, уларнинг бирлашуви ва самарали ҳамкорлик қилиши учун кенг истиқболлар очди.

Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат давлат қонуни билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати мактабларимизда 9 та миллий тилда ўқитиш ишлари, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият юритаётганлигида кўринмоқда.

**5. Тил маданий мулоқот ва барқарорликнинг муҳим воситаси.** Тил – инсонлар орасидаги алоқа воситаси, жамият аъзоларининг фикрини ифодалаш ва ўзаро фикр алмашиши учун хизмат қиладиган восита. Тилнинг табиий-илмий, диний-дунёвий талқинлари мавжуд.



8.2.4-расм

**Илм-фан** инсон тилининг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганиши натижасида шундай хулосага келдики, тил алоқа воситаси, нутқ сифатида, шубҳасиз, фақат инсон миясининг маҳсулидир. Айрим бошқа жониворлар, масалан, шимпанзе, тўтиқуш, чуғурчиқ ҳам инсонга хос говушлар чиқариб “гаплашади”, ҳатто, айрим ҳолларда жумла ва ибораларни такрорлайди. Бирок улар инсон каби сўзлашишга қодир эмас. Оғзаки нутқ ўрганиш – инсониятнинг эволюцион тараққиётида ҳал қилувчи кадам бўлди. Нутқ қобилияти унга инсон цивилизацияси асосларини қуриш имконини яратди. Халқ бошқа бир халққа қўшилиб кетса, унинг тили ўлик тилга айланиши мумкин. Ўлик тиллар: масалан, шумер, лотин, қадимий юнон, санскрит тиллари.

**6. Маълумки, халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти** ривожига бекиёс ҳисса қўшиб келади. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун муулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлимиш Ислом конференцияси ташкилотнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир<sup>168</sup>.

<sup>168</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият 2008. 38-бет.

## Тил ҳақидаги қарашлар

1. Афлотун: “Тил одамлар орасида алоқа воситаси сифатида эҳтиёж (мил.ав.427-347) туфайли табиий суратда вужудга келган”.

2. Демокрит (юнон файласуфи, тах.мил.ав.460-370): “Ўзаро алоқа қилиш учун тилни одамларнинг ўзлари яратган”.

3. “Инжил”, “Қуръон”: тил илоҳиёт тортиғи.

4. Илм-фан ҳулосаси: тил алоқа воситаси, нутқ сифатида, шубҳасиз фақат инсон миясининг махсули. Оғзаки нутққа ўрганиш – инсониятнинг эволюцион тараккиёти билан боғлиқ.

5. И.П. Павлов: тил иккинчи сигнал системаси бўлиб, у инсон психикасига ўзига хос қўшимча. Тил ва тафаккур ўзаро ажралмас, чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Лекин уларнинг иккови бир нарса эмас.

**Тил** – тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш тарзи сифатида инсон онгининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Онг тил қобиғидан ташқарида қарор топиши мумкин эмас. Тил белгилари, ўз табиатиға кўра, шартли бўлсада, у реал воқеликни билиш жараёни шартларидан ҳисобланади.

Шу жиҳатдан тил муомала воситаси бўлишидан ташқари, билиш воситаси вазифасини ҳам бажаради. Шу билан бирга тил тўпланган билимларни, тажрибаларни қайд қилиш, сақлаш ва авлоддан авлодга ўтказиш воситаси ҳам саналади.

### 8.2.5-расм

#### 7. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви.

Интеграция (лот. ўзаро мослашиш ва бирлашиш) – миллий иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатдан янги шароитларға эға бўлиши ва мамлакат тараккиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиш жараёнининг кучайиши. Интеграция жараёни ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда 5 та поғонаға ажратилади:

1) Эркин савдо минтақаси.

4) Валюта – иқтисодий иттифок.

2) Божхона иттифоқи.

5) Сиёсий иттифок.

3) Умумий бозор.

Ўзбекистон мустақил давлатлар ўзаро ҳамкорлик ва тенглик асосида ихтиёрий интеграциянинг янги шакллари ва йўналишларини ярата бошлади.

1. МДҲ доирасида.

2. ШХТда.

3. ЕврАзЭС доирасида фаол қатнашмоқда.

**Буюк тафаккур ва аллома.ларимизнинг ислом маданиятини  
равнақ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссалари**

**1. Имом Бухорий:** мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шухрат қозонган. Унинг ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Куръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба. 12 асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва диёнат йўлига чорлаб келмоқда.

**2. Исо Термизий** (Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизий)нинг “Сувани Термизий” асари, маънавий мероси мусулмон оламида шундай юксак кадрланади.

**3. Имом Мотуридий** (870 йили вафоти) “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлган, ўз ҳаётини хавф остига қўйган.

**4. Бурҳониддин Марғионий Шарқ оламида** “Бурҳониддин ва миллат”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлган.

**5. Абдуҳолий Ғиждувоний:** буюк аллома, азиз – авлиёлардан бўлган.

**6. Баҳоуддин Нақшбандий:** “Баҳоуддин Балогардон” деб таърифланган. Унинг “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда, бўлсин” деган ҳикмати динимиз олижаноблигини билдиради.

**8.2.6-расм**


**8. Мустақиллик ва ҳуқуқ, демократия ва ошкоралрик – миллий ўзини англаш, ахлоқий янгиланиш, миллий маънавий шаклланишнинг асоси. Мустақиллик** (араб, тобе эмаслик, ихтёрий ўзидалик, қарам эмаслик) – инсоннинг эркин ва озод равишда, ўз ихтиёри билан бошқаларга бўйсунмаслик иш юрита олиши, миллат, давлат ва жамият ҳаёти, уларнинг тараққиётини, устувор мақсад ва вазифаларини мустақил тарзда амалга оширилишини англаувчи тушунча.

Президент Ислом Каримов: “Бугунги кунимизнинг ўзига хос ёрқин хусусиятларидан бири миллатнинг ўзлигини англашдир”, - деган эди “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асариди.


**Сукрот:** “Ўзини англаган инсон ўзи учун нима фойдали ва нималарга қодирлигини яхши тушунади. У қўлидан келадиган иш билан шуғулланиш асносида эҳтиёжини қондиради ва саодатга эришади. Ҳар қандай хато ва бахтсизликлардан холи бўлади. Бунинг натижаси ўларок, у ўзга одамларни қадрлай олади ва улардан эзгулик йўлида фойдалана олади. Оқибатда ўзини қулфатлардан сақлайди”.

**Имом Ғаззолий:** “Оллоҳни англашдан аввал ўзини англамоқ жоиз”.

**Августин (илоҳиётчи):** «ғафлатда ётган халқни уйғотмоқ учун унинг тарихини уйғотмоқ керак».



**8.2.6-расм**



**Чингиз Айтматов:** “Ўз тарихини билмаган халқ манқуртга айланади”. Унинг “Асрга татигулик кун” асарида босқинчилар тарафидан бошига туя териси ёпилиб, қуёшда терининг сиқуви оқибатида хотирасидан айрилиб манқуртга айланган одам ҳақида хикоя қилинади. Шунингдек, унинг Мухтор Шохонов билан бирга ёзган “Чўққида қолган овчининг охи-зори” номли суҳбатларида, “Икс зурриёт” асарида манқуртлик, садизм, «зомби»лик ҳақида хикоя қилинади.

**“Садизм”** — жинсий бузуклик, азоб бериб ҳузур қилиш...

**“Зомби”** да инсон итоатгўй кул-ижрочига айлантирилади...

**“Манқуртлик”** — ўзлигини билмайдиган инсонга айлантирилиши...

Бу рухий жиҳатдан ўзликни англамаслик, хотирасизлик...

Шу босдан ҳам мустақилликка чиққандан кейинги даврда Президент Ислам Каримов халқимизнинг миллий ўзлигини англашга бўлган эҳтиёжини ҳамиша гапириб келади. Унинг “Тарихий хотирасиз келажак йўк” асарида миллий туйғу, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ бўлган масалалар кўтарилди.

**Демак, миллий ўз-ўзини англаш** - ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

9. **Хар йили мустақиллик байрамимиз тантаналари ўз шиори**, гоёсига эга бўлмоқда. Шиорлар халқимиз калбига сингиб бормоқда. Эътибор бериладиган бўлса, ҳар гоёвий шиорда теран мазмун, маъно бор:

2010 йил – “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!”

2011 йил – “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!”

2012 йил – “Такдимсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан”

2013 йил - “Қадр-қимматим таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!”

2014 йил – “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида гўзал Ўзбекистоним!”

2015 йил – Бетакроримсан, ягонаман, она Ватаним – Ўзбекистоним!

2016 йил – “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”

Президентимизнинг қарори бизга “Ким эдигу, ким бўлдик?” деган ҳаёт китобини ўқишга ундайди. Бунинг учун “маънавий-маърафий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини, аввало биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор”<sup>169</sup>. Шиоримиз руҳияти:

**Ягонасан.** Бу сўзни ҳаётда ким, қачон, кимга, нимага қараб айтади? Бу сўзларни, аввало, ҳаётдан мамнун бўлган одам айтади. Маънос одам айтмайди. Бу сўзни дунёда ўз юртдан яхши юрт йўқлигини англаган, бахтли инсон айтади. Бу сўзни Она Ватан нималигини, унинг кадр-қимматини билган комил фарзандлар айтади. Шу бир сўзда уларнинг ҳам эътирофи, ҳам эҳтироми бор.

**Муқаддас Ватаним.** Одам “муқаддас” деган сўзни жуда ўйлаб айтади. Қаъбани муқаддас дейди. Мустақиллик биз учун Ватан кадр-қимматини ана шу даражага кўтарди. Дунёда мамлакат кўп, лекин Ўзбекистон ягона, муқаддаслигининг тасдиғи бор. Аввало, одам бу сўзни айтишга муносиб бўлиши керак. Чунки, Ватанини муқаддас деб билмайдиганлар ҳам кўп. Улар учун Ватан “қорин тўйдирса бўладиган ер”, ер, худуд, саҳро, маъносиз майдон бўлиб қолаверади. Бундай одамлар Ватанини бойлиги учун севади.

Ватан шарафи деб мусобақаларга кирган фарзандларимиз спорт, санъат, илм-фан мусобақаларида байрогимизни юксак кўтармоқдалар. Ана шундай фарзандлари туфайли юртимиз йилдан-йилга оламга машҳур бўлаётир.

**Севги ва садоқатим сенга бахшида.** Севги. Бу туйғу ўзбекларнинг калбиди. Шунинг учун бўлса керак: “Севгиси бор - султон, севгиси йўқ – ултон”, “Севганингга севганингни бер”, “Севгининг аслини булбулдан сўра, Гулзор кадрини гулдан”, дейди боболар.

Севги - садоқатнинг боши. Садоқат – ор-номусли инсоннинг берган сўзига, бурчига вафодорлиги. Садоқатли одамларни содиқ дейдилар. Сўзига, бурчига содиқ инсонга ҳамма ишонади, унга интилади. Ҳамма унинг атрофида

<sup>169</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори. //Халқ сўзи. 2014 йил 2 июль.

бўлишни истайди. Шу сабабли садоқат – ғалабалар манбаи. Шунинг учун садоқатдан хиёнат, сотқинлик кочади.

Қарор контекстида севги ва садоқат олий ижтимоий туйғу сифатида талқин қилинган. Ватанни севмоқ имондандир. Бу олий туйғуга муяссар фарзандлар **“Мана, мен борман!”** деб Ватан ҳимоясига чиқади. Демак, бу садоқат - олий садоқат. Негаки, ёрга садоқатдан бир киши баҳраманд бўлса, Ватанга бўлган садоқатдан миллат, авлодлар баҳраманд бўлади. Шийор бизга ана шу ҳикматлардан сўзламоқда.

**Гўзал Ўзбекистон!** Гўзал. Бу сўз ўзбекча сўз. У “кўз ол”, дегани, деб ҳам талқин қилинади. Бу “қарасанг, кўзингни олади, ўзига тортади, нигоҳингни ололмайсан, узолмайсан, қайтиб, ўгирилиб, яна қарайсан”, дегани. Чунки гўзал нарасада одамни ўзига, ичига, тубига тортадиган куч яширин бўлади.


Назаримизда қарорда “гўзал” сўзи уч маънода қўлланилган. **Биринчи маъносига** кўра: ҳамма ўз Ватанини, араб ўз саҳросини, шимоллик муз тоғларини, малайзиялик сув мамлакатини гўзал дейди. Лекин уларнинг ҳеч бирида 4 фаслни кўрмайсиз. Ўзбекистон табиатан гўзал. Бу табиий гўзалликни юртимизга Аллоҳ берган.

**Иккинчи маъноси.** Ўзбекистон халқи ёшлигида ҳам, кексайганида ҳам кўхлик, истарали, чиройли, гўзал. Шунинг учун хорижлик сайёҳлар “Ўзбекистонда чиройли одамлар яшайди”, деган гапни кўп айтишган<sup>170</sup>.

**Учинчи маъноси.** Инсон томонидан гўзал барпо қилинган Ўзбекистон ҳақида. Мустақиллик туфайли Оллоҳ яратган илоҳий гўзаллик, бунёдкор инсон яратган гўзаллик билан уйғунлашди. Улар Ватан чехрасини безадилар. Энди бу юрт обод Ватан бўлди. Аввало, Ватанини безайдиган ўғил-қизларнинг кўнгиллари обод бўлди. Халқимиз ичида “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган ҳикмат машҳур бўлиб кетгани бежиз эмас.

### 8.3. Миллий ғоя, демократия, миллий давлатчилик ва демократик ривожланишнинг шарқона талқини

Миллий ғоя демократия билан чамбарчас боғлиқ жараёндр. **Демократия** (юнонча “*dema*” – халқ ва “*kratos*” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти, фуқароларнинг овозлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли<sup>171</sup>.



8.3.1-расм


<sup>170</sup> – Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатимиз сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! Услубий қўлланма. – Т.: Маънавият, 2014. 16-17-бетлар.

<sup>171</sup> Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. 130-бет.

Тарихий тараққиёт жараёнида демократия тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб, такомиллашиб келган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Демократия бочкичма-босқич ривожланадиган жараён бўлиб, ҳар бир миллат ва жамият, ҳар бир даврда уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хос хусусиятлар намаён бўлади. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби омиллар билан белгиланади. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Ҳаммани бир қолипга солиб бўлмайди. Худди шунингдек, давлатларни ҳам бир қолипга солиш ва бозор муносабатларига ўтиш, демократияни барло этиш нуқтан назаридан уларга бир хил ёндашувларни қўллаш ярамайди”<sup>172</sup>.

### Демократия ва унинг мезонлари

Умумий маънода демократия деганда, халқнинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Багафсил таҳлил қилганда эса демократия - халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашларини ҳам, ўзбошимчилик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан химоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шаклини ҳам билдиради.




**Демократия** – фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шубилан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, руҳиятнинг хусусиятлари ҳамдир. Демократия гоёларини баён қилиш мумкин. Сиёсатда демократияни юқоридан “тушуриш” мумкин. Лекин бу билан демократия сизу бизнинг амалий ҳаётимизга сиғмайди. Демократия жамиятнинг кадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айлонмоғи керак. Бу эса бир зумда бўладиган демократик турмуш тарзининг таркибий қисми бўла олмайдди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамониларини ўзлаштиришдан иборат анча узок мулдатли жараёндир. Баъзи давлатларда бунга эришгунча кўплаб авлодлар ўтган.

*И. А. Каримов*

### 8.3.2 – расм


<sup>172</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 134-бет.



**8.3.3-расм**

Ҳар бир жамият, давлат ўзи учун мос демократик тараққиёт йўлини танлайди. Ўзбекистон ҳам ўзи учун мақбул демократик тараққиёт йўлини танлаб олди.


Маълумки, собиқ шўролар даврида Шарк халқларига К.Маркснинг **“Осиёча ишлаб чиқариш услуби”** деб аталган **назариясига** таяниб иш қўрилган эди. Бу назарияга кўра Шарқда ҳокимиятни бошқариш азалдан деспотизмга, яъни зўрвонликка асосланади, деган фикрдан иборат бўлган. Европацентристик қарашлар (Гегель), Европани жуғрофий жиҳатдан устун қўйиш (Монтескье), капитализмнинг тарихан айнан Европада пайдо бўлиши тўғрисидаги тасаввурларнинг (Макс Вебер) барчаси турмуш тарзи учун демократия мутлақо ёт бир нарса, деган, беписанд фикрга асосланиш оқибати эди. Бугунги кунда Шарқнинг ҳам ўзига хос давлатчилик анъаналари, бошқарув тизими, идора усуллари, ҳокимият тармоқлари бўлгани, бу борада у Ғарбдан сира ҳам кам эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.



**8.3.4 -расм**

Хусусан, Шарк демократиясининг бир қатор устувор жиҳатлари мавжуд: 1) Ғоявий-фалсафий асосда шаклланган инсонпарварлик (аждодларимизнинг бу борадаги бой маънавий мероси) негизда сиёсий маданият шаклланган. 2) Шарк фалсафасининг муҳим жиҳатларидан бири – “меъёр” тушунчаси аслида демократик меъёрга асосланган сиёсий маданиятдир. 3) Шарқда одамларнинг

хокимиятга ва сиёсий муносабатларга: сайлов тизими, давлатчилик, сиёсий ҳаракатлар, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари – буларнинг барчаси Шарқда ўз хусусиятларига эга. Шарқда жамоатчилик фикри ҳам кенг ривожланган.



8.3.5-расм

Умуман, демократия қадимдан дунёнинг турли минтақаларида турлича йўналишда ривожланиб борган. Демократиянинг шакллари:

1. Шарқона демократия (ўзида миллий, умумбашарий, маҳаллий хусусиятларни бирлаштирган, ўзига хос кўриниш).

2. Сиёсий демократия (жамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш).

3. Ижтимоий демократия (бугунги давр демократик ислохотлар жараёнига эътибор) кўринишлари мавжуд бўлиб келган.

Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормоқда?

1. **Биринчидан**, шарқона демократик йўлдан. Демократик жамиятни барпо этишнинг **халқаро тамойиллари**, дунё ҳамжамияти эътироф этган қондалари бор. Булар: 1) фуқаронинг ўз хохиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги; 2) озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi; 3) барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги; 4) давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; 5) сайлов ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Булар қарийб барча мамлакатлар Конституцияларида белгилаб қўйилган тартиб-қондалардир. Бирок, демократияни жорий этишда буларнинг ўзи қифоя қилмайди. Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ола олмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатлари мавжуд. Демак, демократияга ёндашиш усули бор. Президентимиз: “Шарқда демократик

жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин (муслмончилик аста-секин, кофирлик бир пастда) тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшабо уринишлар гоят нохуш, хатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”, деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

**2. Иккинчидан,** демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш эмас, балки табиий, **тадрижий ўсишини** таъминлаш. Бу дегани Ўзбекистон мустақилликка чиққанидан кейин бир қатор мамлакатлар, жумладан, Туркия, Германия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг демократик тараққиёт йўллари билан танишди, уларда биз учун ибратли ва ўрганишга арзийдиган жиҳатлари бор. Бирок Ўзбекистон Президенти бу масалага ўз муносабатини билдирди. “Ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб, бу масалага ёндашиши зарур... Одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқ. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона нусха кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалқаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин”, - деган эди Юртбошимиз Ислоҳ Каримов.

**3. Учинчидан,** мамлакат туб аҳолисининг (**жамоатчилик**) **руҳиятини** ҳисобга олиш лозим бўлади. Ёки хурриятга муносабати ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб аҳолиси руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, аҳолини ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Ғарб демократиясини Шарқ мамлакатларида кўр-кўрона жорий этиш мумкин эмас. Бунинг аччиқ натижалари 1991-1996 йилларда Тожикистон ва кейинчалик Қирғистон мисолида яққол намоён бўлди.

**4. Тўртинчидан,** **жамиятнинг маънавий қиёфасига** боғлиқ, яъни умумий маданий савияси, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, бебаҳо мулк бўлган олий қадриятларига боғлиқ. Одатда якка-якка шахсларнинг руҳий кечинмалари, хатти-характлари ва феъл-атворларидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Умумҳалқ, манфаатларини ҳисобга олиш, унга таянсагина қадриятга айланади, қадриятлар эса - бебаҳо мулк, уларни халқ яратди, халқ баҳолайди, ўзи асраб авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат.

**Миллий гоё, демократия ва миллий давлатчилик.** Демократия эркин фуқаролик жамияти бўлиб, унда очиқ мулоқотлар, қонун асосидаги муносабатлар қатъий асосга қўйилиб, у ошқораликни юзага келтиради ва қонун асосида ижтимоий адолат тикланишига эришилади. Инсон ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бошқача, айтганда, жамият ичидан туриб фаоллашиб, мустақамланиб боради, ўз-ўзини бошқариш сари дадил қадамлар қўйилади. Аммо, бундан демократия шароитида давлатнинг бошқарувчилик, ташкилотчилик роли

барҳам топади, деган хулосани чикармаслик керак. Айрим Ғарб файласуфлари (чунончи, Карл Поппер) ўзининг **“Очиқ жамият ва унинг душманлари”** китобида мустақкам миллий давлат демократик тараққиётга тўсқинлик қилади, деган фикрни олға суради. Унинг назарида, давлатнинг кучайиши “очиқ жамият” кишиларининг эркин фаолият кўрсатиши, фикри, иродасини ифодалаши, қобилиятини ишга солишга ҳалақит беради, Унинг асосий сабаби давлат ҳукмрон мавқени эгаллаб ҳокимият, мансаб идеаллаштирилади. Натижада давлат раҳбарининг фикри асосий фикр бўлиб, қолган фикрлар бўғилади. Унинг фикрича, бу авторитаризмни юзага келтиради. Демак, чинакам демократияга амал қилмай қолади, дейди. Унинг назарида, шундай қилиб, миллий ғоя ҳам охир-оқибатда миллатчиликка олиб боради ва тоталитаризм хавфини туғдиради. К.Поппер Платон, Аристотель ва айниқса Гегель фалсафий карашларини танқид қилиб, ҳар бир шахснинг фардий (индивидуал) фикри, интилиши ва дунёқарашини эътиборга олмай, балки муайян қолипдаги ғояларга ҳаммаанинг бўйсунушини талаб қилиб келганлар.

Одамларни **“Олий ҳақиқат”** тарзида тақдим этиладиган ғоялардан ҳалос этиш керак. Шунда шахс эрки таъминланади, дейди К.Поппер. Бундай фикрга тўлиқ кўшилиб бўлмайди. Ғояларнинг мутлақлаштирилиши давлатнинг ва давлат раҳбари бўлган якка шахсларнинг мутлақлаштирилишига олиб келади. Натижада, бундай шахслар ўзларини нуқсонлардан ҳоли, танқиддан юқори деб хис эта бошлайдилар. Бу эса жамият ва давлат орасида бегоналашувни юзага келтиради. Натижада, тоталитар ғоя ҳукмронлик қилиб, турғунлик юз беради. Маъдоҳлар, ахлоқий нопок одамлар мансабларни эгаллаб, соғлом фикрни бўғадилар. Бундай шароитда иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолади.

**“Давлатни илоҳийлаштириш қуллик ва истибод ҳукмрон бўлган даврлардан қолган кишилар саждапарастлигининг энг ёмон кўринишидир”**, деб ёзади К.Поппер. Умуман, К.Поппернинг кўпгина фикрлари анча баҳсли. Бирок демократик тамойилларга амал қиладиган жамиятда бундай илоҳийлаштиришларга ўрин қолмайди. Аммо шуниси борки, демократия шароитида ҳам давлат ижтимоий-сиёсий институт сифатида сақлаб қолинади ва унинг функциялари тўла амал қилади. Давлатнинг обрў-эътибори, нуфузи баланд бўлиши жамият тараққиёти учун зарур. Кучли, адолатпарвар жамият давлатсиз яшай олмайди. Негаки, **давлат** жамият барқарорлиги, миллат осойишталиги ва иқтисодий тараққиётнинг **бош ислохотчисидир**.

Ҳар бир халқ ўзининг миллий мустақил давлати билан ўзлигини кўрсатади. Халқаро ривожланиш шароитида бошқа мамлакатлар билан рақобат қила олади. Хуллас, **халқ (миллат), мамлакат ва давлат тушунчалари** ажралмас яхлитликдир.

Ўзбекистоннинг мустақил мамлакат сифатидаги мавжудлиги унинг миллий давлатчилиги тараққиёти билан биргаликда олиб қаралгандагина мазмун-моҳиятга эга бўлади. Ўтиш даврида давлатнинг ислохотчилик роли бениҳоя катта бўлиши табиий жараён. Ўзбекистон давлатининг халқи иродасини руҳини ифодалайдиган, унинг бирлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатни шунчаки маъмурий инструмент, бошқарув аппарати, ҳолос деб талқин этиш етарли эмас. Бу таъриф демократия шароитида ҳам миллий бирлик

ва халқнинг маънавий яхлитлиги, демак, уюшиб, жипслашиб, ривожланиш йўлига чиқишига ҳалақит беради. Қолаверса, тараққиёт ҳам, демократия ҳам ўз-ўзидан содир бўлмайди. Мамлакат хавфсизлигини, осойишталигини таъминлаш, сиёсий манфаатлар тўкнашувида дадил туриб, миллий манфаатни химоя қилиш давлат зиммасидадир.

**Демократия шароитида**, албатта, давлат ва унинг таркибий қисми бўлган **ҳокимиятга муносабат ўзгаради**. Чунки ҳокимият жамият назорати остида бўлади. Сайлаш ва сайланиш механизмининг амал қилиши, давлат раҳбарларининг ҳисоб бериб туриши, матбуот эркинлиги, жамоат ташкилотларининг фаоллиги - буларнинг ҳаммаси давлатнинг мутлак ғояларга берилишига йўл қўймайди. Яъни шахс, жамият ва давлат ўзаро яқинлашиб, бир-бирига ҳисоб бериш кучаяди. Натижада, шахс ва давлат манфаатлари уйғунлашиб боради.

Бундай шароитда **миллий ғоя** демократик кадрларнинг қалб онгига сингиши ва эътиқодига айланишига тўсқинлик қилмайди ёки давлатнинг илоҳийлашувига сабаб бўлмайди. Буни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

**Биринчидан, миллий ғоя** - бу ҳар бир шахс ва бутун жамиятга тегишля ғоядир. Миллий ғоя фикрлар ва мафқуралар хилма-хиллигига асосланади. **Миллий ғоя** - жамият мафқураси, давлат мафқураси эмас;

**Иккинчидан, миллий ғоя** негизда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуси ётади. Демак, миллий ғоя ва миллий тараққиёт, юрт ривожу учун умумий характерга эга. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш - пировард мақсадимиз” деган ҳикматли сўзида маъно қўп. Бу жумлада мустақилликнинг абадийлиги, демократик эркинликлар, Ватан равнақи, ҳар бир фуқаро ҳаётининг фаровонлашуви кўзда тутилган.

**Учинчидан, миллий ғоя** ҳеч нарсани, жумладан, давлатни ҳам, алоҳида шахсларни ҳам илоҳийлаштиришни назарда тутмайди, балки халқнинг энг эзгу хис-туйғулари, интилишларини ифодалаб, бунёдкорлик ишларига рағбатлантиради.

**Туртинчидан, миллий ғоя** аллақандай тоталитар хусусиятга эга бўлган мафқура эмас, у бирон бир шахс ишлаб чиққан ва зўрлаб тикиштираётган ёки тепадан туширилган “ягона ғоя” ҳам эмас. У халқнинг ўз тафаккур меваси бўлиб, миллий-маънавий негизга таянади.


**Бешинчидан, миллий ғоя** умумбашарий фикрлар, илмий ютуқларни жамлаб сингдиришни ҳам кўзда тутати. Европада мутафаккирларидан бири К.Гельваций ёзган эди: “Ватанга муҳаббат бугун дунёга муҳаббат билан мувофик келади. Илму маърифат нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир халқ бу билан ўз қўшнларига зарар етказмайди. Аксинча, давлатлар қанчалик маърифатли бўлсалар, улар ўзаро ғоялар, билимлар алмашишга мойил бўладилар ва оқибатда шу туфайли бутун дунё акли ортиб бораверади”. Шу боис, миллий ғоя мамлакатни яқкалаб қўяди, тараққиётни сусайтиради, дегувчилар хато қиладилар.

Шундай қилиб, **миллий ғоя** - миллий ривожланиш локомотиви. Турган гап, бунда давлатчилик ғояси, давлат ва унинг раҳбарига хурмат, миллий давлат салоҳияти билан фахрланиш ҳам муҳим ўрин тутати. “Бу - меннинг

халким, бу - менинг “Ватаним”, деб фахрланган одам “Бу - менинг давлатим” дея фахрлана олиши ҳам керак. Давлат бир организм сифатида ўзини такомиллаштириб, демократик жамиятни ташкил этувчи куч сифатида ҳар доим миллат равнакига раҳнамо бўлиб туради”. Ўзбекистоннинг истиқлол давридаги ривожланиши, ўзига хос тараққиёт йўли бунини исботламоқда.

Донишманд Гегель фикрича, “Халқ (миллат)нинг туб мақсади давлат бўлиш ҳамда ўзини шу ҳолатда сақлашдир. Халқ (миллат) давлатсиз ҳеч қандай тарихга эга бўлмайди... Давлат халқ ҳаётининг, яъни санъат, ахлоқ, дин, фаннинг асоси ва уларни атрофига тўплайдиган халқ руҳидир”.

Гегель назарида ўзликни англашнинг олий кўриниши ҳам миллий ўзликни англашдир. Чунки токи кишилар ўзларини бир тарих, бир руҳият, бир макон кишилари деб ҳис этмасалар вазу асосда бирлашмасалар, тарих саҳнасига чиқа олмайдилар, зеро тарихнинг ўзи “миллатлар руҳининг рақобатлашувидир” (Гегель).



**8.3.6-расм**

Умуман, миллий ғоя демократия ва миллий давлатчиликнинг негизларини ташкил этади. Демак, шарқона демократия, бу


- 1) Аста-секинлик, тадрижийлик, босқичма-босқичлик.
- 2) Жамоа бўлиб яшаш руҳиятининг устуворлиги.
- 3) Маҳалла бошқарувиға эътибор.
- 4) Миллий, диний кадриятлар устуворлиги.
- 5) Тўғилган макон ва она юртга эҳтиром.
- 6) Аждодлар хотирасига садоқат.
- 7) Катталарга ҳурмат, ёшларга иззат.
- 8) Вазминлик, сабр-тоқат, андишалик.
- 9) Аёл зотига ҳурмат.
- 10) Инсоний муомилада мулозамат ва ҳоказо.

#### 8.4. Ижтимоий ҳамкорлик, Ватан равнақи ва юрт тинчлиги – миллий истиқлол мафқурасининг асосий гоёлари

Ижтимоий ҳамкорлик, Ватан равнақи ва юрт тинчлиги тушунчалари бевосита 1) ҳамкорлик; 2) ташқи сиёсат принциплари; 3) муҳофаф доктринаси; 4) ташқи сиёсий фаолият; 5) ядросиз худуд мақоми тушунчалари билан бевосита боғлиқ.

1. **Ҳамкорлик** – турли миллат, ирк ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги маънан бирлашувини ифодалайди. Ҳамкорликнинг мустаҳкам ўрин эгаллаши дунёда, мамлакатимизда ташкилот ва ижтимоий қатламлар, турли институтлар ўртасида ўзаро келишувга асосланган алоқаларни таъминлаш зарурати билан изоҳланади...

**Ижтимоий ҳамкорлик** – турли миллат, ирк ва динга мансуб кишилар ҳамда гуруҳларнинг умумий мақсад йўлида биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифода этадиган атама. Ижтимоий ҳамкорлик ва барқарорлик, юксак тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилidir. Ижтимоий ҳамкорлик бўлмаган жамиятда бошбошдоқлик, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ишончсизлик ортиб, карама-қаршилиқ ва зиддиятлар кучайиши, бу эса охир-оқибатда оғир инқирозга олиб келиши мумкин.



8.4.1–расм

Ижтимоий ҳамкорлик гоёсини амалга ошириш йўлида гов бўладиган энг хатарли тўсиқлар ақидапарастлик, терроризм, айирмачилиқ, маҳаллийчилик, тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай зарарли гоёлар таъсирга тушиб қолган жамият табиий равишда ҳалокатга юз тутаети. Бунда узок ва яқин тарихдан мисоллар келтириш мумкин.

Мафқуравий қарашлар кучайиб бораётган бугунги кунда фуқароларимиз ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш долзарб аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳамкорлик масаласи биз учун янги тушунча бўлмай, ўзининг тарихий илдизларига эга. Маълумки, Ўзбекистон диёрида қадимдан турли

цивилизация вакиллари, маданий катламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёкарашлар ёнма-ён яшаб, ижтимоий ҳамкорлик асосида ривожланиб келган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Бу замин Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиши ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятини энг кўхна ўчоқларидан биридир”.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2014 йил 15-16 майда “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида “Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳлар ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда “абдий шаҳар” деган ном билан дунёда шуҳрат қозонгани..., маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги бекиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлкинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси... авваламбор, нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган”<sup>173</sup>, -деб таъкидлаган эди.


#### Нисбий барқарорлик туфайли Марказий Осиё

1. Қадимги юнон файласуфи Гераклит (мил.ав. 544-483) бу юртни “фалсафий тафаккур бешиги” дея таъриф берган.
2. Самарқандшаҳри қадимдан Рим билан бир қаторда “абдий шаҳар” деган ном билан шуҳрат қозонган.
3. “0”нинг, алгоритм”нинг кашф этилиши туфайли жаҳон фани тарихининг IX аср биринчи ярми Хоразмий (783-850) даври деб ном олган.
4. Буюк кашфиёти, “Ниломер” иншооти учун Аҳмад Фарғоний (797-865)га Қоҳира шаҳрида ҳайкал ўрнатилган. Европада Аль-Фрагамус номи билан машҳур.
5. Абу Наср ибн Ироқ (XI аср) математика ва астрономиядаги буюк кашфиётлари учун “Булимуси соний” (“Иккинчи Птолемей”) номини олган.
6. XI аср жаҳон тарихида “Беруний асри” (973-1048) деб ном олган.
7. Ибн Сино (980-1037) Шарқда “Шайхур-раис” – “Олимлар олими” деб ном олган.
8. Форобий (873-950) кашфиётлари учун “Иккинчи муаллим”, “Шарқ Аристотели” номига сазовор бўлган.
9. Мирзо Улугбек (1394-1449) астрономик жадвалини кашф этди.
10. Маҳмуд Замаҳшарий (1075-1143) тарихда биринчи бўлиб, кўп тилли – араб – форсча – туркий луғат асосчиси, араблар учун “Араб грамматикаси”ни яратди.

#### 8.4.2-расм

<sup>173</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.:Ўзбекистон. 2014. 277-278-бетлар.

**Барқарорлик** (ижтимоӣ, маънавий) - жамиятда ҳукм сураётган тинч-тотувлик, бирдамликни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга асосланган тинч – шарт-шароитнинг мавжудлиги; Ижтимоӣ қатламлар, гуруҳ ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик; жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги мустақил ҳамкорлик қарор топганини англатувчи тушунча.



#### **8.4.3-расм.**

Президентимизнинг 2014 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Респбликаси давлат мустақиллигининг 23 йиллик байрамига таёргарлик кўриш ва уни ўтқасиш тўғрисида”ги табриги ва Қарори мазмун-моҳиятини англаган киши қатор методологик хулосаларни ва ўта муҳим ҳаётий вазифаларни англаб олади. Жумладан:

1) Бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароит юзага келди.

2) Турли гоё ва манфаатлар кураши тобора кучайиб, ёлгонни рост, ростни ёлгон, деб кўрсатишга уринишлар бўлаётир.

3) Ахборот-коммуникация воситалари узокни кўзлайдиган манфаатларга хизмат қилишга мажбур этилмоқда.

4) Ғаразли мақсадлар йўлида одамлар, миллатлар бир-бирига қарши қўйилмоқда.

5) Уларни ҳаётдан норози бўлишга даъват қилиш учун турли сохта маълумотлар тарқатилаётир.

6) Ўзгаларни писанд қилмай, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик, ҳеч ким билан ҳисоблашмасдан, куч ишлатиш ҳоллари рўй бераётир.

7) Ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафқураларни кўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб, кучайиб бораётир.

8) Бундай вазиятда ҳар бир киши окни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гапдан ажрата олиши учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлиши керак.

9) Бундай кучларнинг қармоғига тушиб қолмаслик учун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, имони бақувват инсонлар этиб тарбиялаш зарур.

Бунга эса ҳар бир мураббий, тарғиботчи, ношир, журналист, ота-она, маҳалла маслаҳатчиси, камолот фаолининг мустаҳкам мафқуравий иммунитети, профессионал маҳорати, гражданлик позицияси таянч бўлсин.

Демак, ҳар биримиз ўз уйимизда, кўча-кўйда, ҳар кунни “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” билан курашишга шай турмоғимиз, тинчлик учун курашмоғимиз керак бўлади. Чунки бугун Ватан, тинчлик фақат қурол билан эмас, балки оташин сўз, репортаж, мураббийнинг самарали дарси, тарғиботчининг таъсирчан тадбирлари, ота-оналарнинг оилаларда фарзандларига айтаётган самимий ва доно ўғитлари билан ҳам ҳимоя қилинадиган замон. У барчамиздан бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра зийракроқ, хушёрроқ бўлишимизни талаб қилмоқда.

Президентимизнинг маъбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида (2014 йил 27 июнь) бугунги куннинг биз билган ва билмаган мураккабликлари яққол очиб, тушунтириб берилди. Президентимиз Қарорида ҳам бу масалага алоҳида ургу берилиб, “*Бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён – атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачигидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ, бўлиб, тинчлик учун курашиб янаша ҳал қилувчи аҳамиятга эга*” эканлиги алоҳида ўқтирилди.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. “Ўзбекистон, – деган эди Ислоҳ Каримов, – миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш – давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий кийинчиликларини бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир”.

**Ўзбекистон Президентининг асосли мулоҳазалари билан 1993 йил февраль ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.**

Мустақилликнинг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси, тамойиллари ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилиши натижасида, бугунги кунда унинг мустақиллигини дунёнинг 182 та мамлакати тан олди, 133 та давлат билан дипломатик, сиёсий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилган. Тошкентда хорижий давлатларнинг 45 та элчихонаси, 4 та фахрий консулхонаси, 2 та савдо ваколатхонаси, 7 та халқаро ташкилот бўлими фаолият кўрсатмоқда. 88 та хорижий ваколатхона, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг сармоялари иштироки билан 3000 дан ортиқ қўшма корхоналар иш юритмоқда. Жаҳондаги 80 дан ортиқ хорижий банклар Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлар ўрнатди. Хорижий мамлакатларда эса Ўзбекистоннинг 43 та элчихонаси ва консуллик муассасалари ишлаб турибди. Жаҳоннинг энг обрўли ташкилотлари, яъни БМТ, ЕХХТ, Европа Иттифоқида Ўзбекистон Республикасининг ваколатхоналари очилди.<sup>174</sup>

Ўзбекистон Республикаси истиклол туфайли ташқи сиёсатини мустақил равишда амалга ошириши учун кенг имкониятлар очилди. Мамлакат манфаатларига мос келадиган, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ташқи сиёсат йўналишларини ишлаб чиқиш долзарб вазифага айланди.

“Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатини амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир”,<sup>175</sup> – деб таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов. Истиклолнинг илк йилларидан бошлаб ташқи алоқалар муассасалари томонидан хорижий давлатлар билан халқаро алоқаларнинг тан олинган қоида ва нормалари асосида республиканинг дипломатик фаолияти турли йўналишларда олиб борилмоқда.

Бу, **биринчидан**, сиёсий муносабат ва иқтисодий алоқалар; **иккинчидан**, илмий-техникавий алоқалар; **учинчидан**, маданий алоқалар, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги халқаро алоқалардир.

Республика ташқи сиёсатига тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди.

## **2. Ташқи сиёсат принциплари**

**БМТ Уставида ва Халқаро ҳуқуқ принциплари бўйича декларацияда 7 та асосий принцип қайд этилган.**

- 1) Куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик.
- 2) Зиддиятларни тинч йўл билан бартараф этиш.
- 3) Аралашмаслик.

<sup>174</sup> Яғонасан, муқаддас Ватаним, севги ва салокатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! Ўзбекистоннинг 23 йиллик мустақил тараккиёт йўли... Услубий қўлланма. – Т.: Маънавият, 2014. – 146-б; “Даракчи”, 2015 йил 6 август.

<sup>175</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996 – 50-бет.

- 4) Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаши.
- 5) Ҳамкорлик.
- 6) Давлатларнинг суверен тенглиги.
- 7) Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш.

**Булар ЕХХТнинг 1975 йилдаги Якуний актида рўйхатга олиниб, 3 та принцип билан тўлдирилди:**

- 1) Чегараларнинг дахлсизлиги.
- 2) Худудий яхлитлик.
- 3) Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принциплари.

Президент Ислом Каримов “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” маърузасида (2005 йил 28 январда) ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишлари ҳақида тўхтади:

- 1) Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта, у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.
- 2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Албатта бунда минтақада стратегик мавҳумлик сақланиб қолаётганлигини ҳам тан олиш керак.
- 3) “Қўшнинг тинч – сен тинч” ҳаётий нақлига риоя этиш.
- 4) БМТ доирасида ҳамкорликни ривожлантириш. Шунингдек, ЕХХТ, Европа Иттифоқи, НАТО, АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва бошқа давлатлар билан демократик тамойиллар асосида алоқаларни ривожлантириш.

5) Халқаро терроризм ва радикализмга қарши курашда бирдамликни таъминлаш ва ҳ.к.

**Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-боб, 17-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсатининг **ҳуқуқий (5 та) принциплари** ишлаб чиқилди ва асослаб берилди:

- 1) Давлатларнинг суверенитети, тенглиги.
- 2) Куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик.
- 3) Чегараларнинг дахлсизлиги.
- 4) Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш.
- 5) Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

**Бу принциплар Ўзбекистоннинг манфаатдорлик тамойиллари билан уйғунлаштирилди.** Президент Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга оширишнинг **6 та амалий принципларини ишлаб чиқди, улар:**

- 1) Миллий давлат манфаатлари устун бўлган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш.
- 2) Умумбашарий кадриятлар устуворлиги, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш.
- 3) Тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлиқ, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик, тенглар орасида тенг бўлиш.
- 4) Мафқуравий қарашлардан қатъий назар очик-ойдинлик, барча давлатлар билан кенг алоқани ўрнатиш.

5) Ички миллий қонунлардан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиш.

6) Ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш.

1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республика Ҳарбий доктринаси тўғрисида” Олий Мажлис қарори қабул қилинди.

1996 йил 26 декабрда “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

2000 йил 3 февралда Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

2012 йил 10 сентябрда “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси” тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва шу кундан бошлаб кучга кирди.

### **3. Мудофаа доктринаси**

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий (Мудофаа) доктринаси 3 қисмдан иборат:

**I. Умумий қоидалар.** Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг негизини ташкил этади ва миллий хавфсизлик концепциясининг таркибий қисми бўлиб, ташқи сиёсат, давлатлараро муносабат масалаларига, уруш ва тинчлик муаммоларига янгича ёндашувларга асосланади. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўз мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллигини, чегаралар бузилмаслиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

### **II. Доктринанинг сиёсий жиҳатлари.**

Ўзбекистон Республикасининг урушга муносабати. Бунда ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси: халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишга қарши, ҳарбий можароларни дипломатия воситасида бартараф қилиш, зиддиятли ҳолатларга барҳам бериш, енгилга куч-ғайрат сарфлаш. Доктринанинг сиёсий жиҳати тинчлик учун кураш.

**Урушнинг ва уруш хавфининг олдини олиш - бош стратегик йўналиш.** Урушлар ва ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ҳарбий блоklarга кирмаслик. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини бошқа давлатга қарши ишга солмайди, ҳеч кимга таҳдид қилмайди. “Ядро қуролсиз яшайди”. Умумий хавфсизликни сақлашда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ролини оширади. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлайди, тизимни яратади. Фақат тинчлик учун кураш олиб боради. Одам руҳиятига ҳалокатли таъсир этувчи воситаларни ишлаб чиқишни тақиқлайди. Ҳарбий соҳадаги алоқаларни кенгайтиради. Миллий ва диний муросасизликка йўл қўймайди. Фундаментализм, экстремизм, террорчиликнинг кучайиш тенденциясига йўл қўймайди. Тинчликни сақлашдаги мажбуриятларга амал қилади ва х-к.

### **III. Доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатлари.**

Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари. Бунда шу

минтакада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун катъий ва изчил ҳаракат қилади. Хавфсизликни таъминлаб боради. Урушларнинг олдини олади.

1. Биринчи бўлиб бошқа давлатларга уруш очмайди.

2. Ҳарбий ҳаражатларни оширмайди.

3. Ҳар қандай блоklarга қўшилмаслик.

**Ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари.** Жаҳон турли минтакаларида куrolли гуруҳлар юқори даражада жамланган ва ҳоказо.

**Ҳозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатлари.** Ядро уруши инсоният учун ҳалокат манба. Инсониятни вайрон қилувчи куrolларнинг ишлаб чиқарилишига қарши, тажовузкорлик сиёсатини қоралайди ва ҳоказо.

**Бош ҳарбий-стратегик вазифалар.** Тинчлик даврида давлат мудофаа қобилиятини ривожлантиради. Уруш чиққан тақдирда ўз кучлари билан тегишли шартномалар орқали ҳаракат қилади.

**Куrolли Кучлар қурилиши ва уларни стратегик қўллаш принциплари.**

Куrolли кучлардан фойдаланиш шартлари.

**Республика иктисодиётини, ҳудудини ва аҳолисини мудофаага тайёрлаш Мудофаа (ҳарбий) доктринасининг ҳуқуқий асослари.**

Ташки сиёсий фаолиятнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон конституцияси ва қонунларида ҳамда 2012 йил 10 сентябрда кучга кирган мамлакатнинг ташки сиёсий фаолияти Концепциясида ифода этилган. Улар муҳим ташки сиёсий қарорларни қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсатининг бош тамойили мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир.

**Мамлакат суверенитети** – миллий мафкура ва миллий манфаатларга таянган ҳолда ташқи ва ички сиёсат соҳасида қабул қилинаётган қарорлар асосини ташкил этувчи етакчи тамойил сифатида намоён бўлади. Бинобарин, суверенитет олий кадрият, миллий давлатчиликнинг асоси сифатида либерал-демократик жамият талаблари орқали англанади, талқин этилади, шу билан бирга, суверенитет халқаро муносабатлардаги интеграцион жараёнлар иштирок этмасликка, алоҳидалик (изоляция) сиёсатини амалга ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва меъёрларини бажаришдан бош тортиш, умумдунёвий ва минтақавий нуқтаи назардан хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлик манфаатларини инкор этишга асос бўла олмайди.

Суверенитет устуворлиги тамойили миллий манфаатлар устуворлигига таянган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилишга масъулият билан ёндашув; жаҳон ҳамжамиятига очиқлик; бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик; миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаш ҳуқуқини англатади. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган республика учун бу, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан Президент Ислом Каримов масаланинг ана шу жиҳатига тўхталиб, “Ўзининг халқаро обрў-этиборини қозониш ва мустақамлаш, халқаро ҳуқуқининг тенг ҳуқуқли субъект сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзан эса



2. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади, принциплари ва вазифалари.

3. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.

4. Ўзбекистон ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш механизmlари.

“Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун (2012) мамлакатимиз ташқи сиёсатида бош қадрият ва тамойил бўлган ўзининг узоқ муддатли қуйидаги миллий манфаат ва принципларини кўзлайди:

1) Турли ҳарбий сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиш.

2) Ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиш.

3) Ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслик.

4) Очқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш, мафкуравий қарашларга тобе бўлмаслик.

**Ўзбекистон Республикаси ташқи дипломатик алоқаларда амалга оширилаётган демократик сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:**

1) мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ҳамкорлик учун очқ, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

2) давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;

3) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

4) куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

5) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;

6) ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;

7) тажовузкор ҳарбий блоklar ва уюшмаларга кирмаслик;

8) давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик устувлиги;

9) ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобида бошқасидан узоқлашмаслик ва бошқалар.

Бу тамойилларга давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асосқилиб олинди.

Афғонистонда вазиятнинг барқарорлашувига ва бардавом тинчлик ўрнатишига эришмасдан туриб, халқаро коалиция кучларининг 2014 йили олиб чиқиб кетилиши минтақада олдиндан кўра билиш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги қайд этилган. Концепцияда Ўзбекистоннинг кўшни Афғонистонга нисбатан тутган позицияси аниқ белгилаб берилгани характерлидир. Ушбу ҳужжатда қуйидаги муҳим қарашлар таъкидланади:

1) Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик, тинчлик ва

осойишталик тарафдоридир;

2) Биз ушбу мамлакат билан ўз муносабатларимизни тарихий тажриба, анъанавий дўстона ва яхши кўшничиликалоқаларига таяниб, ички ишларга аралашмаслик тамойилига амал қилган ҳолда олиб борамиз;

3) Ўзбекистон Афғанистон билан ўз муносабатларини икки томонлама асосда, ҳар иккала давлатнинг миллий манфаатлари ҳамда халқаро **ҳуқуқнинг** умумэтироф этилган нормаларига мос шаклда, афғон халқи ўз мамлакати учун танлаган йўлни хурмат қилган ҳолдақуради.

Концепцияда **Яқин ва Ўрта Шарқ** минтақаларида юз бераётган кескин ўзгаришлар ҳам эътибордан четда қолмаган. Ўзбекистон бу минтақалардаги давлатлар билан анъанавий тарихий-маданий алоқалар ҳамда дунёнинг бу қисмида рўй бераётган турли ўзгаришларнинг келгусидаги хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни давом эттириши таъкидланган. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсати ва дипломатиясининг мазкур ҳужжатда белгилаб қуйилган бошқа муҳим жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субъекти сифатида фаол ва изчил ташқи сиёсат стратегиясини олиб боради. Бунда миллий манфаатларни собитқадамлик билан илгари суриш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари учун қулай ташқи муҳитни шакллантириш каби мақсад ва вазифалар устувор аҳамият касб этади.

**Иккинчидан**, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатлар билан стратегик шерикчилик муносабатларининг мувозанатли ва кўп қиррали тизимини шакллантиришни давом эттириб, минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаш, сиёсий, иқтисодий, савдо-сотик, транспорт ва бошқа соҳалардаги халқаро алоқаларни кенг диверсификация қилиш йўлидан боради.

**Учинчидан**, мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан бўлган алоқаларига ҳам алоҳида урғу берилган. Бу борада, авваламбор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан ҳамкорлик устувор аҳамиятга эга экани баён қилинган. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа қатор халқаро институтлар билан алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида қарорлар қабул қилиш жараёнида консенсус принципи бунда ўзаро ишонч, тенглик ва бир-бирининг манфаатларини хурмат қилиш қоидаларига қатъий риоя этиш тарафдори эканлиги қайд қилинган.

**Туртинчидан**, Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди. Ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш **ҳуқуқини** ўзида сақлаб қолади. Ўзбекистон ўзини қўшни давлатлардаги қуроли зиддиятларга тортилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чораларни кўриб, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди ва Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

1997 йил 14-16 сентябрда Тошкентда “Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Унда 56 мамлакатдан ва 16 халқаро ташкилотдан 200 дан ортиқ киши иштирок этди. Ислом Каримовнинг мазкур анжумандаги нутқда баён этилган ядровий хавфсизликни таъминлаш чоралари ҳақидаги фикрлари анжуман қатнашчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

**5. Ядросиз ҳудудлар мақоми. Хўш, “Ядросиз зона”нинг қандай мезонлари бор?** Халқаро амалиётда бундай ҳудудларни белгилашнинг ягона мезони йўқ. Чунки ҳар бир минтақа ўз хусусияти ва аҳамиятига эга. Аммо, тадқиқотчилар ядросиз зона тушунчасини шундай изоҳлайдилар: “Ядросиз зона қурол-яроғларни чеклаш, ядровий низо чиқиши хавфини камайтириш, мазкур зонага қирадиган мамлакатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва 1968 йилда имзоланган ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартноманинг ҳаётга татбиқ этилишига қўмаклашиш воситасидир. Халқаро шартнома асосида ядро қуролини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган, шунингдек, унинг ҳудудида ва унга қарши ядро қуролини қўллаш тақиқланган зона - ядросиз зона ҳисобланади”.

1999 йил 1 февралда Тошкентда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг 3 кунлик сессияси бўлиб ўтди (“Тошкент окшоми”, 1999 йил 3 февраль).

Бугунги кунда ядросиз зоналар бутун ер шарининг 70 фоизини ташкил этади. Дунёнинг кўпгина давлатлари ядросиз зоналар ҳақидаги 6 та шартномани қўллаб-қувватламоқдалар.

**1) Антарктида шартномаси** 1959 йил 1 декабрда қабул қилинди ва 1961 йил 3 июнда кучга кирган.

**2) Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ядро қуролини таъқиқлаш ҳақидаги Тлателолко шартномаси** 1967 йил 14 февралда қабул қилинди ва у 1969 йил 25 апрелда кучга кирган.

**3) Тинч океанининг жанубий қисмини ядросиз ҳудудга айлантириш ҳақидаги Раротон шартномаси** 1985 йил 6 августда қабул қилинди ва 1986 йил 11 декабрда кучга кирган.

**4) Жанубий-Шарқий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Банкок шартномаси** 1995 йил 15 декабрда абул қилинди.

**5) Африкани ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ҳақидаги Пелиндаб шартномаси** 1999 йил 11 апрелда қабул қилинди.

Мажбуриятлари 7 та. Ядро қуролига эга давлатлар (5 та). Мажбуриятлари 3 та (“Хаёт ва қонун”, 2005, №2, 38-39 б.).

**6) Марказий Осиёда ядросиз зона ташкил этиш тўғрисидаги Семипалатинск шартномаси** 2006 йил 8 сентябрда қабул қилинди ва Марказий Осиёдаги 5 та давлат раҳбарлари томонидан имзоланди ва бу шартнома 2009 йил 21 мартдан кучга кирди.

2006 йил 8 сентябрда имзоланган ҳужжат БМТ, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, “ядровий бешлик” мамлакатлари - Буюк Британия, Хитой,

АҚШ ва Франциянинг фаол кўмаги ҳамда иштирокида кечган минтақада давлатларнинг кўп йиллик ўзаро фаолияти самараси бўлди. Шартномага кўра, расмий тарзда ядровий қуролга эга бўлган давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, А К III ва Франция Республикаси) ушбу шартномани имзолаши керак эди. Бу эса “бешлик” давлатлари Шартномага аъзо томонга нисбатан ядровий қурол ёки бошқа турдаги ядровий портловчи мосламаларни ишлатмаслик ёки ишлатиш билан таҳдид қилинмасликни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашини англатади. Бу шартнома 2009 йил 20 мартда БМТ Бош қотиби Пон Ги Мун томонидан эълон қилинган баёнотда айтиб ўтилди (“Халқ сўзи”, 2009 йил 25 март).

Демак, дунёнинг 110 мамлакати, яъни жаҳон ҳамжамиятининг ярмидан кўпи ядро қуролидан бутунлай воз кечиш тарафдоридирлар (1. Собирова Ш. Ядро қуролидан холи зона. Маърифат, 2006, 12 июль).

Ташки сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ қуйидаги асосий тамойилларни ишлаб чиқди ва унга амал қилиб келмоқда:

Ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устуворлиги.

Тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.

Мафқуравий қарашлардан катъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги.

Ташки алоқаларни ҳам икки тамонлама ва кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз ташки сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташки сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган “Буюк Ипак” тарихий йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистон бир неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуктаси бўлиб келмоқда.

## 9-боб. ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ ВА МАЪНАВИЙ ЯНГИЛАНИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ РОЛИ. МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ

### 9.1. Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобининг тафаккур янгилинишига таъсири

Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоби 2011 йил август ойида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик юбилейига атаб ёзилган асардир. Китоб “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилди ва 27,5 босма табақ ҳажмида, жами 440 бетдан иборат. Китоб ўзида 35 та маърузани қамраб олган<sup>177</sup>.

#### И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида кўтарилган энг асосий ғоялар

1. Ушбу китоб 2010 йил 12 ноябридаги Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланириш концепцияси” билан узвий боғлиқ.
2. Китобда истиқлол арафасидаги инқирозли ҳолат ҳақида ҳикоя қилинган.
3. Сиёсий-ижтимоий ислохотлар назарияси ишлаб чиқилган.
4. Мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий заминлари ишлаб чиқарилган.
5. Тарихда шахснинг ўрни ва маънавий жасорат феномени баён этилган.
6. Мустақиллик сари ташланган қадамлар кўрсатилган.
7. Янги авлод кадрларини тайёрлаш концепциясига асос солинган.
8. Миллий ўзликни англаш, маънавий шаклланиш баён этилган.
9. Китобда жамият маънавий янгилинишига олиб келадиган истиқлол мафқурасининг назарий ва амалий ғояси баён этилди.
10. Баркамол авлодни тарбиялашда ғоя ва мафқуранинг таъсирчанлик роли асослаб берилган.

#### 9.1.1-расм

<sup>177</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 бет.

**Собик Иттифоқ даврида давлат ҳокимияти ва ҳукуматини  
бошқарган шахслар (КПСС МК ва Ўзбекистон Компартияси  
1-котиблари) раҳбарлари:**

Т/р	Собик Иттифоқ раҳбарлари (КПСС МКнинг 1-котиблари ва Президенти)	Туғилган ва яшаган йиллари	Ҳокимият тепасида (КПСС МКнинг 1-котиблари ва Президенти)	Ҳокимиятни бошқарган давр (йил)
1.	Хурушчев Никита Сергеевич	1894-1971	1953-1964	11
2.	Брежнев Леонид Ильич	1906-1982	1964-1982	18
3.	Андропов Юрий Владимирович	1914-1984	1982-1984	2
4.	Горбачев Михаил Сергеевич	1931	1985-1991	6
5.	Ўзбекистон Компартияси 1-котиблари ва мустақил Ўзбекистоннинг 1-раҳбари (Президенти):			
1.	Рашидов Шароф Рашидович	1917-1983	1959-1983	24
2.	Усмонхўжаев Иномжон Бузурукович	1930	1983-1988	5
3.	Нишонов Рафиқ Нишонович	1926	1988-1989	1
4.	Каримов Ислоҳ Абдуғаниевич – мустақил Ўзбекистоннинг 1-раҳбари ва Президенти	1938	1989-2016	27

**9.1.2-расм**

**1. Рашидов Шароф Рашидович (1917-1983)** – давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи. Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби (1959-1983). “Чегарачи” достони (1937), “Қаҳрим” шеърлар тўплами (1945), “Ғолиблар” кассаси (1953), “Бўрондан кучли романи, “Кашмир қўшиғи” лирик кассаси (1956), “Қудратли тўлкин” (1964), “Ғолиблар” (1972) романларини яратди. Шароф Рашидов халқ ва мамлакат ҳаётида рўй берган воқеаларни давлат ва партия арбоби сифатида мушоҳада этиб, адабиётнинг бадиийлик мезонларидан кўра гоёвийлик тамойилига кўпроқ эътибор берди.

Шароф Рашидов республикага раҳбарлик қилган йилларида қатор бунёдкорлик ишлари билан бирга кишлоқ хўжалиги ерларидан экстенсив фойдаланиш оқибатида экологик вазиятнинг бузилиши, пахта яккахокимлигининг қарор топиши каби нохуш ҳолатлар ҳам юз берди. Рашидов вафотидан сўнг Марказ томонидан тоталитар тузумнинг барча кирдикорлари унга юкланиб, 80-йиллар катоганида ноҳақ қораланди<sup>178</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ш. Рашидов номи оқланди ва у Ватанимиз тарихида муносиб ўрин эгаллади. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллиги (1992) нишонланди. Рашидов Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи меъморий мажлиси учун қурилиш гоёсининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида вафотидан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан

<sup>178</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.7. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. 263-бет.

тақдирланди. (1994). Сирдарё вилоятидаги туман, Тошкент ва Жиззах шаҳридаги кўчалар, мактаблар, маҳаллаларга унинг номи берилган. Жиззахда Рашидов ҳайкали ва музейи бор. “Чиғатой” қабристонига дафн этилган.

“Шароф Рашидовнинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги алоҳида хизмати шундан иборатки, - деб таъкидланган эди. Президент И. А. Каримов, - у ишлаб турган даврда ўзбек халқи бутун дунёга машҳур бўлди. Халқаро тинчликсевар ҳаракатини ифодаловчи ва республикамиз заминада вужудга келган машҳур “Тошкент руҳи” тушунчаси бевосита Рашидов номи билан боғлиқдир”<sup>179</sup>.

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт кўя олган арбоблардан эди... Унинг ҳаётини ҳам ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди...

“Рашидов – ўзбек номини улуғлаш учун унинг энг юксак фазилатларини намоён қилишга жонини фидо этган инсондир. Шу туфайли халқимиз юрагидан муносиб жой олган ва унинг меҳрига сазовор бўлган.

**2. Усмонхўжаев Иномжон Бузурукович** (1930) Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби (1983-1988). У республикага раҳбарлик қилган йилларда сиёсий ва иқтисодий вазият ёмонлашди, у қатъиятсизлиги ва журъатсизлиги туфайли Марказнинг тазйикига дош бера олмай, 1984-1988 йилларда Ўзбекистоннинг кўплаб ҳўжалик ва партия арбоблари “пахта иши” ва “ўзбеклар иши” деган сохта айбловлар натижасида катагон қилинишига, халқнинг миллий гурури ва кадрятлари камситилишига йўл қўйиб берди<sup>180</sup>. Собиқ СССР Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т. Гдлян гуруҳи томонидан “пахта иши”да айбланиб 800дан кўп жиноий иш тергов қилинди, 5 мингдан кўпроқ киши судланди. Улар орасида 600 нафар раҳбар ходимлар, 10 нафари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор эди. “Пахта иши” деб номланган катагонга миллий тус берилиб, у “ўзбеклар иши”га айлантирилди ва зиёлилар ҳам таъкиб остига олинди<sup>181</sup>. Республика раҳбариятига сиёсий иродаси бўш кишиларнинг келиши натижасида Марказ (Москва)дан 400га яқин “Кадрлар тўдаси” юборилди. Юртимизга “қонун посбонлари” сифатида гўёки адолат ўрнатиш учун келган “десантчи”лар томонидан содир этилган қонунбузарлик ва жиноятлар, маҳаллий кадрларнинг кенг қўламда қувғин қилиниши, жиноятчилик, босқинчилик, ўғирлик, котиллик турлари авж олишига сабаб бўлди.

“Десантчи”, “қонун ҳимоячилари” қисқа вақт ичида Ўзбекистон прокуратурасининг энг юқори лавозимларига ЎЗССР прокурори, унинг муовинлари, ҳатто область, район прокуратураси лавозимларини эгаллаб, истаганча ўзбек халқи, пахтакорлари устидан жиноят ишлари қўзғатдилар.

**3. Нишонوف Рафиқ Нишонович** (1926) – Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби (1988-1989). Р. Нишонов республикага раҳбарлик қилган йилларда

<sup>179</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. 94-бет.

<sup>180</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.9. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. 141-бет.

<sup>181</sup> Жўраев Н. Тафаккурдаги эвришиш. – Т.: Шарқ, 2001. 72-бет.


катъиятсизлиги, узокни кўра билмагани туфайли Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан ғаразли сиёсати ва қатагонлари давом этди, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт оғирлашди, миллатлараро адоватлар кучайди, республиканинг маъмурий-худудий тузилиши бўйича волонтаристик (тафаккурни эмас, балки иродани бирламчи деб эътироф қилувчи, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларини инкор қилиш) қарорлар қабул қилинди<sup>182</sup>.

Р. Нишонов раҳбарлик даврида “Фарғона воқеаси” юз берди. 1989 йил 23 май охи охирилари, июнь охи бошларида Фарғонанинг кўпгина туман ва шаҳарларида фавқулотда ходиса юз бериб, ўзбек миллий кийимларини кийган, бошқа миллат кишилари, меҳсети турклари ва русларга қарши турли даъволар билан тўқнашув фожиаси юз берди. Москва таъсири билан юз берган бу фожияда 103 киши ҳалок бўлди, 109 киши оғир жароҳатланди. 800 дан зиёд уйларга ўт қўйилди. Етказилган зарар бир неча миллион – миллион сўмдан ошди. Бу фожиада 30 мингга яқин киши катнашган. Фожиа Тошлоқ туманига, сўнг Маргилон, Қўқон шаҳарларига ўтди. Собиқ Ўзбекистон раҳбари Р. Нишонов Фарғона ва вилоятлардаги бўлиб ўтган қонли тўқнашувларни хаспўшлаб, СССР Олий Совети сессияси минбарида “Бу – бир тарелка қулулпнай устида бўлиб ўтган оддий можаро”, деб бутун дунёни чалғитди. Энг ёмони Марказга яхши кўриниш учун ўз халқининг бошига тушган фожиани атайлаб яшириб, унинг манфаатларига хиёнат қилган эди.

Фарғона ва республикамининг бошқа худудларида 1989 йил май ва июнь охи бошларига келиб кенг миқёсдаги репрессив сиёсат оқибатида ўта қалтис вазият юзага келган эди.

- 1) Эртанги кунга ишончсизликнинг ортиши.
- 2) Озгина учкун чикса, ловуллаб ёниб кетиш мумкин бўлган вазият.
- 3) Ҳукмрон репрессив сиёсат.
- 4) Мустабид мафкура кучининг сақланиши.
- 5) Кенг тарқалган қўрқув ва ваҳима.
- 6) Халқ кайфиятидаги тушкунлик.
- 7) Давлат бюджетининг камомати ўсиши.
- 8) Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш даражасининг пасайиб бориши.
- 9) Пулнинг тобора қадрсизланиб бориши.
- 10) Кўплаб халқ истеъмол моллари тақчиллигининг сезиларли ошиб бориши.
- 11) Транспорт, саво, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилиши соҳаларидаги хизмат кўрсатиш сифатининг пасайиши.
- 12) Меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш, шароитларининг ёмонлашиб бориши.
- 13) Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг кескин пасайиб кетиши.

<sup>182</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.6. – Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. 369-бет.



9.1.3-расм

XX аср 90-йилларига келиб, социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европада собиқ социалистик мамлакатлар ўз миллий мустақилликларини қўлга кирита бошлади. 1990 йилга келиб, собиқ СССР бошқаруви янада мураккаблашиб борди. 1990 йил 6 августда собиқ СССР Президенти (КПСС МК нинг Бош секретари) М. Горбачёв “Янги иттифок шартномасини асос сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифок дастури Концепциясини тайёрлаш ҳақида” фармон чикарди.

Собиқ иттифокдаги ўртача ҳаёт даражасига нисбатан оғир ва аянчли ижтимоий манзара (аҳоли жон бошига)		
1.	Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12 – ўрин
2.	Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 – ҳисса
3.	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	40 фонз
4.	Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фонз
5.	Кишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фонз
6.	Гушт, сут ва сут маҳсулотлари	50 фонз
7.	Ойига 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиганларнинг улуши (45 фонз аҳоли)	2 ҳисса кўп

9.1.4-расм

1990 йил сентябрида собиқ СССР Олий Кенгаши 4-сессиясида Н.Рижков “Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик ва мамлакат халқ хўжалигида барқарорликни вужудга келтириш ҳақида” маъруза қилди ва шу асосда Бунда С. Шаталиннинг “500 кун” Дастури ҳам кўрилди. Бу дастур РСФСР Олий Совети 2-сессиясида 1990 йил 11 сентябрда қабул қилиниб, ижобий баҳоланган эди. Лекин ҳар иккала дастур ҳам СССР Олий Кенгаши 4-сессиясида қабул қилинмади. Аксинча, ҳар иккала дастурни уйғунлаштириб қабул қилишга келишиб олинди.

**1990 йил сентябрдан кейин собиқ СССРда ҳокимиятнинг эгаллаш учун юзага келган вазият ва гуруҳлар**

**1. М. Горбачёв командаси** (КПСС МКнинг бош секретари, СССР Президенти). СССРни қайта қуриш, демократиялаш, ошқоралик, кўппартиявийлик асосида янгилик тарафдорлари бўлган кучлар. Лекин бу кучлар 1990 йилдан кейин давлат ҳокимияти бошқарувини қўлда тутиб тура олмади.

**2. Н. Рижков ва В. Павлов тарафдорлари.** СССР Министрлар Советининг раиси В. Павлов командаси эскича яшашга интилиш кучли бўлиб, СССРнинг парчаланиб кетмаслиги учун Иттифок ҳудудида каттиққўллик сиёсати, регрессив бошқарувни кучайтириш, республикаларга мустақиллик бермаслик гоясини илгари суришди.

**3. С. Шаталин тарафдорлари.** Шаталин дастурига кўра (РСФСР) “Россияни 500 кун” ичида ривожлантириш, эркин бозор хўжалиги иқтисодиёти йўлидан боришни мақсад қилиб қўйиши. Лекин бу дастур СССР Олий Кенгашида қабул қилинмади.

**4. Ҳарбийлар Г.Янаев тарафдорлари.** СССР вице-президенти Г.Янаев, СССР Министрлар Советининг раиси В.Павлов, КГБ раиси В.Крючков, Мудофаа вазири Д.Язов. Ички ишлар вазири Б.Пуго ва бошқалар 1991 йил 19 августда М. Горбачёв бошчилигидаги қонуний ҳокимиятни ағдариб, бутун Иттифок ҳудудида ГКЧП (Давлат фавқулодда ҳолат кўмитаси) фармойиш, қарорлар қабул этиб, барча республикалар, вилоят ва туманларда уларнинг сўзсиз ижро этилишини талаб қилишди (1991 йил 19-21 август кунлари) ва ҳарбий ҳолат эълон қилишди.

Ўзбекистон Президенти 1991 йил 17-19 август кунлари Ҳиндистонга расмий ташриф билан борган эди. ГКЧПнинг фавқулодда давлат кўмитасининг мурожаати Юртбошимиз Ҳиндистонда бўлган пайтда (19 август) эълон қилинди. Афсуски, Ўзбекистон раҳбарининг сафарда эканлигидан фойдаланиб, ГКЧПнинг қонуний қарорларини қўллаб-қувватлайдиган раҳбарлар юртимизда ҳам топилди. Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Мирсаидов ва Ўзбекистон Компартияси МКнинг 2-котиби А. Ефимовнинг имзоси билан

СССРда фавкуллода ҳолат давлат кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида кўрсатма юборилди<sup>1831</sup>.

1991 йил 20 августда Ўзбекистон Олий Кенгаши раёсатида Президент Ислом Каримов СССРда юзага келган вазиятга, фавкуллода Ҳолат давлат кўмитаси ва унинг раҳбари қабул қилган қарорларга Ўзбекистон раҳбарининг муносабатини аниқ-равшан баён этди. Ўзбекистон Президентининг республика аҳолисига мурожаатида ҳар биримиз огир ва вазмин бўлишимиз, саросимага тушмасдан, ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб одган мақсадларимиздан қайтганимиз йўқлиги ҳақидаги фикрлар билдирилган эди.

**4. Каримов Ислом Абдуғаниевич(1938-2016)** – йирик давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони (1994). 1966 йилда Ўзбекистон Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг 1-ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилда Ўзбекистон Молия вазири, 1986 йилдан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари – республика Давлат план комитетининг раиси. 1986-89 йилларда Ўзбекистон КП Қашқадарё вилоят комитети (обкоми)нинг 1-котиби, 1989 йил 23 июндан Ўзбекистон КП МК 1-котиби. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 августда И.А.Каримов тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунларига кўра, И.Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди. 2000 йил 9 январда муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланди. У Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг Олий Бош қўмондонидир. 2002 йил 27 январда референдум ўтказилиб, Ўзбекистон Президентининг Конституциявий ваколат мuddати 5 йилдан 7 йилга ўзгартирилди. 2007 йил 23 декабрда Президент сайловида ғолиб бўлиб, яна Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 2015 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра, Ҳ.А.Кетмонов 552309 нафар ёки 2,92%, А.Х.Саидов 582688 нафар ёки 3,08%, И.А.Каримов 17122597 нафар ёки 90,39%, Н.М.Умаров 389024 нафар ёки 2,05% овоз тўплади. Марказий сайлов комиссияси сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилди. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти деб эълон қилинди (//“Халқ сўзи”, 2015 йил 31 март).

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча ютуқларни ҳақли равишда Ислом Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди. У собик совет тузумидан кейин пайдо бўлган беқарор, нотинч даврда Ўзбекистон жамятида барқарорлик ва ишончни пайдо қила олди, халқи олдига миллатни юксакларга кўтарадиган улкан мақсад ва вазифалар қўйди. Ислом Каримов Ўзбекистонда

<sup>1831</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 23-24-бетлар.

амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси, мамлакатнинг истиқлол дастурини ишлаб чиққан ва тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбобидир.

Ўзидан илгари республика раҳбари бўлиб ишлаган, сиёсий калтабинлиги ва журъатсизлиги билан эл-юрт ўртасида обрўсини йўқотган И. Усмонхўжаев ва Р.Нишонов каби ўтмишдошларидан фарқли равишда, Ислом Каримов Ўзбекистон етакчиси сифатида узоқ вақтлар давомида енгилмасдан, газак олдирилган камчилик ва нуқсонлар, ўткир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиб ташлайди, мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимади<sup>184</sup>.

Мавжуд сиёсий барқарорлик, бошбошдоқлик ва бедодлик шароитида, нақадар оғир ва қалтис бўлмасин, ўша машъум кунларда собиқ Марказдаги кучлар ва уларнинг ўзимиздаги малайлари юртимиз раҳбарига ҳар қадамда миллатчилик ёрлигини ёпиштириш, унинг шахсига нисбатан тухмат ва маломатлар ёғдиришга қанчалик уринмасин, қандай оғир сиёсий ва маънавий-руҳий босим таъсири остида иш олиб боришга тўғри келмасин, Ислом Каримов Ватанимизнинг том маънода мустақилликни қўлга киритишига эришишдек олий мақсад йўлидан ҳеч қачон қайтмаганини “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидан ўрин олган хужжатлар яна бир бор исботлаб, тасдиқлаб беради.

Ўзбекистон СССР деб аталган дунёдаги энг қудратли империяга қарам республика эди. Уни на БМТ, на бошқа халқаро ташкилотлар, на жаҳон ҳамжамияти танир, тан олар эди. Яъни, мустақиллик йўлидаги ҳаракатларимизда бизни қўллаб-қувватлайдиган, биз таянадиган бирон-бир ташки омил, нажоткор куч йўқ эди. Ислом Каримовнинг “фақат ўз кучимиз, ўз салоҳиятимизга таяниб иш кўришимиз керак”, “ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан келиб биров бизга ёрдам бермайди” деган, деярли ҳар бир оммавий чиқишнинг маъно-мазмунига сингиб кетган даъваткор сўзларни ўқир эканмиз, Яратган қайси элни тўғри йўлга бошламоқчи бўлса, аввало, унга донишманд, мард ва азму шижоатли инсонни йўлбошчи қилиб қўяди, деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

\*\*\*

Дунёдаги халқлар ва миллатларнинг озодлик йўлидаги курашлар тарихи шундан далолат берадики, жамият ҳаётидаги туб бурилишлар даврида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи буюк йўлбошчиларни майдонга чиқарди. Ҳиндистон тарихида Махатма Ганди, АҚШ тарихида Жорж Вашингтон, Франция тарихида Шарл де-Голль, Туркия тарихида Мустафо Камол Отатурк, Ўзбекистон тарихида Ислом Каримов ана шундай тарихий миссияни ўз зиммасига олиб, она халқининг миллий-озодлик курашига бошчилиқ қилганлигини дунё биледи.

<sup>184</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 10-бет.

Бизни юртимиз тарихида ана шундай улуг йўлбошчилар тарихий вазият тақозоси билан майдонга чиқиб, халқимизни ёвуз босқинчилар зулмидан озод этган, унинг шаъни ва ғурури, инсоний ҳуқуқларини қайта тиклаган. Бу ҳақда гапирганда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз XIV асрда Туркистон заминини мўғуллар зулмидан озод этиб, ана шундай буюк миссияни адо этганини ҳамиша ғурур-ифтихор билан эсга оламиз. XX асрнинг 90-йилларига келиб эса Президент Ислоҳ Каримов ана шундай ўта оғир ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Буни “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги ҳар бир нутқ ва маъруза, тарихий ҳужжат тасдиқлайди.

Китобдаги биринчи материал 1989 йил 23 июнда, Республика раҳбари сифатида бўлиб ўтган Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда сўзлаган нутқида Ислоҳ Каримовдаги ҳақиқий йўлбошчиларга хос фазилатлар ёрқин намоён бўлади. “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” нутқида асослаб берди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ўз китобида Фарғона воқеаларининг туб сабабларини қуйидаги масалалар билан боғлиқ ҳолда талқин этади:

1. Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи.

2. Одамларнинг таъминоти, даромади, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳаддан ташқари пастиги туфайли бундай ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам содир бўлиши мумкинлиги. 9 миллион киши ойига 75 сўмдан кам даромад олиши (20 миллион аҳолининг 45 фоизи).

3. Ишсизлик, ишчи кучларининг камлиги, яъни ортиқча ишчи кучининг кўпайиб бориши.

4. Ёшлар ва уларни ишга жойлаштириш масаласи жиддий ўйлаб кўрилмаганлиги.

5. Ижтимоий муҳофаа тизимининг ёмонлиги. Пенсия пуллари 42 сўм бўла туриб, нормал ҳаёт кечириш учун 85 сўм бўлиши керак эди. Томорқа ерларининг, ҳар 5 хонадоннинг бирида мол, сигирларнинг йўқлиги.

### **Ислоҳ Каримов томонидан Фарғона воҳаси ва республикаимиз ҳудудида юзага келган ижтимоий-иқтисодий аҳволни бартараф этиш йўллари:**

1. Марказга бериладиган пахтани 700 минг тоннага қисқартирди. 2 миллион 108 минг гектар пахта майдонларини 1 миллион 826 минг гектарга камайтириб, мамлакатда пахта яккаҳоқимлигига чек қўйди. 165 минг гектар ер майдони одамларга бўлиб берилди, пахтадан бўшаган ерларга полиз маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди.

2. Қишлоқда яшовчи ҳар бир оила ва кишига 25 сотихдан ер ажратилди ва томорқа майдонлари 4,5 баробар кўпайтирилди. 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўп ер ажратилди. 700 минг оилага томорқа ерлари берилди.

3. Ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун ҳар бир вилоят, туман ва ҳўжаликларида 50-60 кишилик қурилиш бригадалари тузилиб, 7,7 минг киши,


аёллар иш билан таъминланди<sup>185</sup>.

4. Ижтимоий муҳофаза йўлга қўйилиб, пенсия пуллари 42 сўмдан 60-70 сўмга, ойлиқлар 120-160 сўмга оширилди. Аҳоли ижтимоий фаровонлигини белгилаб берадиган дастурлар ишлаб чиқилди.

5. 1991 йилдан хўжалик ҳисобига ўтиш дастури тузилди.

6. Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўллари белгилаб берилди.

7. Халқни маънавий юксалтириш йўллари ишлаб чиқилди, миллий ва диний кадрятлар тикланди.



**9.1.6-расм**

**Умуман, И.А. Каримов фаолиятидаги асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат эди:**

- 1) мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдида қатъий талабларни принципап тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимаслик;
- 2) қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, очик гапириш
- 3) ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қараш;
- 4) юракдан чиққан самимийлик;
- 5) узок вақтлар газак олдирилган нуқсонларнинг илдизини очиш;
- 6) халқимизни бадном қилишга уринган ёвуз кучларга қарши қатъий кураш олиб бориш;
- 7) кенг тафаккур, мустаҳкам ирода ва эътикод;
- 8) одамларнинг қалб жароҳатларига амалий ишлар билан малҳам қўйиш;
- 9) азму шижоатлилик, мардлик ва донишмандлик;
- 10) тартиб-интизомни тиклаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиш;
- 11) азоб-укубат ва қон тўкилишига сабаб бўладиган бошбошдоклик, ҳокимият-сизлик ва адоват бўлишига йўл қўймаслик;
- 12) фожиа оқибатларини бартараф этишнинг аниқ амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш;

<sup>185</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. 59-бет.

- 13) кўнгилларда сўнган умид учкунларини уйғотиш;
- 14) халқнинг тухмат ва маломатлардан эгилган руҳини қайтариш;
- 15) эл-юртимиз дардига дармон бўлиш;
- 16) барча соғлом кучлар ҳамкорлигига таяниб, халқни жипслаштириш, унинг бунёдкорлик куч-гайратини рўёбга чиқариш;
- 17) конунга, адолатнинг кучига таяниш;
- 18) тинчлик ва осойишталикни энг катта бойлик деб билиш;
- 19) ислохотлардаги тадрижийлик ва босқичма-босқичлик;
- 20) инсон манфаатларини ҳар қандай шароитда ҳам биринчи ўринга қўйиш<sup>186</sup>.

**Умуман, Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ислон Каримов бошчилигида Ўзбекистонда мустақиллик сари қўйилган тарихий қадамлар қуйидагилардан иборат:**

1. 1989 йил 21 октябрда “Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинди. Бу қонун 30 моддадан иборат бўлиб, 1-модда “Давлат тили – ўзбек тили” дейилди. 1995 йили 21 декабрда бу қонунга ўзгартиришлар киритилди.

2. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозими жорий қилинди.

3. 1990 йил 20 июнда “Мустақиллик декларацияси” (13 бўлимдан иборат) қабул қилинди.

4. 1991 йил 15 февралда Олий Кенгашнинг “Ўзбекистон давлат рамзлари тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди.

5. 1991 йил 22 июлида Олий Кенгаш “Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Иттифокқа бўйсунувчи давлат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотларини ЎзССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

6. 1991 йил 21 августда Ўзбекистон Президенти Фармони билан “Фавқулодда ҳолат давлат кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарордари ва фармонлари ноқонунийдир” деб эълон қилди.

7. 1991 йил 25 августда Президент фармони билан 1) Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети ЎзССРнинг қонуний тасарруфига олинди. Шу Президент фармони билан 2) Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички кўшинлари бевосита ЎзССР Президентлигига бўйсундирилди. 3) Шу Президент фармони билан ЎзССР Олий Кенгаши Рийёсатига жуда қисқа муддатда республиканинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни ЎзССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокамасига тақдим этиш таклиф қилинди. 4) ЎзССР Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлиги комитети, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек республика ҳудудида жойлашган ички кўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва кўшинлари партиядан холи қилинди.

<sup>186</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобини ўргангиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2012. 103-бет.

8. 1991 йил 28 августда ЎзКомпартияси МК Марказий назорат кўмитаси билан биргаликда қўшма пленум ўтказилиб, унда Ўз. Компартияси КПСС МК билан ҳар қандай алокани тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотлари ва органлари билан алокани тўхтатишга қарор қилинди. 29 августда ЎзКомпартияси мулки умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

9. 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида 3 та тарихий ҳужжат қабул қилинди:

1) “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуни. Бу қонун 17 моддадан иборат.

2) “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғриси”ги Олий Кенгаш қарори.

3) “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида” Олий Кенгаш баёноти.

4) Ушбу тарихий ҳужжатларда 1 сентябрь – республика мустақиллиги қуни умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

10. 1991 йил 6 сентябрда Президент фармони билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди.

## **9.2. Бозор муносабатларига ўтишнинг инсон тафаккурига таъсири.**

### **Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт**

Бозор муносабатларига ўтишнинг иқтисодий тараққиёт модели глобал ва миллий характерга эга. Ҳозирги вақтда тараққиётнинг бир қатор типик глобал қуйидаги моделлари мавжуд.

Жаҳонда миллий тараққиёт моделлари кўп бўлиб, уларни асосан Европа ва Осиё тараққиёт моделларига ажратиш мумкин. Бу моделлар шу китъада яшаётган туб аҳолисининг номи билан аталади. Бунда Европа мамлакатлари иқтисодий тараққиёт моделлари туркумига: немис, британ, француз, швед; Осиё мамлакатлари иқтисодий тараққиёт моделлари гуруҳига: япон, корейс, хинд, хитой моделлари қиради.

### **Бозор муносабатларига ўтиш (иқтисодий) моделлари:**

1. **Осиё тараққиёт модели** – жамоанинг кучли позицияси ва диний омилга асосланган бўлиб, бу моделда ундирувчи саноат ва кишлок хўжалиги асосий ўринда туради. “Осиё арслонлари” деб эътроф этилган: Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Малайзия каби мамлакатлар (шунингдек, Гонгконг асосчиси Ден Сяпин) ривожланди. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар хўжалик турларининг трансформацияси орқали юз беради.

1) Азалий натура хўжалик бозор доирасига тортилиб, товар хўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб чиқади.

2) Кам ривожланган, лекин реал мавжуд миллий капиталистик хўжалик бозор иқтисодиёти томон юз тутари.

3) Хорижий капитал яратган хўжалик, ишлаб чиқаришнинг хорижий сектори заминида бозор иқтисодиёти унсурлари ривож топади.

“Янги-Япон” йнгит-қизлари билан кучи ва ақлига таянадилар. Ишчи кучини “аждаҳо”лар беради. АҚШ технологиясидан нусха кўчирган. Японияда тарбиянинг асосий маскани сифатида мактаб танланган. Фуқаро тарбияси

“ахлоқий тарбия” тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда “ахлоқий тарбия” тизими қуйидагича номланади:

а) характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим”;

б) “давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият”.

в) “фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш”.

**2. Европа моделида** – иқтисодий тараққиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусий ташаббуснинг юқори даражада ривожланганлиги, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва солиқ ундиришнинг шароитга мослашувчан тизими, жамиятнинг технократик йўналиши, ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори ҳиссаси кўзга ташланади. Бу моделда эволюцион йўл орқали оддий товар хўжалигидан классик капитализм томон ва undan бозор иқтисодиёти томон борилади. Бу модел орқали Европа давлатлари XX аср 30-йилларидан бошлаб, бозор иқтисодиётига ўтиди, 50-60- йилларда шиддатли тус олди.

**3. Латин Америкаси модели** - хомашё тамойилига қурилиб, ундирувчи саноат тармоқларининг ривожланганлиги, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, хуфёна наркокапиталнинг юқори ҳиссаси, экспортнинг паст, товар ва хизматлар импортининг юқори даражаси иқтисодиётда майда товар ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражаси билан тавсифланади.

**4. Осиё-Тинч океани модели** (XX аср 70-80-йилларда шаклланган)нинг типик хусусияти – юқори технологияга эгаллиги, табиат ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш илмий базасининг ривожланганлигидир.

**5. Тараққиётнинг глобал моделларидан ташқари дунёдаги АҚШ, Англия, Япония, Германия каби айрим ривожланган ва бошқа ривожланаётган мамлакатларда қуйидаги моделлар ҳам кўзга ташланади:**

**5. Африка иқтисодий тараққиёт модели** – типик хомашё йўналиши, иқтисодиётда паст унумдорлик даражаси, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, аҳоли турмушининг паст даражаси, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, уруғчилик, кабилалар ўртасидаги урушлар, ижтимоий-сиёсий беқарорлик билан характерланади.

**6. Собик Иттифокдан кейинги иқтисодий тараққиёт модели** – асосан МДХ мамлакатларига хос бўлиб, улар ишлаб чиқарган технологиясининг умумий хусусияти, ягона андозалар, иқтисодиётни ислох қилишнинг умумий вазибалари бирлаштиради. Аммо МДХ доирасида кейинчалик миллий тараққиёт моделлари етакчи ўринни эгаллай олмади. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида саноати ривожланган мамлакатлар биринчи даражага кўтарилди.

**7. “Америка модели”да** бозор муносабати нихоятда либераллиги билан характерланади. Давлатчилик асослари ва демократик тамойиллар муқаддаслиги, ўз кучига таянишга ўргатилади. “АҚШ миллатлар ҳамжамияти” гоёсида бирлашган давлатдир. 1929 йилда буюк депрессия-либерал иқтисоднинг чуқур инкирозини бартараф этишга қаратилди. Бу модель XX аср 30-40-йилларида Франклин Рузвельт “Региономикаси” нолиберализм – АҚШда “оқилона давлат” сиёсати билан характерланади:

1) ҳар бир шахс ютуғи, иқтисодий фаровонлик;

- 2) социал тенглик кўйилмаган;
- 3) тадбиркорликни ривожлантирган.

Нолибералистлар давлатнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солиш, фаол ижтимоий сиёсат олиб бориш зарурлигини тан олдилар. “Ўлган” иқтисодиётни давлат йўлга солди.

АҚШ фуқаро ва ёшларни ғоявий-мафқуравий тарбиялашда америкалик болалигиданок кимгадир ва нимагадир орқа қилишга эмас, ўз кучига таянишга ўргатилади. Ҳар бир америкаликда келажакка ишонч уйғотади. Худди ана шу “Америка орзуси” кишиларни янги мақсадлар сари рағбатлантиради, янги ғояларни амалга оширишга шавқ уйғотади. Ўз кучига ишонч, руҳий озодлик, мустақил фикрлаш ғоясига асосланилади. Аммо муаммолар бор. АҚШ зиёлилари томонидан янги мафқура “либерал-национализм” мафқураси яратилиб, миллий ва ирқий жиҳатдан бўлинган ижтимоий гуруҳларни “АҚШ миллатлар ҳамжамияти” ғояси атрофида бирлаштириш ғоявий мафқураси ишлаб чиқилган.

**8. “Япон модели”**да иқтисодий муносабатларда давлат етакчи ўринни эгаллайди. Иккинчи жаҳон урушида 8 миллиондан зиёд одам ҳалок бўлган. Давлат сиёсий маданиятга эътибор қаратди. Иқтисодиёт халқнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси, руҳияти, менталитети билан йўғрилган. Фуқаро меҳнатсеварлик, интизомлилик, жамоавийлик япон миллий характери ривожлантирилди. “Бор имкониятнингни ишга сол!” ғоясига амал қилинади.

**“Ахлоқ тарбияси” тизимига асосан:**

- 1) характерни шакллантириш;
- 2) “давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият”;
- 3) “фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш”га йўналтирилган.

**“Япон мўъжизаси” Додж йўли номи билан боғлиқ:**

- 1) монополияга чек қўйилган;
- 2) ер дехқонларга бўлиб берилган;
- 3) давлат облигацияларини сотиб олган;
- 4) банк кредитларни қисқартирган;
- 5) аҳоли пуллари музлатилган.

**9. “Швед модели”**да иқтисодиёт ижтимоий соҳага йўналтирилган (ижтимоий адолат, ижтимоий муҳофаза, ижтимоий кафолатга эътибор).

**10. “Эрхард (немис) модели”**да XX аср 1949-1950-йилларда иккита ислохот ўтказилган:

1) Пул (марка) ислохоти, бир кечада марка синган, фақат банкда кўп миқдорда маркаси борларнинг 40 маркасигина қолдирилган.

2) Нарх-наво ислохотига кўра “очиқ эшиклар” сиёсати олиб борилган, дўконлардаги нарх-наво ошиб кетган. Чет эл давлатлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, хорижий сармоялар иқтисодиётга жалб қилинган. Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни аниқланган. Ўтиш даврида АҚШнинг “Маршал шартномаси”га таяниб, Ғарб давлатларига ажратилган 50 миллиард доллардан қисман фойдаланган. Эрхард модели ўзида АҚШ, Англия, Швеция каби ривожланган мамлакатлар тараққиёт моделлари ижобий томонларини

ўзида умумлаштирган. 1990 йилда ГФР ва ГДР ўртасидаги девор олиб ташланди. 1992 йилга келиб, Германия Потстам конференцияси (1945) шартномалари бажарилиб, собиқ СССР ва АҚШга катта миқдорда тоvon тўлади. 1994-1995 йилларда 3 миллионга яқин яҳудийларнинг ҳар бирига 3,5 минг маркадан тоvon пули тўлади. Людвиг Эрхард (1897-1977) олиб борган сиёсатга кўра фуқаролар ўз ишини; 1) жуда аниқ бажариш; 2) жуда пухта бажариш; 3) ўз вақтида бажариш; 4) бекаму кўст бажариш; 5) ўз вақтида ҳозир бўлиш талаб этилган.

**11. Турк модели** айнан Эрхард моделининг андозаси бўлиб, немислардан ўзлаштирилган. Фақат бунда Туркия мамлакатда енгил саноат ривожланишига кенг эътибор берган. Пул ва нарх-наво ислохотлари олиб борилган. Бугунги кунда Туркия ўрта ривожланган давлатлар қаторига киради. Ислохот босқичлари: 1) 1923-1950 йй.; 2) 1950-1970 йй.; 3) 1970-1980 йй.; 4) 1980 йилдан кейинги давр. Давлат аралашуви кучайтирилган. Мустафо Камол Отатурк бошчилик қилган (1923). Ислохотлар Президент Тургут Озал номи билан боғлиқ. Сулаймон Демерел, Аҳмад, Сезар, Абдулла Гул президентлик йилларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа ўрнатилган.

**12. “Хитой модели”**да Хитой ислохотларининг “отаси” Ден Сяпин раҳбарлигида “Уч кадам” стратегияси, бозор иқтисодиётининг миллий концепцияси ишлаб чиқилди. Бунга кўра:

**1) Биринчи босқич.** 1982-1989 йилларда асосий иқтисодий кўрсаткич, мамлакатнинг ЯИМ 2 марта ўстириш кўзланди.

**2) Иккинчи босқич.** 1990-1999 йилларда амалга оширилиб, 4 марта кўпайтириш белгиланди.

**3) Учинчи босқич.** 2000-2050 йилларгача белгиланиб, аҳоли жон бошига ЯИМ 4 минг долларга етказиш кўзда тутилди.

Мао Цзе Дун вафотидан сўнг ХХР раиси Ден Сяпин сиёсат ва иқтисодиёт соҳасида оқилона йўл тутди. У “моддий инқилоб” оқибатларини тугатди. У Хитой Компартияси дастуридан “3-жаҳон урушининг муқаррарлиги ва зарурлиги” коидаси олиб ташлади. Ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини олди. У “Бир давлат ва икки сиёсий тузум” дастурининг асосчиси. Бир вақтлар инглизлар босиб олган **Гонконгнинг** Хитойга қайта қўшилиши муаммосини ечиб кетди, 1997 йил 1 июлида қўшилди. Гонконг Буюк Британиянинг Осиёдаги мустамлакаси эди. Натижада Хитой дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига қўшилди.

Хитой давлати бозор иқтисодиёти миллий концепциясига кўра: 1) мамлакат иқтисодиётининг либераллашуви; 2) хусусийлаштириш жараёни; 3) турли мулк шакллариининг пайдо бўлиши; 4) хорижий сармояларнинг кириб келиши йўлга қўйилди. Ден Сяпин: “мамлакат иқтисодиётини ислох этишдан кўзланган мақсад – социалистик бозор иқтисодиёти тизимини шакллантиришдир” деган эди. Хитой аҳолиси 1300 млн киши.

**13. “Жанубий Корея модели”** 4 босқичдан иборат бўлди.

**1) 1946-1961 йилларда** Америка тусидаги давлатчилик шакллантирилди. АҚШ ҳарбий кучлари ушлаб турилиши бу вазифани анча енгиллаштирди.

2) 1962-1975 йилларда Корейс иқтисодий мўъжизасининг отаси деб тан олинган Президент Пак Чжон Хи номи билан боғлиқ. Ислохотнинг асосий йўналиши чора ва эҳтиёжларни қоплашга қаратилган иқтисодиётга эмас, балки маҳсулотни таклиф қиладиган иқтисодиётга қаратилди. Экспорт ошди....

3) 1976-1981 йилларда иқтисодиёт экспортга йўналтирилди. Кейинчалик оғир саноат риволантирилди. 1980 йилларда саноат ишлаб чиқаришида кичик ва ўрта бизнес 20%дан ошмади.

4) 1982-1991 йилларда иқтисодиётни эркин қўйиш, унинг очиклиги таъминланди. Имтиёзли кредитлар бериш бекор қилинди. Давлат фақат узоқ муддатга кредит беришни қафолатлади.

14. “Ўзбек модели” – қисман Эрхард (немис) моделига ўхшаб кетади. Немисларга ўхшаб, мамлакатимизда 2 та ислохот ўтказилди. 1) 1993-1994 йилларда пул ислохоти (купон) жорий қилиниб, миллий сўм муомилага киритилди; 2) Нарх-наво ислохоти 1991-2001 йиллар ва ундан кейинги ҳозирги давргача давом этмоқда.

Аслида XX аср 90-йиллари бошида Ўзбекистон олдида бир қатор стратегик ривожланиш йўллари пайдо бўлган эди. Уларни 4 йўналишга бўлиш мумкин: 1) хомашё; 2) аграр; 3) индустриал; 4) хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича гурухлаш жоиздир.

1. Хомашё йўлини танлаш табиий бойликларнинг янада талон-тарож қилиниши, аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси, саноатнинг ундирувчи тармоқларига зўр беришга олиб келди. Собик Иттифок ихтисослашуви бу йўналишни келтириб чиқарган эди.

2. Аграр иқтисодий тараққиёт модели аграрсаноат мажмуи (АСМ) тармоқларини ривожлантиришни тақозо қилиб, аҳолининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги билан банд қилишга олиб келарди.

3. Индустриал иқтисодий тараққиёт моделининг самарадорлиги Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибаси билан тасдиқланди.

4. Тараққиётнинг хизмат кўрсатиш йўналиши ҳам Ўзбекистонга қўл келиши мумкин эди. Бу йўлдан бораётган Европа мамлакатларида ЯИМнинг 67-70% шу соҳада яратилади. Баъзи мамлакатларда бу ЯИМнинг 25% ни ҳосил қилади.

Ўзбекистон юқорида саналган глобал ва миллий моделларнинг биронтасидан воз кечмади, улардан фойдаланди.

Ўзбекистонда “Фуқаро тарбияси” давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, асосан икки йўналишда олиб борилмоқда:

1) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.

2) Миллий гоя ва мафқурани инсон (фуқаро) онги ва қалбига сингдириш орқали.

3) Фуқаро тарбиясини амалга оширувчи маскан сифатида мактаб танланган.

“Ўзбек модели”нинг кишилар тафаккурини янгилашда тутган ўрни ва аҳамияти куйидагилардан иборат:

1. Одамларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб, мустақилликнинг улуг саодат эканлигига ишончининг мустаҳкамланганлиги.

2. Иқтисодий эркинлик – шахс, оила, меҳнат жамоаси, ижодий гуруҳларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини кучайтириб халқ фаровонлигини ошираётганлиги.

3. Хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаб, унинг мавқени кучайтираётганлиги.

4. Аҳолининг ночор қатламлари, болалар, талабаларнинг ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги.

5. Таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириб, комил инсонларни вояга етказишга хизмат қилаётганлиги.

6. Жаҳонда ўзбек деган халқнинг борлигини ҳар томонлама намоён қилаётганлиги ва бошқалардан иборат (Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя ва мафкура. – Т.: Фан, 2015. 237-238-бетлар).

**Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли – “ўзбек модели”**



9.1.2-расм.

Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиёти қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирадиган энг умумий назарий хулосалар ва мўлжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади.

Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз, деган масала Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” (1999), “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янда чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” (2002), “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” (2005), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (2009), “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (2010 йил 12 ноябрь) каби асарларида айниқса ўзининг тугал ва мукамал ифодасини топди. Унда қурилаётган янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси, жамият ҳаётини тубдан ислох этишнинг навбатдаги стратегик вазифалари 2009-2012 йилларга мўлжаллаган инкирозга қарши чоралар дастурида устувор йўналишлар асослаб берилган. Ана шу масалаларни бажариш миллий истиқлол ғоясининг пировард мақсадларини белгилайди ва бу мақсадларга етишга хизмат қилади.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан қафолатланади.

“Ўзбек модели”ни бугунги кунда демократик жамият барпо этиш муҳим ўзига хос модели эканини дунёнинг жуда кўплаб сиёсатшунос етакчи олимлари ўрганмоқда ва уни таҳлил қилмоқдалар. Масалан, россиялик тадқиқотчилар М.С. Гафарли, А.Г.Қасаев, германиялик Л.Левитин, Россия Фанлар Академиясининг академиги Ф.Бурлацкий уни юксак баҳолашган.

Мустақил тараққиёт йўлига чиққан Ўзбекистон учун энг асосий, бош масала миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш, мустақилликни сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш эди. Мазкур масалага мустақилликка эришган барча мамлакатлар турли даврларда дуч келишган ва улар бу масалани турлича ҳал этишган. Шу сабабли илмий адабиётларда ижтимоий тараққиётнинг “Швед модели”, “Америка модели”, “Япон модели” каби тушунчалар ишлатилмоқда. Мазкур тушунчалар замирида муайян минтақа ёки мамлакатлар ижтимоий тараққиётида сиёсий-иқтисодий ислохотларни қайси йўл билан, қай йўсинда амалга оширилиши билан бир-биридан фарқланади.

3 Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” (1992) асари бозор муносабатларига ўтишнинг жаҳон тараққиёти тажрибаси таҳлил қилинди. Жаҳон тараққиётида: 1) Демократия ва қонунчилик. 2) Мулкчиликнинг турли шакллари ва унга муносабат. 3) Юксак маънавият ва маданиятнинг ривожланиши. 4) Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятига кириш масалалари кўрсатиб берилган.

Асарда Марказий Осиё республикалари ижтимоий тузумини ўзгартириш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган:

1. Маъмурий буйруқбозлик тизимидан демократик, бутун жамиятнинг тузилишига ўтиш.

2. Мулкчиликнинг бегоналашуви: режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш.

3. Тоталитар, ақнапарастлик мафкурасидан хурфикрликка, кўппартиявийликка, умуминсоний маънавиятга амал қилиш.

4. Жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш. Умуман, бу асарда демократик ҳуқуқий давлат ва Ўзбекистонни 125 мамлакат (бугунги кунда эса 180 га яқин) тан олганлиги, 40 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатганлиги баён этилган. Ўзбекистон БМТга 1992 йил 2 мартда қабул қилинганлиги кўрсатилган.

Умуман, бу асар 5 қисм ва бўлимларни ўзида ифода этади:

1. Ўз йўлимизнинг шарт-шароити ва заминлари.

2. Ўзбекистон-демократия ва ижтимоий адолат жамияти.

3. Миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат.

4. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш – мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизлари.

5. Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари.

Умуман, ана шу асар Президентимиз томонидан ёзилгандан сўнг Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг ҳуқуқий асослари ва тамойилларини қабул қилиш билан бирга унда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама асослаб берилди. Шу асар ёзилгандан сўнг жамиятимизда сиёсий ҳаётнинг барча соҳалари, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, модернизациялаш, диверсификациялаш ва вокализациялаштириш жадаллик билан олиб борилмоқда. Бизнингча, мазкур асарнинг тарихий аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, бу Ўзбекистон фуқароларининг мустақил тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан ривожланиб боришининг сиёсий ва иқтисодий йўналишларини белгилаб берди. Халқимиз ўзининг нималарга қодир эканлигини исботламоқда. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди”. Биз бу асарнинг тарихий аҳамиятини шу боисдан ҳам бекиёс деб биламиз.

**Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон – бозор муносабатлари га ўтишнинг ўзига хос йўли” асар (1993) 9 бўлимдан иборат.** Асар бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозаларни ишлаб чиқиш, ўзимизга хос йўлни танлаб олиш ҳақида батафсил маълумот беради. Асарнинг дастлабки қисмида тоталитар тузим оқибатлари чуқур таҳлил қилинган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга оладиган, унинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажакдаги тараққиётига тўла-тўқис мос келадиган мутлақо янги андоза зарурлиги талқин этилган. Энг муҳими, бизнинг бозор иқтисодиётига асосланган давлат қуришдан бошқа йўлимиз йўқлиги айтилади.

Бу йўл 3 таркибий қисмдан иборат:

1. Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий

андозаси моҳиятининг тавсифи.

2. Қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юретишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари.

3. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, тангликдан чиқиб кетиш, барқарорлик ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилган.

Асардаги 9 та муҳим масала қуйидагилардан иборат:

1. Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислохотлар зарурияти.

2. Ўз истиқлол ва таракқиёт йўлимизни белгилаб берувчи шарт-шароитлар мавжудлиги.

3. Иқтисодиётни мафқурадан холи этиш – демократик ва бозор ўзгаришларининг асоси (мулкчилик муносабатлари) эканлиги кўрсатиб ўтилган.

4. Давлат – иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш-иқтисодий ислохотлар йўлининг негизи.

6. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш.

7. Кучли ижтимоий сиёсат-иқтисодий ўзгаришлар кафолати.

8. Ташқи иқтисодий фаолият – жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида.

9. Иқтисодий ислохотнинг асосий устуворликлари ва йўналишлари.

Президентимизнинг ушбу асари айни вақтда ёзилган бўлиб, Ўзбекистонни бозор ислохотлари асосида ривожлантиришнинг ўзига хос муҳим қонуниятлари ишлаб чиқарилганлиги билан аҳамиятлидир.

**“Кучли давлатдан – кучли жамият сари” ғоясининг моҳияти, мазмуни ва унинг фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти.** Президентимиз И.А. Каримов “Кучли давлатдан – кучли жамият сари” ғоясини 1998 йили “Тафаккур” журнали бош муҳаррири билан бўлган суҳбатда кўтарган эди. Бу ғояга кўра биз фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйганмиз, бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтишини Юртбошимиз таъкидлаб ўтади.

Бу ғоя мазмуни 1999 йилда Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” асарида яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтилди. Юртбошимиз “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонуларга ўз муносабатини билдира туриб, бу ғояни янада ривожлантирди. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш, -деган эди Ислоҳ Каримов, -дастурнинг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратди. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади”.

Бу ғоянинг ишлаб чиқилиши ва бу борада дастур қабул қилинишининг сабаби шундаки, ҳар қандай давлат кучли бўлиши мумкин. Масалан, собиқ

СССР қудратли давлат эди, лекин у XX аср охирига келиб, халқдан ажралиб қолди, халқдан, фуқаролардан узоқлашди, ҳокимият органларидан фуқароларнинг иштироки чекланди. Халқнинг давлатдан бегоналашуви, ҳокимиятга ишонмаслик юзага келди. Натижада бундай “ғизимга” эга бўлган давлат қулашига олиб келди.

Президентимиз таъкидлаб айтганидек, биз қудратли кучли давлат қуришимиз мумкин, лекин у фуқаролар манфаатини ифода этмаса, фуқаролардан узоқда бўлса, миллий давлатчилигимиз ҳақидаги қарашлар амалга ошмайди. Шу боисдан ҳам Президентимизнинг бу концепциясига кўра давлат ҳокимияти органларини аста-секинлик билан либераллаштириб, унинг айрим функцияларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш лозимлигини баён этган эди. Ҳақиқатан ҳам бу масала давлат раҳбарининг доно сиёсати тўғрисида амалга оширилмоқда.

“Кучли давлатдан – кучли жамият сари” тамойили фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, нодавлат ва жамоат ташкилотлари родини кучайтириш керак бўлади. Бунинг учун эса, давлат ҳокимияти органларини босқичма-босқич эркинлаштириш зарур. Шу боисдан ҳам мустақиллик йилларида, айниқса 2000 йилдан кейинги даврларда – 2016 йилгача бўлган даврда ва ҳозир ҳам бу масала давлат сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда.

1. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа бу қонунчилик ҳокимияти – мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб, барқарор мувозанатга эришишдан иборат. Президентимиз И. Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Қўшма йиғилишида “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” маърузасида чуқур таҳлил қилиб берди. Бунда: 1) Президент ваколатларининг бир қисмини Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, Қонунчилик палатасини шакллантириб, унинг ҳуқуқларини кенгайтириш; 2) Бош вазир, мамлакат ҳукуматининг родини, масъулиятини кучайтириш; 3) суд ҳокимиятини мустақамлаш ва эркинлигини таъминлаш вазифаларини баён этди. Мамлакатимизда давлат ҳокимиятини эркинлаштиришда икки палатали парламент барпо этишдан мақсад: 1) парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириш; 2) Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб бориш; 3) Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларидан иборат бўлишини таъминлаш; 4) аҳолининг мамлакатижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш лозим бўлади.

Мамлакатни модернизация қилишда узокни кўзлайдиган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ўзида ифода этади. Бу шуни назарда тутадик: 1) дан ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилмоқда; 2) сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг муҳим қарорлар қабул қилишдаги родини кучайтирилмоқда.



9.1.3-расм

Демак, давлат ва жамият қурилиши, сиёсий ҳаётини эркинлаштириш ҳокимият органларининг айрим функцияларини қуйи ҳокимият органларига босқичма-босқич ўтказиш - бу фуқаролик жамиятининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

### 9.3. “Мафқуравий тарбия” тушунчаси, унинг мазмуни ва намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда тарғибот-ташвиқот тамойиллари

**1. Мафқуравий тарбия** – инсон, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамият дунёқарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён<sup>187</sup>.

**Ғоявий тарбия** – инсон онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадний, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ғоявий тарбия мафқуравий тарбия орқали зоҳир

<sup>187</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Гулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 297-бет

бўлади. Гоявий тарбия: оила, маҳалла, ижтимоий-оммавий институтлар, маъмурий-сиёсий ташкилотлар, меҳнат жамоаларида олиб борилади.

Шуни унутмаслик керакки, “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси” (Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 62-бет).

Жамиятни ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа ҳуқуқларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Ғоялар ҳаққоний ва адолатли бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, кўзланган мақсадга эришилади.

Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафқурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса мафқуравий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафқура тамойилларини аҳоли қалби ва онгига мутассил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Ўзбекистон шароитида мафқуравий тарбиянинг асосий вазифаси – халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий мафқурамизнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатдир.

Мафқуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлири, ОАВлар, жамият ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Узлуксиз таълим тизими мафқуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир, зеро мафқуравий мақсадларни кишилар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси, асосан, ана шу тизим орқали амалга оширилади.

“Ёшларнинг онги ва қалбига миллий ғоя ва мафқуранинг сингдириш 2 усулда: I) таълим-тарбия усулида; II) тарғибот-ташвиқот усуллари орқали амалга оширилади.


### **I. Таълим-тарбия усули ўқитишнинг:**

- 1) Кўргазмалилик.
- 2) Узлуксизлик.
- 3) Янги педагогик технологияларни қўллаш.
- 4) Тарихий-манتيкий изчилликни таъминлаш усулларида кенг фойдаланилади.

**2. Мафқуравий таъсир** – мафқуравий жараённинг энг муҳим структуравий компонентларидан биридир. Мафқуравий таъсир икки асосий – тўғри, бевосита ва ўзаро алоқадорликка асосланган билвосита шакллар ёрдамида амалга оширилади. Мафқуравий таъсир самарадорлиги унинг объекти ва субъектига боғлиқ бўлади. Чунончи, мафқуравий таъсир самарадорлиги мафқуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг (объект) маълумот даражаси, маданий савиясига боғлиқ бўлса, ўз навбатида мафқуравий таъсир ўтказаетган идоралар, тарбиявий муассасалар, тарғибот ва ташвиқотлар

(субъект) амалга ошираётган мафқуравий тадбирлар мазмуни ва шаклига, мафқура ходимларининг профессионал маҳоратига, уларнинг инсоний фазилатлари, хислатларига боғлиқ бўлади.


Мафқуравий таъсир ўтказилиши лозим бўлган кишиларнинг маълумот даражаси, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий савияси қанча баланд бўлса, мафқуравий таъсир самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ўз навбатида, мафқуравий таъсир самарадорлиги унинг объекти билан субъекти орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Бундай ўзаро алоқадорлик механизмининг мазмунида бир-бирига ўргатиш, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд тамойили ётмоғи даркор. Бундай ҳолатда ҳар бир киши мафқуравий таъсир доирасига тушади ва ўша таъсир асосида фаолият кўрсата бошлайди.



### 9.3.1-расм

Мафқуравий тарбия ўзига хос тизимга эга бўлиб, бу тизимда хилма-хил бўғинлар ўзига хос аҳамият касб этади. Бу борада мафқуравий тарбия субъектлари алоҳида ўрин тутати.

Жамият аъзоси сифатида, инсон доимо тули гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни, ҳар бир шахснинг феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири мавжуд.



9.3.2-расм

Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузуми ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафқуравий таъсирлар унинг дунёкараши, фикрлаш тарзи, тафаккурда ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили мавжуд:

- Макро босқичдаги таъсирлар ёки кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари.

- Микро босқичдаги таъсирлар ёки бевосита инсон боласи тўғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳитидаги таъсирлар.

Бир қарашда инсон феъл-атворини иккинчи босқич таъсирларгина белгилайдигандай туюлади. Чунки “Куш уясида кўрганини қилади” деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда одамнинг оиласи, насли-насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оқлайди ҳам. Лекин макробосқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини ҳам камситиш тўғри бўлмайди. Масалан, шўролар тузуми жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жиҳатдан имонсиз бўлиб камол топишига замин яратганки, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон кадрини ерга урувчи иқтисодий сиёсат ва идеология сабаб бўлган.

Мафқурани амалга оширувчи шахсдан, аввало, тажриба, билимдонлик, ишонтира олиш қобилияти, унинг нутқи, ўзига ишонч ва бошқалар талаб этилади. Мафқурачиларнинг асосий иш услуби, ўзида мавжуд билим, тушунча, ғояларни асос қилиб олган ҳолда, биринчи навбатда ёшларда, қолаверса, кенг халқ оммаси онгида мустаҳкам эътиқодни шакллантириш, таъсир кўрсатишдир. Бунда у мулоқотнинг барча самарали ва таъсирчан воситаларидан – монолог, диолог, баҳс-мунозара кабилардан фойдаланади.




**9.3.3-расм**

Айнан ана шу фаолият ҳар бир таъсир кўрсатувчининг риторика асосларидан хабардор бўлишини, нутқ маҳоратини эгаллашини талаб этади. Сўзловчи нутқий ва нонутқий воситалардан ўз ўрнида мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиши шарт. Ҳиссий таъсир усуллари – ўринли ишлатиладиган қарашлар, имо-ишора, мимика қабилар ҳам бу таъсирини кўрсатувчи психологик механизмлар эканини унутмаслик керак.

Тарбиячидан талаб қилинадиган яна бир муҳим хислат – сўзлаётган кишининг ёқимтойлигидир. Бу ҳам нотикқа нисбатан ишонч ва эътиқодни оширади. Ёшлар аудиториясида, мантиқий, илмий таҳлилларга асосланган фикр ва мулоҳазалар катта таъсир кучига эга бўлади.

Нотикнинг нима ҳақида сўзлаётгани (ахборотнинг мазмуни) ҳам мафқуравий тарбияда муҳим ўрин тутаяди. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, одамларга ҳам ақлан асосланган (рационал), ҳам эмоционал (хиссий уйғотувчи) маълумотлар тез таъсир қилади. Бунда аудитория хусусияти назарда тутилиши керак. Масалан, ўқимишли, тушунган одамлар аудиторияси фактларга таянган, асосли маълумотни тез қабул қилиб, унга ишонса, кичик ёшлилар, маълумот даражаси пастроқ шахслар кўпроқ юракка яқин, эмоционал маълумотга ўч бўлади. Мафқуравий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар биринчисига газета, журналлар, китоб ва дарсликлар, ёзма

манбаларда мужассамлашган маълумотлар кирса, иккинчисига маъруза, дарсни баён этиш, мунозара ва суҳбатлар ўтказиш кирази.



9.3.4-расм

Бундан ташқари, мафқуравий ғоялар турли бадий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун яратилган мультфильмлар орқали ҳам етказилиши мумкин. Мухими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

**3. Мафқуравий профилактика** – ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафқуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафқуравий профилактика ғоявий бўшлиқни бартараф этиш, мафқуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарали ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Мафқуравий профилактика мафқуравий тарбия ва мафқуравий таъсир тушунчалари билан бевосита ўзаро уйғун боғлиқ бўлиб, уларни амалга ошириш воситаси ҳам дейиш мумкин. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул

ва йўналишларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади (биз бу ҳақда 7-мавзу 3-саволида тўхталган эдик, 7.3.2-расмга қаранг).

Мафқуравий профилактикани амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-моддаси.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил 29 август).
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича дастур (18.01.2011).

4. Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги фармони ва х.к. Уларни амалга оширадиган олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, турли ижтимоий марказлар<sup>188</sup> амалга ошириб келмоқда.

5. Республика миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази (2006 йил 25 август).

6. Республика Маънавият тарғибот маркази.




9.3.5-расм

Мафқуравий тарғиботнинг энг таъсирчан воситаларидан бири мулоқот ҳисобланади (9.3.5-расмга қаранг). Чунки инсон қалбида ва онгида шаклландирган дунёқараш, эътиқод, имон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадийи хамда илмий

<sup>188</sup> Қаримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 126-бет

адабиётларнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмашинув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган баъмани сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам ота-она бир гапни айтиш лозим бўлса, боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва кўзидаги самимият билан фикрини уқтира бошлайди. Ва бундай мулоқот самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан ўқувчи, талаба билан домла ўртасидаги мулоқот таълим ва тарбия жараёнида катта аҳамиятга эга.



9.3.6-расм

Президент Ислоҳ Қаримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий тарбия, эзгу ғояларга ишонч ва садоқатни тарбиялаш масалалари кенг ўрин олган. “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё садоқат – ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларни эслайман. Турли маънавий хуружларга қарши собит тура оладиган, фидойи ва ватанпарвар инсонларни тарбиялашда “маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафқуравий

иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услугларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифа” га айланди<sup>189</sup>.

Мафқуравий тарбияни инсон, ёшлар онги ва қалбига сингдиришнинг асосий йўналишларини куйидагича изоҳлаш мумкин.

## II. Тарғибот-ташвиқот усули.


Миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдириш иккинчи энг муҳим соҳа **тарғибот-ташвиқот усули**орқали амалга оширилади. **Тарғибот** (унинг ўзак сўзи “рағбат”) – у инсонни бирор ҳаракатга рағбатлантиришни назарда тутати.

**Ғоявий тарғибот** деб, миллий ғояни аҳолининг барча қатламлари орасида ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишларига айтилади. Миллий ғоя тарғиботи билан шуғулланувчи кишиларни миллий ғоя тарғиботчилари деб аташади.

**“Ташвиқот”** (тушунчаси ўзаги “шавқ” сўзидан олинган) – у кишида бирор нарсага шавқ уйғотишга йўналтирилади. Тарғибот (“инсон қалбининг созловчилари”) инсоннинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган.

Миллий ғоя ташвиқоти, яъни ғоявий ташвиқот деб, оммага мафқуравий ёки бошқа жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар, тадбирларга айтилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари:

- 1) Кенг камровлилик.
- 2) Мақсадга йўналтирилганлик.
- 3) Ишончлилик, асосланганлик.
- 4) Илмийлик асосида олиб борилади.



9.3.7-расм

<sup>189</sup> Каримов И. А. Юсак – маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 32, 62, 127-бетлар

**Тарғибот-ташвиқотдан мақсад** – билим орттириш эмас, балки кишини бирор ҳаракатга ундашдан иборат. Миллий ғояни халқ қалби ва онгига синғдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар камраб олинади.

**Интерфаол усуллари:**

- 1) Кластер (ахборотларни ёйиш) усули.
- 2) Синквейн (Ахборотларни йигиш) усули.
- 3) “Ақлий хужум” усули.
- 4) “Ажурли арра” усули.
- 5) “Мунозара” усули.
- 6) “Ўз ўрнингни топ” усули.
- 7) “Кичик гуруҳларда ишлаш” усули.
- 8) “Меню” усули.
- 9) “Дебатлар” усули.
- 10) “Танқидий фикрлаш” усули ва ҳоказо.

Ўзбекистонда **мафқуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари** куйидагилардан иборат:

1) Белгиланган тадбирларнинг юкори даражада уюшқоклик билан ўтказилишини таъминлаш.

2) Миллий ғоянинг тарғибот сифатидаги роли мунтазам ошириб бориш.

3) Давр талабларидан келиб чиққан холда мафқуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўлларини излаш.

4) Бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймай ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш.

5) Мафқуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий ғоя, мафқуранинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда куйидаги **ташкилый тамойилларга** амал қилиш мақсадга мувофик:

1. Узлуксизлик (миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига синғдириб боришни бешиқдан бошлаш керак, содда шаклда).

2. Кенг камровлилик (жамият барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафқурани синғдириш).

3. Босқичма-босқичлилиқ (оила-боғча-мактаб-коллеж, лицей, олий ўқув юртлари асосида).

4. Кетма-кетлик (хар бир босқич учун инсонга хизмат қиладиган кадриятлар асосида).

5. Фаоллик (кўпроқ интерактив усуллардан фойдаланиш).

6. Иш билан сўз бирлиги (назария ва амалиёт бирлиги).

7. Шахсий ибрат (тарғибот қилувчининг ўзи шахсий ҳаётда ибрат бўлиши).

8. Ҳаётийлик (ютуклар билан бирга камчиликларни ҳам кўрсатиш).

9. Илғор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш.

10. Меъёрийлик (баландпарвозлик, расмиятчилик, такрорланишларга кўп ҳам йўл кўймаслик).

*Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришининг ноанъанавий қўйидаги усулларидан фойдаланиш ҳам зарур:*

- |                              |                               |
|------------------------------|-------------------------------|
| 1) Ақлий ҳужум.              | 9) Интерфаол.                 |
| 2) Баҳс-мунозара (дебат).    | 10) Йўналтириш.               |
| 3) Гуруҳларга бўлиниб ишлаш. | 11) Музёраб.                  |
| 4) Жуфт бўлиб ишлаш.         | 12) Суратли диктант.          |
| 5) Занжир машқи.             | 13) Чигил ёзди.               |
| 6) Ижодий иш.                | 14) Мусобақа-танлов дарслари. |
| 7) Интервью.                 | 15) Мужассамлашган дарслар.   |
| 8) Интилиш.                  | 16) Баҳолаш ва қиёслаш дарси  |

**Ғоявий тарбияни тарғиб қилиш услублари.** Миллий ғоя ривожининг ҳозирги босқичи маънавий-маърифий, мафкуравий ишлар таъсирчанлигини ошириш, оммани буюк мақсадлар йўлида сафарбар этиш, уюштириш учун асосий эътиборни қўйидагиларга қаратишни такозо этади:

1) Миллий ғоя ва миллий мафкурага оид тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ва унинг қамровини кенгайтириш.

2) Гарчи аччиқ бўлсада, ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик.

3) Сохтакорликдан қочиш.

4) Ҳаётдаги қийинчилик, муаммоларни очиқ-ойдин баён этиш.

5) Оммавий руҳлантириш, ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш.

6) Президентимиз атрофига янада мустаҳкамрок жипслашишга даъват этиш, зиёли, маърифатчи, мафкура иши билан шуғулланувчи барча тарғибот-ташвиқотчиларнинг биринчи даражали вазифасидир.

7) Мақсадимиз маърифатли жамият барпо этишдан иборат, бу жамиятда қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг маъсуллиги, адолат, Ватан, халқ манфаати улғ саналишини инobatга олиш.

8) Халқ ҳуқумдорларга эмас, ҳуқумдор халққа хизмат қилиши – асосий қоида;


9) Пировард мақсадимиз адолатли жамият барпо этиш<sup>190</sup>.

10) Бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмаслик, диёнатлилик, имонлилик, ҳалоллик меъзонини улғлаш.

11) Маърифий-тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан тури: маъруза, суҳбат ва баҳс-мунозаралар, семинарлар, конференциялар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш йўли билан амалга оширилади.

12) Мафкуранинг асосий мақсадларини халққа содда, таъсирчан, тушунарли тарзда етказиш учун одамлар қалбига йўл топа оладиган фидоий инсон, зиёлиларга таяниш.

<sup>190</sup> Бобоев Ҳ., Ғофуров З., Исмолов З. Миллий истиқлол мафкураси ва таракқиёт. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. 174, 176, 191-бетлар.



9.3.8-расм

**Миллий ғоя ва миллий мафқурани тарғиб қилишда қуйидаги тарбиявий тамойил, услуб (методларга) эътибор бериш керак:**

- 1) Тушунтиришда ва баён этишда оддийлик ва лўндалик.
- 2) Талаб ва тақлифни доимо назорат остига олиш.
- 3) Онга таъсир кўрсатишининг янги технологияларини ишлаб чиқиш<sup>191</sup>.
- 4) Зиёлилар максини ошириш, уларга эътибор ва имконият яратиш.
- 5) Турли билимларни эгаллашга бўлган иштиёкни кўллаб-қувватлаш.
- 6) Оммавий ахборот воситаларида халқ руҳиятига яқинлаштирилган янги мафқуравий материалларни кўпайтириш, доимий “акс таъсир” тамойилига амал қилиш.
- 7) Телевидение ва радио замонавий иш усул ва шаклларини эгаллаши учун расмий хабарларнигина эмас, балки халқаро меъзонларга мувофиқ матбуот саҳифаларида ва телевидениеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий, халқаро шарҳлар, баҳс-мунозаралар кўринишида бўлиши лозим.


#### **9.4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми**

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда қабул қилинди. Ушбу ҳар иккала қонун миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми ҳисобланади. Чунки дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафқуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар

<sup>191</sup> Қаримова В.М. Ёшларни миллий ғояни ва миллий мафқурани шакллантириш омиллари ва шартлари // Таълим ва тарбия, 2000. 1-2-сонлар. 40-бет.

тайёрлаш миллий тизимини яратиш. Бу мақсад миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг ҳам мақсадидир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш кўзда тутилган эди<sup>192</sup>.

1997 йил 6 октябрдаги Ўзбекистон Президентининг “Таълим-тарбия ва Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги фармони билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.



2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди<sup>193</sup>. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори билан 2та марказ юзага келди<sup>194</sup>:


- 1) Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази.
- 2) Республика маънавият тарғибот маркази очилди.

<sup>192</sup> Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 2001. 3-52-бетлар

<sup>193</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши. // Маърифат, 2001 йил 20 январь.

<sup>194</sup>//Халқ сўзи, 2006 йил 25 август.

Шу боисдан ҳам комил инсон тарбияси ҳам миллий ғоя ва мафқуранинг асосий ғояларидан бири бўлиб, у Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳам устувор мақсадларидан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Комил инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинди. Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвор билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”<sup>195</sup>.



**9.4.1-расм**

“Таълим тўғрисида”ги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисидаги қонунлар “Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг меъёрий асоси, уни амалга ошириш усули ва механизмидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзаги ва муҳим хусусияти унга асосий таркибий қисмлар сифатида қуйидаги компонентлар: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг киритилганлигидан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз қондаларининг кенглиги ва теранлиги жиҳатидан таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилганлиги билан чегараланиб қолмайди. У доимий ижтимоий аҳамиятга эга.

<sup>195</sup>Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурагимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, айниқса уни амалда рўёбга чиқариш ижтимоий жараёнларга (1997-2016 йиллар) қандай таъсир кўрсатди?**

**1. Миллий дастурининг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсатди:**

- 1) Давлатни бошқаришда ва ижтимоий ҳаётда демократик асосларни юзага келтирди.
- 2) Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида одамларнинг ўз меҳнати натижаларидан бегоналашувга барҳам бериш билан.
- 3) Шахснинг маънавий-ахлоқий бегоналашуви барҳам топиб, ижтимоий онг, тафаккурнинг шаклланишига олиб келди.
- 4) Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда демократик принциплар ва қонуни устуворлиги жорий этилди.
- 5) Ижтимоий онг соҳасида мафқуравий зўравонликка барҳам берилиб, ижтимоий жараёнларни мустақил тушуниб етиш учун ва жамиятнинг ҳамма аъзолари, шахс ўз қарашларини эркин баён этиш учун имконият яратилди.

**2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга ошириш шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиш жараёнини тезлаштарди:**

- 1) Ижтимоий фаоллик ва ҳаракатчанлик ижтимоийлаштириш (социализациялаш)нинг самарадорлигининг ошишига олиб келди.
- 2) Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда (Собиқ иттифоқ даврида) шахс устуворлиги каъбий белгилаб қўйилган эди. Эндиликда шахс Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва таълим тизимининг асосий, тизим ҳосил қилувчи компонентига айланди (шахс-жамият-давлат принципига ўтилди).
- 3) Миллий дастурининг "...одамнинг қобилиятларини намоён қилиш ва унинг таълим соҳасидаги хилма-хил эҳтиёжларини қондириш" деган қондаси амалга оширилмоқда.

**3. Таълим миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахс шаклланишига олиб келди:**

- 1) Шахсга таълим йўналишини танлаш эркинлиги берилди – бу олий қадриятдир.
- 2) Таълимни гуманитарлаш ва инсонпарварлаштириш конструктив эркинлик қўникмаларини ривожлантирди.
- 3) Шахснинг билим олувчиларда эстетик бой дунёқарашини, юксак маънавиятини, маданият, ижодий фикрлашнинг шакллантирди.
- 4) Шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантиришнинг устуворлиги таъминланди.

**4. Кадрлар тайёрлаш миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омилига айланди:**

- 1) Давлат кадрлар тайёрлаш қабилидир, яъни давлат таълим хизматлари бозорини. билим олишнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтирди.
- 2) Давлат ДТС ва бошқа механизмлар ёрдамида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамият эҳтиёжлари, фан, техника, технологиянинг ҳозирги ютуқлари асосида кадрлар тайёрлаш мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий талабларни белгилаб берди.
- 3) Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг компонентлари: шахс, давлат, жамият, фан, узлуксиз таълим, ишлаб чиқариш ўртасида реал алоқа яратилди.

**5. Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделини рўёбга чиқариш миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириб, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириди:**

- 1) Шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият олдидagi мажбурияти алоқадорлигига асосланди.
- 2) Ҳуқуқий маданият ўсишига олиб келди.
- 3) “Ғоявий, мафқуравий, ҳуқуқий бўшлиқ зоналари” пайдо бўладиган эскича фикрлаш барҳам топди.
- 4) “Инсон ҳуқуқларининг устунлиги принципи” жорий этилди (кадрият).
- 5) Ҳуқуқий маданият: а) иқтисодий амалиётнинг ва таълим жараёнининг таъсирини шаклланди; б) ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти принциплари модели яратилди.
- 6) Билим олиш, ўз интеллектуал ва маънавий потенциали рўёбга чиқа бошлади.

**6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин олишига имкон яратиб берди:**

- 1) Сийосий соҳада Ўзбекистон халқаро жараёнларда низоларнинг олдини олиш, минтақавий ва глобал хавфсизлик механизмларини ишлаб чиқишда хал қилувчи кучга айланди.
- 2) Иқтисодий соҳада қудратли иқтисодий потенциал яратилди, Ўзбекистон – “очик” жамият бўлиб, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли шартномалар асосида ривожланмоқда.
- 3) Миллий дастур кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик халқаро ҳуқуқий асосини яратилди.

**7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг таркибий қисми ҳисобланади.**

**9.4.2-расм**

Умуман, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига эришиш – ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосини таркиб топтиришнинг муҳим асосига айланди.

## ХУЛОСА

Кишилик жамияти пайдо болганидан буён инсон кундалик фаолиятида ривожланиб, такомиллашиб борадиган, муайян эътиқодни ифодаловчи ғояларга таяниб иш кўради. Шу йўлда кишиларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишга ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиши ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади.

Собиқ Иттифок даврида интилиш авлод-аждодларимизнинг ғояларини ўрганишга етарли эътибор берилмади. Ўша даврда баъзи мутафаккирларнинг мероси ҳақидаги асарларида буюк зотларнинг дунёқараши кўпроқ коммунистик ғоя ва мафкура синфийлик, портиявийлик, инқилобийлик, умумхалк мулкчилиги нуктаи қарашларида ёритилган ва одамлар қалби, онгида сингдирилган эди. Аслида аждодларимизнинг миллий ва умуминсоний ғояларга бой маънавий мероси ҳозирги пайтда жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу маънавий мероснинг ғоя ва мафкуралар қарашлари нуктаи назаридан чуқур тадқиқ қилиниши жамият ривожланишини маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги асосида ўрганиш лозимлигини белгилаб берди. Чунки миллий ғоя мужассам бўлган буюк мақсадларни рғёбга чиқариши авваломбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бизнинг энг улуг мақсадимиз, энг улуг ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақиллиқни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш (И.А.Каримов).

Мустақиллик йилларида тўпланган тажриба ва ижтимоий ҳаёт ривожини аслида инсон, жамият, давлат ғоя ва мафкурасиз яшай олмаслигини кўрсатди. Замон, одамзод ўзининг руҳи ва шууридаги кўпдан-кўп саволларга жавоб берадиган, уни доимий фаолиятга ундаб турадиган ҳаётбахш ғояга ҳамиша эҳтиёж сезиб яшайди. Чунки табиатда, жамиятда бўшлиқ бўлмагани каби инсон қалби ва онгида ҳам бўшлиқ бўлмайди. Жамият ҳаётида соғлом ғоя устувор бўлиб турмаса, одамларнинг қалби ва онгини ёт, зарарли ғоялар эгаллаб, халқнинг турмуш тарзини издан чиқаради. Худди дунёнинг бойлиги турли кучлар ўртасида талаш бўлганидек, инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаб, уларни ўз кўлидаги қуролга айлантириш мақсади ҳам жаҳонда ҳар хил тажавузкор оқим ва талимотларни ўзаро курашга ундаши, айниқса, бугунги кунда яққол намоён бўлмоқда.

Президентимиз ҳозирги тараққиётнинг мана шундай ўзига хос қонуниятларини теран ҳис этиб, мақсадлар билан яшаётган халқимизнинг интилишларига мос келадиган миллий ғоя ва мафкура тўғрисидаги таълимотни яратди. Бу таълимот Юртбошимиз асарларида тўла-тўқис асослаб берилди. Ана шу асосларда 2000 йилда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” номли махсус рисола чоп этилди. “Миллат бор экан, - дейилади рисолада, - миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана

ва урф-одатларига таҳдид соладиган, ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмиронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишига қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сакланиб қолиши муқаррар.

Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, имони бутун бўлиб воёга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага қўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир<sup>196</sup>.

Ҳозирги даврдаги глобал муаммолар, яъни ер юзида ялли тинчликни сақлаш, терма ядро урушининг олдини олиш ва адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, атроф-муҳитни самарали муҳофаза қилиш, аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий неъматлар яратилиши мутаносиблигига эришиш, жаҳон аҳолисини зарур озиқ-овқат ва қувват манбалари билан ишончли таъминлаш, очлик, қашшоқлик ва қоқоқликни тугатиш, маънавий муҳит софликни таъминлаш билан боғлиқ ғояларнинг ўрни ва аҳамиятини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ҳам долзарб вазифага айланди.

Бугунги кунда халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можаролар кўчаётганлиги, ғоявий-мафкуравий курашининг янги паллага кирганлигини кўрсатмоқда. Зеро, шундай экан жаҳонда кечаётган ғоявий-мафкуравий кураш майдонларида ўзбек халқининг ғоявий-мафкуравий рақобат бардошлигини таъминлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган мутахассислар янги авлодини тарбиялаб воёга етказиш ўзининг долзарблигича қолаверади. Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни тақиб қилиш билан, маъмурий ғоялар билан енгиб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганларидек, “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>197</sup>.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “уч поғонали жавоб тизими” яъни таҳдидларни” англаш”, олдини олиш ва ниҳоят бартараф қилиш орқали жавоб бериш мумкин.

Миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги хулосаларимиз шулардан иборат:

1. Миллий ғоя ва мафкуранинг назарий-методологик асосларини аввало ушбу фаннинг пайдо бўлиш сабаблари, унинг объекти, предмети, қонун ва қатгориалари, метод ва принциплари, мақсад вазифа ва функциялари, ғоя, мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш имкониятини оширади. Президентимиз Ислоҳ Қаримовнинг асарлари миллий ғоя ва мафкуранинг илмий-услубий асоси сифатида ўрганиб, жамият ижтимоий-сиёсий, мафкуравий жараёнларида ғояларининг дифференциялашуви ва мафкуравий таъсирларини объектив баҳолайди, мантикий хулосалар, фикрлаш салоҳиятини юзага чиқаради.

<sup>196</sup> Қаримов. И. А. Юксак маънавият – энгилмас ҳуч. – Т.: Маънавият, 2008. - 119-бет.

<sup>197</sup> Қаримов. И. А. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқорлик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 56-6.

2. Миллий ғоя ва мафқуранинг тарихий илдиэлари, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, қадимги Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашлари, Шарқ ва Марказий Осиёда ғояларнинг намоён бўлиши, ғарб мамлакатларида ғоявий қарашларининг такомил босқичлари, энг янги даврда мафқуравий жараёнлар ҳамда мустикаллик-миллий ғоя фанининг бош мавзуси, маънавий жасорат, миллат ғояси ва руҳининг ифодаси билан боғлиқ бўлган ижтимоий фалсафий ғоялар ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш имкониятини ҳосил қилади.

3. Ўзида халқ манфаати ва менталитетини ифода этадиган ижтимоий тараққиёт ва мафқуравий ривожланишга бевосита таъсир кўрсатади.

4. Таҳдид тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, йўналишлари Президент Ислом Каримовнинг асарлари орқали мантикий изоҳланиб, вайронкор ғоялар, реакция намоҳияти, мафқурадаги жамоавий ва индивидуал ёндашувларнинг салбий оқибатлари ва уларга қарши курашнинг тарихий зарурати таҳлил қилинди.

5. Мафқуравий таҳдиднинг ошқора ва ёпик характери, ахборот хавфсизлигининг локал ва глобал аҳамияти ўрганилиб, мафқуравий тажовуз ва унга қарши миллий хавфсизликни таъминлаш лозимлиги ҳақида мантикий фикр юритилди.

6. Мафқуравий фаолият – миллий ғояни амалга ошириш воситаси бўлиб, бунда, асосан унинг ўзига хос мезонлари, бунёдкор ғояларни амалга оширишга қаратилган мафқуравий фаолият тамойиллари ва уни амалга оширишнинг замонавий технологияларига эътибор қаратилди.

7. “Мафқуравий майдон”, “мафқуравий полигон” тушунчалари, унинг намоён бўлиш хусусиятлари Президент Ислом Каримовнинг “Жамият мафқураси халқни – халқ, миллатни –миллат қилишга хизмат этсин” (1998), “Юксак маънавият – энгилмас куч” (2008) каби асарлари асосида ўрганилиб, глобаллашув жараёнида мафқуравий иммунитетни билим, кадрлар тизими каби мезонлар негизида шакллантириш омиллари, вазибалари таҳлил қилинди.

8. Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий ғоявий асослари, миллатлараро тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик тушунчалари миллий ғоя билан муштараклиги, миллий давлатчилик ва демократик ривожланишнинг шарқона тақдирини миллий мафқуранинг асосий ғоялари билан биргалликда ўрганилди.

9. Тафаккур ўзгариши ва маънавий янгилинишда миллий ғоянинг роли ва уни ривожлантиришнинг институционал тизими, бозор муносабатлари мезонлари асосида унинг инсон тафакқурига таъсири тарғибот-ташвиқот тамойиллари, ғоявий ва мафқуравий тарбия воситалари билан боғлиқ ҳолда баён этилди.

Умуман, миллий ғоя ва мафқуранинг – бугунги долзарб масалалари жаҳон ва ватанимиз ҳаётига доир бой маънавий мерос, ҳозирги даврга хос мафқура соҳасидаги қарашлар, назария ва таълимотларнинг тавсифи, турли ғоялар таъсири ва тажовуздан ҳимояланиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзига хос тараққиёт йўлининг объектив қонуниятлари, халқимизнинг ҳаёти ва тафакқурида рўй бераётган ўзгаришлар, аҳоли, айниқса,

ёш авлод қалби ва онгида бунёдкорлик тамойилларига садокат туйғуларини шакллантириш вазифаларига асосланади.

Юртбошимиз томонидан яратилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари онги ва қалбига сингдириш ушбу жараёнинг таркибий қисмидир. Бу эса мазкур соҳадаги вазифаларни амалга ошириш борасида ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Мамлакатимизда ва халқимиз олдида турган муҳим вазифаларни бажариш, эл-юртга фидойи ва садокатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билимли ва маънан баркамол шахсларни тарбиялаш бу борада хизмат қиладиган маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари, зиёли ва хизматчилар, ўқитувчилар ва мутахассислар, умумаъ, барчамизнинг муқаддас бурчимизга айланди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январдаги “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши // “Маърифат”, 2001 йил 20 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори. //Халқ сўзи, 2006 йил 26 август.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури / Олий таълим. Меърий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Шарқ, 2001.-17-32-бетлар.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1 –Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
12. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
13. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
14. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
16. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003.
17. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ.Т.12 – Т.: Ўзбекистон, 2004.
18. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
19. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
20. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15 – Т.: Ўзбекистон, 2007.

21. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
22. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
23. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
24. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгил, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
25. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мажлисидаги нутқи. Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
27. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-лик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонлари. Т.19. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
28. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш. Т.20. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
29. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. Т.21. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
30. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т.22. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
31. Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
32. Каримов И.А. Эришган марраларимиз билан чегараланмасдан, бошлаган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш - бугунги кундаги энг долзарб вазифамиздир. Т.23. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
33. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
34. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг очиб беришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
35. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Шарк, 1994.
36. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
37. Абдурауф Фитрат. Оила. – Т.: Маънавият, 2000.

38. Назаров К. ва бошқ. Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати. – Т.: Akademiya, 2007.
- Назаров Қ. Буғунги дунёнинг мафқуравий манзараси. – Т.: Ижод дунёси, 2002.
39. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2011.
40. Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н. Э. Миллий гоя ва мафқура. – Т.: Фан, 2015.
41. Сайидахмедов Н. Миллий гоя: дидактик технологиялар асосида ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент, 2015.
42. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиклол ғояси. Дарслик. – Т.: Akademiya, 2005.
43. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
44. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Изоҳли кўргазмалар воситалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
45. Қаршибоев М., Мусурмонова О. Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари. Ўқув кўлланма. – Т.: Маънавият, 2001.
46. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Маъруза матнлари учун материаллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
47. Миллий истиклол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифалари доирасида. – Т.: Akademiya, 2002.
48. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий лугат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002.
49. Очилдиев А. Миллий гоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон 2004.
50. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафқуравий жараёнлар. – Т.: Мухаррир, 2009.
51. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга – юз жавоб). – Т.: Ислом университети, 2009.
52. Мамадалиев Ш.О. ва бошқ. Миллий истиклол ғояси ва миллий хавфсизлик: маърузалар курси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2007.
53. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. – Т.: Янги аср авлоди, 2004.
54. Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий гоя. – Т.: Маънавият, 2005.
55. Қуронов М. Оғоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. – Тошкент, 2015.
56. Мадаева Ш. Миллий менталитет ва демократик тафаккур. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.
57. Мамашокиров С., Тоғаев Ш. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий – мафқуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007.
58. Мунавварова М. Миллий гояннинг маънавий илдизлари. – Т.: Маънавият, 2001.
59. Махмудов Ю. Ғ ва бошқ. Миллий гурур – маънавий комиллик мезони. – Т.: “Дизайн-пресс” МЧЖ нашр, 2011.

60. Глобаллашув. Оммавий маданият. Миллий ғоя. – Т.: Маънавият, 2009.
61. Зиёмухаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Т.: “Турон-икбол” нашриёти, 2006.
62. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
63. Маврулов А. Ватанни севиш масъулияти. – Тошкент, 2015.
64. Эрқаев А. Тафаккур эркинлиги. – Т.: Маънавият, 2007.
65. Қахҳорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.: Тафаккур, 2009.
66. Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
67. Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). – Т.: Noshir, 2009.
68. Каримов Т. ва бошқ. Ғоя, маънавият ва мафкура (асосий тушунча ва атамалар лугати). – Т.: ТДИУ, 2008.
69. Холиқов Э. ва бошқ. Миллий ғоя фанидан семинар машғулотлари ўтказиш методикаси (қисқа матнлар, услубий тавсиялар). – Т.: “Турон-икбол”, 2010.
70. Яғонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! Услубий қўлланма. – Т.: Маънавият, 2014.
71. Темур тузуқлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
72. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2007.
73. Тўхлиев Н. Ўзбек модели: тараққиёт тамойиллари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2014.
74. Очилова Б.М. Ижтимоий фалсафа. Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2010.
75. Отамуродов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. – Тошкент, 2015.
76. Маънавият: асосий тушунчалар ва изоҳли лугат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
77. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иктисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: Маънавият, 2006.
78. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Академия, 2010.
79. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ, 2001.
80. Ҳомидий Х. “Авесто”дан “Шоҳнома”гача. – Т.: Шарқ, 2007.
81. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Т.: Камалак, 1991.
82. Ҳайдаров Х.Ф. Ислохотлар қонунияти. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
83. Примова Ф. Ёшлар ва миллий истиқлол ғояси: муаммолар, ечимлар. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
84. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. – Т.: Шарқ, 2006.

85. Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Т.: Akademiya, 2007.
86. Куронов М.ва бошқ. Маънавий тарбия: хрестоматия. – Т.: Turon zamin ziyo, 2014.
87. Қобилов Ш. Иқтисодий ва ижтимоий ҳавфсизликни мустаҳкамлаш стратегияси. – Тошкент, 2015.
88. Бозорбоев О. Миллий гоя ва тарғибот самарадорлиги. – Т.: Маънавият, 2015.
89. Тўраев Ш. Миллий гоя ва маънавият, 2015.
90. Ташанов А. Вайронкор гоялар ва бузғунчи мафқуралар. – Т.: Turon zamin ziyo, 2015.
91. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz).
92. [www.press-servise.uz](http://www.press-servise.uz).
93. [www.literature.uz](http://www.literature.uz).
94. [www.Ziyo.net.uz](http://www.Ziyo.net.uz).
95. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
96. [www.press.uz](http://www.press.uz)

Азамат Мухтаров, Турсунбой Султонов

# МИЛЛИЙ ҒОЯ

*Ўқув-услубий қўлланма*

*Муҳаррир  
Вахабова М.*

*Мусаҳҳиҳ  
Комилова Д.*

*Компьютерда саҳифаловчи  
Ҳожиакбарова М.*

Босишга берилди 20.08.2016 й. Қоғоз бичими 60x80 1/16.  
Шартли босма табағи 20,4 б.т. Адади 55 нусха. Буюртма №032

Лицензия А1 № 240 04.07.2013.  
“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.  
100003. Тошкент шаҳри Ўзбекистон шохкўчаси. 49-уй